



440
1962/6

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

6

№ 6
1962

1962



R 440

ШАРҚ ЮЛДУЗИ


ЎЗБЕКИСТОН ТИЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

☆


ОЙЛИК АДАБИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ

ЖУРНАЛ

XXX ПИЛ ЧИҚИШИ



6



И Ю Н Ъ

1962

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН», «ПРАВДА ВОСТОКА»
ВА «ЎЗБЕКИСТОННИ СУРХ» БИРЛАШГАН НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ



ШУКРУЛЛО

Тинчлик момақалди роғи

Бирдан гумбурлади момақалди роқ,
Қирлар-у боғларга ёмғир қуймоқчи.
Қалб ўтидек кўкда ялт этди чақмоқ,
Дарахлар соч ёйди, бошини ювмоқчи.

Болалар югурди ток тағларига —
Бодраб чиқар экан қўзиқоринлар.
Кўксултон тердилар этакларида,
Жиққа ҳўл бўлса ҳам соч-у яғринлар.

Ёмғир ёголоқ деб хурсанд чопишар,
Тўполон, шодлиги ичга сиғмасди.
Лекин юрагимга момақалди роқ
Бир дара солганини улар сезмасди.

Улар сезмасдилар момақалди роқ
Жанг йилларини менга эслатганим ҳам,
Улар кўрмаганлар, қирқ биринчи йил
Ўт ва қон ичида қолганим олам.

Улар билмайдилар — фронтдан қайтиб
Гуллар экканимни ҳатто бир қўл-ла.

Экканман гулларини шуларга атаб,
Улар ўйнасин деб, кулсин деб улар.

Осмон гумбурласа салют деб ўйлаб,
Кўча-кўйни тутиб бўладилар шод.
Ҳа, булар ғалаба салютини тинглаб,
Тинчликка туғилиб, ўсган бир авлод.

Менга не эслатди момақалди роқ,
Буни айтмаганим балки маъқулроқ.

Ана, кўкка чиқди бирдан камалак,
Тинчлик қуёши-ла ёришди олам.
Ўйинини бошлади гулда капалак,
Кўкка кўтарилиди кабутарлар ҳам.

Ўзим эккан гулга завқ-ла боқаман,
Қувноқ бу ёшларга боқаман узоқ.
Салют бераб тинчлик, баҳор, қуёшдан,
Шодлик бўлиб янгра, момақалди роқ.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Она ва бола

Она фарзандини кўтариб хурсанд,
Бу ҳаёт кўригига боқар маҳлиё.
Само кўк, ҳаво соф — осуда фурсат,
Қалби, кўзларига ёғилар зиё.
Гўдак талпинади. Яроқ ўйини,
Гуллар шодлигига ёзар қулочини.
Анқитиб боғларнинг атир бўйини,
Шамол силаб ётар майсалар сочин.
Она юрагини тушунмоқ осон,
Шу қалбдир ўстирган инсониятни.
Фарзанд — юлдузларга бу сийна осмон,
Ҳамиша ардоқлар улуғ ниятни.

Меҳри қаршисида бир чўғдир офтоб,
Қўлда кўтаргани фарзанд — истиқбол.
Бола — ўқилмаган буюк бир китоб,
Бола — очилмаган бир гунча мисол.
Она ташвишларини яққол ўқидим
Уфқларга боққан кўзидан шу кел,
У асрар фарзандини ўлим ўқидан,
Урушга нафрати чексиздир, чексиз!
Она кўз олмайди дил порасидан,
Эртакиз наслига меҳри бир олам,
Эй, она, бахтингни кўз қорасидай
Сақлаш-чун солдатдай ичгумдир қасам!



„Менингча, ҳозир...учта асосий душман бор: биринчи душман — коммунистик манманлик, иккинчи душман — саводсизлик ва учинчи душман — порахурликдир“.

В. И. ЛЕНИН.

Абдулла
ҚАҲҲОР

3 парда, 7 кўринишли комедия

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Парда олдига театр вакили чиқади.

Театр вакили. Ҳеч бир жиноятни порахурликка тенг кўриб бўлмайди. Ўғри кечаси йўлингизни тўсиб чўнтагингизга қўл солади, пулингизни олади, олади-ю, қочади-кетади. Порахўр, куппа-кундуз кунни, яна ҳукумат идорасида ўтириб чўнтагингизга қўл солади, пулингизни олади-ю, қочиб кетмайди, жиноятига сизни шерик қилади! Порахўр бизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни ўғирлайди, ўғирлаб ўзимизга сотади! Конституция бизга меҳнат қилиш ҳуқуқини берган, порахўр биздан бу ҳуқуқни ўғирлаб ўзимизга сотади; корхона, муассаса эшигида йўлимизни тўсиб пора сўрайди! Конституция бизга ўқиш ҳуқуқини берган, порахўр биздан бу ҳуқуқни ўғирлаб ўзимизга сотади: ўқув юрти эшиги олдида йўлимизни тўсиб пора сўрайди! Биз бутун куч-қувватимизни аямай юрт фаровонлиги йўлида тер тўкамай,

Т
о
р
а
х
у
р
н
а
ж
о
в
у
ш

Т
о
р
а
х
у
р
н
а
ж
о
в
у
ш

порахўр меҳнатимизнинг самарасини ўғирлаб пора бадалига чайқовчининг қўйнига тикади, бизни меҳнатимизнинг самарасини чайқовчидан сотиб олишга мажбур қилади. Ишонмасангиз, марҳамат, порахўрнинг башарасини ўз кўзингиз билан кўринг!

Мачитга девор қўшни Нусрат Сухсуровнинг ҳашаматли ҳовлисида меҳмонхона. Унинг бир эшиги ҳовлига, иккинчиси куча эшигига томон очилади. Бурчакда каттақон қора печка. Печка меҳмонхонадан ёкилади. Диван. Қозикда салла билан тўн. Бу ерда туни бўйи ичкилик бўлган. Хонтахтада коньякдан бўшаган шишалар, керагидан кўпроқ рюмка, қолган-қутган овқат. Ҳамма учиб ётибди: Нусрат Сухсуров диванга интилгану етолмаган; Юсуф Сухсуровнинг бир оёғини қучоқлаганича қолган; фартуқ тутиб олган Қори сичқон пойлаган мушукдай жағини хонтахтага қўйганича пишиллаб ётибди. Сухсуров баланд, Юсуф ундан пастроқ хуррак тортмоқда. Хўроз қичқиради. Ичкаридан сочлари тўзиган, елкасига наридан бери бир нима ташлаб олган Нетайхон ич қўйлакда киради, ҳаммага, айниқса Сухсуровга диққат билан разм солади; ҳамма қаттиқ уйқуда эканига ишонганидан кейин келиб Қорини туртади.

Нетайхон (*қаттиқ шивирлаб*).
Қори ака! Қори ака дейман!..

Қори (*уйқусираб*). Илллолло!..

Нетайхон Туринг.

Қори (*қучоқламоқчи бўлади*).
Худоё еткурган неъматингга шукур!..

Нетайхон. Эндими!.. Келасиз деб кечаси билан кўз юмганим йўқ! Бир ойдан бери шуми соғинганингиз!

Қори. Қаасини ўқиймиз! (*Қучоқлайди, ичкарига тортади.*)

Азон туши эшитилади.

Нетайхон. (*тарвузи қўлтиғидан тушиб*). Вой ўлсин! (*Эрига ишора қилиб*.) Уйғониб қолади! Шарманда бўламиз! Азонда сувсаб уйғонадиган одати бор!.. Қўйворинг!..

Қори фартуғини ечиб, у ёқ-бу ёғини тузатади, салла-тўнини кийиб, кўчага чиқиб кетади. Мачитда намоз бошланади. Нетайхон кўча эшигидан бошини чиқариб, у ёқ-бу ёққа қарайди, кимнидир кўриб, уни ваҳима билан кузатади, югуриб меҳмонхонага қайтади.

Нетайхон (*эрини уйғотади*).
Нусрат ака! Нусрат ака дейман, туринг!..

Сухсуров яна ҳам қаттиқроқ хуррак тортади, ўзининг хуррагидан ўзи уйғониб кетади.

Сухсуров. Ҳм... Шу ерда ётиб қолаберибман-да!.. Нега уйғотмадинг?

Нетайхон. Сизни уйғотиб бўлса экан!.. Туринг, ҳовлимизнинг атрофида яна биров юрипти.

Сухсуров (*кўрқиб*). А?!

Нетайхон. Биров юрипти. Сувративи олаётганга ўхшайди!

Сухсуров (*ташқарига қараб*).
Бу участка менинг бошимни ер экан-да!

Нетайхон. Курортга кетишимда сизга айтмадим, бу сафар курорт курорт бўлгани йўқ. Кейинги вақтларда кўчамизга бегона одам кўп кирадиган бўлиб қолди; қўшнимизнинг уйига ўт тушганда пожарний ўзи ўтга сув сепаяпти-ю, икки кўзи бизнинг участкада. Кўчамизга дўхтир кирса ҳам шу, старивешчи кирса ҳам шу!.. Керосинчи ҳам карнайини бизнинг участкамизга тўғрилаб „керосин“ дейди.

Сухсуров. Бунақа қонунлар чиқар экан, шу участкани солмай турсак ҳам бўлар экан!..

Нетайхон. Менинг номимга ўтказинг қўйинг-да!

Сухсуров. Нодон! Мен, ҳар қалай, бир юз ўн сўм ойлик оламан, сен ҳемири ҳам олмайсан-ку! „Шунча пулни қаёқдан топдинг?“ деса, нима дейсан? Тухум босиб жўжа сотдим дейсанми?

Дарвоза тақиллайди.

Нетайхон (*ваҳима қилиб*).
Ана! Уша!..

Сухсуров (*ирғиб туради*).
Ташқарига). Ҳожар! Ҳожар!

Ҳожар киради.

Ҳожар. Лаббай!

Сухсуров. Кармисан! Дарвозани очсанг-чи!

Нетайхон. Керакмас, очма!

Сухсуров. Шошма, аввал секин қарагин, бегона одам бўлса очма!

Нетайхон. Э, худо!

Ҳожар дарвозага томон боради, иккови сабрсизлик билан кутади.

Ҳожар (*қайтиб*). Шобарот ака...

Сухсуров (*Нетайхонга*). Бирам ваҳима қиласанки!.. (*Ҳожарга*.) Бор айт, иши бўлса артага душанба куни идорага борсин!

Ҳожар дарвозага бориб жавоб қилади ва чиқади.

Нетайхон. Узоқдан танимабман... Дийдори қурсин, азонда нима қилиб юрипти! Сўхтаси совуқ! (*Чиқади*.)

Сухсуров (*Юсуфни уйғотади*). Юсуф, тур!.. Вой бошим... Тур, магазинга чиқиб кел!

Юсуф (*туради*). Вой бошим.

Сухсуров. Икки чаккамга иккита арава миҳ қоқиб қўйганга ўхшайди. Вой...

Юсуф (*рюмкалардаги коньяк юқини битта рюмкага тўплаб*). Ҳозир суғуриб ташлаймиз. Вой бошим... (*Коньякни ичмоқчи бўлади*.)

Сухсуров. Шошма, менга бер! (*Тортиб олади*.) Сен магазинга чиқиб кел! (*Ичмоқчи бўлади*.)

Юсуф (*суқланиб*). Майли, майли... Закускаси ичида... Ичида яримта пашша бор!

Сухсуров жирканиб рюмкани қайтиб беради. Юсуф рюмкани олибоқ ичади.

Сухсуров. Ие, пашшаси бўлса ўзинг нега ичдинг?

Юсуф (*рюмкани ялаб*). Мен ичмасам магазинга етолмайман...

Сухсуров. Бор, тезроқ, бошим ёрилиб кетай деяпти.

Юсуф. Коньякни қаричлаб ичгандан кейин нима бўлар ади!

Сухсуров. Қаричлаб?

Юсуф (*рюмкаларни устма-уст қўйиб, қаричлаб*). Қори акам мана шунақадан сизга беш қарич бердилар. Мен уч қарич ичганимни биламан — оламдан ўтибман!

Сухсуров. Ҳеч қайсингни хафа қилганим йўқми?

Юсуф. Сиз жуда ширин маст бўласиз, Нусрат ака. Сизнинг ҳушёрлигингиздан мастлигингизни яхши кўраман.

Сухсуров (*ийиб*). Бор, бор.

Юсуф чиқади.

(*Эшикдан*). Нетайхон!

Нетайхоннинг овози. Лаббай!

Сухсуров. Қори акангни чақир!

Нетайхоннинг овози. Хўп... Ҳожар! Ҳожар!

Ҳожарнинг овози. Хув.

Нетайхоннинг овози. Ўл! Қори поччангни чақир!

Юсуф ашула айтиб, шишадан коньяк хўплаб киради.

Сухсуров. Ие, дарров келдингми?

Юсуф. Кеча биттасини олиб чиқиб итхонага боғлаб қўйган адим.

Сухсуров. Бу ярим-ку!

Юсуф. Коньякни итга ҳам ишониб бўлмас экан-а, ялаб қўйипти!

Иккови ичади

Шобарот эшикда нима қилиб ўтирипти?

Сухсуров. Ҳали ҳам ўтириптими?

Юсуф. Шу йигитни жиним суймайди. Шун кўрсам кўзимга турма кўринади. Қамалиш бизу сизнинг бошимизда бор нарса-ку, шундоқ бўлса ҳам...

Сухсуров. Э, нафасинг қурсин!..

Юсуф. Йўқ, мен... Менинг гапимга тушунмадингиз. Мен нима демоқчиман, шу Шожалилнинг иши босди-босди бўлгунча мени чеккароқ ишга ўтказиб қўйсангиз...

Сухсуров. Ҳа, кўрқиб кетдингми? Мен ярағида ёли бор одамлар билан ишлаб ўрганганман. Сендақа кўрқоқ одам менга керакмас. Ҳозирдан бошлаб сени ишдан бўшатдим!

Юсуф (*чўнтагидан пул чиқариб*). Ювош, ювош... (*Елкасини силади*.) Тавба қилдим...

Сухсуров (*пудан кўзини олмай*). Бу нима қилганинг! (*Бақириб*.) Қовун чиқиб турган бир пайтда бу нима қилганинг!.. Йўқол!

Юсуф. Яна қўшиб бераман...

Сухсуров (*бақириб*). Қачон?.. Йўқол!

Юсуф ҳар қаерда тўхтаб-тўхтаб кўчага чиқиб кетади.

Нетайхон билан Қори киради.

Нетайхон. Нима гап?

Сухсуров. Маст-да!

Қори. Тасаддуқ!

Сухсуров. Утиринг... бир мас-лаҳатлик гап бор эди, кеча мавриди бўлмади. Шу участкамиз тишга тегиб турипти. Билган одам ундоқ дейди, билмаган одам бундоқ... Янги қовун чиқиб бунақа нарсалар нозиклашиб қолди. Шожалилга ҳам кўпда ишониб бўлмади. Шунга бир чора топсак...

Қори (*дарҳол*). Сотмоқ керак!

Сухсуров. Уҳу, зап одамга маслаҳат солган эканман-да! Кимга сотамиз? Ким олади? Оладиган серпул одамнинг сизчалик ақли бордир! (*Калака қилиб*.) Иллоллодан бошқасига йўқ эканлар-ку!

Узоқ пауза.

Нетайхон. Нима қилиш керак-а?

Сухсуров (*бирдан*). Топдим!

Нетайхон. Нима экан?

Сухсуров. Сен уканг билан ярашасан!

Нетайхон. Қанақа укам? Обид биланми? Ҳу дийдори қурсин! Шунча йилдан бери ярашмай энди ярашаманми!

Сухсуров. „Томоққа қилтириқ тикилса мушукнинг тирноғи дори“ деган гап бор.

Нетайхон. Нима қилмоқчисиз?

Сухсуров. Обиджонга битта чиройли хат ёзасан, ўтган гапларга салавот, деган жойини келиштирганингдан кейин „жон бор жойда қазо бор, жигарчилик... сени кўролмай ўлсам кўзим очиқ кетади“ дейсан. Обиджоннинг кўнгилчан одам, чопиб келади. Маҳкам ушлаймиз. Ҳожарни ювиб-тараб

қўйнига соламизу участкани икковининг номига ўтказамиз-қўямиз. Тамом — эшик тамба!

Нетайхон (*Сухсуровга*). Бу иморатни қайси пулга солгансан, деб ундан сўрамайдами?

Сухсуров. Сўрамайди. Улуғ Ватан урушининг инвалиди! Қўлида қўлтиқ таёқ!

Қори (*четга*). Ҳай дариг, вақтида аскарликдан қочмаганимда ҳозир участкалик куёв бўлар эканман!

Нетайхон. Укам бечора хотинсиз юриб-юриб қари қизни оладими.

Сухсуров. Асал айнимайди, қиз қаримайди! Гап шу! Энди Ҳожарни чақир, бўйнига қўяйлик.

Қори. Ҳай дариг!..

Нетайхон. Ўзидан сўраб ўтирасизми?

Сухсуров. Не, ҳозирги замонда... „Мени зўрлаб эрга бераётипти“ деб маҳаллага чиқса, нима деган одам бўламиз! Ким кўп — мухбир кўп... чақир!

Нетайхон эшикка борганда каттакон сўйил кўтарган Юсуф пайдо бўлади. Уни кўриб Нетайхон додлаб қолади. Ҳамма қотиб қолади. Юсуф гандираклаганича, сўйилни судраб Сухсуровга яқинлашади.

Сухсуров (*тили сузга келмай*). Юсуфжон...

Юсуф (*кутилмаганда сўйилни Сухсуровга бериб, бошини тутди*). Уринг! Уринг, Нусрат ака, шу шўрлик бошимга!

Сухсуров (*бир оз жонланиб*). Юсуф!..

Юсуф (*ҳўнграб*). Урмасангиз қўймайман! Ишдан бўшатадиган бўлсангиз менга бунақа кичкина бошнинг кераги йўқ! Бердим сизга! Икки қўллаб бердим!

Сухсуров (*кўнгли жойига тушиб*). Ҳўп, шу бош меники бўлса ўзимга қўйиб бер... Икки пақиргина сув қуяй, жиндаккина алла қилгин... (*Сўйилни оёғи билан Қорига томон суради*.) Юр!

Иккови ҳовлига чиқади. Юсуфнинг товукча ўхшаб қийиллаган товуши эшитилади.

Қори (*деразадан сўйилни ташлаб*). Ҳм... Укангиз нобоброқми

сабаб шунча йилдан бери алоқа йўқ?

Нетайхон. Уришиб қолганмиэ...

Қори. Сабаб? Нобоблигидандир-да?

Нетайхон. Ҳа...

Қори. Ундоқ бўлса бу ерга келишидан сизга азиятдан ўзга нима хушлик бор? Учаскани тасарруфига олганидан кейин мункир бўлса ҳам ажаб эмас.

Сухсуров Ҳожарни эргаштириб киради.

Сухсуров (*Ҳожарга*). Утир! Нетайхон. Эрга тегасанми?.. Ҳой калла, сенга айтаётиман, жувонмарг, гапирсанг-чи!

Ҳожар. Кимга? Ким ўзи?

Нетайхон (*қийқариб юборади*). Вой дийдоринг қурсин! (*Сухсуровга*.) Кимга эмиш! Эр бўлса бўлди-да!

Сухсуров. Оббо сен-а!.. Менинг қайнағам! Нетайхон опангга ўғай ука бўлади...

Қори (*Ҳожарни секин туртиб*). Чўлоқ! Бир оёғи чўлоқ!.. (*Юриб кўрсатади*.)

Сухсуров (*кўриб қолади*). Ие, ҳа, Қори?

Қори (*ўйинга буриб*). Тўйда рақсу само қиламиз!

Сухсуров. Ёши тахминан ўттиз уч-ўттиз тўртда.. Тўғри келадими? Бўлди, сукут аломати ризо! Бор, хатни ёзавер!

Ҳожар сукут қилади.

Нетайхон (*Ҳожарга*). — Тур!

Иккови чиқади.

Қори. Бу Обиджон қандоқ одам экани ўзингизга маълумми?

Сухсуров. Мирзачўлдаги бир колхозда механик бўлиб ишлар экан.

Қори (*жимликдан сўнг*). Ҳалол-пок одаммикин?

Сухсуров. Э, Корим, мен қаерим қичипини олдиндан билиб қашлаб қўядиган одамман!

Қори (*норози*). Бирон вақти келиб ранжу алам еткурмаслигига

амин бўлсангиз ихтиёрингиз... Мен мачитга чиқай! (*Чиқади*).

Ҳожар киради.

Ҳожар. Шобарот ака сизни сўраётиптилар.

Сухсуров. Айт, кирақолсин!

Ҳожар чиқади.

Шобарот киради.

Шобарот. Салом..

Сухсуров. Эртага идорага боргин, деган эдим-ку!

Шобарот. Жон ака, эртагача сабрим чидамади.

Сухсуров. Хўш, нима дейсан?

Шобарот. Шожалил акамга кеча овқат олиб борган эдим, акам костюмларини чиқариб, нимча сўратиптилар...

Сухсуров. Хўш?

Шобарот. „Ишим чатоқ“ деганлари эмасмикан?

Сухсуров. Бўлса бордир.

Шобарот. Шунга жуда хафа бўлдим: акам-ку майли, турманинг қозонидан ризқи борича ейди, бу орада сизга гап тегиб қолмаса дейман... Ҳар нима бўлганда ҳам акам қўл остингизда ишлаган эдилар, бир охурдан ем егансизлар... (*Унга ер остидан разм солади*.)

Сухсуров (*унинг шамасини тушуниб*). Энди, ука, бир охурдан ем еган бўлсак ҳам ҳар ким ўзининг тиши билан чайнаб, ўзининг кекирдаги билан ютган! Ҳар кимнинг гўри бошқа, Мункар-Накири бошқа деган гап бор.

Шобарот. Шундоқ-ку, лекин иш катта кўчса гўрларинг қўшилиб кетармикан дейман... Яна ўзингиз биласиз...

Сухсуров (*кулиб*). „Ёрдам қилсанг қилганинг, бўлмаса акам оёғингдан тортади“ деганингми бу?

Шобарот. Худо сақласин! Унақа акадан кечвораман!..

Сухсуров (*унинг гапига қулоқ солмай*). Менинг оёғимга қўли етмайди, етганда ҳам тортмайди, тортолмайди!

Шобарот. Шуни айтаман-да, оғайнисизлар...

Сухсуров (*қулоқ солмай*). Мен йиқилсам устига йиқиламан! Мажақлаб ташлайман! Бунни аканг яхши биледи. Бундан ташқари, ҳозир иши терговдами — икки кўзи, икки қулоғи менда — мен керак! Кесилиб тюрмада ётганида ҳам қутулгани талпинса менинг қўлимни пайпаслайди; қамоқ муддатини битирибми, битирмасданми келганида яна мен керак — иш сўраб менинг олдимга келади! Тушундингми?

Шобарот. Албатта, шунинг учун сизга сизиниб келдим-да. Қўллайсиз, йўл кўрсатасиз, деб келдим.

Сухсуров (*бирдан*). Чакани каттароқ бериб адвокат сол! Йўл шу!

Шобарот. Сиз менга бозор баҳоси гапни гапираётисиз, Нусрат ака.

Сухсуров. Мен давлат ишидаги одамман, сенга бундан ортиқ бир нима дегани... Ҳм... Вақтим йўқ!

Шобарот. Қачон вақтингиз бўлади? Бугун ўн биринчи, нечанчи числода келай?

Сухсуров сочини силаган бўлиб, бармоқлари билан икки яримга ишора қилади. Шобарот бунни фаҳламайди.

Ўн бешинчиларда келсам бўладими?

Сухсуров (*унинг бефаҳмлигидан бўғилиб*). Икки ярим! Икки ярим минг!

Шобарот (*бир оздан кейин тушунади. Ҳайрон*). Икки ярим минг? Янги пул биланми?

Сухсуров (*калака қилиб*). Эски пулнинг борми?

Шобарот. Шу икки ярим минг сўмлик ишми?

Сухсуров. Шунинг учун адвокат сол, дедим-да!

Шобарот (*муңгайиб*). Акам билан ораларингда ушалган ноннинг ҳурмати йўқ экан-да?

Сухсуров (*аччиғи келиб*). Гапни кўпайтирма, менга ҳеч нарса тегмайди, тегिशлик одам бор! Мен сенга одамгарчилик қилмоқчиман! Акангга ёмон модда қўйилган — 25 йил-а!

Шобарот. Оббо худо урди!..

Сухсуров. Қонунга чап бериб, шуни беш йилга келтириб беради. Майли, беш йилга кесилсин, у ён-га яна чап берамиз.

Шобарот (*пул узатади*). Раҳмат ака, биздан қайтмаса худодан қайтсин.

Сухсуров (*кўрпанинг қатини очиб*). Қўй! Мен бунни „хамир учидан патир“ деб бераман. Менга, ўзимга чўтални кейин берасан, майли... Менга қара, менинг бу ишга бош қўшганимни бировга айтсанг... Янги қонунни ашитдингми, пора берганга ҳам 15 йил!..

Шобарот. Биламан, биламан! (*Журбат қилмасдан*.) У киши билан неча пулга гаплашган бўламиз?

Сухсуров (*аччиғи келади*). Аҳмоқ! Бунақа ишда савдолашиб бўладими!

Шобарот. Хўп, хўп, акамни сизга, сизни худога тошширдим. (*Чиқмоқчи*.)

Сухсуров. Менинг дастимдан дод деяверасан: қилди-қилди, Сухсуров қилди, деб жар солавер. Акангнинг хотини идорага бориб йиғласин, мени қаргасин! Ана унда ишнинг замаскаси маҳкам бўлади.

Шобарот куллук қилиб чиқиши биланок Сухсуров унинг кетидан эшикни кулфлайди.

Сухсуров (*пулни оташкурак билан олар экан, ўйчан*). Ҳм, шу қонун чакки бўлди-да! Майли, шу сафар ҳам олай, ундан кейин нафсимга қозиқ қоқиб, арралаб ташлайман. (*Пулни печкага ташлайди, эшикни очиб қўяди*.)

Нетайхон (*хатни олиб киради*). Мана, ўқинг-чи.

Сухсуров (*хатни кўздан кечиради*). Яхши! Яхши! (*Конвертни ёпиштиради*.) Почтага ўзим ташлаб келаман!

Нетайхон. Заказной, авиаказной қилинг!

Сухсуров. Бу хат билан участканинг атрофига тиканли сим тортидик, деявер!

Иккинчи кўришиш

Сухсуровнинг қасрنامо ҳовлиси. Гуллар орасига қўйилган тахминан йигирма кишилик узун столни Нетайхон тузамоқда. Автомобиль гудоги. Ҳожар ҳаял ўтмай жуда оғир яшик кўтариб киради.

Қори (*яшикни кўтаришади, секин*). Куёвнинг юзида фариштаси йўқ, Ҳожархон, фариштаси йўқ!

Икков яшикни ошхонага томон олиб чиқадилар, қайтиб кирадилар, яшиклар, қоплар, қоғоз халталардаги нарсаларни биргалашиб ташийдилар.

Кўнгилга хуш келмаган никоҳ худога хуш келмайди!.. Ҳукумат даврида хотин-қизлар озод... Таадду қилсалар маҳаллага чиқ!..

Нетайхон. Ҳожархон, боринг, ясашиб чикинг, гиргиттон!

Ҳожар (*ҳайрон*). Бошқа кўйлагим йўқ-ку...

Нетайхон. Менинг сариқ кўйлагимни кияқолинг! Юринг, гиргиттон, икковимиз ясавайлик.

Иккови уйга киради.

Кўй етаклаб Юсуф киради. Унинг кайфи тарақ.

Қори. Марҳабо, марҳабо!.. Келсинлар (*Кўйнинг арқонини олмақчи бўлади*.)

Юсуф. Қочинг, Нусрат акамнинг ўз қўлига бераман, билиб қўйсин, тўқсон саккиз сўлкавойга келди!

Қори (*қўйнинг нўхтасини олади*). Мен айтаман, Юсуфжоннинг туҳфаси дейман.

Юсуф. Ундоқ бўлса майли...

Нетайхон сочини тойнинг думидай тугиб, ярашмаган декольте кийиб чиқади.

Қори (*Нетайхонни кўриб*). Э-э-э... Маҳмадан одамлар келса номаҳрамлар олдида сатри аврат лозим эди...

Нетайхон. Одамлар билан нима ишим бор, укамга ёқса бўлди! Укам Европани кўрган, Парижни кўрган!

Қори қўйни етаклаб чиқади.

Шобарот мотоцикл миниб киради.

Шобарот. Нусрат акам бормилар?

Қори. Борлар, лекин бугун сиз билан гаплашгани фурсатлари бўл-

маса керак, Обиджон келганлари... зиёфат...

Нетайхон. Келинг... Кўнгилдаги ишни қилдингиз-да! Обиджонга шунақа мотоцикл олиб қўйиш эсимга келмаган экан, жуда яхши бўлди!

Шобарот (*нима дейишини билмай*). Нусрат акамга ишим бор эди.

Нетайхон. Майли, майли, уялманг! Агар уялсангиз Обиджонга ўзим тутаман.

Сухсуров (*кириб соатига қараб*). Соат олти ярим, одамларга нима бўлди? Ҳаммаси ўлдими, қирилиб кетдими!

Нетайхон. Шобарот акам Обиджонга совға олиб келиптилар.

Сухсуров. Раҳмат ука! Баракалла, совға деган мана бундоқ бўпти! Офарин! (*Йиғламсираб*.) Сен менинг чин дўстим экансан! Нетайхон, сен Обиджондан хабар ол.

Нетайхон чиқади.

Хўп... энди, ука, мен Обиджон акагни курортга юбормоқчиман. Сен бу одамни билмайсан, тузалиб келса ҳаммамизга ҳам керакли чўлоқ... Шуни эсингдан чиқарманг бас!

Шобарот (*эҳсаси қотиб*). Қаяча олиб келай?

Сухсуров. Ҳимматинг билди... Мен бир юз эллик бераман. Сен ҳам шунча беришинг...

Шобарот. Ие...

Сухсуров. Шарт эмас...

Шобарот (*дўнгиллаб*). Тушунолмай қолдим!..

Сухсуров. Нимасига тушунмайсан, менга ҳали ялатганинг ҳам йўқ-ку!

Шобарот. Ие, мотоцикл ўринга ўтмайдими?

Сухсуров. Мен севдан мотоцикл сўрадимми? Ўзинг совға қилиб келинг-ку!

Шобарот. Менга қаранг, Нусрат ака, бошига иш тушган одам-

ни шилиш—ўликнинг кафанини ечиб олишдай гап эмасми?

Сухсуров. Пулни ейдиган бошқа-ю менга нимага дўқ қиласан?..

Шобарот. Мени ўша кафан ўғрисига рўпара қилинг бўлмаса, ўзим гаплашай! Нега иш ҳеч силжмайди? Нима қилди ўзи?

Сухсуров. Шунинг учун адвокат сол деган эдим-да! Ҳали ҳам кеч эмас, солақол! Бўлди, мен аралашмайман!

Шобарот. Ие, шунча берганимга куйиб қолавераманми?

Сухсуров. Мен-чи, сени деб шунақа ишларга қўл урганим-чи?.. Куймаганимми?

Шобарот. Бўпти, мени деб куйганингизга қуллуқ! Берганим ўлигига буюрсин! *(Этагини қоқиб чиқиб кетади.)*

Сухсуров столи кўздан кечиради, меҳмонларнинг ўрини белгилайди.

Сухсуров. Ҳой, идорадан ҳеч ким келмади-ку? Нетайхон, яна бир телефон қилсанг-чи!

Нетайхон чиқади.

Юсуф киради.

Юсуф. Қори ака, ҳалиги мен олиб келган қўй қанча гўшт қилади чамангизда?

Қори. Ўзингизга қараб мўлжаллай беринг!

Сухсуров. Қўй олиб келдингми? Раҳмат! *(Йиғламсираб.)* Асл дўстим экансан!

Нетайхон киради.

Нетайхон. Идорада ҳеч ким йўқ!

Сухсуров. Балки ҳаммаси йўлга чиққандир...

Ҳожар уйдан яسانيб чиқади.

Сухсуров. Ўх-хў! .. Чўпга либос деганича бор-да!

Нетайхон. Кўз тегмасин! ..

Обиджон киради.

Сухсуров. Қани, ўтиринглар! Келадиган келаверади, кутмаймиз...

Ҳамма ўтиради.

Нетайхон *(мотоциклини кўрсатиб)*. Обиджон, арзимаса ҳам машина ўрнида кўрасан! ..

Обиджон *(бундай катта тух-*

фани кутмаган). Ие! Йўге ... Бу қанақа бўлди ... Совға деган ахир ...

Нетайхон. Қўлимни қайтармагин, жон ука! .. Битта мотоцикл нима экан! ..

Обиджон. Ахир битта мотоцикл фалон пул!

Сухсуров. Пул нима экан, сиз босган тупроқни тиллога тортиб оламиз!

Нетайхон. Марваридга тортиб оламиз! Насиб қилсин!

Ҳамма ўтиради. Нетайхон Ҳожарни Обиджоннинг ёнига ўтқизади, ўзи унинг ёнига ўтиради.

Сухсуров. Қани, қадаҳлар тўлдирилсин!

Юсуф. Ҳозир! *(Ҳамманинг рюмкасига коньяк қуйиб чиқади.)*

Сухсуров *(ёзувга тез-тез кўз ташлаб)*. Қадаҳлар тўлами? Ўртоқлар, биз Улуғ Ватан уруши натижасида улуғ ғалабага эга бўлдик ёки эришдик. Лекин, мен шахсан, бу ғалабадан илҳомланиб... *(адашади)* ватанпарварлик бурчимдан илҳомланган бўлсам ҳам бу улуғ ғалабага ўз қиссамни ... йўқ, қиссамни қўшолган эмасман! Мени бутун Ватан уруши даврида ўқитувчиликка тикиб қўйишди...

Обиджон *(кулиб)*. Тикиб қўйишдими, ё маориф соҳасидан қавак тошиб кириб кетдингизми?

Сухсуров. Тўғри, лекин ўртоқлар, шундоқ бўлса ҳам, мен улуғ бахтга эга бўлиб турибман, қайсики *(ўпкаси тўлиб)* бугунги кунда менинг ўйимда, арзимас дастурхонимда Улуғ Ватан урушининг улуғ қаҳрамони ...

Обиджон. Сал тушинг!

Сухсуров! Хўп! ... Урушнинг азиз қаҳрамони, азиз дўстимиз, азиз укамиз, азиз Обиджон ўтирибдилар. *(Қоғозга қарамай.)* Мен шу қадаҳни азиз меҳмонимиз Обиджоннинг оёғига тўкиб ичишни талаб қиламан!

Ҳамма Обиджоннинг оёғига рюмкадаги коньякдан пича-пича тўкиб, қолганини ичади. Юсуф одамларнинг кўзини чап-ғалат қилиб, икки рюмка отади.

Нетайхон (*ташқарига*). Қори ака, кабобни олиб келинг!

Қори. Ҳозир ...

Қори кабоб келтириб қўяди.

Сухсуров. Қадаҳлар тўлдирилсин! Сўз ...

Юсуф. Менга!

Сухсуров. Сен шошма ... (*Унинг олдидаги шишага кўзи тушиб.*) Дарров битта коньякнинг ярмини ичиб бўлибсан-ку?

Юсуф. Ярмини ичганим билан кайф қилганим йўқ, коньякнинг кайфи тагида бўлади! (*Обиджонга*) Коньякнинг тагини ичмабсиз, оламга келмабсиз! Тагини уринг! Сўз менга!

Сухсуров. Оббо, ҳеч қўймадинг-да! Хўп, сўз идорамизнинг собиқ хизматчиси Юсуфжонга!

Юсуф. Ие!.. Биз собиқ бўлиб қолдикми?.. Хўп, гапирмадик! (*Рюмкасидаги коньякни битта отиб, ўтиради.*)

Сухсуров. Хўп, гапирақол!

Юсуф. Бизники бўлди! (*Курсисини столдан четроққа тортади, дам-бадам қуйиб ичаверади, охири учиб қолади.*)

Сухсуров. (*Юсуфга эътибор қилмай*). Ҳожархон, ўзинг бир нима дегин ...

Ҳожар қўрқиб кетади.

Сўз ҳовлимизнинг гули, азиз фарзандимиз Ҳожархонга!

Ҳожар гаранг бўлиб қолади.

Нетайхон (*Ҳожарга*). Тур ўрнингдан! (*Рюмкани қўлига беради.*) Ушла! (*Барала.*) Ҳа, Ҳожархондан ҳам эшитайлик! (*Ҳожарга.*) Гапир, „Хуш келибсиз“ дегин!

Ҳожар (*Нетайхонга*). Хуш келибсиз ...

Нетайхон. Менга эмас, Обиджонга!

Обиджон (*Ҳожарнинг аҳволини фаҳмлаб*). Раҳмат, раҳмат! (*Рюмкасини уриштиради.*)

Сухсуров (*Нетайхонга*). Идо-

рага яна бир телефон қил! Қирлиб кетдимми! ..

Нетайхон чиқади.

Қани, қадаҳлар тўлдирилсин!

Нетайхон (*киради*). Идорада ҳеч ким йўқ!

Сухсуров. Энди келса биронтасини ҳам киргизмаймиз! (*Обиджонга.*) Сизни кўргани бутун идора совға-саломни билан келаётган экан, ҳаммасини машинага босиб пахтага олиб кетишипти.

Обиджон (*ҳайрон*). Сизларда пахта очилдими? Бизда ҳали гуллагани ҳам йўқ! ..

Сухсуров. Районимиз илғор район! (*Коньяк қуймоқчи.*) Рюмкангизни беринг!

Обиджон. Бас. Нусрат ака, жуда хурсанд бўлиб ўтирибман.

Сухсуров. Яна битта ...

Ҳожар кулиб юборади.

Нетайхон. Ҳа? ..

Сухсуров. Нима гап?

Ҳожар. Обиджон акам кўзимга иккита бўлиб кўриняптилар! ..

Нетайхон. Боғчага чиқиб айланиб келишсин. Ҳожархон, гиргиттон, эккан дарахтларингизни Обиджон акангизга кўрсатинг. Гул теринглар ...

Обиджон (*Ҳожарга*). Боғбонман денг ... Қани ...

Иккови боғчага чиқиб кетади.

Сухсуров (*Нетайхонга*). Нега чиқарвординг?

Нетайхон (*эрини модонга чиқариб*). Бу ерда нима қилади? Хилватда тезроқ чўқийди.

Нетайхон билан Сухсуров эшикнинг тирқишидан уларни кузатади. Қори аразлаб чиқиб кетади.

Нетайхон. Қалай, чўқийдиган афти борми?

Сухсуров. Нега чўқимайди! Кўр бўлиптими чўқимай! Улиптими чўқимай!

Юсуф уйғонади, учта рюмкадаги коньякни стаканга қуйиб битта кўтаради-да, пешонасига қарс этиб уради.

Юсуф. Ҳаҳ! Ёруғ дунёда юриб-юриб етиб келган жойим шу бўл-дими? Энди „собиқ“ бўлиб қолдим-ми?... Топганим шуниг чўталидан ортмайди, ҳар баҳона билан шила-ди, жиндаккина жонимга ўттиз икки тишини баравар ботиради-ю, яна „собиқ“ деб ўтирипти!..

Сухсуров. Ҳой, аҳмоқ, ашак! Пиянисталигинг учун ишдан бў-шатган бўлсам қайтиб оламан де-дим-ку, тагин нима дейсан!

Юсуф (*қўрқиб*). Мен ҳам шунақа деяпман-ку!

Сухсуров (*бармоғи билан имлайди*). Бери кел!

Юсуф (*яқин боргани қўрқади. Дўқ оҳангида*). Мени урманг! Қани, уриб кўринг-чи, бари бир... кўлингиз орриydi!

Сухсуров. Бери кел... (*коньяк қуйиб чақиради*). Теҳа теҳ!.. Мен Обиджон акангни курортга юбор-моқчиман. Бу одамнинг саломатли-ги мендан ҳам кўра сенга керак! Сен йўл харжи топиб келгин, қол-ганини ўзим берман. Бор!

Юсуф (*калтак емаганига севиниб чиқар экан, столдаги коньяклардан иккитасини олиб чўнтагига тикади. Узича*). Ҳам-маси ўзимнинг пулимга келган! (*Чиқади*).

Нетайхон (*бирдан*). Келиша-ётипти!

Сухсуров иккови уйга кириб кетади.

Ҳожар билан Обиджон киради.

Обиджон (*сўзида давом этиб*). Мен Нурсат акага қариндошмисиз дебман.

Ҳожар. Йўқ, мени етимхонадан олишган...

Обиджон. Болалар уйдан денг?

Ҳожар. Нетайхон опам шунақа дейдилар.

Обиджон. Болалигингизда олиб келишган экан-да?

Ҳожар. Йилма-йилига ўн уч йил бўлади.

Обиджон. Ўн уч йил? Ун уч йилдан бери шу ердამисиз?

Ҳожар. Йўқ, бир марта пах-

тага чиққанман. (*Қумсаб*). Қизлар кўп эди... Ашула айтган эдик... Мен зовурга йиқилиб тушган эдим.

Нетайхон (*деразадан, тоқати тоқ бўлиб*). Мунча ивирсий-ди!..

Сухсуров. Уканг ношудроқ чиқди.

Обиджон. Маълумотингиз бор-ми?

Ҳожар. Маълумотим... Ўртача! Ўртачароқ!.. Етимхонада, йўқ, болалар уйида учинчи синфни битир-ганман. Ундан кейин бир марта Қори поччам ҳафтияк ўқитдилар: „раб-бикумо туказзубон...“ Боши асим-дан чиқиб қолди. (*Жуда жиддий*.) Шуни қирқ минг марта ўқиб арқон-га дам солса арқон илон бўлади!

Обиджон. Шунақами?.. Илон ўзи кўп-ку, илон қиладиган илми нима қиласиз? Дунёда ҳар илмлар борки... Бошқа илмга ўқийсизми?

Ҳожар. Мен ўқишга ярамай-ман, ақлим паст.

Обиджон. Ақлингиз пастлигини ўзингиз биласизми?

Ҳожар. Йўқ, Нетайхон опам шунақа дейдилар. Нурсат акам ҳам шунақа дейдилар.

Обиджон Ҳожарнинг қўлини ушлайди.

Нетайхон (*энтикиб*). Ҳозир чўқийди!

Сухсуров. Торт!

Обиджон. Нетайхон опангиз ўзлари соғмилар?

Ҳожар. Жудаям соғ эмаслар, бошлари тез-тез оғриб туради. Қори поччам дам солсалар дарров тузалиб қоладилар.

Обиджон. Буларнинг гапига қулоқ солманг, Ҳожархон! Сиз жуда яхши, ақлли, чиройли қизсиз! Бу даргоҳда димиқиб қолибсиз холос. Мен сизни яхши мактабга жойлаб қўяман. Мен билан кетасизми?

Ҳожар. Сиз бутунлай келганингиз йўқми?

Обиджон. Йўқ, отпуска қилиб юрибман. Шаҳарни беш-олти кун томоша қилиб, қайтиб кетмоқчиман.

Ҳожар (*ерга қараб*). Менга бошқа нарса дейишган эди...

Обиджон. Биламан... Сизни менга берishмоқчи!

Ҳожар. Ҳмм...

Обиджон. Узингиз нима дейсиз?

Ҳожар (*ерга қараб*). Илгари йўқ демоқчи эдим...

Обиджон. Энди-чи? Энди „ҳа“ дейсизми? Мен билан Мирзачўлга кетасиз-а?

Ҳожар. Йўқ! Кетмаймиз! Нетайхон опам мана шу ҳовлини сизларга хатлаб берамиз деганлар.

Обиджон. Буни менга ҳам айтишган эди... (*Иккала қўлини ушлайди.*)

Нетайхон (*деразадан*). Вой, чўқияпти!

Сухсуров (*деразадан*). Торт! Марра бизники!

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Учинчи кўриниш

Сухсуровнинг ҳовлисида меҳмонхона. Оқшом.
Сухсуров, Нетайхон, Ҳожар.

Нетайхон. Обид ҳали ҳам Мирзачўлга олиб кетаман деяптими?

Ҳожар индамайди.

Сухсуров. Олиб кетаман деса кетаверасанми?

Ҳожар индамайди.

Нетайхон. Ҳой, калла!.. Эр дегани хотин қайириб олиши керак! Ҳозир қайириб олмасанг кейин ҳолингга маймунлар йиғлайди! Мана, менинг аҳволимни кўриб турибсан-ку!

Сухсуров. Бундан ташқари, бу ерда хотин қилиб қўйворса ўз участканг, ўтираверасан; Мирзачўлга обориб қўйворса нима қиласан, чўл-биёбонда қайси тошга бошингни уриб йиғлайсан? Айт, шундай участкани ташлаб каёққа борамиз, хотин қиладиган бўлсангиз шу ерда хотин қилинг, дегин!

Ҳожар (*хўрсиниб*). Мени эрга беринглар, дедимми?

Нетайхон. Гап қайтарма! Тилинг чиқмай ўл!

Кўчадан Обиджон кирали.

Сухсуров. Ие, ие, қаёқда қолдингиз?.. Қани, бу ёққа... Ҳожархон, жон қизим, овқатингни олиб кел!

Обиджон. Йўқ, йўқ, овора бўлмаг, Ҳожархон, қорним тўқ...

Сухсуров. Шунақами... Иш тўғрисида гаплашдим. Эрталаб соат тўққизда борсангиз... Иш нақд!

Обиджон (*кулиб*). Ахир Мирзачўлда ишим яхши!

Нетайхон. Жон ука, шунақа демагин!.. Хотин бўлса, участка бўлса, иш мана, бўлаётипти, яна нима керак?

Сухсуров. Бундан ташқари, қариган чоғимизда биз ҳам ёлғиз қолмайлик деймиз-да, Обиджон!.. Эртага эрталаб тикка борасиз, қабулхонасида тўхтамайсиз, секретарига ҳам қарамайсиз; тўғри ўтиб, кабинетнинг эшигини ҳасса билан очасиз! Ҳассани столига суяб қўйиб...

Обиджон (*кулади*). Борди-ю, „Сен урушдан ҳассани шу ниятда кўтариб келувдингми, урушга шу ниятда борганмидинг?“ деб қолса нима бўлади?

Нетайхон. Унақа демайди!

Сухсуров. Ҳаққи йўқ! Урушга, албатта, Ватан учун, коммунизм учун боргансиз, (*таъкидлаб*) бу томонини маҳкам ушлайсиз! Бу ишга ҳам Ватан деб, коммунизм деб кираётибсиз!

Нетайхон. Ҳаммаларинг ҳам шу-да!

Сухсуров. Албатта! Бўлмаса мени бунақа ишга боғлаб қўйса нўхтамни узиб қочаман! Мен сизга айтсам, ука, дунё шунақа ўзи, ҳалол одам қиттак шайтон бўлмаса кун кўролмайди...

Нетайхон. Шайтондан етти

кун олдин туғилган бўлса яна яхши!

Обиджон (*Ҳожарга*). Киннога бормайми?

Ҳожар Нетайхонга қарайди.

Нетайхон. Боринглар! Боринг, гиргиттон, ясаиб чиқинг! Юринг, сочингизни ўриб қўяй.

Обиджон. Шопмасдан кийиниб чиқаверинг, мен билет олиб келаман.

Нетайхон билан Ҳожар чиқади.

Сухсуров (*Обиджонга кўз қисиб*). Дадил бўлинг! Тўшга тортаверинг!

Обиджон чиқади.

Шобарот киради.

Шобарот. Салом!

Сухсуров. Нима қилиб юрибсан?

Шобарот. Кечирасиз, Нусрат ака, аччиқ устида мен сизни хафа қилиб қўйдим. (*Ташқарига эшиттириб*.) Обиджон акамнинг ҳақларини олиб келдим.

Сухсуров. Ҳа баракалла.

Шобарот (*баланд товуш билан*). Мана, юз эллик сўлкавой!

Сухсуров. Олиб келганинг юз эллигу, мунча шовқин соласан!

Шобарот (*ҳамон баланд товуш билан*). Бу камлик қилса яна хизматдаман!

Сухсуров. Кўрпанинг қатига қўй!

Шобарот. Кўрпанинг қатига қўйсам қўяқолай...

Сухсуров. Энди бу ёғидан хотиржам бўлавер, судни тезлатсак у ёғи ҳеч гап амас.

Шобарот. Қуллуқ!

Сухсуров. Бор, боравер, чаласини кейин гаплашамиз, эгим учиб турипти. (*Уни чиқариб эшикни қулфлайди, кўрпанинг қатидаги пулни оташкурак билан олади*.)

Эшик тақиллайди.

„Эгим учиб турипти“ дедим-ку, кетавермайсанми! (*Пулни печкага ташлайди*.)

Эшик қаттиқроқ тақиллайди.

Жинни бўлдингми! (*Бориб эшикни очади*.)

Обиджон, гувоҳлар киришади.
Шобарот остонада туради.

Наврўзов. Салом!

Сухсуров. Салом! Хизмат?..

Наврўзов (*Обиджонни кўрсатиб*). Бу киши ким?

Сухсуров. Қайнағам...

Обиджон. Қайнағасиман дедим-ку!

Наврўзов (*гувоҳнома кўрсатади*). Милиция капитани Наврўзов. Булар гувоҳлар.

Сухсуров (*Обиджонга*). Нима гуноҳ қилдингиз?

Обиджон (*ҳайрон*). Билмадим...

Наврўзов. Биз сизни йўқлаб келдик.

Сухсуров. Раҳмат...

Наврўзов. Ҳозир сиз мансабингиздан фойдаланиб, Шобарот Шораҳимовдан юз эллик сўм пора олдингиз.

Обиджон (*ҳайрон*). Пора?

Сухсуров. Қанақа пора?

Обиджон. Мен бу ердан ҳозир чиқдим-ку!

Сухсуров (*Шобаротга*). Ҳой, менга қара, отинг нима эди?.. Сен менга пора бергани келганмидинг? Нега бермадинг бўлмаса?

Шобарот. Бердим-ку!

Обиджон. Ажаб!..

Сухсуров. Ҳозир қўрқмасдан пора берган бўлсанг, илгари ҳам бериб юрган экансанда?

Шобарот. Бўлмаса-чи!

Сухсуров. Шу лафзингдан қайтмайсанми?

Шобарот. Нега қайтар эканман!..

Сухсуров (*ҳаммага*). Эшитдиларингми? (*Шобаротга*.) Шундоқ экан, илгари нега арз қилмаган эдинг?

Шобарот нима дейишини билмайди.

Наврўзов. Нега жавоб бермай-сиз?

Обиджон. Бирон англашилмовчилик бўлдимикин?

Сухсуров. Англашилмовчилик эмас! Бунинг тагида душман сиёсати бор: бу аблаҳ давлат ишидаги одамнинг обрўйини туширмақчи! Ушланг!

Наврўзов. Сухсуровга илгари ҳам пара берганмисиз?

Шобарот (*тутулиб*). Йўқ ҳисоби... Ҳозир бердим. Юз эллик сўм бердим. Бу киши „қайнағамни курортга юбораман, пул бер“ деган эдилар.

Обиджон. Мен курортга борар эмишманми?

Наврўзов. Бу гапдан хабарингиз йўқми?

Обиджон. Ҳозир эшитиб турибман!

Сухсуров, Эшитдингизми? Бу аблаҳ бир менга, давлат ишидаги одамга эмас, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонига ҳам туҳмат қилмоқчи! Обиджон пулга муҳтож бўлса давлат беради!

Наврўзов (*қоғоз узатиб*). Тинтиш ҳақида қарор. Уқиб, кўл қўйинг!

Сухсуров. Марҳамат! (*Кўл қўяди*.) Давлат ишидаги одамнинг гапи бир пулу бир муттаҳамнинг гапи минг тилло бўлса—марҳамат!

Пиджагини, ботинкасини ечиб ташлайди, шимини ҳам ечмоқчи бўлади.

Наврўзов (*тўхтатади*). Ҳожати йўқ.

Сухсуров (*шимини кўтариб, чўнтагини ағдаради*). Марҳамат!

Шобарот (*кўрпанинг қатини кўрсатиб*). Пул мава бу ёқда!

Сухсуров. Хўп, марҳамат! (*Келиб кўрпаларни олиб Шобаротнинг устига ташлайверади*.) Мана! Мана!

Наврўзов. Секинроқ, секинроқ! Ўзингизни уринтирманг!..

— Нетайхон, унинг кетидан ясанган Ҳожар киради.

Нетайхон. Нима гап ўзи? (*Аҳволни кўриб ваҳимага тушади, капитанни четга суриб, сандиқни қучоқлайди*.) Войдод! Дод устига дод!

Обиджон. Шовқин солманг, сандиқингиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ!

Нетайхон (*бир оз тинчиб*). Нима билан иши бор бўлмаса? (*Яна ваҳимада*.) Участка тўғрисидами? (*Обиджонга шовқин солиб*.) Айтмадимми, участкангни номингга ўтказиб ол, деб! Ҳу участканг бошингдан қолсин!

Наврўзов. Сиз ким бўласиз?

Нетайхон. Мана шу инвалидининг опасиман! Сухсурова!..

Наврўзов. Бу уйни ҳам бир қараб чиқишга ижозат берасиз.

Нетайхон (*унинг олдини тўсиб*). Нима қиласиз қараб, қайси бирини қарайсиз, бу ёқда тўққизта уй бор!

Сухсуров. Майли, бошлаб кир. Қарашин! Армон қолмасин!

Нетайхон. Обид, бу ёққа кел! Сандиқнинг устига чиқ! Ўтир!

Нетайхон, Наврўзов, гувоҳлар нариги уйга киришади.

Сухсуров (*Шобаротга*). Аблаҳ!

Обиджон. Шобаротингиз нима учун сизга туҳмат қилди экан?

Сухсуров. Нима учун бўлар эди, аҳмоқлиги учун! Акасининг қамалганини мендан кўради. Акасини ҳукумат жинояти учун қамганини билмайди! Гапирсам тупунмайди! Идорадаги ғаламисларга узун косов бўлиб юрипти.

Обиджон. Идорангизда сизни хушламайдиган одам кўпми?

Сухсуров. Давлат иши бўлгандан кейин ҳаммани бирдай рози қилиб бўлар эканми! Ўзимни хушлаган ишимни хушламайди, ишимни хушлаган ўзимни хушламайди...

Обиджон. Қизиқ... Бермаган пулини бердим деб ўтирса...

Сухсуров. Берган бўлса шу уйда бўлармиди ахир?

Нетайхоннинг овози. Войдод!.. Бу Ҳожархоннинг пули! Ҳожар! Ҳожар!

Обиджон (*чиқади, товуши*). Опа, бақирманг!

Сухсуров. Аҳмоқ, мени билмас экансан! Мен мушукман—ор-

қамни пайғамбар силаган—осмондан ташлаб юборсанг ҳам оёғим билан тушаман! Айт, „хато қилдим“ дегин, унда мен протоколга қўл қўймайман—омон қоласан!

Негайхон (*товуши*). Бунга тегманглар! Бу Ҳожарнинг пули! Ҳожар! Ҳожар!

Қути кўтарган Наврўзов, унга тармашган Негайхон, гувоҳлар чиқиб келишади.

Негайхон. Бу Ҳожархоннинг пули! (*Ҳожарга*.) Пулингни олсанг-чи!

Наврўзов. Ҳозир кўрамир... (*Қутиданги пулларнинг номерини ёзиғлиқ номерларга солиштиради.*) Номерлари тўғри келмайди, демак бу пул (*Ҳожарга*) сизники!

Ҳожар ҳайрон бўлиб қутини олади.

Негайхон қутини унинг қўлидан дарров олади ва иккови нариги уйга кириб кетади.

Сухсуров. Хўш, порага берилган пул топилдими?

Наврўзов. Ҳозирча топилгани йўқ. Печканинг ичини қарамадик шекилли...

Сухсуров. Марҳамат! Томга чиқиб мўрини ҳам қаранг, армон қолмасин!

Наврўзов (*печканинг ичини қарайди*). Йўқ!

Сухсуров. Хўш, энди бу ёғи вима бўлади? Акт-пакт деган гаплар бўлар эди... Ёзиладими?

Наврўзов. Акт эмас, протокол ёзилади. (*Утириб протокол ёзади.*)

Сухсуров. Тухматчи жазосини тортиши керак! Давлат ишидаги одамга тухмат қиладиганларга ҳам қонун бор!

Наврўзов (*Сухсуровга актни бериб*). Қўл қўйинг.

Сухсуров қаламни олиб Шобаротга қарайди.

Шобарот (*уйлаб қолгандан кейин Наврўзовга*). Хато қилиб қўйдим шекилли, кечирасиз...

Наврўзов. Бу кишига пора берганингиз йўқми?

Шобарот. Йўқ ҳисоби...

Наврўзов (*унга қараб қолгандан кейин*). Шунақами... (*Обиджон билан Сухсуровга повестка ёзиб беради.*) Эртага соат ўнга идорага борасиз, менга учрайсиз! (*Шобаротга*) қани, кетдик бўлмаса!

Шобарот. Ахир мен...

Сухсуров. Боравер, ўзим қутқазиб оламан!

Наврўзов. Ташвишга қўйганимиз учун кечирасиз!

Сухсуров. Бемалол, бемалол! Келиб туринг...

Наврўзов. Албатта келаман!

Капитан Наврўзов билан Шобарот, улардан кейин гувоҳлар чиқиб кетишади. Сухсуров печкани кучоқлаб қаҳ-қаҳ уради.

Обиджон (*уйчан*). Ажаб!.. Ажаб!..

Тўртинчи кўриниш

Сухсуровнинг ҳовлиси.

Сухсуров, Негайхон, Обиджон.

Негайхон. Худоё қуруқ тухматдан сақлагин! Худоё тухматчиларнинг жазосини бергин! Шобаротнинг бўйни ўзилсин!

Сухсуров. Айб Шобаротда эмас, бу аҳмоқ идорадаги ғаламисларга узун косов бўлиб юрипти!

Обиджон. Идорангиздаги ғаламислар сиз билан нимани талашади?

Сухсуров. Не, гўр экансиз-ку! Нимани талашар эди, ўрин талашади! Амал талашади!

Обиджон. Ростини айтсам хафа

бўлмайсизми?

Сухсуров. Марҳамат, мен рост гапнинг гадосиман!

Обиджон (*қулимсираб*). Неча пул ойлик оласиз?

Сухсуров. Нима эди?.. Бир юзу ўн сўм...

Обиджон (*қулиб*). Бошқа биров бир юзу ўн сўм ойлик олиб мана бунақа, камида эллик минг сўмлик иморат солса, сиз нима дер эдингиз?

Негайхон (*шошиб*). Вой, заёмдан ютганмиз!

Сухсуров. Мен индамас эдим, қўлимдан келса битта қўйни етаклаб қуллуқ бўлсинга борар эдим!

Нетайхон. Қандоқ қиламиз, омад экан-да, омад келса ютуқ кетингдан қувлаб юраркан. „Победа“миз ҳам янги эди, яқинда лоторейдан „Волга“ ютиб олдик.

Обиджон. „Волга“ларинг ҳам борми, мен кўрмабман...

Сухсуров. Тutilган... аски... яхши юрмайди...

Нетайхон. Вой, нега унақа дейсиз... Шу ғаламисларнинг дастидан ҳовлига гараж сололмаймиз, машина нариги участкамизда туради.

Сухсуров. Бўлмаган гапни гапирма!.. Машина эски бўлгани учун холамнинг участкасига ташлаб қўйганмиз! (Нетайхонни тўртади.)

Нетайхон (нима дейишини билмай). Заёмдан ютганмиз...

Обиджон. Ютуқ яхши нарса. Ютуққа чиққан пул баракали бўлади, дейишади. Тўғри бўлса керак, бировларнинг ютуғини ортигига сотиб оладиган одамлар бор эмиш...

Сухсуров (заҳарханда қилиб). Гапни қайириб келишингиздан „унча-мунча пора оласан“ демоқчисиз шекилли...

Нетайхон. Вой, ўлиптими!..

Обиджон. Ие, Нусрат ака, сиз пора нима, порахўр (писанда қилиб) қандоқ махлуқ эканини билмайсиз-да, билганингизда бу гапни оғзингизга олмас эдингиз!

Сухсуров. Тўғри, эшитганман холос, шунақа виждовсиз одамлар бор эмиш...

Обиджон. Йўқ, сизга нотўғри айтишти. Дувёда виждонсиз одам йўқ!

Сухсуров. Тўғри, бўлмаса керак!

Обиджон. Ҳамма гап шундаки, биров виждонининг гапига киради, биров кирмайди; биров виждонининг кўзини кўр, қулоғини кар қилишга муҳтож бўлади.

Телефон жиринглайди.

Нетайхон. Ҳожар, телефонга қара!

Ҳожар (уйдан) Ҳа! Ҳозир... Нусрат ака, сизни...

Сухсуров. Бу ёққа олиб кел! Идорандир-да! Ҳеч тинчлик йўқ!

Ҳожар аппаратни олиб келади.

(Трубкага.) Ўзим!.. Нима? Қачон? Қаердан? Йиғлама, ҳозир бораман! (Трубкани қўяди.) Юсуфнинг хотиви. Юсуфни милиция олиб кетганмиш. Ҳаммомдан олиб кетганмиш...

Нетайхон. Ҳаммомдан? Гуноҳи шунақа зўр эканми?

Сухсуров. Ҳайронман... Мен бориб хотинини юпатиб келай, сизлар гаплашиб ўтиринглар. (Нетайхонга.) Бунинг жуда оvsар-ку! Кўцигини бос! (Чиқади.)

Нетайхон. Нусрат аканг шунчалик қилгандан кейин сен ҳам гапни қофияси билан гапирсанг бўлар эди.

Обиджон. Бирон ножўя гап гапириб қўйдимми?

Нетайхон. Йўқ, ҳаммаси жўялик. Лекин қонун чиқиб турганда порадан гапириб ўтиришнинг чакки!

Обиджон. Нега? Нусрат ака порахўр эмас-ку!

Нетайхон. Кесатмай қўяқол. Худо жаннатини бекорга бермайдикун!.. Пул ширин! Пул ўлгурнинг тиши бўлса ўзини еб қўяр эди!

Обиджон. Тўғри, тиши бўлмагани учун баъзи бировларнинг ақлини ялаб, виждонини сўриб юрипти-да!

Нетайхон (алам қилиб). Заҳар! Ҳали ҳам заҳарлигинг қолмапти-да! Сени чаққан илон тил тортмай ўлади! (Жаҳл билан ўрндан туради, уйига кириб кетади.)

Ҳожар киради.

Ҳожар (унинг кетидан қараб). Нима бўлди, Обиджон ака?

Обиджон. Боши оғрипти...

Ҳожар деворга томон йўналади.

Қаёққа?

Ҳожар. Бошлари оғриётган бўлса Қори почтамни чақириб кўлай. (*Девордан.*) Қори почча! Ҳой Қори почча!..

Обиджон (*кулиб*). Бу ёққа келинг, ўтиринг!

Девордан Қорининг боши кўринади.

Қори поччангиз қачондан бери шу ерда туради?

Ҳожар. Икки йилча бўлди.

Обиджон. Нусрат акангизга қариндош эмасми?

Ҳожар. Йўқ.

Обиджон. Бола-чақаси борми?

Ҳожар. Йўқ. Тарки дунё қилган эмишлар. Нетайхон опам шунча дейдилар.

Обиджон. Хужраси қайси томонда?

Ҳожар. Меҳмонхонанинг шундоққива орқасида.

Обиджон. Қори сизга тегишмайдимми?

Ҳожар (*тушунмай*). Қанақа?

Обиджон. Сизга ҳеч нима дегани йўқми?

Ҳожар. Дедилар... Бу йигитга тегма, юзида фариштаси йўқ, дедилар.

Деворнинг бир қисми қулаб, Қори дўмбалоқ ошиб тушади.

Вой, Қори поччам йиқилиб тушдилар.

Обиджон. Қори ака, дейман, шунча девол ошиб ҳали ҳам машқини олмасиз-да?

Қори. Қолу бало...

Қори унинг ёрдами билан ўрнидан зўрға туради.

Нетайхон югуриб киради.

Нетайхон. Вой ўлай! Нима бўлди?

Обиджон. Деволдан йиқилиб тушдилар...

Қори оёғини силайди.

Нетайхон. Вой, оёғингиз лат едими? Меҳмонхонага кириб чўзилинг, шўрпахта босай. (*Ҳожарга.*) Бор, жойни қалин сол.

Ҳожар чиқади.

Юринг, ака... Аста! (*Обиджонга.*) Ҳассангни берсанг-чи!

Иккови чиқади.

Обиджон. Буларнинг иши яхши экан; Қорининг оёғи лат еса, опам шўрпахта босар экан, опамнинг боши оғриси Қори дам соларкан...

Сухсуров (*киради*). Аҳмоқ! Эшшак!

Обиджон. Нима гап экан?

Сухсуров. Ҳадеб ичавергандан кейин нима бўлар эди! Ишдан бўшатганим бежиз эмас эди-да!.. Нетайхон қави?

Обиджон. Меҳмонхонада, Қори акавинг оёғи лат еган экан, шунга шўрпахта босаёттипти.

Сухсуров Шунақами... Қори билан ака-сиягил бўлиб қолган... Бечора опангиз дардчил — боши кўп оғрийди. Ҳар йил курортга юбораман, фойда қилмайди. Қорининг нафаси енгил, дам солди дегунча енгил тортади. (*Меҳмонхонага киради.*)

Обиджон (*ўзига*). Эр бўлмади ўл!.. (*Ичкарига.*) Ҳожархон!

Ҳожарнинг овози. Лаббай!

Обиджон. Менинг ҳассамни олиб чиқинг.

Ҳожарнинг овози. Ҳозир.

Ҳожар ҳасса олиб чиқади.

Обиджон. Мен меҳмонхонадан номер олдим, ўша ерда тураман.

Ҳожар. Вой, мен нима қиламан...

Обиджон. Сизни кейин олиб кетаман. Албатта олиб кетаман. (*Кетади.*)

Сухсуров билан Нетайхон меҳмонхонадан чиқади.

Нетайхон. Ҳа, нега қаққайиб турибсан?

Ҳожар. Обиджон акам кетиб қолдилар, меҳмонхонадан жой олиптилар.

Сухсуров. Шунақами?..

Нетайхон. Айтмадимми, қайнаб қони қўшилмайди деб. Бор, ишингни қил!

Ҳожар чиқиб кетади. Қори меҳмонхонадан чиқади.

Сухсуров. Ётатурсангиз бўларди...

Қори. Шайх Даазориддини порсо куз ҳавосида карахт бўлиб ётган чаёни „махлуқи худо“ деб

навозиш қилганларида чаён у кишининг муборак қўлларига ниш ургая экан. (*Нетайхондан таъзим билан узр сўрагач.*) Укангиз ўшал махлуқи худо тоифасидандир. (*Сухсуровга каромат мақомида.*) Бу тарсобаччанинг муруватан узатган қўлингизга ниш урмақ муддаоси бор!

Сухсуров. Яъни?

Қори. Яъни, масжидга чиқиб, бир-икки мўмин олдида „Сухсуров асраб олган ожизаси билан ишратда бўлади“ депти ва бу бўҳтонга каминани ҳам олуда қилипти (*йиғламсираб*): гўё фақирнинг хужраси сизнинг ишратхонангиз эмиш!..

Сухсуров. Оббо аблаҳ-э!..

Нетайхон (*шубҳага тушиб*). Тағин рост бўлмасин?

Сухсуров. Сенга нима бўлди?..

Нетайхон. Гапирманг! Мен сизни билмасам экан! Бузуқсиз! (*Йиғламсираб.*) Менга қолганда туздан шўр, бегонага асалдан пирин бўласиз!

Сухсуров. Жоним, ўзингни уринтирма, бошинг оғрийди...

Қори. Худой таоло нури покидан яратган сиздай фариштани қўйиб фикс-фужур йўлига юрмақ кўфрони неъмат бўлур ади.

Нетайхон. Гапирманг! Хужрасини берган қўшмачи! Ҳозир ажрим қиламан! (*Ошхонага томон югуриб чиқиб кетади.*)

Сухсуров. Шундоқ дептими-а?

Қори. Каломулло...

Ошхона томонда нимадир гурсиллайди, нимадир синади. Ҳожар, сочлари тўзиган ва кўйлаги йиртилган, қочиб кўчага чиқиб кетади. Нетайхон хансираб киради.

Сухсуров. Бўлмаган нарсага нега унақа қиласан?

Нетайхон. Гапирманг! Гуноҳи бўлмаса қочармиди! (*Йиғлайди.*) Мен аҳмоқ уй деб, рўзғор деб жоним ҳалак, бу киши меросхўр орттириш лайида! Ҳали меросхўр орттириб ҳам қўйгандирсиз. (*Бирдан.*) Ҳозир участкаларни менинг номимга ўтказинг! Учовини ҳам ўтказинг!

Сухсуров. Хўп.

Нетайхон. Машиналарни ҳам менинг номимга ўтказинг! Пўлат сандиқнинг калитини беринг!

Қори. Бўҳтон!

Нетайхон. Қоч, хужрасини берган қўшмачи!

Сухсуров. Қори акангга ҳам ишонмайсанми?

Нетайхон. Қасам ичинг!

Сухсуров (*жон-дили билан*). Каломулло урсин!

Нетайхон (*бир оз тинчиб*). Шундоқ бўлса ҳам Ҳожар йўқолсин! Ҳозир тошиб келаман! (*Югуриб кўчага чиқиб кетади.*)

Сухсуров. Йўқолсин! Обид олиб кетаверсин!

Қори. Хато! Ҳожарни узатмоқ тadbир эмас! Бу чаён қаёқда бўлмасин, сизга ниш урмағи муқаррар!

Сухсуров. Нима қилиш керак бўлмаса?

Қори. Тадбир топмоқ керак. Бу хусусда ҳам хизматларига камарбастаман, тасаддуқ!

УЧИНЧИ ПАРДА

Бешинчи кўришиш

Сухсуровнинг ҳовлиси. Эрталаб. Жимжит. Ичкаридан Нетайхон телефон ашпаратини кўтариб чиқади.

Нетайхон (*трубкага*). Суюнчи нақд!.. Қани, қани... (*Севиниб*). Вой, ўргилиб кетай!.. Милиция нима деди! Энди маҳкам бўлинг, Нусрат ака, Шобаротга раҳм қилманг!.. Нима? Улфатлар, опини қачон еймиз, дейипаётипти? Ошни толзордаги самоварда қилиб бера-

қолинг, бошим оғриб турипти. Мен энди ётиб дам олай. (*Трубкани қўяди, дарвозани қулфлайди, девор олдида боради ва бедана бўлиб Қорини чақиради.*) Ва-вақ! Ва-вақ!..

Қорининг овози. Питпилдиқ! Питпилдиқ!.. (*Девордан.*) Тасаддуқ!..

Нетайхон. Нусрат акам телефон қилдилар, ишлар беш! Ул-фатларига самоварда ош қилиб берармишлар.

Қори. Ҳай-ҳай, ундай бўлса шодиёнасига биз ҳам андак ишрат қилайлик (*Девордан тушиб, уни уйга судрайди.*)

Нетайхон. Йўқ, қўрқаман...

Иккови уйга киради. Бирпасдан кейин дарвоза тақиллайди.

Обиджоннинг овози. Опа!

Нетайхоннинг овози. Вой ўлай, Обид-ку!

Нетайхон ҳовлига чиқади.

Вой дийдоринг қурсин! (*Деразага.*) Халатимни ташланг!.. Чичинг!.. Қочинг!

Обиджоннинг овози. Ҳо опа!

Қори деразадан банорас тўн ташлайди, Нетайхон тўнни елкасига ташлаб дарвозага томон боради, Қори Нетайхоннинг халатини ёпиниб ўзини деразадан ташлайди ва деворга томон чопади. Нетайхон ўзининг халатини унинг елкасида кўриб кетидан чопади, деворга тармашаётган Қорининг елкасидан халатини тортиб олади. Қори аввал бунга тушунмайди. Кейин ҳар ким ўз либосини кияди. Қори яна деворга тармашади, лекин дармони қуриб, тиззаси қалтирайди. Дарвоза тақиллайди.

Нетайхон (*куча томонга*). Ҳозир!.. (*Қорининг кетидан кўтаради.*) Ё пийрим!.. Нусрат акамга минг марта айтдим-а!.. Шу ерга битта эшик қуриб қўйса нима қилар экан! Эр бўлмай ўл!..

Қори (*кавуши тушиб қолади. Товуши эшитилади*). Оҳ!.. Воҳ!.. Вой оёғим!..

Нетайхон бориб эшикни очади.

Обиджон киради.

Обиджон. Энди турдингизми?

Нетайхон. Йўқ. Кечадан бери қулоғим ғувиллаб, ҳеч нарса ни эшитмайман... Нонуштага келмадинг?

Обиджон. Милицияга чақиришган эди.

Нетайхон. Ҳа, айтгандай Нусрат аканг телефон қилди. Шобарот шармандаю шармисор бўлипти-ку! Бунақа тухматчиларни отдирвориш керак!

Обиджон. Бировга ўлим тилангунча ўзингизга паноҳ тиланг! Ҳожар қани?

Нетайхон (*гаранг*). Ҳожар... сени айтиб келгани кетувди.

Обиджон (*ҳайрон*). Нега, эрталаб ўзим келадиган эдим-ку?

Нетайхон. Шундоқ бўлса ҳам... Бари бир, нонга ҳам чиқар эди. Келиб қолар... (*уйга киради.*)

Обиджон (*нари-бери юриб, девор остида ётган бир жуфт кавушни кўриб қолади*). Ҳмм...

Нетайхон (*дастурхон кўтариб чиқади*). Мевинг кавшим... Ҳайитга кияман деб буюрган эдим, каттароқ тикиб қўйипти. (*Тублисини ечиб, кавушни кийиб олади.*)

Обиджон. Кавуш буюрганингиада бировнинг оёғини обормангда!

Нетайхон (*кавушни шалоплатганича стол олдида бораби*). Утир, нонушта қилгин!

Обиджон ўтиради.

Сенинг билганинг билган... Хўп ўйлаб кўрдим; майли, Ҳожарга жазман бўлсанг — бўпти, Мирзачўлингга олиб кетақол. Иссиқ жойингни совутма.

Обиджон (*мийғида кулиб*). Кеча улашкангизни инъом қилаётган эдингиз, бугун, кетавер, дейсиз...

Нетайхон. Оламан десанг, олақол! Ҳозир десанг ҳозир нонингга ўтказиб берамиз.

Обиджон. Таг-туғи билан берасизларми? Нима қилсам қилавераманми?

Нетайхон. Нима қилсам эмиш... Албатта! Ихтиёр ўзингиз; бузиб ташлайсанми, ўт қўясанми...

Обиджон. Болалар боғчасига бераманми...

Нетайхон. Вой, нафасинг қурсин! Ҳеч бўлмаса, сотаман, дегин!.. Оладиган одам бўлса пулини бўлиб-бўлиб берса ҳам майли эди.

Обиджон. Пулнинг баракасини учуриб нима қиласиз, бирдан бергани яхши-да! Заёмдан беш марта ўн минг сўмдан ютуқ чиққан

одамга эллик минг сўлкавой нима деган гап.

Нетайхон. Бўлмаган гапни қўйсанг-чи!

Обиджон. Нега, сизларга чиққан ютуқ бошқаларга чиқса бўлмаган гапми?

Нетайхон (*ўпкалаб*). Заёмдан ютганимизга ҳеч ишонмайсан-а?

Обиджон. Бошқаларнинг ютшига ўзингиз ишонмайсиз-ку?

Нетайхон. Ютуқ одамнинг толеига қарайди.

Обиджон (*жиддий*). Шунақами?.. Ҳа, айтгандай, пул ширин деган эндингиз, пул ширин бўлса нега ишламайсиз? Ё ишлаб топилган пул тахирроқ бўладими?

Нетайхон. Нима иш қиламан?.. Ҳеч ишлаган эмасман.

Обиджон. Ҳм, болалигингизда ҳам арзанда эдингиз... Эрга тегиб ҳам шунча йилдан бери балиқсиз кўл, кийиксиз чўлман денг? Бола ҳам кўрмабсиз?..

Нетайхон. Нима қиламан болани! Ҳар бир бола хотин кишининг бетига ўнтадан ажин туширади! Жон ўзимнинг жоним! (*Бирдан*.) Нима деб жигимга тегининги билмайсан-а? Ўгай шу экан-да!..

Обиджон. Ўгай деган сўз аллақачонлар ўлиб кетган. Уруш йиллари, ундан кейин ҳам ҳеч қаерда эшитган эмасман; бу сўз ўлганини билар эдим қаерга кўмилганини билмас эдим. Энди билсам сизнинг кўксингизга кўмилган экан!

Нетайхон. Нима қипти менинг кўксимга?..

Обиджон. Ўгай деяпсиз-ку! Ким кимга ўгайлик қиляпти? Мен қўлимга ойна олиб юзингизга тутдим, башарангизни кўринг, бурвингизни артиб олинг деяпман. Сизчи, участка бериб, мени ириб-чириб кетган ҳаётингизга қопқоқ қилмоқчисиз-ку! Шуми ўгайлик қилмаганингиз?

Нетайхон (*шовқин солиб*). Менга нима қипти! Ўзинг ириб кет! Ўзинг чириб кет!..

Обиджон. Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим: отингиз Озодахон эди, нима бўлиб Нетайхонга

айланиб қолдингиз? Бу отни сизга ким қўйди?

Нетайхон (*жеркиб-жеркиб*). Ҳамма қўйган! Маҳалла қўйган! Шу маҳаллага кўчиб келганимиздан бери ҳамма Нетайхон дейди.

Обиджон. Шунақами?

Нетайхон. Нетайхон деган машҳур хотин ўтган экан.

Обиджон. Нетайхон нимаси билан машҳур бўлган экан?

Нетайхон (*жаҳл билан*). Билмайман!

Обиджон. Ҳеч қаерда ишламай, дугопаларингиздан айрилиб топган мартабангиз шу бўлдимми? Билмасангиз билиб олинг: Нетайхон бурун замонда исловотда ириб-чириб, юртга қўланса ҳид таратган бир фоҳиша ўтган!

Нетайхон. Вой!.. (*Шовқин солиб*.) Шунақа гапларни гапиргани уялмайсанми!.. (*Йиғлайди*.)

Обиджон. Йиғламанг, кавуш оёгингизни сиқаётган бўлса ечиб қўйинг!

Нетайхон. Ишинг бўлмасян! (*Бирдан*.) Йўқол! Дийдоринг қурсин... (*Кавушни ечиб, туфлисини кийиб олади*.)

Обиджон. Хўп!.. Ҳожар келсин, кетаман.

Нетайхон. Кўчага чиқиб кут!

Обиджон. Айтақолинг, қаёққа кетди?

Нетайхон (*газаб билан*). Чакана қилгани кетди!

Обиджон (*ўзини аранг босиб*). Не, ўзингиз улгуржи қилиб, унга чаканани ўргатибсиз-да!

Нетайхон бир ўкраяди-ю, гапиргани сўз тополмай, уйга кириб кетади. Уйда нимадир тарақлайди, нимадир синади... Кўча эшигидан Қори киради. Унинг оёғида ўзига катта калиш, бурни эзилган.

Қори. Ассалому алайкум ва раҳматулло...

Обиджон (*дунғиллаб*). Салом...

Қори. Ҳеч ким йўқми?

Обиджон (*бир пой кавушни қўлига тутқизиб*). Кавуши бору ўзи кўринмайди!

Қори (*гўё тушунмай*). Бачи маъни? (*Кавушни секин мачит томонга улоқтиради*).

Обиджон. Ҳамиша шикаст еб ирасиз-а, Қори ака, бурунга нима қилди?

Қори. Эшик қисиб олди, тасаддуқ... Камина бир масала хусусида ҳузурингизга бормоқчи эдим.

Обиджон. Нима масала экан?

Қори. Ҳизмат аҳбоби дин, ар-боби шариат бўлсак ҳам алҳамдулилло, ҳукуматимиз хизматига камарбастамиз, тасаддуқ!

Обиджон. Хўп.

Қори. Шукурким, ҳукуматимиз даврида адлу адолат барқарор бўлди. Лекин, афсус ва надоматлар бўлсавким, ришват яъни пора отлиқ бало адолат қалъасига раҳна солмоқда. Жанобларининг адлу адолатда Ҳорунарашид эканликларига кўнглим шаҳодат бериб, шу хусусда шаммак изҳор қилмоқчи ихтиёр қилдим.

Обиджон. Қироат қилмасдан гапиринг, пора, порохўр тўғрисида гапирмоқчимисиз?

Қори. Тасаддуқ!

Обиджон. Биронта порохўрни биласизми?

Қори. Ҳай-ҳай... Жаноблари Нусратуллонинг хешлари эканликлари фақирга маълум ва лекин бошимга ҳазрати Алининг муборак зулфиқорлари келганда ҳам ҳаққу ҳақиқатдан юз ўғирмоқ одатим йўқ.

Обиджон. Хўш-хўш?

Қори. Нуератулло фосиқ эканлиги устига порани қилдек суғуриб иликдек ютмоғи махфий эмас.

Обиджон (*ҳайрон*). Далилингиз борми?

Қори. Қасамдин ўзга далилим йўқ, тасаддуқ!..

Обиджон (*анчадан кейин*). Нусрат акамнинг пора олишига ишонмайман!

Қори. Ба ҳурмати каломулло! Обиджон. Хўп, бу гапни нима учун менга айтаётисиз?

Қори. Худо кўнглимга солди.

Обиджон. Худо нима учун идорасига бориб айтишни кўнглингизга солмади?

Қори. Маҳкамага кирмоғимиз ҳукуматимизга ё хуш келади, ё хуш келмайди...

Обиджон. Сухсуров ҳаром одам эканлигини биларэкансиз, нима учун ҳеч бўлмаса алоқангизни узмайсиз?

Қори. Биз каби аҳбоби диндан лозимки, мўминларни пайғамбаримизнинг шафоати ва худойи таолонинг инояти йўлига бошласак...

Обиджон (*жўрттага, қатъий*). Нусрат ака пора олмайди!

Қори. Тадбири топилса бир миқдор пора бериб кўрмоқ мумкин.

Обиджон. Нима деб пора бераман?

Қори (*эслаб*). Дарвоқе... Нусратулло, маълумингиз, Юсуфни анвой бўҳтонлар билан қаматган эди. Юсуфнинг хотини фарёд чекиб келса, Нусратулло ақча тамаида бўлипти; хотин юз сўм ақча берса, „кифоя эмас“ деб олмапти. Муштипар йиғлаб менинг олдимга келди: „шу ақчани сиз беринг, шояд бу гўрсўхта сизнинг қўлингиздан озни кўп ўрнида кўриб олса“ деди, ҳарчанд рад қилсам ҳам ақчани ташлаб кетди. Шу ишни лутфан сиз қилсангиз, аввало, бир муштипарнинг ҳожати чиқар эди; сониян, Нусратуллонинг хулқидан огоҳ бўлар эдингиз; боқи, бу бетавфиққа панду насиҳат мақомида бир неча сўз айтар эдингиз, чароки ҳар нучук, жигаргўшангиз Нетайхоннинг жуфти ҳалоли!

Обиджон. Нусрат ака менинг қўлимдан пора олармикан?

Қори (*ёнидан пул чиқариб*). Пора берган кимсанинг юзига қарамайди, тасаддуқ.

Обиджон (*пулни олади*). Хўп, Қори ака, бериб кўраман.

Қори. Сиз порохўрлик касратидан, камина зино касратидан огоҳ қилсак, ажаб эмаски Нусратулло инсофга келса...

Зино илки кўзингни хийра айлар,

Зино илки хирадни тийра айлар...

Обиджон (*ҳайрон*). Зино нимаси тағин?

Қори. Ҳожархон хусусида...

Обиджон. Ҳожарга нима қипти?

Қори. Хабарингиз йўқми? Нетайхонингиз ҳайдаб юборди-ку!

Обиджон. Нега? Нима гуноҳ қилипти?

Қори. Нусратулло Ҳожархон билан ишратда бўлиб юрган экан... Обиджон (*ирғиб ўрнидан турди*). Ёлғон!

Қори. Илоҳо ёлғон бўлсин, тасаддуқ!. Лекин кеча Нетайхон ҳайдаб юборганлиги муҳаққақ...

Обиджон. Кеча? Ҳожарнинг шаҳарда ҳеч кими йўқ эди, қаёққа боради?

Қори. Қолу бало...

Обиджон югуриб чиқиб кетади.

Нетайхон (*деразадан*). Нима бало қилдингиз?

Қори. Бир миқдор лампа мойи сепдим, тасаддуқ!

Нетайхон (*пиқирлаб кулди*). Гугуртни қачоп чақасиз?

Қори. Иншоолло эртага!..

Парда

Олтинчи куришиш

Милиция бошқармасида капитан Наврўзовнинг кабинети.

Обиджон ҳаяжонда, нари-бери юрмоқда. Наврўзов киради.

Наврўзов. Сувичини чиқаравринг, Ҳожархонингиз топилди!

Обиджон (*ҳовлиқиб*). Қаерда экан? Қаерда қолипти?

Наврўзов (*сохта жиддият билан*). Ана шу ёғи чатоқроқ... Маҳаллада шўхроқ, бевошроқ бир йигит бор, шунинг уйида қолган экан...

Обиджон (*ўти ёрилиб*). Йўге... Ҳожар унақа қиз эмас... ўртоқ капитан, ҳазилни қўйинг...

Наврўзов (*кулгидан ўзини зўрга тийиб*). Милиция ҳазилни билмайди, ўртоқ Иброҳимов!

Эшик тақиллайди.

Кириш!

Чол (*эшикдан бошини тикиб*). Мумкинми?..

Наврўзов. Кириш! Келинг, отахон... (*Обиджонга*.) Уша шўхроқ, бевошроқ йигит мана шу киши! Обиджоннинг кўнгли жойига тушиб, чол билан кўришади. Чол ҳайрон.

Марҳамат, отахон, ўтиринг. Ёлғиз келдингизми?

Чол. Ёлғиз келдим. Кампиримнинг вақти йўқ, зайнит...

Наврўзов. Йўқ, мен... Ҳожархонни сўраётиман. Айтишмадими, Ҳожархон бизга керак эди.

Чол (*пичинг билан*). А?.. Ҳожархон-а? Қиз шўрлик Сухсуровнинг эшигида хор-зор бўлиб юганида ҳеч ким „ҳолинг нима“ демапти...

Наврўзов. Тўғри, лекин...

Чол (*унга сўз бермай*). Қиз бечора кўчада йиғлаб кетаётганида биронта милиция „кимсан, нега йиғлайсан“ деб сўрамапти...

Наврўзов. Тўғри, лекин...

Чол. Энди, мен бошини силаганимда сенга керак бўлиб қолиптида!

Наврўзов (*кулиб*). Таъпаларингиз ўринли, отахон, лекин қиз хор-зор бўлиб юганида биз „ҳолинг нима“ демаган бўлсак бир маҳаллада, ҳатто бир кўчада туриб, бу гапни сиз ҳам айтган эмассизда! Ё айтганмисиз?

Чол (*шовқин солиб*). Мен бу қизни Сухсуровнинг жияни деб ўйлардим!

Наврўзов. Балки мен ҳам шунанга деб ўйлагандирман!

Чол. Сен ҳам менга ўхшаб ўйлайдиган бўлсанг ҳукумат нима деб елканга погон тақиб қўйипти?

Наврўзов. Сиз, елкангизда погонингиз бўлмагани билан милицияга жуда ҳам бегона одам эмасдирсиз? Ё буткул бегонамисиз? Ниҳоят билагингизда қизингиз йўқ, холос!

Чол. Лекин бари бир, Ҳожарни олиб келмайман, ҳар қанча гапинг бўлса менга гапиравер. Қизим иккита эди, учта бўлди. Иккала қизимни чиқарганман, бунга қиличдай бир йигит топиб ичкуёв қиламан!

Обиджон. Э-э, отахон!..

Наврўзов. Унақа деманг, ўзининг қиличдай қаллиғи бор! Мана!

Чол (*Обиджонни менсимай*). Сенми қаллиғи?.. Гулдай қизни биронинг эшигида сарғайтириб қўйипти, яна йўқотиб қўйиб мили-

цияда йиглаб ўтирипти-ю, қилич-дай йигит эмиш! (*Шовқин солиб.*) Ўтмас пичоқ! Арра! (*Қатъий.*) Бермайман!

Обиджон. Отахон...

Наврўзов. Мен сизга кейин айтиб бераман.

Чол. Нимани айтасан, ҳозир ўзим кўриб турибман-ку! Бермайман!

Наврўзов. Ҳожар бу кишини яхши кўради, иккови аҳд-паймон қилган.

Чол (*Обиджонга ялт этиб қаради*). Шунақама? (*Узоқ уйлагандан кейин.*) Отинг нима?

Обиджон. Обиджон.

Чол. Хим... бошпуртинг борми?

Наврўзов Бор, ҳаммаси бор!

Чол. Заксдан ўтганмисан?

Обиджон. Энди ўтмоқчимиз.

Чол. Аввал Заксдан ўт, ундан кейин гаплашаман.

Наврўзов. Заксга ўзи якка борадими!

Чол (*уйлаб*). Майли, мен бориб сўрайман, „яхши кўраман“ деган гапни ўз оғзидан эшитсам олиб келаман. (*Чиқади.*)

Наврўзов. Хўп, энди хотир-жам бўлдингизми?..

Обиджон. Раҳмат, ўртоқ капитан!

Наврўзов. Хўп... Қоридан пулни олганингиз яхши бўпти. Қоринима деган бўлса шуни қилиш керак. Биз ҳозирдан бошлаб Қорининг кетига одам қўямиз... Бу гапдан Сухсуровнинг хабари бўлмай иложи йўқ... Қорини қачондан бери танийсиз?

Обиджон. Илгари кўрган эмасман.

Наврўзов. Уядоқ бўлса бу каламушни биз яхшироқ билар эканмиз. Каламуш, ҳақиқий каламуш! Қирқ иккинчи йилда аскарликдан қочиб ўн йилга кесилган; қамоқ муддатини битиргандан кейин етти йил давомида қирмаган канага қолган эмас: чайқовчилик дейсизми, табиблик дейсизми, қассоблик, қорилик... Икки йил бўлади, шу матчитга имом бўлиб тинчиди.

Обиджон. Топган жойини қаранг-а!

Наврўзов (*уйчан*). Хм... Демак, булар Юсуф фақат беш кунга қамалганлигини билишмас экан-да?

Обиджон. Фақат беш кунга қамалганми?

Наврўзов. Эртага муддати битиди, қўйворишимиз керак.

Обиджон. Ие, унда ишнинг пачаваси чиқади-ку: Юсуф чиққан замони Сухсуровнинг олдига боради.

Наврўзов. Тўғри, лекин суднинг ҳукмини бузолмаймиз. Ҳозир. (*Бир қарорга келиб трубкани олади.*) Навбатчи!.. Капитан Наврўзовман! Юсуф Зиёмовни юборинг! (*Трубкани қўяди.*) Бўшатсак ҳам Сухсуровнинг олдига бормайдиган қиламиз.

Обиджон. Шундоқ қилинмаса бўлмайди.

Эшикдан тортиниброк Юсуф киради. Унинг юз-кўзи кўкарган.

Обиджон. Салом!

Юсуф (*Обиджонни кўриб шошиб қолади*). Кечирасиз, бечорачилик...

Наврўзов. Ўтиринг. Эртага озодликка чиқадиларми?

Юсуф. Озодликка чиқмай ўлай... Жон ака, бўлар иш бўлди, шу гап шу ерда қолсин. Ўртоқ Сухсуровга ёзиб юборманг. (*Обиджонга арз қилиб.*) Ўзим тавбамга таяниб турибман — мава, калламда соғ жойим қолгани йўқ.

Обиджон. Нима бўлди?

Юсуф. Бўлган иш шуки, ҳаммомда адашиб қолдим.

Обиджон. Ие, ҳаммомдаям адашадими киши!

Наврўзов. Юсуфжон пошшо одам бўлиб олганидан кейин хоҳлаган жойида адашаверади!

Юсуф. Йўқ, жом қидириб... хотинлар бўлимига кириб қолибман. (*Қулади*) Ҳаммаси қип-яланғоч! (*Ункаси тўлиб.*) Лекин роса уришди, ҳаммаси жом билан урди! Кўнглим озиб қопти. Кўзимни очиб қарасам (*Жирканиб*) мастларнинг ичида ётибман.

Наврўзов. Ҳушёрхонада денг.

Юсуф. Отини унча яхши билмайман... (*Наврўзовга.*) Жон ака,

ўртоқ Сухсуров билмай қўяқолсинлар! (*Обиджонга.*) Айтинг, ёзма-синлар.

Наврўзов. Биз ҳозирча ёмай туришимиз мумкин, лекин ўзингиз билдириб қўясиз-да: чиққан замонингиз Сухсуровнинг олдига борасиз.

Юсуф. Бормайман, афти-бошим тузалгунча, касалман, деб ётаман.

Обиджон. Сухсуровдан шунақа кўрқасизми?

Юсуф. Кўрқмайману... Ҳозир камҳажроқ бўлиб турибман, беадабчилик қилганимдан кейин бир нима обормасам ишдан ҳайдайди-да!

Обиджон (*Наврўзов билан кўз уриштириб*). Сиз шунақа... бериб турасизми?

Юсуф (*Наврўзовга кўз қирини ташлаб, ботинолмай*). Янги конун чиқмасдан олдин берганман...

Наврўзов. Сухсуров сизни қип-қизи муттаҳам, ўғри деб ўтирипти-ю, сиз мунча аяйсиз?

Юсуф (*эси чиқиб кетади*). Йе!.. Оғзимда чайнаётганимга ҳам чанг солади-ю, мен ўғри, мен муттаҳам бўлдимми!

Наврўзов. Шунақами, жуда олғир денг!

Юсуф. Вой-вўй... Жонини олгани келган Азроилдан ҳам пора сўрайди! Порахўр деган найча қўйиб сўрар эди, бу муттаҳам ўттиз икки тишини барабар ботиради! (*Йиғлажсираб.*) Топганимни шунга туғиб қўйиб, ўзим бола-чақа билан пуставканинг жунини ейман!

Наврўзов. Аччиқ устида айтаётибсиз-да...

Юсуф. Йе!.. Ёзиб бераман.

Наврўзов. Майлингиз... Навбатчига айтинг, сизга қалам билан қоғоз берсин.

Юсуф. Қоғозни кўпроқ берсин. Сухсуровнинг кирдикорини ёзсам, беш килолик катта китоб бўлади. (*Чиқади.*)

Пауза.

Обиджон. Ҳар қалай Сухсуров хийлагина гўл одам экан. Бит-

та гўл порахўрни тутиш шунча қийинми?

Наврўзов. Э, ўртоқ Иброҳимов, битта гўл порахўрни тутишдан кўра йигирмата учар ўғрини тутиш осонроқ. Ўғри урган киши „дод, ўғрини ушла!“ дейди, пора берган киши: „дод, порахўрни ушла!“ демайди-да! Мана, кўриб турибсиз, илмоқ солиб тортмасангиз айтмайди. Бундан ташқари биров анқов—порахўрни кўриб туриб пайқамайди! Биров порахўрни фош қилгани эринади: „Эхе, судма-суд юраманми“ дейди; биров порахўрнинг билагидан оққан мойни итдай ялайди; биров „Порахўр ҳуркимасдан олсин, бемалол есин“ деб поранинг отини „совға“, „ҳада“, „тўёна“, „ёрдам“ қўйиб беради.

Обиджон. Ҳақиқатан, бундай қулай шароит ҳеч бир ўғрида йўқ.

Наврўзов. Поранинг яна бир ғалати хили бор: хушомадгўй-лаганбардор деган махлуқ мансабдорни сигирдай ялаб, жунини тескари қилиб таплайди! Мансабдор ҳам хуш ёқиб, бузоқдай бўйинини эгиб тураверади.

Чол киради.

Чол (*орқасига*). Кир, бўтам, киравер. Мана бу йигитни танийсанми?

Ҳожар (*йиғлаб*). Обиджон ака...

Чол. Э, э, қизим... (*Обиджонга.*) Майли-майли, йиғласин...

Наврўзов (*чолнинг диққатини торттиш учун*). Бардамсиз, отахон!

Чол. Ўзларидан сўрасак?..

Наврўзов. Отахон!

Чол (*қулоқ солмай*). Суюнганидан йиғлаётипти...

Наврўзов. Отахон дейман! (*Кўлидан ушлаб четга тортади.*)

Чол (*ўпқасини туюлмай*). Аммо лекин қиз бола суюнганидан йиғласа ёмон ҳам чиройли йиғлайди-да. (*Наврўзовнинг ўрнига ўтиради.*)

Наврўзов унинг қулоғига бир нималар дейди. Шунақами, майли, менинг керагим ҳам қолмади шекилли... (*Яна ёш-*

ларнинг олдига боради.) Энди бир-бирларингни йўқотманглар... Хайр...

Обиджон. Раҳмат, отахон.

Наврўзов. Дружина эканингизни эсдан чиқармасиз-а?

Чол (аввал чап, кейин ўнг қўли билан честь бериб). Есть!

Наврўзов. Яна 10—15 минут вақтингизни оламан.

Иккови чиқиб кетади.

Обиджон. Нима бўлди?

Ҳожар. Нетайхон опам урдилар.

Обиджон. Нега уради?

Ҳожар. „Бузуқсан“ дедилар!

Обиджон. „Бузуқсан дедилар?“

„Бузуқ бўлсам сенга ўхшамасмидим“ демабсиз-да?

Ҳожар (миннатдорлик билан). Обиджон ака... ишонмаслигингизни билар эдим!..

Обиджон. Бутун кўрган-билганингизни капитан Наврўзовга айтиб беринг!

Ҳожар (буни ақлига сиғдиролмайди.) Вой!..

Обиджон. Ҳа?

Ҳожар. „Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бергин“ деган.

Обиджон. Ким айтган?

Ҳожар (уйлаб). Худо!..

Обиджон. Худо сизга шунақа депти-ю, Нусрат акангизга: „Шу қиз эсини таниганидан бери хизматингни қилади, лоақал битта

кўйлак олиб бер, ҳадеб Нетайхоннинг эскисини киявермасин“ демаган экан-да?

Ҳожар. Билмасам...

Жимлик.

Обиджон. Туз ичган жойингизга қайтиб борасизми?

Ҳожар (бош чайқайди). Йўқ...

Обиджон. Нима қиласиз?

Ҳожар. Билмайман. (Узоқ жимликдан сўнг.) Ўзингиз... „Мен билан Мирзачўлга кетгин“ деган эдингиз-ку?..

Обиджон (мийғида кулиб). Нетайхон опангиз ваъда қилган участкани демасангиз ҳали ҳам гап шу!

Ҳожар (ерга қараб). Уйланмаган экансиз-да?..

Обиджон. Уйланган эдим... Урушда мана бунақа бўлиб келганимдан кейин кетиб қолди, шундан кейин бу тўғрида бировга оғиз очгани ботинолган эмасман. Ушанда сизга ўша гапни гапирдим-у кейин пушаймон бўлдим.

Ҳожар (шошиб). Нега?

Обиджон чўлоқ оёғини силайди.

(ҳассани силаб). Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ, Обиджон ака. Ростини айтсам, оёғингиз шунақалигини энди пайқаб турибман!

Обиджон. Раҳмат... демак, кетамиз-а?

Ҳожар. Кетамиз!

Еттинчи кўриниш

Сухсурувнинг ҳовлисида меҳмонхона.

Сухсуров, Нетайхон, Қори.

Қори. Қайтиб келмадим, а? Астағфирулло!..

Нетайхон. Келмади, жувон ўлгур!

Қори. Воллоҳу аълам, бирон маҳкамага арз қилди бу. Бу замонда нима кўп, арз тинглайдиган маҳкама кўп! Алалхусус аёл кимса арз қилса!..

Нетайхон (аччиғи келиб). Нима деб арз қилади?

Сухсуров. Урганинг-чи? Урди, деб арз қилса нима бўлади?

Нетайхон. Урганим билан... кўкармайдиган жойига урганман!

Сухсуров (бирдан). Бу касофат қиз ўзини бир нима қилмадикан?

Нетайхон. Вой, бизга нима?

Сухсуров (аччиғи келиб). Терговдан бошимиз чиқмайди!.. (Бирдан.) Йўқолди, деб милицияга хабар қилиш керак.

Қори (кўрсаткич бармоғини кўтариб). Сабру таҳаммул! Назари кимие асаримда ўси қайтиб ке-

лади, келмаса Обиджонингиз топади — Ҳожарнинг чиқиб кетганини эшитиб жони ҳалқумига келди!

Сухсуров. Обидга айтиб нима қилар эдингиз?

Қори. Ёлгондан парҳез қиламан, тасаддуқ!

Жимлик.

Сухсуров. Ишимиз нима бўлди, Обид унадими?

Қори. Ақчани топширдим.

Сухсуров. Ҳозир юрагига бу гаплар сизмас...

Қори. Билъакс! Ақчани кўтариб милицияхонага борган бўлса ажаб эмас.

Сухсуров. Жуда соз бўлар эди.

Нетайхон. Нима балолар деяпсизлар?

Сухсуров. Укангни чақиртириб бошимизга бало қилдик, анди худо дегив, бу балони бошимиздан кўтарсин!

Нетайхон. Худо деган билан бўлармикан?

Қори. Худо „сендан ҳаракат, мендан баракат“ деган, ҳаракат қилаётибмиз!

Сухсуров. Обид келса хойнахой милициядан одам бошлаб келади, келиши билан ҳужрангизга чиқинг!

Қори. Бажони-дил, тасаддуқ!

Ҳожар киради.

Қори. Ана айтмадимми, тасаддуқ!

Сухсуров. Э-э, қизим, кел...

Нетайхон. Қайси очиқ мозорда эдинг?!

Қори. Астағфирулло, денг! Эгилган бўйинни қилич кесмайди, тасаддуқ, қайтиб келгани бўйин эггани.

Нетайхон. Гапир дейман!

Сухсуров. Қўй, тавба қипти...

Нетайхон. Ҳа, ичингиз ачидими? (Ҳожарга.) Ҳу ўйнашинг билан балага гирифтор бўл! (Урмоқчи бўлади.)

Ҳожар (унинг қўлини ушлаб). Менга тегманг! Бас!..

Ҳамма ҳайрон.

Қори. Лоҳавла вало қуввата...

Обиджон киради.

Обиджон. Салом!

Нетайхон намоишкорона чиқиб кетади.

Сухсуров. Э-э-э, мулла Обиджон, келинг-келинг...

Қори (Сухсуровга). Қазо бўлган намозим бор эди. (Чиқади.)

Обиджон. Бирдан кетадиган бўлиб қолдик, Нусрат ака. Узримизни айтиб, хайрлашгани келдик.

Сухсуров. Шунақами? Бизни ташлаб кетасизларми? Сен ҳам кетасанми, Ҳожархон? (Кўзига ёш олиб.) Ўрганишиб қолган эдик. Айниқса Нетайхон опанг чидай олармикан...

Обиджон. Ҳа, опамга жуда қийин бўлса керак.

Сухсуров. Нетайхон опанг адаб-одоб ўргатиб баъзан қалвинкаттиқ гапириб қўйган бўлса рози бўлгин... Бахтинг очилсин. (Ийглаб юборади.) Тўйингга бизни чақирасанми?

Обиджон. Сизлар бўлмасаларинг тўй тўйдаи бўладими!.. (Ҳожарга.) Нарсаларингизни олиб чиқинг.

Ҳожар чиқади. Сухсуров ўпкасини ҳеч туюлмайд.

Нусрат ака, сиз билан Юсуф тўғрисида гаплашмоқчи эдим.

Сухсуров (талмовсираб). Қайси Юсуф?

Обиджон. Хизматчингиз... қамалиб қолган экан.

Сухсуров. Ҳа, анави пианистани... (Кулоқ солмай.) Мен, ука, давлат ишидаги одамман...

Обиджон. Хотини йиглаб келди.

Сухсуров. Сизнинг олдингизга ҳам бордимми? Бу ерга ҳам келган эди, ҳайдаб юбордим.

Обиджон. Йўли бўлса ёрдам қилсангиз!..

Сухсуров. Йўли бир менга боғлиқ эмас, тегишли одам бор...

Обиджон. Уша тегишли одам тўғрисида гапираётибман-да!

Сухсуров. Пора нима, пора-хўрлик нима эканини мендав яхши биласиз-ку! Ўртада туриш ҳам жиноятга киради-я!

Обиджон. Биламан.

Сухсуров (*улкалаб*). Библиб туриб мени жиноятга бошлайсизми?..

Обиджон. Бир камбагалингиз...

Сухсуров (*кўнгли юмшаб*). Юсуф, ҳақиқатан, камбагал одам, бир камбагалга мурувват қиламан деган киши... (*Кулиб*.) Ут ўчиргани тиниқ сув қидириб юрилмайди-ку!

Обиджон. Ҳа, ана, ривоятни ҳам топдингиз. Уша тегишли одамга бир пиёлагина лойқа сув узатилса...

Сухсуров. Хўп! Нима ҳам дейман, жигарчилик экан, сизни деб лойқа сувга ҳам қўл ураман-да!

Обиджон. Раҳмат... (*Пулни беради*.) Юсуфнинг хотини берди.

Сухсуров. Бети қурсин! Қўймадингиз-да. Кўрпанинг қатига қўяқолинг. Мен порадан ҳазар қиламан.

Обиджон (*пулни кўрпанинг қатига қўяди*). Ҳожар мунча ҳаяллади, чиқай-чи! (*Чиқади*.)

Сухсуров (*унинг кетидан эшикни қулфлайди*). Галварс! Сен шоккида ўйнасанг, мен баргида ўйнайман! Бошинга Шобаротнинг кувини солмасам, олиб келган милициянгга ўзингни топширвормасам мен ҳам юрган эканман-да! (*Кўрпачанинг қатидан пулни оташкурак билан олиб печкага ташлайди*.)

Ҳожар (*деразадан*). Обиджон акам қанилар? Эшик берк...

Сухсуров. Қаттиғроқ тортмабсан-да, эшик очилди... (*Узича*.) Кўриб қолдимикан?.. (*Бориб эшикни очади*.)

Наврўзов, чол ва икки гувоҳ кирадилар. Ҳамма иморатнинг ҳашаматига хайрон.

Биринчи гувоҳ. Худоёрхоннинг ўрдаси-ку.

Иккинчи гувоҳ. Амири Бухоронинг ўрдаси денг!

Наврўзов. Салом...

Сухсуров. Салом... Яна нима бало бўлди?

Наврўзов. Учрашамиз деб ваъда берган эдим-ку!.. Дushmanингиз кўч экан, сизга туҳмат қилгани қилган!

Сухсуров. Давлат ишида бўл-

ганимдан кейин дushman бўлади-да, синфий кураш тамом бўлган деб ўйлайсизми?

Наврўзов. Эски опнамиз, гувоҳнома кўрсатишимнинг ҳожати йўқдир.

Сухсуров. Ҳожати йўқ...

Наврўзов. Булар гувоҳлар. Юсуф Зиёмов иши юзасидан қайнагангиз Обиджон Иброҳимовдан ҳозир уч юз сўм пора олдингиз. Қарор билан тавишиб, қўл қўясиз. (*Беради*.)

Сухсуров (*қарорни олади, Обиджонга*). Бу қандоқ бўлди? Гапирсангиз-чи!

Обиджон. „Лойқа сув“ деб турибман-ку!

Сухсуров. Сиз менга пора бердингизми?

Обиджон. Ҳа, мен бердим, сиз олдингиз!

Сухсуров. Идорадаги душманларим сизни ҳам қўлга олганини, менга қарши қайраб солганини билардим, лекин сиз бунақа пастликка борасиз деб ўйламаган эдим. Аблах!

Обиджон. Бу гап оғзингизда туратурсин, ўзингизга керак бўлади!

Наврўзов. Қўл қўйинг!

Сухсуров (*товуши титраб*). Менинг толеим шу ўзи: кимга яхшилик қилсам ёмонлик қайтади... (*Қарорга қўл қўйиб, Наврўзовга беради*.) Марҳамат, тинтинлар! Лекин бу сафар кечирмайман! Хотиним хафа бўлса ҳам, қўйди-чиқдига борсак ҳам кечирмайман! Тезроқ тинтинлар! Протокол ёзилсин!

Наврўзов. Пулни чўнтагига солдимиз?

Обиджон. Кўрпанинг қатида. (*Бориб қарайди. Пул йўқ. Хайрон*.)

Наврўзов ҳам бориб қарайди.

Ҳожар. Обиджон ака, печкани қаранг!

Сухсуров. Кет, йўқол, тарбиянг бузилади.

Обиджон бориб печканинг ичига қўл тикади; ниманидир маҳкам ушлайди. Сухсуров данг қотиб қолади.

Обиджон. Ўртоқ капитал, ор-

қадан келинг! Ҳожархон, капитанни
Қорининг ҳужрасига бошланг!

Ҳамма ҳайрон.

Гувоҳлар. Ё алҳазар!..

Наврўзов. Қўйворманг! (Гувоҳларга.) Қани, юринглар!

Қорининг товуши. Вой!..
Вой қўлим!.. Оҳ!..

Наврўзов, Ҳожар, чол билан гувоҳлар чиқишади.

Нетайхон киради, аҳволни кўриб ҳайрон.

Сухсуров. Вой уйим куйди!
(чиқади).

Қорининг товуши. Вой қўлим!.. Қўлим сивади!..

Нетайхон. Вой, Қори аками?..
(Обиджонга.) Нима гап?

Обиджон. Қори акангизнинг энди қўлига шўрнахта босадиган бўлиб турибсиз.

Ҳужра томонда говур.

Наврўзовнинг овози. Ўртоқ Иброҳимов, қўйворинг!

Ҳожар. Обиджон ака, қўйворинг!

Обиджон Қорининг қўлини қўйиб юборади.

Нетайхон (Обиджонга). Вой, нима бўлаётипти ўзи... Энди участкамизни олиб қўядими?! Обиджон ука, участкамизни оладими? Боғча қиладими?

Обиджон. Болалар боғчасиз қолгани йўқ.

Нетайхон. Майли, олсин, ўзим топшираман! Лекин мендан кейин олсин. Сен яна уч-тўрт кун туриб шуни тўғрилаб кетгин. Инвалидсан, гапинг ўтади. Улгунимча ўзим турай, жон ука!..

Обиджон. „Ўлгунимча турай“. Ҳозир тирикмисиз? Тирик бўлсангиз шунча йилдан бери жон асорати кўринмасмиди? Тўғри, арингизга ўхшаб, ҳаром еганингизда, ёлғон гапирганингизда жагингиз қимирлайди, лекин буви жон асорати деб бўлармикан? Йўқ, сиз, арингиз билан бирга аллақачонлар ўлгансизлар, элтиб кўмиш қолган холос! Сизнинг бу гапларингиз

тобутдан чиққан товушга ўхшайди. Гапирманг, (эти учиб) одамнинг эти жимирлайди.

Керакли объектларни суратга олган Наврўзов қўлида фото аппарат, Қори қўлида пул билан, Ҳожар, чол, икки гувоҳ кирадилар. Наврўзов Қорининг қўлидаги пулларнинг номерини солиштира бошлайди.

Гаранг бўлиб қолган Сухсуров киради.

Чол (Обиджонга). Вой-вой! Бу печка тилсимот-а, тилсимот! Бу ёқдан ташланган пулни одам боласи тополмайди.

Сухсуров (бўғилиб Қорига). Нима бўлди, нега кечикдингиз?

Наврўзов. Бунимендан сўранг! Кеча Қорининг чироғи ўчиб қолган эди, ҳозир монтер келиб ёқиб берди. Шундоқми?

Қори (бош чайқаб). Ҳм... Ҳали шундоқ денг... Тасавно!..

Наврўзов. Энди тасавно дедингиз-а! (Печкани, унинг оғзини суратга олади.)

Қори. Бундан бир неча дақиқа муқаддам Сухсуров каминани чарлаб „печкага бир миқдор пул ташладим, сизга омонат“ деди.

Сухсуров (кўзлари олайиб). Мен печкага пул ташлаганим йўқ! (Бирдан фош қилиб.) Ўзи маҳкамаи шаръиядан юлган пулларини яшириб юради.

Қори (жон-пони чиқиб). Бўхтон! Ўзи порага олган ақчаларини печкага ташлайди.

Обиджон. Сиз олиб турасизми? Сизга қанча тегади?

Қори. Ўзи закот тариқасида бир миқдорини мачитга бериб туради. Шайтонуллаҳин!

Сухсуров. Ўзинг шайтон! Текинхўр!

Қори. Порахўр!

Обиджон. Бир-бирингдан қолишмайсан!

Чол. Ҳар қайсинг йигирматадан шайтонни яйдоқ минасан!

Наврўзов ҳаммани протоколга қўлидиради.

Мен булар нега маҳаллага қўшилмайди, нега қўни-қўшни билан

кирди-чиқди қилмайди, деб ҳайрон бўлардим, энди билсам, иккови ҳам олқинди ўғирлаган ҳаққадай, топганини бир марта чўқиб, ўн марта атрофга қарар экан.

Наврўзов. Қани, кетдик!

Сухсуров. Руҳоний.

Қори. Уғри, муттаҳам.

Нетайхон (*йиғлаб*). Вой энди нима қиламан?

Обиджон. Энди нима қилар эдингиз, эрингиздан қолганини

қуртдай кемириб ётасиз, бошингиз оғриси...

Ҳожаар. Вой, энди турмага қатнайдиларми?

Ички тур парда тушади.

Театр вакили. Дўстлар! По-рахўр халқнинг қаҳри-ғазабига, қонуннинг омонсиз зарбасига дучор бўлиши керак. Гўзал жамиятимизнинг ҳуснига доғ соладиган текинхўрларни муқаддас тупроғимиздан супуриб ташлайлик!

Парда.





Повестъ*

Бобомнинг ошналари, маҳалла аҳлидан битта-яримтаси зеркиб, ҳар кун бобомнинг олдига киради. Ўтган-кетгандан гаплашиб, эрмак қилиб ўтирадилар. Бобомнинг мадрасада ўқиган бир ошнаси бор. Савлатли, соқоли калта, кўзлари ақлли, бошида янги дўппи, озода кийинган, элликдан ошган ва бутун умр уйланмай тоқ ўтган киши. Аҳёнда бир келиб узоқ суҳбатлашади.

— Тақсир, ўтган воқеалардан бир ҳикоя қилинг,— дейди бобом.

У Қашқардаги Ёқуббек ҳақида ажойиб саргузаштлардан, Хитой воқеаларидан ибратли сўзлар билан узоқ гапириб кетади.

Мен ҳайрон бўлиб, жим ўтириб тинглайман. Эшитган гапларимнинг маъзини чақаман ўзимча.

— Тақсир, Худоёрхон ўрис подшосига асир тушган, эшитишимга қараганда хотинларини шаҳри Туркистонга ташлаб кетган. Лекин Маккага кетганмиш. Гапиринг, тақсир, нима бўлган? Маккага кетганми, ё хануз асир ўтирибдими?— сўрайди бобом эжикилаб.

Чол вазминлик билан, шошмасдан гапни узоқдан бошлайди. Воқеаларни бирма-бир гапиради. Сўзни тарихдан олиб келади. Подшоҳлардан, хотинлар, беклардан, Темур замонидаги турли воқеалардан, машҳур саркардалар ҳақидаги қизиқ гаплардан хўп гапиради. Кейин Худоёрхонга ўтади.

— Аммо, Худоёрхон фиқ-фасоддан ин қурган, айши-ишратга ботган кўр, золим хон эди. Ҳайтовур даф бўлди,— дейди чол.

— Ҳаммаси бир гўр. Урис келди қутулдик, лекин пошшо ҳам золимликда қолишмайди,— дейди бобом.

— Ҳа, ҳаммаси бир гўр. Одил бир подшойи олам керак,— дейди бир оз сукутдан кейин чол.

Мен бир четда, бобомнинг орқасида жим ўтириб тинглайман. Кетгандан кейин бобомдан:

— Қачон келади бу ошнангиз? — деб сўраб оламан.

— Келади тагин, янаги ҳафта пайшанба кuni келади, ўғлим! Бу киши Қашқарда кўп яшаган, асли тошкентлик. Кўп мулла, асл йигит. Тарихни сувдай билади,— мақтайди уни бобом.

* Давоми. Боши 1, 2, 3, 5-сонларда

* * *

Оқмачитда, бобомнинг эшиги олдида ғилдирак ўйнаб юраман. Бу ўйинни яхши кўраман. Оқмачит билан Баландмачит ўртасида югурганим-югурган. Мен тупроқни енгилгина тўзғитиб бормоқдаман. Тўсатдан отда миршаб желиб қолади. Мўйлови узун, соқоли калта, қилич таққан, попоқ кийган, ниҳоят баджаҳл, золим киши. Бобомнинг ён қўшниси у. Маҳалла бундан жуда қўрқади. Ҳамма ялиниб кун кўради.

Отини ёнимда таққа тўхтатиб бақиради:

— Нимага чангни бурқитиб юрибсан? Отни чўчитиб юбординг, аблаҳ!

Қалтираб кетаман:

— Ассалому алайкум!— дейман шошиб.— Шундай... Узим ўйнаб юрган эдим... Тақсир...

Миршаб индамайди. Бобомнинг эшигини тақ-тақ уради қамчи билан:

— Сўфи! Бу ёққа қаранг!

Бир гап бўлди шекилли, деб бобом ичкаридан қоқила-суқила югуриб чиқади:

— Ассалом!— дейди қўлини қовуштириб.— Нима гап ўзи, тақсир?— сўрайди бобом дам миршабга, дам менга қараб.

— Кимнинг боласи?— сўрайди дағаллик билан миршаб, мени қамчиси билан кўрсатиб.

— Тақсир, менинг болам, биласиз-ку ўзингиз. Тентак жуда шўх... лекин маъқулгина бола,— дейди кулиб бобом.

Миршаб мени жуда яхши билади, жўрттага қилаётган дағдағаси. Менга қараб бир ёмон хўмрайиб қўяди.

— Нимага кўчани чангитиб юрибди, хўш?— дейди бобомга ўдагайлаб.— От ҳуркиб кетди. Лекин, сўфи ака, бу гап кечирдим. Жазо-сини тоза берардим-у аядим тентакни. Бола сизники, адабини бериб қўйинг ўзингиз. Подшойи оламнинг даври бу давр! Тартиб-интизом қани?— ўқрайди бобомга ва оғзига бир кафт нос ташлайди.

Бобом менга пўписа қилган бўлади, кейин миршабга:

— Бола-да, бола...— дейди бобом ялинган товуш билан.— Ёш-да, ёш, кечиринг, амакиси.

Жуда жаҳлим чиққан, лекин иложим йўқ, жим тураман. Миршаб индамайди, ўз эшиги олдида секин отдан тушади-да, қовоғи солиқ ҳолда «ҳароми, чух-эй!» деб отини бир туртади, от бояқиш миршабнинг олдига тушиб ҳовлига кириб кетади. Миршаб кўзимиздан йўқолгандан кейин бобом бечора қўлимни ушлаб уйга етаклайди.

— Юр!— дейди менга қараб.

Дўконга қирамиз. Халфалар, шогирдлар, тоғаларим сўрашади:

— Нима бўлди, нима гап ўзи?

Бобом тушунтиради уларга.

— Миршабни пичоқ билан тилим-тилим қилсам!..— хуноб бўлиб гапирди бир шогирд.

— Золимлар бисёр, оғайни, оллога сизин,— дейди қари халфа.

Бобом менга қараб таъкидлайди:

— Бадбахт, золим у. Иложимиз йўқ-да...— дейди ўрнига ўтириб. Қачонки унга дуч келсанг «Ассалом!» дегин. Зинҳор-зинҳор! Золимдан қоч, узоқ юр!..

Жаҳлим чиқади. Чурқ этмайман. Аллақандай хаёллар ичида Говкушга, уйга жўнайман.

Бувим айвонда, кўзойнак тақиб, эрмак учун алланимани ямаб ўтирибди. Бошида енгилгина пешанабоғ.

Айвонда ғув-ғув пашшалар. Бувим бояқиш хира пашшалардан безор. Ўзича аста қандайдир бир қўшиқни айтмоқда. Охир пешин. Жаҳаннам иссиғи.

— Ассалому алайкум!— деб бирдан эшикдан Муслим тоға кириб келади.

— Келинг-келинг,— дейди бувим ва кўзойнагини эҳтиётлаб олиб токчага қўяди-да, ямоқларини йиғиштиради.

Ойим билан опам дарров ўринларидан туриб салом берадилар. Кейин онам ҳовлига тушиб, самоварга урнайди.

— Қалай, бардаммисиз?— сўрашади Муслим тоға, кўрпачага жойлашиб ўтириб.

— Худога шукур!— дейди бувим ва фотиҳа ўқигандан кейин узундан-узоқ сўраша бошлайди.— Хайринисобону эсон-омонми? Келин яхши юрибдими? Туғиши яқинлашгандир?..

Муслим тоғанинг устида узун кенг яхтак, эскигина тўн, одатдаги яғир дўпписи. У новчадан келган, тўрва соқол, қошлари ўсиқ. Кир оёқларида қишин-ёзин бирдай — каттакон сағри кавуш.

Муслим тоғанинг ҳам ҳовлиси Говкушда, худди аравалар турадиган кенг майдончанинг ўзида. Ҳовлиси катта, уйлари пастгина. Ариқ бўйида ҳамиша, ҳар ёз иккита жайдари атир гул, пастда намозшом гул, гултожихўроз, сада райҳон ўсиб туради. Булар кеч кузгача очилгани очилган.

Мен тоғанинг ҳовлисига тез-тез кириб тураман. Бувимнинг отасидан қолган жой. Хайринисо опоқ ойим кўксов. Доим кўрпа-ёстиқда. Ташқарида кенг майдон. Бир туп яйраб ўсган, сер кўланка, қимизак олма бор. Ҳар йил бошини еб мева қилади, лекин қуртли. Мен кунига бораман. Қўйнимни тўлатиб, олиб келаман.

Ҳовлимизда узум йўқ, шафтоли йўқ, ҳеч вақо йўқ. Майдоннинг бир четида отхонага яқин бир тут бор. Пишганда у тутдан тушмайман. Тўйиб-тўйиб ейман. Дарахтдан тушгандан кейин, ўт юлиб, отхонада қантарилиб турган бечора отга бераман.

Муслим тоға чаккасидан сўлғун райҳонни олиб Каромат опамга узатади. Опам енгил табассум билан райҳонни олади.

— Ҳидла, чироғим, райҳон. Жаннатдан чиққан,— дейди Муслим тоға жулиб.

— Қалай ишларингиз? Заркентдан қачон келдингиз?— сўрайди бувим.

— Тирикчилик ғамида амал-тақал қилиб юрибмиз-да. Икки кун бўлди шаҳарга тушганимга,— дейди тоға соқолини силаб.

У Заркентда боққолчилик қилади. Дўқонида ип-игнадан тортиб, сумак-тувакка қадар икир-чикир нарсалар борминш. Шалоқ бир араваси, қоқ суяк яғир оти бор. Оти асло арпа кўрмайди, ҳамиша чайнагани нукул ҳашак ва хазон. Тоға ўлғудай қаттиқ, хасис. Шу феъли билан ҳаммага машҳур ҳам масҳара.

Бувим ўтган-кетган гаплардан кейин ўзининг ҳасратини бошлайди:

— Етти ой бўлади Тошнинг дараги йўқ. Гуруч йўқ, мош йўқ, хумларнинг таги кўриниб қолди. Озгина буғдой бор, холос. Келин билан неvara жияк тикиб, дегчани қайнатиб ўтиришибди. Ҳар замонда Тош уч сўм, тўрт сўм юбориб қўяди. Муслимжон, ҳасратим кўп, дардим кўп.

— Хафа бўлманг, сабр қилинг. Тошнинг пича қарзи бор-да, қутулиб олсин тинчиб қоласиз. Тош қўли очиқ, сахий одам...— дейди бошини қимирлатиб тоға.

— Илоҳим барака топсин, орқамда қолсин, болаларини ўзи боқсин,— деб кампир йиғи аралаш дуо қила бошлайди.

Икковлари эзмалашиб узоқ суҳбатлашишади. Тоға хотинидан гап очиб, зорланади:

— Ҳамиша касалманд. Улдим унинг касалидан. Узиям чўп бўлди. Дам кўчириқ дейди, дам фолбин дейди... Гавго кўп-да... Эй...— дейди қўлини силтаб.

— Хотинингиз яхши аёл. Уғил-қизларини боқаман деб адо бўлди. Яхшилик қилинг, яхши гапиринг. Касали оғир. Муслимжон, сахий бўлинг, зинҳор торлик қилманг...

Ойим шақирлаб қайнаб турган самоварни олиб келади. Дастурхон ёйилгандан кейин кампир нон, қанд, майиз қўяди. Гунгур-гунгур суҳбат устида хўп мириқиб чой ичишади.

— Қани, фотиҳа беринг, амма,— дейди тоға сўзларни салмоқлаб.— Эртага ҳовлига боринг. Бозордан калла-поча олиб келаман. Яхши кўраман, жуда хуш кўраман каллани. Яхши таом-да ўзи. Ҳасип ҳам қилсақ чакки бўлмасди, лекин аттанг, қимматроқ. Кўрамиз, мабодо арзонроқ учраб қолса, олиб келамиз,— дейди Муслим тоға гапни даргумон қилиб.

Кампир илжайибгина жавоб беради:

— Хўп, эртага бораман. Зерикдим, майли, роҳатланиб келаман.

Муслим тоға темирдай қаттиқ, зил кавушларини кийиб, хайрлашади.

Унинг қораси йўқолгандан кейин онам ва опам қотиб-қотиб, тоғадан роса кулишади. Бувим Муслим тоғанинг бутун феъли-атворини яхши билади, лекин жуда яхши кўрганидан, биров масхара қилғудай бўлса, дарров ёқлашга уринади.

— Пишиқ, пухта одам. Буғдойни, гуручни вақтида, арзон нарх билан топиб олса ёмонми? Игна билан қудуқ қазитгандай, минг азоб-уқубат билан топган давлатини шамолга сочиб юрсинми?!

Мен кулиб дейман:

— Тоғам яхши, лекин қуримсоқ. Отлари антиқа, арава ўлгур чарх-фалак. Оқча ҳумчада. Алмисоқдан қолган сағри кавуш. Яғир дўппи, бўз кўйлак. Тошдек қаттиқ, зиқна киши.

Бувим қарғайди. Мен кўчага қочаман.

* * *

Ҳовлиқиб уйга югураман. Бувим, ёнбошида чарх, ип йигирмоқда, ойим кўзларини тиззасидаги жиякдан узмасдан иш тикмоқда.

— Ойи, ойи, жуда қизиқ бўлди!

— Нима гап экан?— сўрайди ойим ишида давом этиб.

— Отин бувим қуръон ўқиб ўтирган эди, қўққисдан жўрпалари лов этиб ёниб кетди. Иннайкейин отин ойим билан Султон ака ўтни дарров ўчиришди. Ёмон ёнди...— энтикиб гапираман.— Ўзим томда кўриб турдим. Жинлар, парилар олов ташлаб кетди, деди отин ойим... Султон ака-чи, қовоғини солиб, хўмрайди. Ёдгорга тегажаклик қилиб, парилар гоҳ келиб туради, шуларнинг иши, деди Султон ака.

Ойим бувимга қарайди:

— Тавба, Ёдгорнинг парилари бор дейишади-я, қайдам... Жинлар Ёдгорга яқинмиш, бир кун дераза парда ўзидан-ўзи ёнибди-кетибди. Бир кун Султон ака энди намоздан қайтиб, ҳовлига қираман деб эшик остонасига шундай қадам қўйган экан, биров шақ этиб пешонасига урибди. Ким деб аланглабди, ҳеч ким кўринмасмиш. Хуллас шундай гаплар кўп-да. Жинларнинг қилиғи, дейишади. Ҳаммасини қўшнилардан эшитаман,— дейди ойим.

— Бе! — дейди бувим қўлини силтаб.— Мен ҳам эшитганман, ишонқирамайман.

Шу тобда Узун Сара эшикдан гапириб киради:

— Вой-бў! Нима бало, кармисизлар, гунгмисизлар?! Иш тикиб ўтиришибди-я, тавба! Маҳалла тўполон бўлиб кетди-я! Отин ойи ёниб кетай деди! — вайсаганича келиб Узун Сара айвон лабига ўтиради.

— Эшитдик! — дейди бувим, энсаси қотиб. Кейин кампир жуда лоқайдлик билан гапиради:— Ут ёмон нарса. Сув балосидан, ўт балосидан сақласин.— Ямоғини йиғиштириб, «Астофирулло!» деб ёнбошлайди бувим.

Узун Сара оғзини тўлдириб, лабларини қийшайтириб, гапира кетади:

— Париларнинг қилиғи шундай бўлади. Бай-бай-бай, улар бир ғаш бўлдими, кун бермайди-я! Келиндан ажралса, ана шунда қутулади отин ойим ҳам Султон ҳам бу хархашадан...— дейди, кейин овозини пасайтириб шивирлайди Узун Сара:— Ёдгорнинг эри Эшвой ҳам ўлгудай лаванг-да. Эртаю кеч самоварда чапанилар билан наша чекади. Парилар эрини хоҳламайди. Бир кун Эшвой хурракни хўп тортиб ухлаб ётганда парилар тарс этиб шапалоқ билан уриб кетибди-ку!..

Ойим гапга аралашади:

— Инс-жинс ёмон нарса. Кўп кўриб, кўп эшитганмиз. Ёдгор эри жавоб берса — шу бугун жон деб кетади. Шайланиб ўтирибди. Тез эрим жавобимни берсин, дейди.

Эҳтимол ёлғондан, жинларим бор, дейдигандир. Эҳтимол жинлари бордир. Ёдгор истараси иссиққина жувон, эрига кўнгли йўқ.

Узун Сара қўлини пахса қилиб яна гапиради:

— Ёдгорнинг парилари бор, биламан, ўзи айтган менга. Парилар эрини хоҳламайди, ғаш бўлиб қолган. Кечалари париларни келармиш; отин ойим буни билади, ҳасрат қилди менга, пинҳон.

Бувим, ойим, Узун Сара хўп эзмалик қилишади. Маҳаллада қўшнилариимиз бу хусусда янги-янги гапларни ҳар кунни тўқийдилар. Бу гап ҳам маҳалламизнинг хотин-халажи орасида катта воқеа. Гоҳо бунга эрлар ҳам аралашиб қўядилар.

* * *

Чоршанба бозор. Ҳар бозордаги каби вақтлик тураман. Ойим у чоршанбадан бу чоршанбага қадар ўзининг ва Қаромат опамнинг тиккан жиякларини рўмолчага тугади-да, қайта-қайта: «Эҳтиёт бўл, отараванинг тагида қолма!» деб таъкидлаб, дуо билан жўнатади мени. Дўппи, жияк бозори Эскижўвада. Кўпчилик хотинлар. Ҳаммаси хароб, ғирт бечора. Камбағал хотинлар. Кир, йиртиқ-ямоқ, жулдур паранжиларда, аксарияти кампирлар. Улар кўз нуруни тўкиб, кеча-кундуз тиккан дўппи, жиякларини бир неча тангага сотишга уринадилар. Тирикчилик шундай машаққат..

Бозорнинг ўзига хос сурони, ғовур-ғувури бор. Мен жиякларни билагимга ташлаб, тиқиличда тентирайман. Ҳар учраган харидорга: «Олинг, яхши жияк, нуқул ипак!» деб мақтайман. Жияк бозор ҳаммиша суст. Кўпинча, сотиб бўлсам ҳам мактабдан қутулиш ниятида бозорни айланиб юраман. Бутун бозорни кезаман. Газлама расталаридан бошлаб, то атторчиликка, бешик бозорга, носвойфурушлар, шиннифурушлар, ҳатто кўмир-ўтин бозорига қадар ҳаммасини тинтиб чиқаман.

Базозлар, тағларида қат-қат кўрпача, бозорнинг сараси биз, дегандай гердайиб ўтирадилар. Қишда устларида почапўстин, ёзда хитой жужун. Кўкраклариди соатнинг олтин занжири оснғлиқ, оёқлариди ғарч-ғурч амиркон маҳси-кавуш, этик. Баъзан дўконларда тахт-тахт молни қалаштириб, яҳудийлар ўтиради. Улар мол сотишга жуда уста.

Турли ипаклик, шол, атлас, товарларнинг харидорлари нуқул боёнлар; синчиклаб кузатиб ўтаман бу расталарни, тўхтаб савдо-сотихқа қулоқ соламан.

Бозор бошдан-оёқ тим. Ёзда салқин, қишда ёғингарчиликка бош-пана. Қатор-қатор тимларни томоша қилишни, биттасини қолдирмасдан кезиб чиқишни яхши кўраман.

Аравакашлар чаққон, тинмасдан қатнайдилар. Тўп-тўп газлама туширадилар. Мешкобчи маччойилар «Пош-пош! Пош-пош!» деб мешларда сув ташийдилар. Тинмасдан ёзда кетма-кет сув сепиб турадилар. Меш жуда катта бўлади. «Қандай кўтарар экан?» деб ичимда ҳайрон қоламан.

Чор тарафга анграя-анграя атторчиликка ўтаман. Атторларнинг савдоси қизгин. «Қоч-қоч, йўқол!» деб мени ва менга ўхшаш болаларни яқин йўлатмайди улар. Чинни бозорига ўтаман. Четларига турли ғазаллар, байтлар ёзилган гардин пиёлалардан бошлаб, турли товоқ, қошиқ, қозонга қадар ҳаммасини топасиз.

Камбағаллар кўп. Ҳунар аҳли хароб. Зўр-базўр, амал-тақал қилиб кун кечирадилар.

Чет-четда мардикорлар, ҳоммоллар бошларини қуйи солиб, қачон менга харидор келади, деб интизорликда ўтирадилар. Тиланчилар, гадойлар беҳисоб, ҳар бир ўткинчига титроқ товуш билан дуо қилиб, кўл чўзадилар, кўзларида маъюслик, ғам-ғусса тумани...

Тўда-тўда дарвешлар, қаландарлар бозор кезадилар. «Хақ дўст, ё олло!» деб қичқирадилар. Бошларида кулоқ, эгниларида узун чакмон жанда, белларида каттакон қовоқ — кашкуллар, ола-була мунчоқлар. Қўлларида узун ҳасса, ўтдонда исиріқ, алланималар...

Улар Машрабдан ва баъзи форс шоирлардан чуқур сўфиёна диний ғазаллар ўқиб бозорни кезадилар. Мен орқаларида эргашиб бу ғазаларни тинглашни севаман.

Бозор ажойиб. Катта дош қозондай қайнайди. Хил-хил, турли-туман одамлар, бозорнинг ўзига хос ажойиб гаплари. Бу гапларни соатлаб тинглашни яхши кўраман.

Шундай қилиб, ўлғудай санғиб, кунни кеч қилгандан сўнг, ҳориб, уйга қайтаман.

— Катта қолдинг, кўзим тўрт бўлди-я, хавотирда ўтирибман?— Ташвишли товуш билан сўрайди онам мени қаршилаб.

— Ия, бозор сустки, базўр пул қилдим жиягингизни... Савдо ка-рахт... Тез, ойи, овқат! — дейман ойимни шошириб.

— Ёлғон! Алдашни ҳам ўрганяпсан,— дейди ранжиган товуш билан онам.

* * *

Турғун деган бир ўртоғим бор. Биз қалин дўст, тенгдошмиз. У қувгина, бетайинроқ бўлса-да, яхши фазилатлари кўп. Эпчил, ҳар нарсага ақли югурик, кексалар каби гапдон. Маҳалламизга яқингинада кўчиб келган бўлса-да, жуда тез дўстлашиб қолганмиз.

— Ўртоқ,— дейди у бир кун менга,— бозорга борган эдим, ноғоралар бирам бисёрки, кўзларим ўйнади. Олардиму... Дадам, камбағалчиликда сенга ноғора чикора, деб койиб берди. Ман бир ғариб сувоқчи бўлсам, санинг дардинг ноғорада, ярашмаган гап, деб уришди дадам. Хуллас, ноғора ораум чиппакка чиқди... Эссиз-эссиз ноғора,— дейди Турғун бошини чайқаб.

Турғуннинг отаси — сувоқчи, касалманд одам. Баъзан жиндай иш топиб қолади, аксари вақт бекор. Минг машаққат билан ҳаётини ярим оч, ярим тўқ сургаб турган кўп бечора кишиларнинг бири эди у.

— Мен бозорга борганда нуқул ноғорачилар ичида юраман, — дейди хомуш тусда Турғун. — Улар чаладилар, ўтириб маза қилиб эшитаман, гоҳо, муллакажон, битта чалай, деб ялинаман.

Мен ҳам бозорга борганимда ноғораларга, чирмандаларга ҳавасим келарди. Уларни мақтайман Турғунга, кейин дейман:

— Менга қара, Турғунвой, наҳотки даданг ноғорага пул бермайдими? — сўрайман ачиниб.

— Э-э! — дейди Турғун қўлини умидсизларча силтаб. — Ялинаман, йиғлайман, бефойда! Ноғора бу ерда — юрагимда... — дейди икки қўли билан кўкрагини уриб. Бир лаҳза сукутдан кейин заҳарханда билан айтади: — Отам ҳам ўлгудай зикна-да, тошдай қаттиқ. Бир кун олиб бераман, сабр қил, сабр туби — сари олтин, дейди. Ҳа, шундай, пуч ён-гоққа қўйнимни тўлдиради-қўяди.

Югурганимча уйга кираман. Ойим ва опам жияк тикиб ўтирардилар.

— Ойи, ойи, бозорда ноғора жуда сероб. Овози баланд, чалиш осон... Олиб берасиз! — Онамнинг пинжиги суқулиб ялина бошлайман. — Ноғора асл нарса, ҳар хил усулга чалса бўлади. Дардим ноғорада, ишқим ноғорада...

Онам ишидан бошини кўтармайди, ҳорғин товуш билан гапиради:

— Бу хархаша яна қайдан чиқди? — сўрайди мендан.

— Чапаниларнинг иши, оберманг! — дейди Каромат опам чиройли қошларини чимириб.

— Сизнинг ишингиз бўлмасин, — дейман жаҳл билан опамга ва тағин онамга ялина бошлайман. Йиғлайман, хархаша қиламан.

Онам шартта ўрнидан туриб, ҳипчин билан бир-икки аччиқ саваландан сўнг, ноғорадан умид узаман.

* * *

Мачитда, ҳовуз бўйида дардисар сабоқни биз юз дафъа, минг дафъа қайта-қайта ўқиймиз. Ҳалқумлар қурийдими, кўзлар тинади, қўлларда тахта, ҳафтияк, қуръон... Навоий, Ҳофиз, Бедил... Тебраниб ўтириб ўқиймиз, ўқиймиз...

Ҳовузда қурвақалар сайрайди. Дарахтлар учиди чумчуқлар чуғуллайди. То алифбедан тортиб қуръондан оётлар, Навоий, Фузулийнинг ғазаллари, Бедилнинг форсий байтлари — ҳаммаси кўшилиб, аралашиб, ҳавода ҳамиша аллақандай бир шовқин — овоз булути туради. Бу шовқин қулоқларни тўлатади... Бошлар ҳам, қулоқлар ҳам гаранг бўлади... Ким ёнига, ким олдига чайқалиб, ким юмуқ кўзлар билан, ким тиниқ осмонга термилиб, ўқиймиз... ўқиймиз...

Мактабимизнинг нақ тўғрисида қатор-қатор миршаблар ўтиради. Бу ерда уларнинг маҳкамаси бор. Бири кириб, бири чиқиб, изғиб туради. Ҳаммаси баджаҳл, кўрс, бадқиёфа одамлар.

Бир лаҳзагина домлам бизни ёлғиз қолдиргудай бўлса, дув этиб, ўзимизни кўчага урамиз, маҳкама олдини, ундаги шовқин-тўполонни томоша қиламиз. Саман йўрғаларда, ярақлаган извошларда кеккайиб ўтган бой, бойваччаларга миршаблар икки букилиб таъзим қиладилар. Қамбағаллар, мардикорлар, ғариблар миршабларнинг зуғумидан, қаҳридан дир-дир қалтирайдими. Мен ўйлайман: нега миршаблар бундай ёмон, бадбахт бўлар экан? Нега миршаблар орасида бирортагина факирга меҳрибони, раҳмдили топилмас экан?..

Домлам пайдо бўлиши билан ҳаммамиз яна мактабга югурамиз.

Бой болаларидан бири менга мақтанади:

— Янги, каттакон ноғора олдим, — дейди қулочи билан ишора қилиб. — Ҳали пешиндан кейин бизникига юр, чаламиз.

— Олдингми-я?— сўрайман дарров ундан, бир лаҳза сукутдан кейин:— Ойимларга пул тушган замон мен ҳам оламан,— дейман ерга тикилиб.

— Кеча дадамларга айта қолган эдим, кечқурун дарров гумаштаси ғириллаб ноғорани олиб келди. Пул деган нарса бизда тайёр-да. Пул асл, пул бўлса чангалда шўрва. Бирпасда ноғора қўлга тегди,— валдирайди бойвачча.

«Бунинг ҳам ойиси узоқ тунлар қадалиб ўтириб, керосин бўлмаганда шам ёруғида жияк тикса, ўзи менга ўхшаш жияк сотиб, бир неча тангани рўмол учига тугиб, уйга югурса, мундақа валдирамас эди» деб ўйлайман ичимда.

Дарсдан кейин бойвачча мени уйига сургайди.

Кенг ташқарида, шарқираб оқиб турган катта ариқ бўйида чамандай гулзор. Ҳовли бўйлаб, ҳақиқатан гўзал ҳашаматли иморат, ўймакор панжаралар.

Бола ғизиллаб ичкаридан каттакон ноғорани олиб чиқади. Ноғора бармоқ тегиб кетса бом-бом қилади. Ноғора чўпни ушлаб бола чала бошлайди.

Бирпас қараб тураман-да, кулиб юбораман. Бойваччанинг қовоғи солинади-ю, лекин индамайди.

— Уртоқ, туппа-тузук чаласан, аммо мақомни билмайсан,— дейман.

Бойвачча пича енгиллашади, ноғора чўпни менга узатади:

— Қани, чал ўзинг, кўрамиз,— дейди ноғорани мен томон суриб.

Мен ноғора чалишни сал-пал биламан. Тўйларда, ҳайитларда, айниқса ўттиз кун рўзада, Шайхонтовурда мадрасанинг томида қозондай катта ноғора чаладилар. Мен, Маҳкам, Ҳожи, Турғун ҳаммамиз барбақт бориб, ноғора чалинишни кутиб ўтираемиз. Соат ўн иккида ноғора-сурнай бошланиб кетади. Ноғорачи ориқ, пакана, сурнайчи бўлса қорни мешдай, пуфакдай семиз одам.

Ноғора-сурнай бошланганида қимир этмай ўтириб тинглаймиз.

Уйга келиб, бувимнинг кепчигини ноғора қилиб чаламан. Бувим «Бир каминг ноғорачиликми?» деб мени қарғайди, койийди, кепчигини ҳамиша аллақаерларга яшириб қўяди.

— Қайдам, эсимдан чиқиб қолганмикан?— дейман ноғорани бармоқларим билан чертиб.

— Чал-чал, биласан, хумпар! — дейди бойвачча минғирлаб.

Менинг хаёлим узоқда. Мақомларни қидираман. Бирдан гумбирла-тиб чалиб юбораман, ўзим ҳам ҳайратда қоламан.

— Ия, уста экансан-ку, туппа-тузук чаласан-а. Ноғорачи бўл! — дейди бойвачча пастки лабини осилтириб.

Жиндайгина чалишим билан бойвачча ноғорани йиғиштиради.

— Етар, зерикдим ноғорадан! — дейди осмонга қараб.

Ачинаман, эндигина мақомни топиб, дадил чалаётган эдим, эсиз! Шартта тураман-да, индамасдан чиқиб кетаман.

Менда ноғорага чиндан муҳаббат, иштиёқ зўр. Ҳар кун онамга хархаша қилавераман, йиғлайвераман, онам уради ҳам, сўкади ҳам, бўлмайди. Бу ниятдан қайтмаслигимни пайқаган Каромат опамнинг раҳми келади шекилли, энди ўзи ойимга ялинади, ахир кўндиради. Чоршанба кун ойим жиякларни рўмолга тугиб беради, ўртоғим Турғун билан бозорга югурамиз.

Эскижўва тикилич. Дўппи, жияк кўтарган аёллар жуда кўп. Бозор суст. Турғун шум, қув, эпчил эмасми:

— Олинг, ака, жуда пишиқ-да, ипагини қаранг, бирам қуюқ тикилган. Жуда арзон беряпмиз, зарур ишимиз бор... Асл жияк, жон ака, олақолинг! — деб ҳар бир дуч келганнинг йўлини тўсади.

Ахир жияклар сотилади. Қўйлагим ичидаги яширин чўнтакка пулни эҳтиётлаб жойлайман-да, Турғун икковимиз ноғора бозорга равона бўламиз.

Бозорда ноғора жуда кўп. Хилма-хил. Биз бозорни хўп оралаймиз. Ахир арзонроқ бир кичкина ноғорани мўлжаллаймиз.

— Мулла ака, неча пул берайлик? — сўрайман ноғорани қўлимга олиб.

— Уч танга, акаси. Жуда пишиқ-да. Терисини қара, гумбурлайди... — дейди ноғоранинг эгаси, сариқдан келган чўтир киши.

— Йўғ-а, арзимаёди! — дейди Турғун ноғорани камситишга тиришиб. — Ноғоранинг асили каттаси. Бу нима, шуюм ноғорами? Зигирдайку, пўкиллаёди... — енгимни тортиб имлайди Турғун. Гўё ёқтирмагандай. Четгароқ, бошқа ноғораларга кетамиз.

Бир-икки дафъа кетиб-келиб, ахир ноғорачини кўндириб нархини ярим танга туширамиз. Икки ярим тангага оламиз. Ноғорани галмагал қучоқлаб, ҳарсиллаганимизча Говкушга югурамиз. Маҳаллада дув этиб болалар ёпишади бизга.

— Қани, ўртоқ, энг яхши мақомдан олиб юбор! — дейди Турғун чўпларни қўлимга тутқазиб.

Ноғорани ерга қўйиб чалиб юбораман.

Болалар жим қотиб тинглашади.

— Худонинг берган кунни саҳарда томга олиб чиқамиз, — дейди Турғун кексалардай салмоқланиб. — Ноғорани Мусавой чалади, сизлар қулоқ солиб сел бўласиз. Бугунча бас! — дейди Турғун ноғорани кўтариб.

— Ҳм, янги қилиқ! — дейди Узун Сара эшикдан бошини чиқариб.

— Соғ қулоқларнинг пардаси энди йиртиладиган бўпти. Бу шум такадан ҳеч кимга кун йўқ, — чийиллайди қарши эшикдан, энсаси қотиб Қалта Сара.

Мен ноғорани яна гумбурлатаман.

* * *

Эгамберди тоғам сурғалиб юриб, ахир дардга енгилади — ётиб қолади. Ойим ҳар кун хабар олгали бирров чиқиб келади. Бувим, айниқса бобом ичдан ёнадилар. Келинойимнинг чеҳраси бир он очилмайди, ҳамиша қовоғи солиқ. Қўли ишга бормасдан, гимирлаб юради.

Эгамберди тоғам дам чўзилиб ётади, дам орқада қўш ёстиқ, деворга суяниб ўтиради. Гоҳо кўнгли келса зерикиб, пича қизиқ гаплардан сўзлаб беради менга. Ранги синиққан, аввалгидан ҳам озиб кетган.

Бобом кетма-кет ёш-қари ҳар хил табибларни олиб келади. Туркона дориларни, хилма-хил гиёҳларни истеъмол қилишга қистайди тоғамни.

Мен ҳар кун икки-уч қатнаб тураман.

— Кел, жияним, кел! — дейди тоғам, мени олдига чақириб. Унинг вазиятига, кайфига қараб, гоҳ бирпас ўтираман, гоҳ соатлаб ўтираман. Яхши кўраман унинг суҳбатини.

— Авжи бедана вақти келяпти, жиян, — дейди тоғам, кўзларида ғам ва дард туманини кўраман, ичдан хўрсинаман. — Тузук бўлай, икковимиз чўлга чиқиб, тузоқ билан беданаларни қириб юборамиз...

— Бўпти, тезроқ тузук бўлинг... — дейман суюниб.

Ҳақиқатан бу тоғам жуда беданабоз, бедананинг тилини яхши билди.

Тоғам янги бедана олиб келган куни менга секин шивирлаб, эшик-деразани ёп, дерди. Мен дарров эшик-деразаларни авайлаб бекитардимда, бурчакда тоғамнинг қаршисига аста ўтирардим.

— Товуши чиқди, яхши-я, қара, жиян, зўр бедана!— дерди тоғам севиниб. Қанотларининг остига, устига сув пуркаб, енгига солиб, самоварга жўварди. Мабодо беданаси қочғудай бўлса, менга берарди.

— Ма, ол, сенга боб бедана,— дерди кулиб.

Беданани қўйинимга солиб, Говкушга югурардим.

Бедана боқиш, бедана парваришини жуда жойига туширарди тоғам. Эшак қурт, пашша, гўшт, арининг уяси... алланима балоларни ақтариб юрарди ҳамиша. «Бедананинг пири шу!» деб менга шивирлаб қўйнарди халфа-шогирдлар.

Тоғамнинг хасталигини, аҳволининг оғирлашганини пайқганимдан мен ҳам хафа эдим. Баланд бўйли, қошлари пайваста, кийимлари ўзига ярашган, чиройли тоғам энди чўпдай ориқлаган, ранглари саргайган, синиққан, тўшакда ётибди. Олдида жим, сокин ўтирибман термилиб. Тоғам юмуқ кўзларини очмасдан «дард мени енгди...» дейди гоҳо шивирлаб. Қўйилиб келган кўз ёшларимни яширишга уринганимданми, кўчага отиламан.

Кўчада дарров ўйинга берилиб кетаман. Яқин бир бой қўшнимиз бор. Кенг саҳили ичкари, ташқари ҳовлиларда, тунука томли данғиллама уйларда гиламлар тўшалган, руҳ каравотлар, сандиқ-сандиқ моллар... Бой соқоли оппоқ, қорни катта, бир арава эт, думалоқ киши. Унинг бир гала майда-чуйда болаларига эргашиб, гоҳо ҳовлисига кирман-да, бир чеккада биқиниб тураман. Биринчи дафъа граммафонни шу бойникида эшитаман. Янги ярақлаган қутича устига каттакоң бир карнай ўрнатилган. Қутичанинг қулоғини бураса, устида қопқора лаганча гир-гир айланади. Қутичанинг ичидан биров карнай орқали қўшиқ айтгандай бўлади. Карнайдан қўшиқлар, куйлар янграйди. Ҳаммаси нуқул русча, биронта сўзга тушунмайман. Аммо мен таажжубланиб, қизиқиб қулоқ соламан. Уришиб, тортишиб ўтирган бой болаларининг биридан аста сўрайман:

— Ёпирай, тилсимми ўзи? Оти нима?— дейман.

Болалар қотиб-қотиб кулишади.

— Бунинг оти грамафон. Тошкентда йўқ нарса. Дадамлар Масковдан олиб келди яқинда,— дейди кўзларини ўйнатиб бир ўғилчаси.— Ҳамма гап шу лаганчада, шу чалади куйларни,— дейди қўли билан айланиб турган лаганчани кўрсатиб.— Жуда кўп лаганчалар, хилма-хил ашулалар. Бас, бошқа вақт эшитасан,— дейди шартта граммафонни йиғиштириб.

Граммафоннинг овози ўчганига ачинаман. Ҳавасим келади, ушлаб кўрсам, яна эшитсам, дейман ичимда...

Кўчага чиқиб кетаман...

* * *

Узоқ ётиб, Эгамберди тоғам саратонда ўлади. Ойим, бувим, қариндошлар чуввос кўтариб йиғлайдилар. Уша пайтни ўйларканман, ҳануз бобом қаршимда гавдаланади. У шу қадар қаттиқ куйдики, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади, оппоқ соқоллари устига кўз ёшлари булоқдай қўйилди. Мен ҳам жуда йиғладим. Яхши кўрардим шу тоғамни. У мени етаклаб Баландмачитга, самоварга олиб чиқарди. Ўтириб чой

ичардик. Ўртоқлари билан суҳбат қилганда қизиқ гапларини, аскияларини қизиқиб тинглардим. Ҳаммаси ҳануз ёдимда...

Вақт пешиндан оғанда Бешёғочдаги қабристонга элиб кўмамиз тоғамни...

* * *

Ёқимли сентябрь кунлари келади. Пишиқчилик. Хил-хил мевалар, қовун-тарвузларнинг ғарқ пишган, тўжин, сероб вақти. Аммо тўйиб-тўйиб ея олмаймиз... Пул сероб эмас... Пул йўқ... Боққоллар олдидан қараб-қараб ўтамиз. Елғиз томоша...

Дадам жуда сийрак келади. Баъзан олти ойлаб йўқолиб кетади. Келганда ҳам уч-тўрт кунгина туради-да, тагин ғиз этиб кетади-қолади, «Қарзи кўп-да» деб ўйлайман ичимда ачиниб.

Мактабдан кейин ҳар кун кўчада тентираймиз. Баъзан бир ўйинга ёпишиб оламиз. Мен ошиқ ўйинига устаман. Ҳожи мендан ҳам яхши ўйнайди. Ҳуллас бу бобда икковимиз маҳаллада биринчимиз. Ҳар кун пешиндан кейин, жума кунлари кун бўйи ўйнаганимиз ошиқ. Маҳаллада болаларнинг ошиқларини ютиб-ютиб, ҳафсаламиз пир бўлганда, чўнтагимизда ошиқ, гоҳ Баландмачитга, гоҳ Дегрез маҳаллага йўл оламиз Ҳожи икковимиз. Секин шивирлашиб, кўзлар билан имо қилиб, ошиқларни қириб-қириб ютамиз-да, бирдан жўнаб қоламиз. Болалар чуввос кўтариб чопадилар бизни туттишга. Этиб олсалар, ёқалашини бошланади. Биз бўш келмаймиз.

* * *

Кечқурунлар қизлар, Қаромат опамнинг тенгдошлари бизнинг ҳовлида копток ўйнагани йиғилдилар. Улар йигитлар, айниқса чоллар йўқ жойни қидирадилар. Бизнинг ҳовли қизлар ўйинига боп, тинч ҳовли.

Бир тўда қизлар:

— ...ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз, йигирма...— деганда қаттиқ урилгандан копток жуда баландга чиқади-да, ҳовлининг бир бурчига кетиб, сувга тушади. Яқин қўшни қиз Салом «уҳ!» деб қўли билан пешонасидан терни сидириб ташлайди-да, айвоннинг лабига ўтириб олади.

Қизлар чуввос кўтариб, бир лаҳза «Менинг галим!», «Ҳо, менинг галим!» деб навбат талашадилар-да, яна ўйинда давом этадилар.

Булар аксарият камбағал, фақир қизлар. Нимчаларининг чўнтагига биттадан қўлдан сўқма, тўр коптоқларини солиб чиқадилар.

Улар коптокни пахтадан, енгил бўлсин учун кўпинча жундан ясаб, устини ранг-баранг ипақлар билан пишиқ-пухта қилиб тўрлар эдилар.

Бундай копток шалоп этиб ариққа тушса борми, сувга бўқади-қолади. Шу сабабдан қизлар бояқиш жуда эҳтиёт ўйнайдилар. Икки қизда резинка копток бор эди.

Тожи ингичка келган, нозиккина, кўзлари учқунли, бурни пистадай бежирим, ўрими саноксиз сочлари тақимга тушган, гўзал қиз. Чир-чир айланади. Узоқ, жуда узоқ айланади. Ахир копток қочади.

— Ула, ер ютгур, мунча коптокка ёпишмасанг! Бари бир қолдингку, нафасингни ростла-я!— дейди кўзларини ола-була қилиб пакана Саври.

Тожи ҳам Саврини узиб-узиб олади.

— Дойим ишинг камситиш. Қани, кўрамиз!..— дейди лабини буриб.

Қаромат опам гўзалликда ҳам, шўхликда ҳам, ўйинга усталликда ҳам ўртоқларидан қолишмайди.

Сўзда, ўйинда тортишувлар, жанжаллар, аразлар қизларда тез-тез бўлиб туради. Шундай пайтда ўйинни тўхтатиб, баъзан бир-бирларига бурун қийшайтириб, терс бурилиб қолишади. Онабоши дам бирини қарғаб, дам алдаб, овутиб, яраштиради. Ўйин тагин давом этиб кетади. Буларнинг онабоши — қақилдоқ Салом. Новчадан келган, билаклари темирдай, пешонаси кенг, маҳмадона қиз у.

Мен ўйинларини томоша қилишни, уларнинг ҳазилини тинглашни яхши кўраман.

— Қуриб кет илойим! Текин томошами? Тур ўрнингдан, коптокни ташавор бу ёққа! — бошини силтаб буюрарди менга Салом.

Мен бир сакраб, илиб оламан-да, томга отаман, ёки қўшни ҳовлига ошириб, тура қочаман. Опамни ранжитиб, тегажаклик қиламан.

Қизлар терлаб, пўрсиллаб, ёноқлари лоладай қизариб, жони-дил билан қизиқиб ўйнайдилар.

Узоқ, соатлаб давом этган копток ўйиндан чарчагандан кейин, қизлар ўтириб гапга тушадилар. Ҳасратлар, ҳазиллар, сирлари кўп... Секин, жуда секин шивирлашиб, бирдан қиқир-қиқир жуладилар. Нима гап экан, деб қизиқаман. Ҳазаллар, қўшиқлар айтишади. Севги, муҳаббат ҳақида, жуда ҳам махфий ишоралар билан суҳбат юритадилар. Совчилар келганини бир-бирларига айтишиб, баъзан севиниб, баъзан ғамгин, хомуш ўтирадилар.

Оқшом бўлиб, қоронғилик қуюқлашганда бири паранжи, бири яхтак ёпиниб, уйларига жўнайдилар.

Аксарият қизлар, жувонлар кечалари ҳам ишпечларини кўтариб, бизникига чиқадилар. Бизникига йигилиб, ярим кечагача жияк, дўппи тикиш одат бўлиб қолган. Дам қаҳ-қаҳ кулги тўла гап, дам қўшиқ билан иш тикадилар. Гоҳо биттаси узундан-узоқ чўпчакни бошлаб юборади.

Мен севиниб, силжимасдан ўтириб эшитаман. Чўпчак тугаб қолса, «қани, бошлаб юборинг яхшисидан» деб ялинаман. Ойларидан, бувиларидан эшитган чўпчакларни қизлар баъзан менга айтиб берадилар. Гоҳо эндигина бошланган чўпчакни шартта бўламан: «бошқасини айтинг, эшитганман буни, ўзим биламан» деб шовқин кўтараман.

Шундай қилиб, айниқса қиш кечалари, қизлар суҳбати қоқ ярим тунгача чўзилади.

* * *

Турғун икковимиз шошилиб бозор томон югурамиз. Соат ўн бир-ўн икки. Қирқ тийин пулни белбоққа қаттиқ тугиб олганман. Эгнимда узун яхтак, бошимда янги дўппи, оёқ ялангман.

Ҳаво булут, қуёш дам ялт этиб бир кўриниб қолади, дам булутлар ичига бекиниб олади.

— Китоб жудаям қиммат...— мени алдай бошлайди Турғун.— Оламиниз бир мазалик нарса...

— Йўқ-йўқ!— дейман дарров унинг ниятини пайқаб.— Китоб яхши нарса. Ҳали қараб тур, унда ҳар бир ажойиб байтлар борки, тунунмайсан, э, қўй-эй.— Бир зум сукутдан кейин давом этаман:— Мароғий ширин нарсаю, лекин ойимдан қўрқаман, пулни Қаром опам китобга деб берган.

Тортиша-тортиша бозорга етамиз. Бозор қизгин. Аравалар, отлар, хачирлар, эшаклар тиқилич. Новвойлар сероб. Бирининг бошида сават, бирининг қўлида сават: «Жизза нон, юмшоққина, баррагина...» қичқира-қичқира бозор оралаб юрадилар.

Турғун икковимиз от-аравалар орасидан суқулиб, китоб дўконла-

рига етамиз. Китоб растаси сокин. Аҳён-аҳёнда узун кенг яхтакда, кир саллалли, соқоллари ўсган, ориққина, рангпар бирор муллаваччанинг китоб варақлаб тургани кўринади. Жимжит. Гўё бутун китобфурушлар мудроқда дейсиз.

Турғун икковимиз ҳар бир дўкон олдида тўхтаб, растани хўп айланамиз. Томда уришиб-талашиб юрган кучукларга Турғуннинг кўзи тушиб қолади:

— Э, аттанг...— дейди мени туртиб.— Бирор жой йўқмикан томга чиқишга? Кучуклар кўл экан, яхшисини танлаб олиб кетардик...

— Жинни-минни бўлдингми?— дейман қовоғимни солиб.— Таппа талайди-я!

Нуқул диний, хурофий китоблар дўконларда лиқ тўла. Жамийки дўконларда қуръон топасиз. Арабий, форсий китоблар сероб.

— Амаки, Муқимий борми? Ишқий байтларидан...— сўрайман китобфурушдан, бир дўкон олдида тўхтаб.

— Ҳов,— дейди китобфуруш, оқ соқолли, пешонаси кенг, ширин сўзли, мулойимгина киши.— Кичкинасан, ёшсан-ку, ўғлим. Лекин Муқимий бор,— дейди юшроқ табассум билан.

— Ҳар хил китобларни ўқийман,— дейман-да бирдан кулиб юбораман,— қизларга керак эди, Муқимийни яхши кўриб ўқийди қизлар. Яхши байтлари бор-да, амаки.

Чол хахолаб кулиб юборади. Кейин секин қўзғалиб, пастни, юқорини кавлаштиради. Муқимий баёзини топиб, менга узатади.

Авайлаб қўлимга оламан. Яхши ишланган, чиройли муқова, кичкина китоб. Аста варақлайман, пичирлаб, ичимда ўқийман.

— Ота, неча пул?— сўрайман китобни ёлиб.

— Юр э, ёмон китоб, бўлмайди, олма! Ошиқ-машуқдан бошқа гап йўқ ичиди,— қистайди мени турткилаб Турғун.

— Омисан-да, маъносини тушунмайсан. Муқимий ажойиб шоир. Опам айтган, топиб кел шу китобни, деган,— жаҳлим чиқиб тушунтираман Турғунга.

Чол кўзларини қисиб, кулиб юборади:

— Яхши. Маънолик нарса. Муқимийни кўрганман. Хушфеъл, доно одам эди марҳум. Муқимий каттакон шоир. Қўқонда турарди у киши. Шоирнинг юрак парчаси! Болам, нархи икки танга. Ол, қизлар ишқининг давоси,— дейди юзига ёйилган табассум билан менга маъноли қараб.

«Каром опам ўзи ҳам икки танга берган эди, билар экан нархини» дейман ўз-ўзимга ва тангаларни авайлаб белбоқдан ечиб оламан-да, тавозе билан чолга узатаман.

Китобни қўлтиғимга тикаман. Бозордан чиққандан сўнг, жар ёқасида бирпас ўтириб, сув ичамиз. Йўл-йўлакай қовурма балиқ, гўшт-кўйди, кабоблар ҳар қадамда. Уларнинг бурқираган ҳиди жуда яхши. Аммо чақа қани?

Ҳадрага етиб олгандан кейин, қадамни секинлаштирамиз. Муқимийни аста, бир-бир варақлаб ичимда ўқий бошлайман.

Турғуннинг диққати ошиб кетади. Бўғилиб, жаҳл билан қичқиради:

— Э, ўқисанг эшиттириб ўқи-я, бўлмаса қадамингни тезлат!— дейди ўқрайиб.

Мен китобдан кўзимни узмасдан куламан. Секин ўқий бошлайман:

Сурма қўймай мунча ҳам жоно қародур кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдиға боққан балодур кўзларинг.
Қумри сарви қадду, булбул гул юзининг воласи,
Мен Муқимийға ҳаминша муддаодур кўзларинг.

— Хўш, маъносини тушундингми, ўртоқ? Бу байт қўшиқдек тотли, маънодор нарса.

— Менгаям қаймоқдай ёқади, лекин балиқ қоринни тўйдиради, эсинг йўқ, бу байтдан қорнинг тўйдими? Хумпар!— дейди Турғун қўлини силтаб.

Унинг гапи қулоғимга кирмайди, ҳаёлим китобда...

* * *

Қуёш энди куйдирмайди. Гоҳо осмонда булутлар кезади. Барглар тўкила бошлаган. Қушлар ҳам бирин-бирин иссиқ мамлакатларга йўл олган. Мени ҳам босади— маҳси-калиш йўқ. Совуқлар бошланади, яланг-оёқ, дийдираб мактабга қатнайманми?! Янгибозордан, дадамдан дарак йўқ, хат ҳам ёздим, жимжит. Онам бояқиш Оқмачитга чиқиб бувимга ҳасрат қилади.

— Даданг ҳам ўлгидай зикна-ю, ялиниб-ёлвориб сўрасанг йўқ демас, берар маҳсини. Лекин калиш дардисар, ўзинг амаллаб олиб берарсан. Ҳадемай қиличини кўтариб қиш ҳам келади, совуқ ҳам тушади, бечора болагинангнинг гамини егин тезроқ,— дейди бувим ойимга.

Бобом келгандан кейин онам секин силлиқлик билан гап бошлайди.

— Эй, қизим, қаноат қил, бор борича, йўқ ҳолича. Харажатим бошимдан ошган,— дейди бобом қовоғини солиб.

— Ҳасратимни сиздан бошқа кимга айтаман, дадажон. Куёвингиз бўлса чўлда тентираб юрибди. Жияк тикиб қозон қайнатиб ўтирибман, қаноат бундан ортиқ бўладими?! Ўзингиз тикиб берасиз албатта Мусавойга маҳси.

Бобом жавоб бермайди, бир лаҳза ўйланиб ўтиргандан сўнг аста туриб ташқарига чиқиб кетади ва ҳаялламай, қўлида бир жуфт маҳси, кулиб эшикдан киради:

— Мана, болам, кий, пишиққина маҳси.

— Ажабми, буюрсин-эй,— дейди бувим севинганидан шошилиб.

Маҳсиларни маҳкам қучоқлаб онамни ҳам кутмасдан Говкушга югураман. Орқамдан бобом:

— Берган худога ёқибди,— деб қаҳ-қаҳлаганча кулиб қолади.

Эртаси дадамдан тўсатдан пул келади. Дарров бозорга тушиб калиш оламиз.

* * *

Ҳар кун мактабга қатнайман. Бир кун домлам мени чақириб:

— Қани юр, ўғлим, катта бўлдинг, биз билан бирга чиллаёсин ўқийсан, бир бемор бор.

— Йўғе...— қизариб ерга қарайман.

Домлам бош-оёғимга бир разм солади ва тушунади, шекилли:

— М-м...— дейди ўйланиб,— югур, кийиниб кел. Озода бўлса бас!

Пешин вақти. Говкушга югураман.

— Тез бўлинг, ойи! Салла қани?

— Нима гап ўзи?— сўрайди онам тушунмасдан.

— Чиллаёсин ўқиймиз, чиллаёсин!— дейман жиддий товуш билан ва шошилиб устимга пахталик чил тўн, оёқларимга янги маҳси-калиш кияман. Қозиқдан бувимнинг дока рўмолини олиб бошимга наридан-бери ўрайман-да, мактабга чопаман. Мактабда ўн чоқли бола йиғилган, ҳаммаси ўн беш-ўн олти ёшларда, энг кичкиниси мен — энди ўнга тўлганман. Болалар мени кўришлари билан ниманидир шивирлашади, Домлам пайқайди шекилли:

— Ёш бўлса ҳам, пишиқ, сизлардан қолишмайди, чандир,— дейди ҳазиллашиб.

Мен қизариб четга қарайман.

Домлам олдинда, ҳаммамиз жим, кўчага чиқамиз. Борадиган жойимиз яқин, Жинкўчага бурилар эканмиз, тўполон устидан чиқамиз. Бир тўда одамлар муштлашмоқда. Домлам ҳайрон бўлиб қотиб қолади. Қарилар дарров домламга ялина бошлайдилар.

— Ажратинг, ажратиб қўйинг буларни, тақсир!

Домлам жаҳлдан оқариб кетган:

— Бас, бас!— дейди у бўғилиб.— Оллодан қўрқинглар, подонлар! Муштлашаётган ёқа-вайрон бир неча кишилар аста четлашади.

— Тақсир, тақсир, узр...— дейдилар улар.

— Нима гап ўзи, нима ғавғо?— сўрайди домлам, ҳануз жаҳлдан тушмаган ҳолда.

Қарилар домламга тушунтирадилар:

— Бир камбағалнинг қарзи бор эди, ночорлиқдан, қўли калталикдан сотяпти ҳовлини... Ҳовли талаш, холос! Мен оламан, мен оламан, деган тўқлар кўп-да.

Домлам кулиб юборади.

— Э, ҳовли жанжали денглар, бундан осон иш борми? Тоғ тоққа қовушмас, аммо одам одамга қовушар. Яхшилик билан битишинглар, тинчлик яхши, тинчлик бўлса олам гулистон. Юринглар!— дейди бизга қараб.

Озгина юргандан кейин муюшда чап қўлдаги ҳовлига кирамиз. Мулойимгина, пакана, ўттиз беш-қирқ ёшлардаги киши шошилиб бизни қаршилайди. Кенг равон-айвонда бемор ётибди. Уйнинг эгаси қозиқдан катта шол рўмол олади-да, шошилиб беморнинг юзини ёпади.

— Тақсир, марҳамат!— дейди, таъзим билан кўрпачаларни кўрсатади.

— Заифангиз қалай?— сўрайди домлам, ковушларини еча туриб.

— Тақсир, кундан кун орқага кетяпти,— шивирлайди уй эгаси.— Чиллаёсиндан кейин зораки бошини кўтарса.

— Қуръон — тангрининг сўзи. Чиллаёсин кўп ҳикматли нарса, дуо инсу жинсларни қочиради. Олло таоло ўзи шифо берсин, чиқмаган жондан умид; ноумид — шайтон.— Қасалнинг қаршисига чордона қуриб ўтиради домлам ва:— Қани, бошлаймиз,— дейди бизларга қараб. Ҳаммамиз унинг атрофидаги юмшоқ кўрпачаларга ўтирамиз-да, ёсинни бошлаб юборамиз.

Ҳовли кичикроқ бўлса ҳам, уй ва айвон қутичадай шинам. Тунука том, равонлар сирланган, ҳовли юзи тўла гул. Қуръонни ўқий-ўқий, ҳаммасига аста разм соламан. Ошхонада бир кампир катта қозонда думба эритмоқда. Жиззанинг ҳиди ҳовлини тутган. Бир кичкина қиз бола пақирни зўрға кўтариб, ошхонага сув ташимоқда.

Ёсинни ҳаммамиз бир оғиздан, қондаси ва қироати билан вазмин ўқимоқдамиз. Домлам гоҳ-гоҳ «суф» деб қўяди, бизлар ҳам у билан бирга беморга аста эгиламиз. Узоқ ўқиймиз. Ҳаммамиз ҳам чарчаймиз. Домлам кўзини юмиб, тиниқ овоз билан, қироат билан оғир ўқийди. Унинг чарчагани билинмайди. Болалар гоҳо бир бирини туртиб, ҳазиллашиб қўяди. Икки соат ўқиб, ёсинни тамомлаймиз. «Уҳ» деймиз аста ҳаммамиз бирдан.

Домлам улуғвор ўтирибди.

— Уҳ, сув...— дейди секин бемор ғивирлаб.

Уй эгаси шошилиб хотинга бир пиёла сувни тутлади.

— Марҳамат, тақсир, марҳамат, уйга кирсинлар,— дейди қўллни қовуштириб бой.

Домлам бошлиқ ҳаммамиз уйга кирамиз. Домлам тўрга, янги кўрпачаларга ўтиради. Кўрпачалар устига юмшоқ ёстиқлар терилган. Хонадаги жиҳоз кўркам. Қатор-қатор сандиқлар, идиш-асбоблар тўла. Тўрда, бурчакларда иккита асл хитой кўра. Ҳаммамиз жим томоша қиламиз. Домлам кўралар устида сўз очади. Бой аста кулиб, гапиради:

— Падаримиз раҳматлик Қашқардан олиб келганлар. Мен ёш эдим, хўб асл нарса,— дейди ғурур билан.

Дастурхон ёзилади. Юмшоқ конлар, қанд-қурслар ва шақиллаб қайнаб турган самовар келтирилади.

— Олинг, олинг,— деб бой домламни ва бизларни дастурхонга даъват этади. Биз уялибгина нон тишлаймиз, ширинликлардан унча-мунча тотинамиз. Кўр қори қанд-қурсни хўп туширади, мен бўлсам уялганимдан жуда сипо ўтирибман.

Ёғлиқ сергўшт ош келади. Домлам иштаҳа билан паловга киришади.

— Қани, олинглар, болалар, жуда лаззатли ош бўпти. Ҳеч иқлимда йўқ палов бўпти!— бизларни қистайди домлам. Биз ҳам иштаҳа билан паловни туширамиз. Паловдан сўнг аччиқ-аччиқ чой ичиб, кейин домлам «Омин!» дейди қўлларини кўтариб. Узоқ дуо ўқийди. Хайрлашиб чиқиб кетамиз.

Гоҳо битта-яримта одамлар келиб, домламга ялинишади.

— Тақсир, шу пиёлага (ёки косага) дуо битиб беринг.

Бириси «қизим касал», бириси «келиним огриди», ёки «аёл нотоб» дейди. Домлам дарров ишга киришади.

— Ҳозир, ҳозир... Дуо мушкулларга даво. Пайғамбарларимиз айтганлар: «Дуо ҳар дардга шифо беради».

Арабча дуоларни косага, лаганларга сиёҳ билан ёзиб беради домлам.

Болалар бундай пайтларда секин ўйинга киришадилар. Домлам пайқаб қоларкан, «Эй бас, ўқинглар!» дейди бир лаҳза тўхтаб.

Дуони одамига топшириб, домлам пулни олади, кейин қамчини қаттиқ тутиб, болаларни шарақ-шарақ уриб қўяди.

* * *

Жума. Ҳаво бугун тиниқ. Қуёш мавжида. Бобом пешинни ўқигандан кейин мени олдига солиб кетади. Қайфим йўқроқ.

— Йигит бўлдинг, намоз ўқи, одамларга салом бер. Шўхликни бас қил,— дейди бобом. Юмшоқ говуш билан гапиради:— Онанг хўп чақди сени, қайсар бўлиб кетяпти, дейди. Эшоннинг олдига олиб бораман, дуосини оласан, ўғлим.

Аmmo мен фик этмасдан жим бораман. Негадир кўнглим хира. Аллақандай хаёлларда бошимни қуйи эгиб ялқовгина кетмоқдаман. Эшоннинг уйи бизга узоқ эмас. Жаркўчада. Бобом ҳар жума пешин намозни ўқиб эшонга боради. Гоҳо биз ҳам — бир тўда болалар — ўйнаб юриб бориб қоламиз.

Мачитга кирамиз. Одам кўп. Бобом кавушини ечиб, четроққа эҳтиётлаб қўяди-да, хонақога кириб кетади. Болалар оз. Битта бола ерга ниманидир чизиб ўйнаб ўтирибди. Мен ҳам зерикиб, чўп билан ерни чиза бошлайман. «Жуда уста экансан» деб бола менинг ёнимга сурилади. Шу чоқ мени бирдан бобом чақириб қолади. Дарров хонақога кираман.

Хонақо кенг. Эшон кўзлари чақнаган, соқоли қуюқ, узун яхтак устидан кенг малла тўн кийган. Бурни катта, пешонаси япасқи, пачақ-

қина, аммо савлатли кекоа. Уялиб кетганимдан бўлса керак, шошилиб «Ассалом» дейман.

— Тақсирим, дуо қилинг, набирам... Пишиққина бола, аммо шўх, сўзга кирмайди, баджаҳл,— дейди кулиб бобом.

— Қани, бери кел, ўғлим,— дейди эшон ва менга тикилиб бир оз қараб тургандан кейин:— Жуда мўмин-ку,— дея жилмаяди бобомга.

Уялганимдан терлаб кетаман, бошимни қуйи соламан. Эшон ичида нималарнидир шивирлайди ва қўлимни ушлаб:

— Оғзингни оч,— дейди кўзларимга тикилиб.

Мен ҳайрон бўламан. Оғзимни катта очсам, эшон «туф» дейди:

— Тур, ишинг битди, дуо қилдим, болам, маъқул бўл! Отангни, онангни ҳурмат қил,— дейди эшон.

Ғизиллаб терлаганимча хонақодан ташқари югураман. Бирпасгина жим ўтираман. Бошимда ғалати-ғалати ўйлар. Бирдан ҳовлига шовқин-сурон билан кирган болалар фикрларимни бўлиб юборадилар.

— Ёнғоқ ўйнаймизми?— дейишади чувиллашиб катта-кичик ўртоқларим.

— Пулим йўқ, қарзга бўлса майли. Ютсам бераман ёнғоқни,— дейман уларга.

— Э-э — кулишади болалар,— қизиқ экансан, йўқ, қарзга бўлмайди!

Кейин қаёққадир ғойиб бўлишади.

Хонақо халққа лиқ тўла. Бирдан «ху, ҳо-ху» деб қарилар ўртага тушиб кетади. Кейин атрофни ўраган халқ ҳам ху-хулаб ўртага туша бошлайди. Ҳофизлар Машрабдан, Хўжа Ҳофиздан, Сўфи Оллоёрдан байтларни таъсирли, оҳанг, ҳаяжон билан қаттиқ ўқийдилар. Эшон жиддий ҳолда оҳиста ху-ху деб турибди. Одамлар «ҳо-ху» деб шиддат билан айланадилар. Оғзи-бурнидан кўпик-тупик оқиб, баъзи кексалар йиқиладилар. Халқ ҳаяжонда, хўнграб йиғлайди. Зикр авжига чиқади. Йиқилган кишиларни астагина четга тортадилар. Улар секин-секин ҳушларига келадилар. Эшон яна халқни ҳаяжонга солади, энди ҳофизлар ҳам йиғлаб ғазал ўқийдилар. Эшон паст овоз билан, вазмин гапириб, дунёнинг поймоллигидан, охиратдан, улвий пок қалб ҳақида сўз бошлайди. Бобом аста юриб, ичида ху-ху деганча, йиғи аралаш зикр қилади.

Доду-войдан зерикаман. Мачит ҳовлисида катта-катта қозонларда мошхўрда қайнамоқда. Нуқул мош, гурунчдан дарак йўқ, бемаза-лиги ҳидидан маълум.

— Мош пок, улуг нарса. Ёлғиз сўфилар таоми,— дейди ҳар вақт бобом.

Астагина юриб бир қозоннинг бошига бораман.

— Қани сузинг, тоғал!— дейман ориққина мажмағил одамга. Дарров кир, ифлос бир сопол косада мошхўрда узатади менга. Четроққа бориб, харсангга ўтираман-да, ича бошлайман. Бемазаки, у ёғини қўйинг! Очилимдан бўлса керак, бир-икки қошиқ ичаман-да, косани қайтараман. Уйга жўнайман.

* * *

Оқшомлари болалар «кепак-кепак» гоҳо «қушим боши», шунингдек ҳар хил ўйинларни тинмай ўйнаймиз. Ҳуфтондан кейин дув этиб ҳаммамиз бирпасда, инларига биқинган қушлар каби — уйларимизга кириб кетамиз. Мен ёлғиз қолгани қўрқаман, ўртоқларим билан изма-из ҳовлига югураман. «Ҳуфтондан кейин кўчамиздаги Почча ариқда, катта сув бўйида ажиналар, жинлар йиғини бошланади» дегучи эдилар

бувиларимиз, ойиларимиз. Почча ариқ жинларнинг яхши кўрган, суйган жойи эмиш. Олов сочли мушукларга, эчкига, бўрига ўхшаш махлуқлар суратидаги жинлар ўйин бошлармиш. Турли бурчаклардан чиқиб келган жинларнинг думлари баъзи дуч келган одамларга тегиб кетса борми, бу одамлар шайтонлаб, ё эси паст бўлиб, ёки шал бўлиб қолармиш, ишқилиб, бир иллатга чалинармиш. Одатда кампирлар, аёллар намозшом бўлганда шавлами, бўтқаи қилиб Почча ариқнинг лабига қўйиб келадилар. Мен намозшомда ёлғиз қолганимда Почча ариқдан юрагимни ҳовучлаб, тез-тез юриб ўтаман. Бу жинлар ҳақида маҳалла хотинлари орасида битмас-туганмас миш-мишлар: «Фалончининг кўзига мушук бўлиб кўринипти!..» «Фалончининг кўзига олов бўлиб кўринипти!..»

Мачит ёнидаги ҳовузнинг атрофига ҳам жинлар йиғилармиш. Бу ердан ҳам мен қоронғида чўчиб-чўчиб физиллаб ўтаман. Маҳалламиздаги арава турадиган майдонча ҳам хавфли жой эмиш. «Жинлар арава ўйинни жуда яхши кўради», дейишади. Улар тонг отгунча шотига ёпишиб учармиш. Маҳалламизда жинлар, парилар, ҳақидаги олди-қочди гаплар оғиздан тушмайди. Дадам кеч қайтганида бувим: «Дайдисан-эй, ярим кечалари самаворми-баломи, аллақаяқларда тентираб юрасан. Жинлар, ажиналардан кўрқмайсанми?!» — деб қойийди жаҳл билан. «Менда жинларнинг иши йўқ. Қимга тегишни улар яхши билди. Билмадим, халқ «жин-жин» дейди, мен шу ёшга келиб бирор марта шарпасини кўрмадим», — дейди дадам кулиб. «Астаъфирулло» де!», — дейди бувим ва шивирлаб ичида дуо ўқийди.

Кундуз кунлари болалар гоҳо зерикиб жинлардан, парилардан ваҳимали гапларни, даҳшатли олди-қочди воқеаларни узоқ сўзлашамиз. Айниқса Аъзам жинлар чўпчагини кўп билади, ўзи ҳам ишонади ва жуда кўрқади. Аҳмад уни масхара қилиб кулади:

— Менинг бувим тирикчилик дардида кечами-кундузми суриштирмай, узоқларга кетади. Мен бўлсам ҳувуллаган ҳовлида ёлғиз ётавераман, балоям урмайди. Бирор марта кўзимга кўринса дейман, қандай экан ажина! Лекин кўринмайди. Баъзан ўзим ҳам оз-моз чўчиб қўяман. Шунда кўрпани бошимга тортиб ухлаб қоламан.

Маҳаллада гавго кўп. Жин, парилар ҳақидаги гаплар ҳам кўп. Мен баъзан улар ҳақида ўзимча ёлғиз хаёл сураман, хаёлда тасаввур этишга тиришаман, аллақандай даҳшатли воқеалар кўзларимга кўриниб кетгандай бўлади. Гоҳо далада юрганимда, уйда ёлғиз қолганимда аллақандай шарпалар сезгандай ҳам бўламан. Кейин-кейин, ақлим кира бошлагандан сўнг жинлар деганда мен ҳам дадамдай кулиб қўядиган бўлдим.

* * *

Кўчада гулхан. Терак ва ўрик саржинлар чарсиллаб ёнмоқда, аланга осмонга чирмашади. Бир тўда ёт аёллар, кампирлар, қизлар йиғилган. Ешлардан баъзилари паранжида, баъзилари яхтак ёпинган, кампирлар бўлса очикдан-очик бемалол юрадилар. Болалар шовқинда, бириси қамишни ёқиб, осмонда чир-чир айлантиради, иккинчиси чўғ ўйнайди. Шовқин катта. Отин буви, Узун Сара, Қалта Саралар бошлиқ... Бувим қовоғи солиқ, хафа ҳолда олов олдида турибди, ихлос билан, берилиб қандайдир бир дуони шивирлаб ўқимоқда.

«Сафар ойи — фалокат ойи, ғам-ғусса ойи. Пайғамбаримиз, сафар ойида хайр-садақа билан офатларни қайтариш лозим, деганлар», дейишади кампирлар. Шу ойда қуруқчилик, сел, турли офатлар, юртда

ғалаён бұлармиш. Одамлар сафар ойн бұлдимн албатта тўйларни тўхтатади.

— Қани, болалар, кучукни топинглар!— дейди Қалта Сара ташвишли ҳолда.— Қодир топиб келаман деган эди-ку, қайси балога йўқолди?

Хотинлар орасида ғавғо. Болалар чуввос билан бир оғиздан қичқирадилар:

— Ҳозир келади, кучукни топиб келишади.

— Бери кел, Турғун. Бизникида кучук бор, олиб чиқ,— дейди Узун Сара.

— Ҳа, ирими, ирими бор шундай,— дейди бувим, ўзига ўзи гапиргандай.

— Расми, кучукни астойдил уриб, калтаклаб оловдан сакратиш керак,— дейди билимдон Қалта Сара қовоғини солиб.

Гулхан жойида, олов баланд. Шу пайт Қодир, Аъзам, Маҳкам, Аҳмад ҳарсиллаганча Оқмачитдан бир кучукни судраб келадилар. Юнглари ўсиқ, тишлари тушган қоқ суяк бир кучук.

— Бе, шунн топдингларми!..— дейман масхара қилиб.— Ҳар замонда кўриниб қоларди бояқиш, жуда қарипти-я!

— Ҳа, аҳёнда санғиб келарди бечора, жудаям озиб келипти,— дейди онам ачиниб ва Узун Сарага ялинади:— Иримига сал-пал урган бўлиб қўяқолинглар, увол-ку. Кучукларнинг ғариби шу-да.

Болалар кўнмайди:

— Урамиз, азоб бериб ўлдирамиз! «Сафар қочди»да кучукни ўлдирмаса бўладими?!

— Давоси ўлдириш. Инси-жинсу турли балоларни шу қайтаради,— дейди бир кекса хотин.

Чуввос яна кучаяди. Болалар шовқин-сурон билан олов устидан сакрай бошлайдилар. Кучук қўрқиб, оловдан ҳуркиб, финшийди: қочишга пайт пойлайди, бутун вужудида дир-дир титроқ. Кўзларида ваҳима. Ялингандай ҳар кимга термилади.

Болалар, хотинлар чуввос билан: «Мушкулларни осон қилғай, худойим!» деб кучукни уриб, оловдан ҳатлашга қистайдилар. Кучук бояқишнинг кўзларида ёш, алам, ҳаяжон. Болалар: «Сафар қочди! Сафар қочди!» деб кучукни оловга итарадилар. Онам койиниб: «Бўлди, бас энди, ўлди-ку бояқиш!» дейди, хотинларга ялинади. Кучук гулханнынг чет ёқасидан ошиб финшиганича қаёққадир қочади. Оқмачит томонга югуради. Болалар чуввос билан дув этиб, қувлаб кетадилар. Ёш хотинлар оловдан сакраб, ҳар қандай фалокатлардан халос бўлишларини дуо қилиб тилайдилар. Кексалар фақат дуо билан чекланадилар. Хотинлар ирим-чирим, эски одат, расмларга ишонадилар, эътиқодлари зўр. Лекин айниқса Узун Сара бу одатларни бошига кийиб олган, ўзини вазифашунос туяди, енглари шимариглик, ғайратга кирган. Мен оловдан сакрашни яхши кўраман. Хотинларга эргашиб, қандайдир дуоларни пичирлайман.

Болалар кучукни тополмасдан қайтиб келишади.

— Эссизгина, қўлдан чиқардик-а, «сафар қочди» бу гал жойига тушмади,— дейди хуноб бўлиб Маҳкам.

Унинг кампир онаси гоҳ осмонга, гоҳ пастга қараб бир дуони пичирлайди.

— Майли, иримини қилдик, бўлди-да. Ит-кучук инс-жинсга қалқон, ўлгудай урдинглар, бас. Тангрим ўзи ҳамиша бошимизга паноҳ бўлсин, омин!— қўлларини баланд кўтариб, юзларига суркайди отин буви.

Аёллар аста тарқалади, лекин бизлар кул-чўғларни сочиб узоқ ўйнаймиз.

Нақ жинлар тўйига ўхшаган бундай кечалар узоқ мозийдан чиқиб, ҳануз ёдимда, қаршимда туради.

* * *

Куз вақти, дадам Янгибовордан келган. Бувим, дадам ва ойм хуфтондан кейин узоқ шивирлашиб қолишади. Мен бир четда қулоқ солиб ўтираман. Қаромат опам эски омборхонада дўппи тикмоқда, Иса акам унинг ёнида ниманидир ҳикоя қилиб ўтирибди.

Айвонда хира чироқ милтирайди. Сандалда бозиллаган чўғ. Дарахтлар бутунлай яланғоч. Аччиқ куз совуғи, осмонда булут орқасида ой хирагина кўринади.

— Яқинда тўйни бошлаймиз, амаким хат ёзиб, жадаллаб мени чақиртирди, ўйлаб қарасам маъқулга ўхшайди,— дейди дадам кулим-сираб ва носвойни оғзига солади.

— Тенгини топсанг — текин бер, деган гап бор. Туробжон мўминтойгина, ақли-ҳуши жойида, топиши яхши йигит. Унга бермаганда кимга берардик, азалдан Каром сеники дердим, лафзда туриш керак ахир. Узлари боғ-роғлик...— дейди бувим вақти хуш ҳолда.

Дадам носвойни туфлайди.

— Маъқул, маъқул, дидимга тўғри келади.

Онам хомуш вазиятда жим ўтиради.

— Нима дейсан, сенга маъқулми? Тўйни бошлаймиз деяпман, нега индамайсан?— сўрайди дадам онамга қараб.

— Майли, ўзингиз биласиз. Менга ҳам маъқул. Лекин.. ҳар томондан совчилар кўп келяпти. Қариндош-уруғлардан ҳам оғиз солганлар кўп. Туробжон ақлли йигит, бироқ...— тутақади онам, — жуда ҳам ҳабашдай қора... Умр савдоси — қийин савдо. Каромдан бир оғиз сўрасак ёмон бўлмасди... Тенг-тенги билан, тезак қопи билан...

Бувим ва дадамнинг жаҳлдан ранглари ўчиб кетади.

— Бас, бу қандай номаъқулчилик,— дейди дадам дўнғиллаб.

Бувим тасбеҳни шилдиратиб ҳовучига йиғиштиради, буришиқ юзи яна хунуклашади, лабларини чўзиб, ниҳоят ранжиган товуш билан гапирди:

— Шаҳодат, эсингни ебсан! Каром ҳам хоҳлайди, лекин хоҳлайдими-хоҳламайдими деб ўтирмаймиз, бари бир берамиз Туробга. Жавоб беравер! Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши, деган мақолни биласан-ку!— дейди дадамга қараб энсаси қотган ҳолда.

— Маъқул, тақдир шу экан,— дейди онам маънос ҳолда ерга қараб. У энди чурқ этмайди, сукутда ўтиради.

Эртасига дадам катта амакимнинг уйига чиқиб узоқ гаплашади. Фотиҳа ўқилади. Серсавлат, ҳамиша ясаниб юридиган қорача келган Умар амаким завқ билан жулади.

— Тайёрлигингни кўравер, Тош! Ўзим бош-қош бўламан. Олиқ-солиқ ишларини кейин гаплашамиз, маъқулми? Қенгашли тўй бузилмас деганлар бобойлар.

— Сиз нима десангиз шу-да,— дейди дадам ерга қараб.

* * *

Тўй яқин. Бир кун чошгоҳда тугун-тугун иссиқ патирлар, сомса, қанд-қурслар билан ясанган-тусанган опоғойим кириб келади. У кўрпачага ўтириб узоқ фотиҳа ўқийди: «Бахтли бўлсин, толеи баланд бўл-

син, орқа-олди ўғил-қизга тўла, эварали-чеварали бўлсин!» Бувим: «Айтганингиз келсин, айтганингиз келсин, ўргилай, хуш келибсиз!»— дея кўзлари ёшланиб ихлос билан дуо қилади.

Қўшни хотинлар йиғилган, говур-ғувур катта. Кампир ўзида йўқ хурсанд: «Олинглар, тасаддуқ, енглар!» деб қўшниларига тинмай мулозимат қилади, ниҳоят вақти чоғ, гўё осмонда дейсиз уни. Ойим ҳам хурсанддай, индамай илжайиб юради, лекин ичида аллақандай яширин бир ғам бордай.

Хотинлар ивир-чивир гаплашиб ўтирадилар:

— Туробнинг толеи баланд экан, ойдай қизни оляпти,— дейди қўшни кампир.

— Йигит ҳам оғир, босиқ, ақлли йигит. Қорачагина, дўндиққина бола!— жавоб беради опоғойим, кампирнинг гапини бўлиб.

Мен гоҳ хотинларнинг гапини ўғирлаб, гоҳ қозон бошига суқулиб, айланиб юраман-да, омборхонага кираман. Бурчакка тикилиб ўтирган Каромат опамни кўришим билан, дарров эшикни ёпиб, олдига бораман. Эшик табақалари қияроқ ёпилган пастаккина дераза ёнида опам дўппи тикиб ўтирибди. «Куёвга тикяпти-ку» деб ўйлайман ичимдан кулиб. Унинг юзига тикилиб, кўзларида, юрагида аллақандай бир ғам сезаман.

— Опа, тўй-ку, нима қилиб ишлаб ўтирибсиз? Патир олиб кирайми?— сўрайман хурсанд ҳолда.

Каромат опам индамайди. Ичдан бир уҳ тортади-да, хомуш ҳолда дейди:

— Емайман, бас, тегажаклик қилма!— Бирпас сукутдан кейин аста дейди:— Фалакнинг иши, тақдир, Мусавой. Ғамим кўп, ҳаммаси ичимда, юрагимда. Дард кўп, лекин давоси йўқ. Тақдир деб шунини айтдилар...— Хомуш ҳолда ишида давом этади.

Шунда менинг юрагим эзилиб кетади, индамайман, ўзимни ўқдай кўчага отаман.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас тўй ҳам бўлади. Маҳалла, қариндош-уруғ, жамоат жам. Қиз ошига беҳисоб қизлар йиғилган. Дуторга жўр бўлиб бирпас қўшиқ айтишади, «сен тур, сен тур» деб бир-бирларини турткилашиб рақс қилишади.

Эртаси никоҳ бўлади. Одатдаги говур-ғувур. Ҳар бир тўйдаги каби ёр-ёр айтишади. Куёвнинг уйи яқин — эшигимиз қаршима-қарши. Маҳалламиздаги хотинлар, қовми-қариндошлар бириси йиғлаб, бириси кулиб, баланд овоз билан ёр-ёрни бошлайдилар:

Нима кийсанг ярашар
Бўйгинангга, ёр-ёр.
Ўлан айтай деб келдим
Тўйгинангга, ёр-ёр.

Сувни сулув кўрсатган
Тоши бўлар, ёр-ёр.
Қизни сулув кўрсатган
Қоши бўлар, ёр-ёр.

Отанг қилган бу эшик
Ёпилмайди, ёр-ёр.
Қизим тенги дунёда
Топилмайди, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Кимнинг тўйи, ёр-ёр.
Оқ гул билан қизил гул
Қизнинг тўйи, ёр-ёр.

Йиғлама, қиз, йиғлама,
Тўй сеники ёр-ёр.
Остонаси тилладан
Уй сеники, ёр-ёр.

Шундай қилиб, Қаромат опам келин бўлади.

Эсимда, уч кун ўтгандан сўнг дадам қовоғи солиқ, носвойни чека-чека бувимга ва ойимга жаҳл ва димоғ билан дейди:

— Харажат катта бўлди, ҳаммаси пирт-чирт. Мана, яна насияга мол олдим. Ташвишдан чиқмаган шўрлик бош. «Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин» дерди раҳматлик отам. Анойи эмас жуҳуд, молни насияга берганда қийматга беради. Чора йўқ. Нима деса, хўп дейман..

Эртаси азонда дадам жўнаб кетади. Рўзгор қуп-қуруқ, қопнинг тагида озгина ундан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

— Оллога топширдим ёлғизимни, майли ой юрсин, омон бўлсин!— узоқ дуо қилади бувим.

Бир оз жим ўтиргандан кейин: «юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади» деб қўяди ўз-ўзига.

Бувим мақолнинг кони эди.

* * *

Мактабдан кўнглим айниб, ланж бўлиб қайтаман. Иситмадан бўр-тиб қизарганман, айвонда ўзимни ёстиққа ташлайман. Югуриб бошимга онам келади:

— Вой, ўлақолай, сенга нима бўлди? Ёниб кетяпти-я!— дейди довдираб, пешонамни ушлаб.

Айвоннинг деворига суяниб, тасбеҳ ўгириб ўтирган бувим:

— Бе, ваҳманг қурсин, Шаҳодат, шўх-да, ўргилай, бу боланг. Томга, тошга уради ўзини. Иссиғи ошиптими, давоси ёвғон хўрда.

Бувимнинг гаплари менга таъсир қилганидан энсам қотади:

— Ёняпман-ку, шўхликдан эмиш, бемаъни кампир!— жаҳл билан юзимни тескари ўгираман.

Онам бояқиш ошхонага югуради, ёвғон хўрда қайната бошлайди.

Борган сари иситмам ошганидан ўзимни у ёқ-бу ёққа ташлайман, уринаман. Анчадан кейин бувим ғимирсиб ўрнидан туради-да, тасбеҳини тоқчага қўйиб, секин олдимга келади. Қуришган қуруқ суяк қўллари билан пешонамни ушлайди:

— Ажаб бўпти, шум така, бирпас тиниминг йўқ, ҳаддан ташқари уринасан, мана энди торт жазонгни!

Жаҳлим чиққанидан кампирни қўлларим билан туртиб ҳайдайман.

— Тур, тур кампир, нима қилдим, юрибман-ку. Арпангни хом ўрдимми?

Ошхонадан, бирпасда тайёрлаган хўрдадан бир коса кўтариб онам келади. Бир-икки қошиқ қатиқ солиб, ёғоч қошиқ билан шо-пиради:

— Қани, жиндай ич, даво бўлади,— дейди онам хафа ҳолда.

Аранг бошимни кўтараман-да, хўрдадан бир-икки тотиб, яна ўзимни ёстиққа ташлайман.

Эртаси иситмам яна ошди. Томоғим бўғиқ, ташналикдан оғзим қақраган, лабларим қовжираган. Тинмасдан сув шимираман. Нонўш-тадан кейин кампир энгашиб юзимга разм солади:

— Шаҳодат, мен Урин бувимни айтиб келмасам бўлмайди. Кинна кирганга ўхшайди бу тентакка,— дейди тоқчадан ямоқ паранжисини қўлига олиб.

— Мениям кўнглимга келиб турган эди, тўғри айтасиз, оyi, Урин бувимни олдингизга солиб келинг,— дейди онам суюниб.

Урин буви — машҳур кампир. Говкуш маҳаллада бизга яқин, бир кўча нарида туради. Унинг ўғли Ислом ака ялқовгина киши, ҳунари

кавуш тикиш. У имирсилаб бир жуфт кавушни беш-олти кунга чўзди. Онаси Урин буви жуда эпчил, зийрак, шаддод, ҳар нарсага ақли тез етадиган билгич хотин. Унинг асли иши доячилик. Беш-ўн маҳалланинг ҳамма хотинларини у туғдиради.

Баъзан узоқ жойлардан ҳам келиб ялиниб-ёлвориб олиб кетишади. Тўлғоқдаги хотинларни икки қўлтиғидан кўтариб силталайди, кўрпага ўраб, думалатади. Ишқилиб, туғдиради. Исакам, Қаромат опам, мен, Шафоатгача — ҳаммамизни у туғдирган.

Қампирнинг иккинчи ҳунари — кинначилик. Шунинг учун бир кун уйда ўтирмайди, ҳеч ким ундай кинна солишни билмайди.

Урин буви билан бувим бирпасда етиб келишади. У бувимнинг қадрдон эгачиси, охират дўсти. Уч-тўрт кунда бир-бирларини кўрмасалар иложи йўқ.

— Мусавой, чироғим, нима бўлди сенга? — бошига ёпинган яхтагини йиғиштириб, енгларини шимаради, эскигина пешонабоғини тўғрилаб ўрайди. — Қани, Шаҳодат бону, дарров бир коса кепак билан тўртта туз олиб кел. Дард бошқа, ажал бошқа. Ҳечқиси йўқ, кинна кирган-да, Мусавой ўзи кўзга яқин, — дейди ва ёнимга чордона қуриб ўтириб олади.

Онам бирпасда ошхонадан бир коса кепакни кўтариб келади. Урин буви билан бувим турли-туман олди-қочди гаплардан гаплашиб эзмалик қилишади. Мен тутоқиб қичқираман:

— Ойи, сув! Куйиб кетяпман, муздай сув!

— Бир рўмолча беринг, бекачим, — дейди Урин буви оймга.

Шу топда Урин бувининг йўтали тутиб қолади, бўғила-бўғила узоқ йўталади. Йўталидан қутулиб олганидан кейин киннани бошлаб юборади:

— Бо, кинна кирган, кўрдингизми, ўртоқ, бошламасданоқ хуриш қияпти-я, — дейди ёлғондакам эснаб. — Бисмиллоҳу раҳмони раҳим, менинг қўлим эмас, табаррук эшон оймларнинг қўли! — Докага ўралган жосани бошларимдан ўгиради. — Болагинамнинг азиз бошига кирган бўлсанг чиқ, қуралай кўзларига кирган бўлсанг чиқ, чиқ, чиқ, чиқмасанг сенга лаънат, чиқармасам, менга лаънат. — Қайта-қайга зўраки эснайди. Аста рўмолни очади: — Вой, ўртоқжон, ўғлончамизга ёмон кинна кирган экан, буни қаранг, кепакни ўпирилганини қаранг!

Яна ичида пичирлаб, аллақандай дуоларни ўқиб, кепакни бошимдан, кўкракларимдан ўгиради. «Чиқ, чиқ» деб алланималарни гапирди, бир соатга яқин узоқ кинна солади.

Ошхонадан хокандозда тўртта чўғ устида исириқни тутатиб онам бошимга келади.

— Бувиси, бир йўла исириқни ҳам солиб қўйинг, — кулимсираб узатади Урин бувига.

— Хўп, айланай бекачим, — дейди Урин буви ва хокандозни устимдан ўгиради:

Исириқжон, исириқ,
Сизни бизга бердилар.
Бизга келган балога
Сизни қалқон дедилар.

Қайта-қайта дуолар ўқиб хокандозни онамга узатади.

— Ана энди ўғилгинанг ҳеч нарсани кўрмагандай, отдай бўлиб кетади. Париларим хабар қилди, бутун иллатлари чиқиб кетди. Тан соғлиқ — туман бойлик, чироғим!

Икки кампир олдига дастурхон ёзилгандан кейин уларнинг узоқ суҳбатлари бошланади.

Қўзимни юмиб кампирларнинг гапига қулоқ солиб ётаман:

— Айланай, ўртоқ, қаранг, Мусавой уйқуга кетди, дард кетганда уйқу келади, ҳа шундай!— дейди Урин буви.

— Айтганингиз келсин, тасаддуқ!— дейди бувим чойни ҳўплаб. Икки-уч кун ётиб, соғайиб кетаман.

Мен киннага ишонардим. Жинлар, парилар баъзи одамларга бир ўчакишиб қолса ёмон бўлади, деган гапларга ҳам жуда ишонардим. Шунинг учунми, ўзимни енгиллашгандай ҳис қиламан. Кейин-кейин бо-риб онгим тиниқлашди ва охири мен бутун хурофотлардан қутулдим.

(Давоми бор)



ОЧИЛГАН КЎРҒИК

Роман*

IX БОБ

ДАВИДОВ элан-қаран, аммо катта-катта қадам ташлаб кетмоқда эди. Дўнгликка чиққач, тўхтаб, куннинг шу пайтида кимсасиз бўладиган бригада қўшхонасига, қаршидаги ёнбағирдан то уфқ-қача чўзилиб кетган шудгорга қаради. Ҳар қалай, бу кунларда у жучини аямай ишлади, етовчи Варюха ҳам, Кондратнинг ҳўкизлари ҳам ҳаддан ташқари кўп ишлатгани учун ундан хафа бўлишмасин... Бу массив октябрда қизиқ манзара касб этса, уни бўлиқ кузги бугдой майсалари туташ қопласа, уларни эрталабки аёз кумуш қирови билан безаса, тушда, оқиш кўкда пастгина сузаётган қуёш қиздира бошлагач, кузги экинлар худди шаррос жаладан кейинги камалакдек ранго-ранг товланса, ҳар бир қатра ўзида салқин куз осмонини ҳам, кўпикдек оппоқ булут увалаларини ҳам, хиралашаётган қуёшни ҳам акс эттирса керак...

Бу ерда узоқдан, ямяшил ўт-ўланлар қуршаган шудгор бор бўйича ёзиб юборилган каттакон қора бахмалдек ястаниб ётарди. Унинг энг четида, ер юзасига соғ тупроқ чиқиб турган шимолий ёнбағрида — қўнғир нақшли эгри-бугри сарғиш ҳошия чўзилиб кетган эди. Эгатлар бўйлаб плугларнинг тишлари оқартириб кетган қора тупроқ палахсалари хира ялтираб ётар, улар тепасида зоғлар учиб юрар, қора шудгорда якка-ёлғиз бойчечакдек мовий нуқта кўринар: Варя Харламова ўзига ҳеч қандай қизиғи қолмаган ишни ташлаб бошини қуйи солганча аста-секин қўшхона томон кетмоқда эди. Кондрат Майданников эса эгатда қимирламай ўтириб чекмоқда эди. Атрофини бир гала сўна қуршаб олган ҳўкизларни эплаёлмаётган экан, етовчисиз нима қила олишни мумкин эди?

Тепа белида тўхтаган Давидовни кўраркан, Варя ҳам тўхтади, дуррасини бошидан дарҳол олиб аста силкитди. Бу сассиз ва журъатсиз даъватдан Давидов жилмайди. У ҳам кепкасини силкитди-да, орқасига қарамай юриб кетди.

«Вой ўзбошимча қиз-эй! Ўзи лобаргина қизу амалда эрка-тантик, ўзбошимча. Аммо эрка-тантикмас қизлар ҳам бўладими? Ҳеч ноз-қарашма қилмайдиганлари ҳам бўладими? Умрим бино бўлиб нечукдир бундайларини тушимда ҳам кўрганим йўқ, ўнгимда ҳам учратганим йўқ... Шунақанги барноларнинг қайси бирики, ўн олти ё ўн еттига кирдим, дарров ясан-тусанга киришиб, ўзига минг хил оро беради, бизга ўхшаганларга зўру ҳукмини ўтказиш пайдан бўла бошлайди, буни-си — факт! — деб ўйларди Давидов йўл-йўлакай. — Мана Варюха куюн-

* Давоми. Боши 1, 2, 3 ва 5-сонларда.

чак ҳам мени домига илинтираман деб димоғ-фироқ қияпти. Аммо хомтама бўлади. Болтиқ денгизчилари — пихини ёрган одамлар! У нимага будка томонга кетяпти? Шошмасдан, элан-қаран кетяпти, демак, унга Кондрат иш буюрган эмас, ўз хоҳиши билан, қизларга хос тентаклик билан, инжиқлик қилиб кетяпти. Балки мен бригадadan кетганим учундир? Ҳе, бу — амалий бемазагарчилик, меҳнат интизомини мутлақо бузиш бўлади-ку! Агар ўринли сабаб билан кетаётган бўлса, марҳамат, бемалол бораверсин, борди-ю, аллақандай тантиқлик билан кетаётган бўлса, ёшлигига ҳам, чиройлилигига ҳам қарамасдан бригаданинг биринчи мажлисидаёқ таъзирини бериш керак! Ер ҳайдаш — якшанба кунги ўйин-кулги эмас, марҳамат қилиб, эл қатори ишла» — дея ғижиниб ўйларди энди Давидов.

Шу дақиқада унинг кўнглини икки хил ғалати туйғу чулғаган эди: бир томондан, у Варянинг ўзбошимчалигидан ғазабланар, иккинчи томондан эса, қиз боланинг уни деб ишни вақтинча ташлаганини сезиши эркаклик иззат-нафсига хуш ёқар эди...

Ленинграддаги ўзига ўхшаган собиқ матрос ошнасининг биронта қизга хушомад қила бошлаганда айтадиган гапларини эслади, у Давидовни бир четга тортар, жиддий қиёфага кириб: «Семён, мен рақиб билан яқинлашишга кетдим. Бардош беролмай қолган тақдиримда менга ён томонлардан мадад бер, борди-ю, енгилсам — менинг шармандаларча чекинишимни пана қилиб тур» деб хуфия шивирларди. Узоқ ўтмишни эслаб жилмайди-да, шу ондаёқ ўйлади: «Йўқ, менинг бу «рақиб» билан, Варюха билан «яқинлашишга» ҳаққим йўқ. Мен унинг тенги эмасман, ўзи ҳам бошқа кеманинг одами... Мен унинг яқинига йўламасимданоқ, колхозчилар дарров мени аллақандай модабоз учарлардан экан деб ўйлаб қолишлари мумкин. Жин урсин, учар бўлиб бўлман, шу битта Лушкадан қутулишнинг йўлини тополмаяпман-у. Йўқ, лобар Варюхани жиддий севиш керак, у билан шунчаки кўнгилхушлик қилиб юришга виждоним қўймайди. У очиқ куннинг тонгидек бус-бутун мусаффо, менга ифбатли кўзлари билан тикилади-я. Хўш, ҳозирча жиддий севишни ҳали ўрганмаган эканман, бунга ақлим етмас экан, қиз боланинг бошини айлантиришимдан на ҳожат. Бу масалада, матрос Давидов, тезроқ елканингни ростлаб қол!.. Умуман, мен ундан қочиbroқ юришим керак. Уни хафа қилмаслик учун эҳтиётлик билан гаплашиб, ўзимни олиб қочишим керак», — дея беихтиёр хўрсинди Давидов.

Ўзининг Гремячий Логда бошланган, унча кўркам бўлмаган турмушини, янги райком секретари олдига қўйган вазифаларни ўйларкан, хаёли яна Лушкага қайтиб келди: «Бу мустаҳкам тугунни қандай қилиб безарар ечсам экан? Бир ҳисобда Макар ҳам ҳақли: қўл билан ҳам, тиш билан ҳам ечишнинг иложи бўлмаса — чопиб ташлаш керак! Бу қандай фалокат бўлди ўзи! Ундан умрбод ажрашим қийин бўлади, жуда қийин бўлади. Нима учун? Бу ишни Макар осонгина амалга оширган эди-ку, нимага мен мунча қийналяпман? Иродасизлик қиялманми? Ўзимни ҳеч шундай деб ўйламаган эдим! Эҳтимол, Макар ҳам қийналгандиру сирини бой бермагандир? Шундай бўлса ҳам ажаб эмас, аммо Макар ўз туйғуларини яшира билган, мен бўлсам яширишни билмайман, яшира олмайман. Ҳамма гап шунда экан!»

Давидов ўзи беҳабар ҳолда анчагина йўл босиб қўйди. Йўл бўйидаги бир туп дўлана соясига дам олгани ва чеккани чўзилди-да, чекиб Нагульновга ким ўқ узиши мумкинлигини узоқ ўйлаб ётди, кейин эса ғижиниб ҳамма тахминларидан воз кечди: «Хуторда ҳатто кулаклар битирилгандан кейин аблаҳларнинг қолган-қутгани борлиги ўқ узилмаса ҳам маълум. Макар билан гаплашиб, ҳаммасини батафсил биламан,

балки ўшанда баъзи нарсалар маълум бўлар, беҳуда бош қотиришимнинг ҳожати йўқ».

Йўлни қисқартиш учун бурилиб тўппа-тўғри қўриқдан кета бошлади, аммо ярим километрча юрар-юрмас бирдан аллақандай кўзга кўринмас чегарадан ўтиб бошқа бир дунёга келиб қолгандек бўлди: энди бўлиқ ажриқ этигининг қўнжига урилмас, атрофида живир-живир гуллар кўринмас, қулф уриб гуллаётган ўт-ўланларнинг хушбўй атри аллақадарга учиб ғойиб бўлган, қаршисида тақир кул ранг ҳазин дашт узоқларга чўзилиб кетган эди.

Гўё яқиндагина бўлган ёнғин тап-тақир қилиб кетгандек бу ташландиқ ер шу қадар ғамгин эдики, Давидовнинг кўнгли аллақандай орзиқиб тушди. У атрофига аланглаб Бирючья балканинг тепасига, фойдасиз қўриқ ерга чиққанини пайқади. Бу ер тўғрисида Яков Лукич бир куни правление мажлисида шундай деган эди: «Худойи таоло Кавказда нима учундир тоғларни қалаштириб бутун ерни ўнқир-чўнқир қилиб ташлаганки, на салт, на пиёда ўта оласан. Аммо бизни, яъни Гремячий казакларини нега ғазабига олганига тушунолмамай гарангман. Беш юз десятинага яқин туппа-тузук ерни шу қадар шўр бостирганки, азрўйи азалдан уни на ҳайдаб бўлади-ю, на экин экиб бўлади. Кўкламда ўтлоқ вазифасини бажаради, шунда ҳам озгина вақт, шундан кейин бу лаънати ерга туपुरасан-да, келаси кўклагача қадам босмайсан. Ундан келадиган бор фойда шу: хўторнинг қўй-қўзиларини ярим ойча чала қурсоқ боқади. Шундан кейин рўйхатда бизга дардисар бўлиб, ҳар хил газандаларга — калтакесаклар билан илонларга макон бўлиб ётади».

Давидов шўрхок кенг ўнгирларни четлаб ўтиб, сигирлар ва қўйларнинг туёқларидан пайдо бўлган, улар дағал тиллари билан ялаб ялтиратган чуқурчалардан ҳатлай-ҳатлай секинроқ кета бошлади. Бу чуқурчалардаги аччиқ-шўр тупроқ серчизиқ кул ранг мрамарга ўхшарди.

Бу ҳазин дашт беш километрча жойга — Мокрий буераккача чўзилиб кетган эди. У чаловларнинг ҳарир шокилаларидан, жазирамадан чатнаб кетган шўрхоқларнинг қақраган тақирларидан оқариб турар, кўкка титроқ ҳовур ўрлатиб, жазирама иссиқда оловли нафас олмоқда эди. Аммо бу ғариб тупроқда ҳам ўзига хос мангу ҳаёт ҳукм суради: Давидовнинг оёқлари остидан ўқтин-ўқтин пириллашиб қизил қанот чигирткалар учиб чиқар, ер рангидаги калтакесаклар сассиз ўрмалар, юмронқозиқлар (безовта чийиллашар, чалов тусидаги бўўктарги қайри-лаётганда қанотини лопиллатиб дашт устидан пастлаб учар, ювош тўрғайлар эса Давидовни бежавотир яқинларига келтириб, кейин гўё истаристамас парвоз этиб булутсиз осмоннинг мовий-сут ранг бағрида ғойиб бўлишар, уларнинг бўғиқ, аммо ёқимли наволари пайваст эшитилар эди.

Баҳор арафасида қор эриб ер бети унда-бунда қорайиб кўринди дегунча тўрғайлар диққинафас, аммо нима учундир ўзларига ёқиб қолган бу бир парча ерга учиб келиб, ўтган йилги қовжироқ ўт-ўландан уя солиб бола очиб чиқишади-да, киши қулоғига болаликдан қадрдон бўлиб қолган наволари билан даштни кеч кузаккача қувонтиришади. Қачонлардир от туёғидан пайдо бўлган изга моҳирона ясалган шундай уялардан бирини Давидов босиб олаёзди. У чўчиб оёғини тортиди-да, ерга энгашди. Бу тарк этилган эски уя экан. Унинг атрофида ёмғирдан ерга ёпишиб қолган патчалар, майда тухум пўчоқлари сочилиб ётарди.

«Онаси полопонларини учириб кетипти. Кичкина тўрғайвачаларни кўрсам эди! Уларни болалигимда бирон марта кўрганимни нечукдир эслолмайман,— деб ўйлади Давидов. Ғамгин кулимсиради:— Ҳар бир майда парранда ҳам ин солиб насл урчитяпти, мен бўлсам қирқ йилдан бери сўққабош санғиб юрибман, ўз полопонларимни кўришга муяссар

бўламанми-йўқми — буниси номаълум... Қариган чоғимда уйлана қолсаммикан?»

Давидов ўзини Куприяновнага ўхшаган баҳайбат хотини ва турли ёшдаги кўпдан-кўп болалари қуршовидаги басавлат эр сифатида тасаввур этиб, баралла кулиб юборди. Бунақа оилавий фотосуратларни у овлоқ шаҳарлардаги фотовитриналарда жуда кўп кўрган эди. Хаёлига қўққисдан келиб қолган уйланиш ҳақидаги бу фикр унга шу қадар кулгили ва бемаъни туюлдими, қўлини силтаб, хушчақчақлик билан хутор томон йўл олди.

Давидов уйига кирмай, тўппа-тўғри колхоз правлениесига қараб кетди. Бўлган бор воқеани Нагульновдан тезроқ суриштириб билмоқчи эди. Правлениенинг ўт-ўлан ўсиб ётган кенг ҳовлиси бўм-бўш, фақат отхона олдида қўшни қўра товуқлари эринчоқлик билан гўнг титмоқда, отхона томи остида нима учундир Трофим деб лақаб берилган така худди чолларга ўхшаб чуқур хаёл сурганча қимирламай турар эди. Давидовни кўриши билан така жонланиб, соқолини шўх силкитди-да, депсиниб олгач, зингилаганча унинг йўлини кесиб чиқа бошлади. Ярим йўлга етганда бошини эгиб чўлтоқ думини гижинглатди-да, олатасир чопа бошлади. Унинг нияти шу қадар ошкор эдики, Давидов жилмайганча тўхтаб соқолли жангарининг ҳужумини даф қилишга тайёрланиб турди.

— Колхоз раисини ҳали шундай қарши оласанми? Сени ҳозир этгим билан шундай бир футбол қилайки, қари иблис! — деди кулиб Давидов ва чаққонлик билан таканинг сербўғин бурама шохидан ушлади. — Қани энди правлениега юр, таъзирингни бериб қўяй, Шчукарнинг ошнаси, такасалтанг жангари!

Трофим бўйсунга қолди. Давидовнинг ёнида итоат билан кета бошлади, аҳён-аҳёнда бошини силкитиб, шохларини одоб билан бўшатиб олишга уринади. Аммо зинапоянинг биринчи босқичида у бирдан тўрт оёғини тираб кескин тархашлик қилди, Давидов тўхтагач, унга ётсирамай сузилиб кўкиш лабларини ғалати бир тарзда қимирлатганча унинг чўнтагини ҳидлади. Давидов таъна билан бош чайқаб, овозини мумкин қадар маънодор қилишга тиришиб унга дашном берди:

— Эҳ, Трофим, Трофим! Ахир сен чолсан-ку, колхоз пенсионери десак ҳам бўлади-ю, аҳмоқлигинг ҳали ҳам қолган эмас, уришмоқчи бўлиб ҳаммага ёпишсан, бунини эплай олмасанг, — чон тама қилсан. Бу ишинг яхши эмас, ҳатто уят, факт! Хўш, ҳидлаб нима топдинг?

Давидов тамаки халтаси билан гугурт тагидан чўнтагида қолиб кетган бир бурда нонни пайпаслаб топди-да, уни ёпишиб қолган тамаки ушоқларидан тозалагач, бу арзимас тўхфани кафтида узатишдан олдин нима учундир аввал ўзи ҳидлаб кўрди. Така ялтоқланиб ва илтижо билан бошини қўйи солганча Давидовга қари сатирининг ибосиз кўзлари билан тикилиб, нонни аранг ҳидлади-да, пишқирганча жирканиб сиполик билан зинапоядан тушиб кетди.

— Оч эмас экансан-ку, — деди гижиниб Давидов. — Солдат бўлган эмассан-да, лаънати иблис, бўлмаса жон-жон деб туширардинг-а! Нондан тамаки ҳиди келган бўлса нима бўпти! Вужудингда дворян қони кўпга ўхшайди, ярамас, ўтакетган инжиқсан, факт!

Давидов қоқ нонни ташлаб салқин даҳлизга кирди, чўян қозондан бир кружка сув олиб ютоққанча смирди. Иссиқ ва йўл ниҳоятда ҳоритганини эндигина сезди.

Правлениеда Размётнов билан ҳисобчидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Размётнов Давидовни кўриши билан илжайди:

— Келдингми, аскар йигит? Уҳ, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди! Колхоз хўжалиги машмаша экан — бу ташвишдан худонинг ўзи

асрасин! Гоҳ темирчиликда кўмир йўқ, гоҳ экин бошидаги чиғирик синиб қолган, гоҳ биттаси бир важ билан келган, гоҳ биттаси бошқа арз билан... Бунақангги сердағдага вазифа менинг табиатимга сира ҳам тўғри келмас экан. Бу ерда яна бир ҳафтача ўтирадиган бўлсам, шундай тутқалоқ дардига дучор бўлардимки, ҳолимни ҳузур қилиб томоша қилардиларинг!

— Макар қалай?

— Тирик.

— Тириклигини ўзим ҳам биламан, контузияси нима бўлди?

Размётнов юзини тириштирди:

— Ўқдан ҳам контузия бўларканми? Ахир унга уч дюймли тўпдан ўқ узишмаган-ку. Хўш, бошини бир оз лиқиллатиб, тирнаб кетган жойига ароқ суркади, ярим литрдан қолганини нафсига урди, вассалом — иш тамом.

— Ҳозир ўзи қаерда?

— Бригадага кетган.

— Бу воқеалар қандай юз берди?

— Қандай юз берарди: Макар кечаси ланг очиқ дераза олдида ўтирган экан, янги саводхон Шчукарь бобо бўлса столнинг иккинчи томонида ўтирган экан. Хўш, Макарга милтиқдан ўқ узишилти. Қим отганлигини қоронғи кеча бўлади, лекин шуниси аниқки, ношуднинг қўлидаги милтиқ экан.

— Нима учун аниқ бўлади?

Таажжубдан Размётновнинг қошлари чимирилди.

— Бу нима деганинг? Сен ўттиз қадам жойдан ўқ узсанг хато кетказармидинг? Эрталаб биз ўқ узилган жойни топдик. Гильзадан аниқладик. Ўзим ўлчаб кўрдим: четан девордан уй тагигача роппа-роса йигирма саккиз қадам.

— Кечаси ўттиз қадам жойдан ҳам хато кетгазиш мумкин.

— Йўқ, мумкин эмас! — қизғин эътироз билдирди Размётнов. — Мен хато кетказмас эдим! Хоҳласанг синаб кўрамиз: кечаси Макар ўтирган жойда ўтирасан, менга милтиқ берасан. Бир патроннинг ўзи биланоқ қоқ қаншарингдан туйнук очиб қўяман, Шунисидан аниқки, чинакам солдат эмас, аллақандай бир йигитча отган.

— Сен батафсилроқ гапириб бер.

— Ҳаммасини бир чекадан айтиб бераман. Ярим кечага яқин хуторда отишма бўлаётганини эшитиб қолдим: бир милтиқ овози, кейин икки марта бўғиқроқ ўқ овози эшитилди, худди пистолетдан отилганга ўхшайди, яна — янгроқ милтиқ овози эшитилди, овозидан билиш мумкин эди. Мен ёстиғимнинг тагидан наганни олиб, шимимни йўл-йўлакка кийганимча, кўчага югуриб чиқдим. Макаرنинг квартирасига қараб чопдим: отишма ўша томондан эшитилгандек бўлди. Макар бир бало қилаётган бўлса керак, деб ўйлабман...

Бир зумда етиб бордим. Эшикни тақиллатсам — ёпиқ, аммо уйдан бировнинг инграётгани эшитилляпти. Хўш, елкам билан икки мартагина яхшилаб итариб, эшикнинг зулфинини уздим, уйга чопиб кириб гугурт чақдим. Ошхонада каравотнинг тагидан бировнинг оёғи чиқиб турипти. Қаттиқ тортдим. Бафармони худо, каравотнинг тагидан биров чўчқачага ўхшаб чинқирворса бўладими! Мен бошда гарангсиб қолдим, аммо ўша тахлитда тортавердим. У одамни ошхонанинг ўртасига сургаб олиб чиқдим, мутлақо одам эмас, яъни эркак эмас, уй бекаси кампир экан. Ундан, Макар қаёқда деб сўрасам, қўрқиб кетганидан тили сўзга келмайди.

Мен Макаرنинг хонасига қараб югурдим, қандайдир юмшоқ нарсага қоқилиб йиқилиб тушдим, ўрнимдан сапчиб турдим юрагим

орқамга тортиб кетди: «Демак,— деб ўйладим,— Макарни ўлдиришипти, ётган шу». Амал-тақал билан гугурт чақиб қарасам — Шчукарь бобо ерда узала тушиб ётипти, бир кўзи менда, бир кўзи юмуқ. Бобонинг пешонаси билан ёноғи қон. Ундан: «Тирикмисан? Макар қани?» деб сўрадим. У ҳам ўз навбатида мендан: «Андрюша, худо ҳақи, айтчи, мен тирикманми, ё тирик эмасманми?» деб сўради. Овози ҳам шундай нозик-ингичкаки, гўё чол ҳақиқатан ҳам жон таслим қилаётгандек... Шундан кейин мен унга таскин бериб: «Тилинг гапга келяптими — демак, ҳали тириксан. Аммо ҳозирданоқ сендан мурда ҳиди анқияпти...» дедим. У ачиқ йиғлаб шундай деди: «Охирги нафасим етиб, жоним таним билан билдолашаётганга ўхшайди, шу сабабдан ҳам ҳаво диқнафас бўлса керак. Борди-ю мен ҳозирча тирик бўлсам ҳам, ҳадемай албатта ўламан: калламда ўқ бор».

— Нима бало ўзи! — сабрсизлик билан унинг гапини бўлди Давидов. — Унинг юзи нега қон бўлди экан? Гарангман! У ҳам яраланган эканми?

Размётнов кула-кула гапида давом этди:

— Ҳеч ким яраланган эмас, ҳеч нарса қилмапти. Шу билан, мен ҳар эҳтимолга қарши чиқиб деразанинг дарпарда тахтасини ёпиб келдим, чироғни ёқдим. Шчукарь қандай ётган бўлса, ўшандай чалқанчасига хотиржам ётипти, фақат иккинчи кўзини ҳам юмиб, қўлларини қорнига қовуштириб олипти. Худди тобутда ётгандек қимир этмайди, мурданинг ўзгинаси, вассалом! Инграганича эҳтиром билан мендан илтимос қилди: «Худо ҳақи бориб кампиримни чақириб келсанг, ўлар олдимда у билан хайр-хўшлашиб қолсам».

Унга энгашиб чироқни тутдим. — Размётнов пиқиллаб, кулгисини аранг тийиб олди. — Еруғда кўрсам унинг, яъни Шчукарнинг пешонасида қарағай пайраха санчилиб турипти... Уқ деразанинг четига тегиб пайраха учириб юборган экан, у учиб бориб Шчукарнинг пешонасига санчилипти, терисини тешиб ўтипти, лақма чол буни ўқ деб ўйлаб ўзини ерга отипти. Чол кўзимнинг ўнгида ажалсиз ўлиб боряпти, мен силлам қотганидан қаддимни кўтаролсам-чи, хўш, пайрахани суғуриб олиб, бобога: «Санчилган ўқни суғуриб олдим, энди ўрнингдан тур, беҳуда ётаверма, хўш, айт-чи: Макар қаёққа кетди?» дедим.

Қарасам, Шчукарь бобомнинг чеҳраси очилиб қолди, бироқ нима учундир менинг олдимда ўрnidан туришга ийманиб, ётган ерида ижирганиди-ю, турмайди... Аммо лангати ёлғончи ётган жойида ҳам мени лақиллатади: «Душманлар, — дейди, — мени отиб, ўқ қоқ пешонамга келиб текканда бор бўйим билан йиқилиб ҳушимдан кетдим, Макар бўлса, шу орада чироқни ўчириб деразадан сакраганча аллақаёққа ғойиб бўлди. Дўстлигимизни кўриб қўй: мен ўлар ҳолатда ярадор бўлиб ётибману, қўрққанидан мени душманларнинг панжасига ташлаб қочиб кетди. Мени ўлдираётган ўша ўқни бир кўрсат, Андрюша. Худо ёрлақаб тирик қолсам — уни хотира учун кампиримнинг иконаси остида умрбод сақлаб юраман!»

«Йўқ, — дейман унга. — Уқни сенга кўрсатолмайман. Унинг ҳамма ёғи қон, кўришинг билан яна ҳушингдан кетиб қолмагин. Биз бу машҳур ўқни музейда сақлаш учун Ростовга жўнатамиз». Шундан кейин чолнинг чеҳраси яна ҳам очилиб кетди, чаққонлик билан ёнбошлаб сўраб қолди: «Нима дейсан, Андрюша, қаҳрамонона яраланиб, душманларнинг шундай ҳужумига бардош берганим учун каттакон бошлиқларимиздан битта-яримта медали тегиб қолмасмикан?» Шундан кейин менинг қаттиқ ғашим келди; қўлига пайрахани тутқазиб: «Мана сенинг «ўқ»инг, бу музейга ярамайди. Уни иконанинг тагида сақлайвер, ҳозир қудуққа қараб равона бўл-да, қаҳрамонлигингни ари-

тиб, ўзингни ўнглаб ол, бўлмаса худди лаҳадга ўхшаб сасиб кетяпсан» дедим.

Шчукаръ қўрага чиқиб кетганча ғойиб бўлди, шу орада ҳадемай Макар келиб қолди, ҳориган отдек ҳаллослайди, столга ўтирди, ғиқ этмайди. Кейин нафасини ростлаб олиб гапирди: «Аблаҳга тегизолмадим! Икки марта ўқ уздим. Қоронғи, тўппончанинг қоровули кўринмайди, милига қараб мўлжалга олган эдим — тегмади. У тўхтаб, менга яна бир марта ўқ узди. Бамисоли гимнастёркамни биров юлқигандек бўлди». Макар гимнастёркасининг этагини тортди, дарҳақиқат ўнг томонида гимнастёркасининг камаридан юқори бир жойини ўқ тешиб ўтипти. Мен кимлигини билолмадингми, деб сўрадим. У бўлса кулади: «Менинг кўзим бойўғлининг кўзидай ўткир эмас. Шунисини биламанки, ёш йигит, чунки жуда ҳам чопқир экан! Ёши катта одам бундай чополмайди. Орқасидан югуриб кўрган эдим — қаёқда! Унга отлиқ одам ҳам етолмайди». — «Бу нима қалтис иш қилганинг? — дейман унга. — Уларнинг нечталигини билмай, изидан югурибсан-да? Борди-ю, четаннинг панасида сени яна ўшанга ўхшаган иккита йигит пойлаб турган бўлса, унда нима бўларди? Ҳатто биттасининг ўзиёқ яқинлаштириб туриб шартта отиб ташлаши мумкин эди». Макарга гап кор қилармиди? «Сенингча нима қилишим керак эди? — дейди у. — Чироқни ўчириб қара-вотнинг тагига кириб ётишим керакмиди?». Содир бўлган бор воқеа шу. Шундан кейин Макар тумов бўлиб қолди, холос.

— Бунга тумовнинг нима дахли бор?

— Ким билади дейсан, ўзи шундай дейди, мен ҳам ҳайронман. Ҳа, нега куляпсан? Ўшандан кейин у дарҳақиқат расво бир тумовга дучор бўлиб қолди. Бурнидан сел бўлиб оқяпти, худди пулемёт отгандек бетўхтов аксиргани-аксирган.

— Бориб турган билимсизлик, — деди ранжиб ҳисобчи, собиқ полк мирзаларидан бўлган ўрта ёшар казак. Тутилаверганидан кумуш банди хиралашиб қолган кўзойнагини пешонасига кўтариб қўйиб, совуққина такрорлади: — Ўртоқ Нагульнов ўзининг билимсизлигини кўрсатяпти, вассалом!

— Ҳозир оғирчиликнинг ҳаммаси кўпроқ билимсизларга тушяпти, — деб заҳарханда қилди Размётнов. — Мана сен ўтакетган билимдонсан, чўтқи ҳам шунақа шарақлатасанки, қарсиллаб кетай дейди, ҳар битта ҳарфни жимжимадор қилиб ёзасан, лекин ўқни сенга узмай Нагульновга узишипти... — У яна Давидовга қараб, давом этди: — Эрталаб барвақт ундан хабар олгани кирсам, фельдшер биланшундай баҳшашяптики, иблис ҳам тушунолмайди бунга! Фельдшер Макарнинг тумовини, кечаси деразани ланг очиб қўйиб елвизакда ўтириб шамоллаганингиздан, дейди. Макар бўлса, тумов ўқ бурун асабига шикаст етказганидан, дейди. Фельдшер: «Ўқ қандай қилиб бурун асабингизга шикаст етказиши мумкин, ахир, қулоғингизнинг тепасидан чаккангизни ялаб ўтиб кетипти-ку?» деб сўрайди. Макар бўлса унга жавоб беради: «Қандай шикаст етказгани билан сенинг ишинг бўлмасин, шикаст етказгани факт, сенинг ишинг — билмаган нарсанг тўғрисида мулоҳаза юргизиш эмас, бу асаб тумовини даволаш».

Макар иблисдан ҳам қайсар, бу чол фельдшер бўлса ундан ҳам баттар экан. «Сиз аҳмоқона гапларингиз билан менинг бошимни қотирманг, — дейди у. — Асабдан одамнинг икки қовоғи эмас, бир қовоғи, икки юзи эмас, бир юзи учади. Ундай бўладиган бўлса, нима учун назлангиз бурнингизнинг бир катагидан келмай, иккала катагидан баббаравар келяпти? Ўз-ўзидан равшан — бу шамоллаганингиздан».

Макар бир оз жим тургач, кейин: «Менга қара, рота табиби, сени ҳеч ким қулоғингга урганми?» деб сўради.

Мен ҳар эҳтимолга қарши Макарнинг қўлини вақтида ушлаб қолиш учун унга яқинроқ бориб ўтирдим, фельдшер бўлса аксинча — ундан нарироққа сурилиб, эшикка қараб-қараб, журъатсизлик билан: «Йў-ў-ўқ, худонинг марҳамати билан, ҳеч ким урган эмас. Бунга мунча қизикиб қолдингиз?» дейди.

Макар ундан яна сўрайди: «Мана мен сенинг чап қулоғингга муштум билан туширсам, чап қулоғимнинг ўзи шанғиллайди деб ўйлайсанми? Хотиржам бўл, иккала қулоғинг ҳам пасхада жом чалинганидек даранг-дурунглаб кетади!»

Фельдшер стулдан секин туриб эшик томонга қия бўла бошлади, Макар бўлса: «Сен қизишма, стулга ўтир, мен сени урмоқчи эмасман, мисол учун тушунтиряпман-да. Уқдингми?» дейди.

Фельдшер қизишиб нима қиларди? У эҳтиёти шарт эшик томонга қочган эди, аммо Макарнинг сўзларидан кейин стул четига омонатгина ўтирди, аммо эшикка ҳар қалай қараб-қараб қўярди... Макар муштумини тугиб, уни умрида биринчи бор кўраётгандек ҳар томондан кўздан кечирди-да, яна: «Бу туҳфани сенга иккинчи марта тақдим этсам унда нима бўлади?» деб сўради. Фельдшер яна ўрнидан туриб эшик томонга қараб жўнади. Қўли эшикнинг қабзасида-ю, ўзи бўлса: «Топган аҳмоқона гапларингизни қаранг! Медицина билан асабга сизнинг муштумларингизнинг ҳеч қандай дахли йўқ!» дейди. «Жуда ҳам дахли бор»,— деб унга эътироз билдиради Макар, уни яна ўтиришга илтимос қилиб эҳтиром билан стулга ўтқизади. Шундан кейин фельдшер нима учундир бехосдан-бехос қора терга тушиб, ниҳоятда ишим қисталанг, дарҳол касалларни қабул қилгани жўнашим керак, дейди. Аммо Макар қатъий оҳангда, касаллар бир неча минут кутиб туришлари мумкин, медицина мавзуйдаги баҳс давом этади, аминманки, бу фанда мен сендан беш қадам олдинроқдаман, дейди.

Давидов ҳорғин жилмаяр, ҳисобчи оғзини кафти билан тўсиб кампирлардек оҳиста кулар, Размётнов эса жиддиятини сира бузмай давом эттирар эди:

— «Гап шу,— дейди Макар,— борди-ю ўша жойингга иккинчи марта туширсам, бир кўзимдангина ёш чиқаркан, деб ўйламагин. Худди пишган помидорнинг шираси отилгандек иккала кўзингдан ҳам тирқираб ёш чиқиб кетади, бунинг, ҳар қалай, кафилини оламан! Асаб тумови ҳам шунга ўхшаган гап: агар буруннинг чап катагидан назла келаётган бўлса, ўнг катагидан ҳам келиши керак. Уқдингми?» Шундан кейин фельдшер дадилланиб: «Медицинадан тамом оmissиз, мумкин бўлса, менга ақл ўргатмасангиз, мен ёзиб берган томизғи дори билан даволансангиз» дейди. Макар бир сепчиб тушса бўладими! Боши шипга тегай деди, овози борича бўкирди: «Мен медицинадан оми эканманми?! Хаҳ эски хуқна! Мен герман урушида тўрт марта яраланганман, икки марта контузияланиб, бир марта газ билан заҳарланганман, граждланлар урушида уч марта яраланганман, ўттиз лазарет, госпиталь, касалхонада ётиб чиққанману медицинадан оми бўлар эканманми? Мени қандай докторлар билан профессорлар даволаганини биласанми, сурги дори? Сен қари аҳмоқ унақа билимдон одамларни тушингда ҳам кўрмагансан!» Шундан кейин қаёқдан журъати ошди, фельдшер ҳам баланд келиб, Макарга қараб шанғиллади: «Гарчанд,— дейди,— сизни билимдон одамлар даволаган бўлса ҳамки, аммо сиз, муҳтарам биродар, медицинада бамисоли пўжаксиз!» Макар унинг бу гапига шундай жавоб берди: «Сен бўлсанг медицинада — тешиккулчанинг ўртаси-сан! Сен янги туғилган чақалоқларнинг киндигини кесиш билан чолларнинг чуррасини ростлашни биласан, асаб важига бўлса қўй

инжилни фаҳмлаганчалик фаҳминг етади! Сен асаб ҳақидаги илмдан мутлақо беҳабарсан!».

Хуллас гапдан гап чувалиб улар роса тупук сочишди, фельдшер Макарнинг хонасидан бир копток ипдек пилдираб чиқиб кетди. Макар бир оз ҳовридан тушгач, менга: «Сен правлениега кетавер, мен қўлбола дорилар билан бир оз даволаниб, бурнимга ёғ суркаймаву, ҳозир бораман» деди. Сен унинг бир соатдан кейин қандай қиёфада кириб келганини кўрсанг эди, Давидов! Бурни худди бақлажондек кўм-кўк кўкариб шишиб кетипти, бир томонга қийшайиб қолипти. Ёғ суркаймаву деб зўриқтириб юборганга ўхшайди. Макардан, лўғрироғи унинг бурнидан бутун правлениени қўй ёғи ҳиди босиб кетди. У ўзига шундай дори ўйлаб топипти... Унга кўзим тушиши билан — хоҳ ишон, хоҳ ишонма, кулгим қистаб кетди. Хуллас, йигит ўзини-ўзи бадбашара қилиб қўйипти! Ўзингни-ўзинг нима қилиб қўйдинг, деб сўрамоқчи бўламану кулгидан нафасим чиқса-чи. Унинг астойдил жаҳли чиқиб мендан сўрайди: «Сен нега куляпсан, аҳмоқ меров, кўчадан ялтироқ тугма топиб олдингми дейман? Мунча терингга сиғмаяпсан, Трофимвачча? Сенинг ақлинг такамиз Трофимнинг ақлича-ю, ажабтовур одамдан кулганингга бало борми!»

У отхонага қараб йўналди, мен кетидан чиқдим. Қарасам, Макар эгарни олиб, жийрон отини эгарлаб, отхонадан етаклаб чиқиб келяпти, гиқ этмайди. Хуллас, менинг кулганимдан жаҳли чиқяпти. «Йўлинг бўлсин, қаёққа?» деб сўрайман. Тундлик билан жавоб беради: «Олатоққа, хивич кесиб келиб сени савамоқчиман!»—«Нега энди?» деб сўрайман. Индамайди. Мен уни кузатиб кета бошладим. То квартирасигача индамай бордик. Эшик олдида юганини менга тутқазиб, ўзи уйга кириб кетди. Қарасам, у ёқдан кифтига филофли наган осиб, белига камар боғлаганча, қўлида сочиқ билан чиқиб келяпти...

— Социқ?— таажжубланди Давидов.— Социқ нимаси?

— Сенга боя айтганимдек расво тумовга йўлиққан, дастрўмол кор қилмайди, бизга ўхшаб соддагина қилиб ерга бурун қоқиб ташлашдан далада ҳам ор қилади.— Размётнов нозиккина кулиб қўйди:— Сен уни ерга урма, ҳар қалай, англиз тилини ўрганияпти, билимсизларга ўхшаб иш тутиши керакмас-да... Шунинг учун дастрўмол ўрнига сочиқ олиб чиқипти. Мен унга: «Сен бошингни дока билан танғиб ярангни беркитсанг бўларди, Макар» дедим. Унинг жини қўзиб, бўкирди: «Бу нега яра бўларкан, жин урган! Кўзинг чиққанми, кўрмаяпсанми, бу яра эмас, терим шилиниб кетган холос! Менга хотинчалиш назокатлар кетмайди! Бригадага борсам, шамол қуритиб чанг босса, қари байталнинг ярасидай битади-кетади! Сен ҳадеб бировнинг ишига тумшуғингни тикавермай, аҳмоқона маслаҳатларинг билан қўшилиша туёғингни шиқиллатиб қол!»

Қарасам, фельдшер билан жиқиллашганидан, менинг кулганимдан феъли қаттиқ айниган, эҳтиёт билан, наганини панароқ жойга тақиб олишини маслаҳат бердим. Қаёқда! Мени дарров валидамга ҳавола қилиб, шундай деди: «Менга ҳар қандай аблаҳ ўқ узади-ю, нима, мён ёш болаларнинг сопқонини кўтариб юришим керакми? Наганимни чўнтагимда саккиз йил олиб юриб чўнтақларимни илма-тешик қилиб юбордим, энди бас! Шу кундан эътиборан ошкора тақиб юраман. Наганим ўғирлик эмас, унга қон тўка-тўка муяссар бўлганман. Уни менга қимматли ўртоқ Фрунзе номидан, қолаверса, солида номим ёзилган кумуш пластинкаси билан бекорга тақдим қилишган эканми? Хомтама бўласан, оғайни, яна бировнинг ишига тумшуғингни тикяпсан». Шундай деди-ю, отига миниб жўнаб қолди. То хутордан чиқиб кетгунича сочиққа бурун қоққани эшитилиб турди, худди карнай чалаётганга ўхшар-

ди. Сен унга наган важини айтиб қўй, Семён. Ҳар ҳолда халқнинг кўз ўнгида яхши эмас. У сенинг гапингга киради-ку.

Размётновнинг сўзлари Давидовнинг ҳушига етиб бормас эди. Ёноқларини кафтига қўйиб, тирсақларига суянганча, сиёҳ томчилари билан қопланган чақа стол тахтасига тикилганча, Аржановнинг ҳикоясини эслаб, ўйларди: «Хўп, дуруст, фараз қилайлик, Яков Лукич — кулак, лекин нима учун мен келиб-келиб ўшандан гумон қилишим керак? Унинг ўзи қўлига милтиқ ушламайди, ёши ўтиб қолган, эҳтиёткор; Макар, мени кўриб қочган одам чопқир ёш йигит, депти. Борди-ю Лукичнинг ўғли отаси билан биргаликда қилган бўлса-чи? Яков Лукични бари бир аниқ исботсиз хўжалик мудирлиги вазифасидан олиб ташлаб бўлмайди, бу билан уни чўчитиб қўйиш мумкин, борди-ю, у биронта фитнага аралашиб қолган бўлса, бошқаларни ҳуркитиб юбориш мумкин. Лукич бундай ишга ёлғиз ўзи қўл урмайди. Жин урган ақлли одам, ёлғиз ўзи бундай ишга сира ҳам журъат қилмайди: демак, у билан бояги-боягисидек муомала қилиб, уни зинҳор бад олдирмаслик керак, акс ҳолда бутун ишни барбод қилиш мумкин. Уйинга энди козирлар ҳам тушяпти... Тез орада районга тушиб, райком секретари ва ГПУ бошлиғи билан гаплашиш керак. Бизнинг ГПУмиз оғзини очиб лалайиб ўтирипти, бу ерда бўлса кечалари милтиқдан ўт очишга киришияпти. Бугун — Макарга қараб отишди, эртага бўлса менгами ё Размётновга қараб отишар. Йўқ, бу иш ярамайди. Агар ҳеч қандай чора кўрмасак, биронта ярамас бизни уч кундаёқ кетма-кет қулатиб қўйиши мумкин... Аммо Лукич контрреволюцион ўйинга ҳар ҳолда аралашмас дейман. Ниҳоятда ишига пишиқ, факт — унга нима нафи ҳам бор эди? Хўжалик мудир, правление аъзоси бўлса, туппа-тузук маъмур турмуш кечираётган бўлса, Йўқ, унинг эски замонни қўмсашига кўнглим сира ҳам ишонгиси келмайди. Эски замонга қайтиш йўқ, ахир у буни тушуниши керак-ку. Борди-ю, биз ҳозир қўшниларимизнинг биронтаси билан уришаётган бўлсак ҳам бошқа гап эди, — у тақдирда бу активлашиши мумкин эди, ҳозир мен унинг активлашганига ишонмайман».

Давидовнинг мулоҳазаларини Размётнов бўлди. У дўстининг сўлигин юзига анчагача индамай қараб турди, кейин дангал сўради:

— Бугун нонушта қилганмидинг?

— Нонушта қилганмидинг? Нима эди? — деди фаромушлик билан Давидов.

— Шундай ориқлаб кетибсанки, одамнинг ваҳмаси келади! Диккайган ёноқ суякларинггина қолипти, улар ҳам офтобда қоқланган.

— Яна эски гапни бошляяпсанми?

— Йўғ-а, мен жиддий айтаяпман, гапимга ишон!

— Нонушта қилганим йўқ, вақтим бўлмади, кўнглим ҳам тортмай турипти, буни қара, эрталабданоқ жазирама иссиқ бошланиб кетди.

— Мен нима учундир очқаброқ турибман. Юр мен билан, Сёма, бир оз тамаддиқ қилиб оламиз, — дея таклиф этди Размётнов.

Давидов истар-истамак кўнди.

Улар бирга ҳовлига чиқдилар. Уларнинг юзига ёвshan исси сингиб кетган қуруқ ва иссиқ оловли дашт шамоли келиб урилди.

Кўча эшик олдида Давидов тўхтаб, сўради:

— Сен кимдан гумон қиласан, Андрей?

Размётнов кифтини чиқариб, аста-секин қўлларини ёзди:

— Қим билади дейсан! Ўзим бир неча марта тусмоллаб кўриб, бирон тўхтама келолмадим. Хутордаги ҳамма казакларни бирма-бир хаёлимдан ўтказдим у жўялик бир фикрга келолмадим. Бизни аллақайси иблис гангитиб қўйди-ю, энди бошимизни қотиришимиз керак. Бу

ерга район ГПУсидан бир ўртоқ келиб, Макарниг уйи атрофида изғиди, Макардан, Шчукаръ бободан, Макар турадиган уйдаги кампирдан, менадан баъзи нарсаларни сўради, биз топиб олган гильзани кўздан кечирди, ахир унда биронта белги йўқ-ку... Шу тахлитда қайтиб кетди. «Қишлоғингизга биронта душман оралаганга ўхшайди» дейди. Макар ундан сўраб қолди: «Сенга баъзан дўстларинг ҳам ўқ узишганми, донишманд? Бу ердан тезроқ қорангни ўчириб, йўқол». Ҳалиги лақма индаёлмай қолди, яккаш бурнини тортади, шу билан отига миниб жўнаб қолди.

— Нима дейсан, бу ҳунар Островновдан чиқмадимикан?— эҳтиёт билан сўради Давидов.

Аммо эшик ҳалқасини ушламоқчи бўлган Размётнов ҳайратдан ҳатто қўлини тушириб, кулиб юборди.

— Нима, эсингни едингми? Яков Лукич-а? Қаёқдан юрак ютиб бу ишга журъат қилади? Араванинг гижирлашидан қўрқади-ю, сен бундай бемаъни гапни гапириб ўтирибсан! Калламни чопиб ташласанг розиманки, аммо у бу ишга қодир эмас! Бу ишни ким қилса ҳам, у қилмайди.

— Унинг ўғли-чи?

— Яна мўлжалдан адашдинг. Бунақа тусмоллаб ким кўрганни бармоғинг билан нуқаверадиган бўлсанг менадан кўришинг ҳам ажаб эмас. Йўқ, бу мушкул жумбоқ. Бу худди тилсимли қулфга ўхшайди.

Размётнов халтасини олиб тамаки ўради-ю, аммо яқингинада уй бекаларига кундуз куни печь ёқишни, эркакларга эса кўчада чекишни тақиқлайдиган мажбурий қарорга ўзи қўл қўйганини эслаб қолиб, ўраган тамакисини гижинганча гижимлаб ташлади. Таажжубланиб қараган Давидовга гўё ўзи ҳақида эмас, бегона бир одам ҳақида гапираётгандек фаромушлик билан жавоб берди:

— Ҳар хил аҳмоқона қарорлар чиқаришади! Қўрада чекиш мумкин эмас, юр, менинг уйимда чекамиз.

Нонуштага Размётновнинг кампир онаси камбағалчасига өзгина туюлган ёр солинган одатдаги суюқ сўк бўтқани тортди. Бу Давидовнинг меъдасига тегиб кетган эди. Аммо у полиздан бир товоқда янги узилган бодиринг олиб келган эди, Давидовга жон кирди. У ер ва қуёш ҳиди келиб турган мазали бодирингдан иккитасини ҳузур билан еб, устидан бир кружка қиём сув ичди-да, столдан турди.

— Раҳмат, онажон, жуда қорним тўйди. Бодиринг учун — алоҳида раҳмат. Бу йил янги бодирингни биринчи тосиб кўришим. Яхши экан, сўз йўқ, факт!

Меҳрибон, сўзамол кампир ҳасрат билан ёноғини кафтига тиради:

— Сен шўрликкинада бодиринг нима қилсин? Хотининг йўқ-ку?

— Ҳозирча уйланганим йўқ, ҳеч вақтим бўлмаяпти,— деб жилмайди Давидов.

— Уйланишга вақтинг бўлмаса эртапишар бодиринг умид қиладиган жойинг ҳам йўқ экан. Экину кўчатлар билан ўзинг овора бўлишинг керак эмас-ку, ахир? Мана менинг Андрюшкам ҳам хотинсиз қолди. Онаси бўлмаганида очидан ўларди. Онаси бор экан ҳар қалай унча-мунча боқиб турипти. Сизларга қараб туриб куйиб кетаман. Менинг Андрюшкам ҳам тоқ ўтяпти, Макарка ҳам, сен ўзинг ҳам. Наҳотки, учаловларинг ҳам уялмасанглар? Хуторда ҳўкиздай-ҳўкиздай бўлиб юрибсизлару, хотиндан омадларинг келмаган. Наҳотки биронталаринг ҳам уйланмасанглар? Ахир бу иснод-ку!

Размётнов кула-кула онасига тегажаклик қилди:

— Бизга ҳеч ким тегмаяпти, ойижон.

— Бўлмасам-чи, агар яна беш йилча бўйдоқ юрадиган бўлсанглар

ҳеч ким ҳам тегмайди. Ешларинг ўтиб қолгандан кейин хотин киши ҳам сизларни бошига урадими,— қизларни гапирмай ҳам қўяқолай, қизларга оғиз соладиган вақтларинг ўтиб кетган!

— Бизга қизлар тегмасмиш — ўзинг айтяпсан: қариб қолибмиз,— бевалар бўлса керакмас. Бировларнинг боласини боқамизми? Жин урсин уларни!— ҳазилга олди Размётнов.

Афтидан у бундай ҳангомаларга кўникиб қолган, аммо Давидов эса индамас, ўзини нима учундир ноқулай сезар эди.

У очиқ кўнгил мезбонларга миҳнатдорчилик билдириб, улар билан хайрлашди-да, темирчиликка қараб кетди. У қабул қилувчи комиссия келгунча пичан ўроғига ремонт қилиб қўйилган лобогрейкалар ҳамда от қўшиладиган хаскашларни шахсан ўзи яхшилаб кўздан кечирмоқчи, чунки ремонт ишига у ҳам ўз меҳнати билан озгина ҳисса қўшган эди.

Х БОБ

УТОРНИНГ энг четида жойлашган темирчилик уни таниш ҳидлар ва садолар билан қарши олди: эгасининг ҳар бир ҳаракатига итоткор болға Ипполит Сидоровичнинг қўлларида ҳамон боягисидек жаранглаб ўйнарди, умри битаётган дамнинг ҳарсиллаган нафаси узоқданоқ эшитилди, ланг очиб қўйилган эшикдан ҳамон аччиқ кўмир иси ва совнамаган тўполнинг ажойиб ёқимли ҳиди келиб турарди.

Овлақдаги темирчиликнинг атрофи кимсасиз ва бўм-бўш. Яқин орадан ўтган эски йўлдан қизиган тупроқ ва олабўта ҳиди келмоқда. Темирчиликнинг зич қилиб чим бостирилган, чўккан четан томида ёввойи зиғир билан бурган ўсмоқда. Уларнинг орасида кўпдан-кўп чумчуқлар уймалашмоқда. Улар эски темирчиликнинг бўғотида, ҳатто қиш кунлари ҳам яшар, уларнинг тинимсиз чирқиллашлари болғанинг жарангдор саси билан сандоннинг жарангига жўр бўлар эди.

Шалий Давидовни қадрдон ошнасидек қарши олди. Бутун куни ёлғиз ўсмир дамкаш билан ўтиб зерикарди. У Давидовнинг келганидан астойдил севиниб кетди, темирдек қаттиқ ва бақувват кўлини узатаркан, йўғон овоз билан хушчақчақ гапирди:

— Анчадан бери дарагинг йўқ, дарагинг йўқ, раис! Пролетарьятни эсингдан чиқариб қўйяпсан, кириб хабар олай ҳам демайсан, гурурланиб кетганга ўхшайсан, йигит. Ҳали, хабар олгани кирдим ҳам дерсан? Бекор айтибсан! Ўроқ машиналарни кўргани келгансан, мен сени яхши биламан, йигит! Хўп, юр, кўрасан. Мен уларни худди параддагидек, кўриқдаги казаклардек сафга тизиб қўйдим. Юр, юр, лекин тирғишлик қилмай кўздан кечирасан. Ўзинг менга кўмакчи бўлиб ишлагансан, бинобарин, энди бировга тўнкаб бўлмайди.

Давидов ҳар бир ўроқ машинасини синчиклаб узоқ кўздан кечирди. Аммо қанчалик тирғишлик билан кўздан кечирмасин, бир-иккита майда камчиликдан мустасно, ремонтдан ҳеч қандай нуқсон топмади. Аммо кекса темирчини қаттиқ хафа қилиб қўйди. У Давидовнинг орқасидан изма-из машинадан машинага ўтиб, буғриққан юзидаги терни чарм фартуғи билан арта-арта норози оҳангда гапирарди:

— Ниҳоятда эринмаган хўжайин экансан! Бу тирғишликларингнинг мутлақо ҳожати йўқ. Хўш, буларнинг нимасини титкилайсан? Нима қидиряпсан ўзинг? Нима, мен сенга лўлимидим? Болғани наридан бери тарақлатиб, ишни юмалоқ-ясси қилиб кейин соявон аравасига тушганча отини чуқлаб қорасини кўрсатмай кетадиган лўлимидим? Йўқ, йигит, бу ишларнинг ҳаммаси худди ўзимнинг ишимдек ҳалол бажарилган, минг ёғини титкилаб тирғишлик қилаверишингнинг ҳожати йўқ.

— Мен сенга тирғишлик қилаётганим йўқ, Сидорович, нега ундай дейсан?

— Агар тиргишлик қилмай кўздан кечирганигда аллақачон кўриб бўлган бўлардинг, ваҳоланки, ҳар бир ўроқ машинанинг атрофида ўралишиб, яккаш титкилайсан, яккаш пайпаслайсан...

— Менинг ишим шунақа: кўзимга ишонаману қўлим билан ушлаб кўраман,— ҳазиллашди Давидов.

Аммо у умумлаштирилгунча Антип Грачга тегишли бўлган кўҳна, чақа лобогрейкани айниқса диққат билан кўздан кечира бошлаганида Шалийнинг чеҳраси очилиб кетиб, норозилигидан асар ҳам қолмади. У соқолини тутамлаб, кимгадир кўз қисиб, муғомбирона илжайганча, истеҳзо билан гапирди:

— Сен ёт, ерга ёт, Давидов! Нега унинг атрофида хўроздек гир айланяпсан? Мукка тушиб ётиб унинг тишини тишлаб кўр. Уни қиз болага ўхшаб силаб-сйпаб нима қиласан? Тишинг билан тишлаб кўр, тишинг билан! Эҳ, ношуд темирчи! Ўз қўлингдан чиққан нарсани таниёлмаяпсанми? Ахир бу ўроқ машинани бошдан-оёқ ўзинг ремонт қилган эдинг-ку! Мен сенга узил-кесил айтаяпман, йигит, туриш-турмуши билан ўзингнинг қўлингдан чиққан, сен бўлсанг кўрмаяпсан, таниёлмаяпсан. Бунақада, йигит, кечқурун уйланиб, эрталаб келинчак хотинингни ҳам таниёлмай қолсанг керак...

Ўз ҳазилидан мамнун бўлган Шалий қаттиқ қаҳ-қаҳлаб кулди. Йўтали тутиб қўлларини силкиди, Давидов эса сира ҳам хафа бўлмай жавоб берди:

— Бекорга куляпсан, Сидорович. Камқувват ўртаҳолнинг ўроқ машинасини дарров танидим, ўзимнинг қўлимдан чиққанини ҳам пайқадим. Шунинг учун жиддий текширяпманки, ўроқ вақтида уялиб қолмайлик. Бу шарти кетиб, парти қолган ўроқ машинаси бирон аварияга учрагудек бўлса, элдан бурун ўзинг, қолаверса ўроқчиларнинг олдида: «Мана, Давидовга болға билан омбирни ишониб топширган эдим, у пала-партиш иш қилипти» дейсан. Шундайми ё шундаймасми?

— Албатта. Бўлмаса-чи? Ким қилган бўлса ўша жавоб беради-да.

— Сен бўлсанг: «Таниёлмадинг» дейсан. Қадрдонгинамни танидим, аммо ўзимдан талабим қаттиқ.

— Ўзингга-ўзинг ишонмас экансан-да?

— Баъзан шундай ҳам бўлиб туради...

— Шундай бўлгани ҳам дуруст, йигит,— дарров унинг фикрига қўшилди бирдан жиддийлашиб қолган темирчи.— Бизнинг темирчилик ишимиз жуда масъулиятли иш дейиш мумкин, унда маҳоратингни ҳам бирданига оширолмайсан, э-ҳа, бирданига оширолмайсан... Биз темирчиларнинг орасидаги: «Танавору қўлинг билан болғага ишон, аммо ёшлигингдан ақл-ҳушингга бино қўйма» деган мақол бежиз эмас. Катта заводдаги иш ҳам, кичкина устахонадаги иш ҳам, ҳаммаси ҳам бир — масъулиятли иш, мен сенга узил-кесил айтаяпман. Бўлмаса ўтган йили Район жун-тери тайёрлаш бўлимининг мудирини менинг уйимга квартирага киритиб қўйишди; уни бизнинг хуторга вакил қилиб юборишган эди. Хотиним билан биз уни худди ўз боламиздек қарши олдик, аммо у бўлса кампирим билан ҳам, мен билан ҳам чурқ этиб гаплашмади, бунга ўзига ор деб билди. Столга овқатлангани келиб ўтирса ҳам — индамайди, столдан турса ҳам — индамайди, қишлоқ Советидан келади — индамайди, кетади — индамайди. Сиёсатдан ёки ҳўжалик тўғрисида нима гап сўрасам ҳам, менга тўнғиллаганча: «Бунинг сенга дахли йўқ, чол» деб жавоб беради. Шу билан гапимиз-қалтаи кўтоҳ бўлади. Квартирантимиз уч сутка чурқ этмай осойишта яшаганидан кейин, тўртинчи кун тилга кирди... Эрталаб камоли кибр-ҳаво билан менга нима дейди дегин: «Сен кампирингга айтиб қўй, менга картошкани товада эмас, тарелкада олиб келсин, столга ҳам сочиқ

эмас, биронта салфетка қўйсин. Мен,— дейди,— маданий одамман, қолаверса, район миқёсидаги масъул ходимман — бунақангги жўн муомалани ёмон кўраман». Мен ундан астойдил жаҳлим чиқиб кетиб шундай дедим: «Сен маданий одам эмас, қўланса мағзаксан! Агар сен маданий бўлсанг олдингга қўйган идишдаги овқатни еявер, қўлингга тутқизган нарсага артинавер, чунки салфетка деган нарса бизнинг уйда асло бўлган эмас, тарелкаларни бўлса, кампирим ҳаммасини синдириб қўйган. Мен сендан бир тийин ҳам пул олмайман; кампирим сенинг қандай кўнглингни олишни, сени қаерга ўтқазиб, қаерга юшоқроқ жой солиб беришини билмай ўлиб бўляпти-ю, сен бўлсанг: «Мен — масъул ходимман!» деб кеккаясан. Хўш, қандай масъул ходимсан?— деб сўраб қолдим.— Ишхонангда қуёнтери билан юмронқозиқ терисини эзгиласанг керак, сенинг бор-йўқ масъулиятинг шундан иборат. Сен сира ҳам масъул эмассан, мана мен — масъул ходимман! Раис билан ячеёка секретаридан кейин хуторда энг биринчи шахсман, чунки менсиз ер ҳам ҳайдалмайди, ўроқ ҳам ўрилмайди. Мен темиру пўлатни бийлайман, сен бўлсанг терини ийлайсан, қайси биримизнинг ишимиз муҳимроқ?— дедим.— Сен ўзингни масъул ходим деб танийсан, мен ҳам ўзимни шундай деб санайман. Иккала масъул ходим битта хонада қандай қилиб чиқишамиз! Қани,— дедим,— портфелингни қўлтиқла-чи, ўргилай, туёғингни шиқиллатиб қол, менга бунақа кеккайган одамнинг мутлақо кераги йўқ».

Давидов кўзларини шундай қисдики, кўзлари мижжалари орасидан аранг йилтираб кўринарди. Овози кулгидан тўлқинланганча аста сўради:

— Ҳайдаб чиқардингми?

— Узил-кесил! Уша заҳотиёқ! Чиқиб кетди, нон-намагимиз учун раҳмат ҳам айтмади итвачча масъул ходим.

— Хўп шоввозсан-да, Сидорович!

— Бунинг шоввозлик жойи йўқ, уйимда бунақа одамнинг истиқомат қилиши жуда малол келди.

Чекишиб олганларидан кейин Давидов яна асбоб-ускуналарни кўздан кечиришга тушиб, бу ишни тушдан кейингина тугатди. Шалий билан хайрлашаркан, ишни сидқидилдан бажаргани учун унга самимий миннатдорчилик билдириб, суриштирди:

— Ремонт учун сенга неча меҳнат куни ёзишипти?

Кекса темирчи қовоғини солиб, ўгирилиб олди.

— Яков Лукич жуда ёрчитиб ёзиб беради...

— Бу ишга Яков Лукичнинг нима даҳли бор?

— Даҳли шуки, ҳисобчига ўз амрини ўтказяпти. У қанча деса, ҳисобчи шунча ёзади.

— Ҳар қалай қанча ёзишди?

— Арзимаёди, йўқча ҳам келмайди, йигит.

— Нега ахир бундай қилишади. Нима учун?

Одатда хушфёъл темирчи бу гал шу қадар ўқрайиб қарадики, гўё унинг олдида Давидов эмас, Яков Лукичнинг ўзи тургандек эди.

— Шунинг учунки, улар менинг ишимни ҳеч ҳисобга олгилари келмаяпти. Кунимни темирчиликда ўтказсам — бир меҳнат куни ёзишади. Ишладимми, тамаки чекиб ўтирдимми — уларга бари бир! Эҳтимол мен ремонтда кун-узун кун беш меҳнат куни ишлагандирман — бари бир бир меҳнат куни ёзишади. Сандоннинг олдида икки букилиб синиб кетсанг ҳам бари бир бир меҳнат кунидан ошиқ ишлаёлмайсан. Хуллас, сенинг тўлайдиган қақингдан очдан ўлмай яшаб юрасану, уйланишга хушинг келмайди!

— Бу мен тўлайдиган ҳақ эмас!— деди Давидов жескин.— Бу кол-

хоз тўлайдиган ҳақ эмас! Сен бу бемазагарчиликни менга нега илгарироқ айтмадинг?

Шалий иккиланиб тургач, истар-истамас жавоб берди:

— Сенга нима десам экан, йигитча, юзим чидамади. Виждоним йўл бермади десаммикан. Сенга узил-кесил шикоят қилмоқчи бўлдим, кейин: «Жуда ҳам еб тўймас экан, ҳеч кўзи тўймайди» дермикансан, деб ўйлаб қолдим. Шунинг учун ҳам индамадим. Мана энди гапирман, гапнинг очиғини айтаман: улар кўнгилларига келганча — хўш, чунончи, плуглар, пропашниклар, хуллас кўзга кўринадиган асбоб-ускуналарнинг ремонтга ўхшаган меҳнатни ҳисобга олишади-ю, чунончи, отларни тақалаш, ёки тақа, тўқмоқ, омборлар учун зулфин, ҳар хил икир-чикир майда-чуйда нарсаларни яасанг — улар бундай ишларни сира ҳам ҳисобга олишмайди, гапирсанг қулоқларига ҳам кирмайди. Мен бу нарсани нотўғри деб ҳисоблайман, чунки бунақангги икир-чикирларга вақтинг кўп кетади.

— Сен яна — «улар» деясан, «улар» деганинг кимлар ўзи? Ҳисобга олиш ишни ёлғиз ҳисобчигина олиб боради, бу иши учун правление олдида жавобгар, — деди ўкинч билан Давидов.

— Ҳисобчи олиб боради-ю, Лукич бийлайди. Сен менга қандай бўлиши кераклигини айтаясан, мен бўлсам амалда нима бўлаётганини айтаяшман.

— Агар амалда шундай бўлаётган бўлса, жуда ёмон.

— Бунинг учун мен эмас, сен гуноҳкор, йигит.

— Мен гуноҳкор эканлигимни ўзим ҳам биламан. Бу ишни тезроқ тузатиш керак. Эртагаёқ правление мажлисини чақираман, биз Яков Лукичдан суриштириб кўрамиз. Биз у билан астойдил гаплашамиз! — деди Давидов кескин.

Аммо Шалий мийиқлари орасидан жулибгина қўяқолди.

— Гаплашганда у билан гаплашиш керак эмас..

— Сенингча ким билан гаплашиш керак бўлмаса? Ҳисобчи биланми?

— Сен билан.

— Мен билан? Ҳм... Хўп, қани.

Шалий Давидовнинг кучини чамалаб кўраётгандек уни бошдан-оёқ синовчан назар билан кўздан кечирди-да, оҳиста гапирга бошлади:

— Дадил бўл, йигит! Мен сенга аччиқ сўзлар айтаман... Айтгим келмаган эди-ю, айтиш зарур. Қўрқаманки, бошқа одамлар сенга бунақа сўзларни айтишга ботинишмайди.

— Қани, қани, — унга далда берди Давидов, ўзи эса бўладиган ҳангома хуш ёқадиган ҳангома бўлмаслигини ичидан сизди. Ҳаммадан ҳам Шалий унинг Лушка билан муносабатлари ҳақида гап очиб қолишидан кўпроқ хавотирланди.

Аммо унинг кутганига зид ўлароқ Шалий бошда бўлак нарса қақида гапирди:

— Сенга сиртдан қараса — чинакам раиссан, лекин синчиклаброқ қараса — сен колхозга раис эмас, халқнинг таъбири билан айтганда ямоқ-ясқоқсан.

— Мана бунинг қойил гап! — ясамароқ хушчақчақлик билан хитоб қилди Давидов.

— Ҳеч қойил эмас, — жиддий давом қилди Шалий. — Бунинг ҳеч қойиллик жойи йўқ, мен сенга узил-кесилини айтсам. Сен яхши хўжайинга хос иш қилиб ўроқ машинанинг тагига кирасан, текширасан, далада ҳам яшаб, ўзинг ер ҳайдайсан. Аммо правлениеда нима ишлар бўлаётганини ҳеч кўрмайсан ҳам, билмайсан ҳам. Сен далада камроқ санғиб, бу ерда, хуторда кўпроқ бўлсанг, ишлар дуруст кетарди.

Қўшчилик ҳам қиласан, темирчилик ҳам қиласан, хуллас, қўшиқда айтилганидек: «Қўлингда ўроқ, бир касбинг машшоқ»сан, бутун хўжаликни сенинг ўрнингга Островнов бийлаяпти. Сен измингни қўлингдан бериб қўйгансан, Островнов қўлига киргизиб олган...

— Гапиравер,— деди совуққина Давидов.— Гапир, тортинма!

— Гапиравераман,— бажонидил рози бўлди Шалий. У ўроқ машинанинг тахтасига ўринлашиб ўтириб олиб, имо билан Давидовни ҳам ёнига ўтиришга таклиф қилди, остонада уларнинг галига қулоқ солиб турган дамжаш болани кўриб қолиб депсинганча бақириб берди:— Йўқол бу ердан, шайтонвачча! Бошқа ишинг йўқми? Нуқул гап тинглайсан, чўчқавачча! Камаримни суғуриб олиб, бошлаб савалай, эсинг кириб қолсин! Ушанда қулоғинг диккаймайдиган бўлиб қолади. Тавба, бола деган ҳам шунчалик бебош бўладими!

Кир-яғир ўсмир кулиб турган кўзларини чарақлатиб сичқондек физиллаганча қоронғи устахонага кириб кетди, шу ондаёқ у ёқдан дамнинг хирқироқ нафаси эшитилди, кўрадан сапчиётган алавангнинг қизғиш шуъласи кўринди. Шалий эса энди хушфёъллик билан жилмайганча, гапирга бошлади:

— Етим болага темирчилик ҳунарини ўргатапман. Катта йигитлардан биронтаси ҳам темирчиликка келмаяпти. Совет ҳокимияти уларни узил-кесил эрка қилиб юборди! Ҳар бири ё докторлик, ё агрономлик, ё ҳар хил инженерликнинг пайдидан, биз чоллар ўлиб жетсак халққа ким этигу ким чолвор тикиб беради, отини тақалаб беради. Менда ҳам аҳвол шу: ҳеч кимни темирчиликка олиб келолмаяпман, ким бўлса темирчиликнинг дудидан захраси учиб қочади. Мана шу Вантякани олишимга тўғри келди. Қурмагур шудлик бола-ю, касофатидан тортаётган кўргиликларимнинг сон-саноғи йўқ! Ёзинг кунни гоҳ бировнинг боғига тушади, балога қолган мен, гоҳ темирчиликни ташлаб қармоқ билан балиқ тутгани жўнаб қолади, гоҳ узил-кесил ҳеч нарсага ярамайдиган бир балони ўйлаб чиқаради. У холасининг қўлида туради, холасининг унча кучи етмайди, шу сабабдан бутун қилғиликларига чидаб сабр қилиб келяпман. Қойийман холос, етим болани уришга қўлим бормайди. Ишлар шунақа, йигит. Бировларнинг боласига, айниқса етимларга таълим бериш— жуда мушкул иш. Аммо мен шу ёшгача улардан ўнчасини узил-кесил чинакам темирчи қилиб етиштирдим, ҳозир Тубянскойда ҳам, Войсковойда ҳам, бошқа хуторларда ҳам менинг темирчи шогирдларим темирчиликларини юргизиб туришипти, биттаси ҳатто Ростовда заводда ишлаяпти. Бу — ҳазил гап эмас, йигит, ўзинг ҳам заводда ишлагансан, биласан; у ерда жим кўринганни ишга қабул қилаверишмайди. Шунисига ғурурланаманки, ўлиб кетсам ёруғ дунёда ҳунаримни ўрганган қанчадан-қанча ворисларим қолади. Гапим тўғрими?

— Кел, иш тўғрисида гаплашайлик. Менинг ишимда яна қандай тартибсизликлар бор?

— Сендаги тартибсизлик битта: сен фақат мажлислардагина раиссан, кундалик ишларда бўлса — Островнов раис. Ҳамма бало шунда. Менинг фаҳмлашимча, сен қўшчилар билан баҳорда бирга яшашинг, умумий хўжалиқда қандай ишлаш лозимлигини кўрсатиб, ўрнак бўлишинг, ўзинг ҳам ер ҳайдашни ўрганишинг керак эди, бу иш колхоз раиси учун зиён қилмайди. Аммо ҳозир ҳам нима учун далада юрганингга узил-кесил тушунолмай гарангман. Наҳотки сен ишлаган заводнинг директори кун-узун кун токарлик станогининг олдида турса! Ҳеч ақлим бовар қилмайди!

Шалий колхоздати кам-кўстлар, Давидов кўрмай қолаётган, Яков Лукич, ҳисобчи ва омборчининг саъйи-ҳаракатлари билан ундан яши-

рилаётган нарсалар ҳақида узоқ гапирди. Ҳамма гапидан чиққан хулоса шу бўлдики, колхоз тузилгандан бошлаб то шу кунгача қилинган ёмон ишларнинг ҳаммасига сиртдан ёввош кўринган Яков Лукич бошчи экан.

— Сен нима учун бирон марта ҳам мажлисда чиқиб гапирмадинг? Наҳотки колхознинг ишига жонинг ачимаса? Яна: «Мен — пролетарьятман!» дейсан. Ўзинг гапириб ўзинг эшитсанг, мажлисларда қорангни ҳам кўрсатмасанг, пролетариат бўлиб қаёққа бординг?

Шалий бошини қуйи солганча узоқ индамай қолди, узиб олган гиёҳини ўйнатди, мўрт ва еп-енгил гиёҳ унинг каттакон, қарийб эгилмайдиган қора бармоқларида шу қадар ғалати кўриндики, Давидов беихтиёр жилмайиб қўйди. Шалий оёғи остидаги ниманидир диққат билан кўздан кечирарди. Унинг жавоби гўё шунга алоқадордек эди. Узоқ жимликдан сўнг сўради:

— Сен баҳордаги бир мажлисда Агаманчуковни колхоздан ҳайдаш керак, деган эдинг-а?

— Ҳа, шундай масала қўйган эдим. Хўш, нима эди?

— Уни ҳайдадингларми?

— Йўқ. Таассуфки ҳайдаш керак эди.

— Таассуф ўз йўли билану, гап таассуфда эмас..

— Нимада бўлмаса?

— Бу нарсага ким қарши чиқиб сўзлаганини эслагин. Эслолмайсанми? Бўлмаса мен эслатиб қўяй: Островнов ҳам, Афонька ҳам, омборчи Лиюшня ҳам, яна ўн бештача одам гапирган эди. Сенинг яхши маслаҳатингни мажлисда ўшалар чиппакка чиқариб, халқни сенга қарши қилиб қўйишди. Бинобарин, Островнов ёлғиз иш кўраётгани йўқ. Буни фаҳмлаялсанми?

— Гапир.

— Гапираман. Сен нима учун мендан, нега мажлисда чиқиб гапирмаган, деб сўраялсан? Мен бир марта чиқарман, икки марта чиқарман. Учинчи марта чиқиб гапиришга муяссар ҳам бўлолмайман. Мени шу устахонанинг ўзида яқингинада оловга қиздириб ўз қўлимла тоблаган бир парча темир билан сулайтиришадую, нутқларим ҳам, нотиқликларим ҳам адоий тамом бўлади. Йўқ, йигит, мен нотиқлик қилишга қариб қолдим, ўзларинг нотиқлик қилаверинглар, мен ҳали темирчиликда тўполнинг ҳидига роса тўйиб олмоқчиман.

— Сен хавфни ваҳима билан жуда кўпиртириб юбординг, ота, факт!— деди қатъиятсизлик билан Давидов, у бусбутун темирчи ҳозиргина айтиб берган гапларнинг таъсирида эди.

Аммо темирчи бақрайган қора кўзларини Давидовга тикканча қулиб турарди:

— Чоллик қилиб кўзим ўтмай, ўзинг айтганингдек кўпиртираётгандирману, хўш, сен бўлсанг, улардан келаётган бу хавф-хатарни мутлақо кўрмаялсан. Ешлик ташвиши узил-кесил кўзингни тиндириб қўйипти. Мен сенга бу гапни узил-кесил айтаялман.

Давидов индамай қолди. Энди ўй суриб қолиш навбати унга келди, у узоқ ўй суриб қолди, энди Шалий эмас, ўзи қўлида гиёҳ ўрнига ердан олган аллақандай занглаган шурупчани ўйнамоқда эди. Уй суриш дақиқаларида кўзга илк бор тушиб қолган нарсани қўлда ўйнатиш ёки юлқилашдек бу таърифи қийин одат кўпчиликка хос..

(Давоми бор)

Ваҳоб РҶЗИМАТОВ таржимаси.

Кўпдан ораум эди бу ерга келмоқ,
 Раисимиз Абдиқосимов
 Айтдики, шошилма, сабр эт, ўртоқ,
 Тузат аввал усти-бошингни.
 Аёвсиз жангларга тайёр, музаффар
 Қизил қўшин сари бормоқлик
 Ҳазил эмас, ахир бу қутлуғ сафар,
 Сенинг эса чопонинг йиртиқ.
 Оҳ, соғинган эдим ўғлимни жуда,
 Оро йўлда қолдим осилиб.
 Аммо ўйлаб-ўйлаб айтдим сўнгида:
 «Сўзларинг ҳақ, Абдиқосимов!»

Колхозимиз бўлгач районда илғор,
 Тегди бизга ноёб армуғон.
 Меҳнатда тер тўккан ҳар бир фидокор
 Кийди аъло ипакдан чопон.
 Меҳмон бўлиб келдик мағрур ва шодон,
 Байрам билан этмоққа табрик.
 Ёрлиғимиз ҳам бор политбюродан
 Сўзимизни этмоқ-чун тасдиқ.
 Мана булар эса арзимас туҳфа,
 Нону гуруч ва семиз тўқли.
 Улфатлашиб, қониб қилайлик суҳбат,
 Айтинг қани, қаршилик йўқми?
 Қани полкнинг шунқор, азаматлари
 Йиғилсинлар даврага дарров.
 Қани ошпаз ўғлим, совет аскарари
 Дамлаб берсин қўлбола палов».

Паловмисан палов дамлади ўғил,
 Душманларнинг ортсин алами!
 Бир ярим килосин едим, беҳазил,
 Тасвирига ожиз қаламим.
 Кўрсатдик уларга неки бор бизда,
 Тулпор оту аслаҳа-қурол.
 Менга ишонилган шу полкда улар
 Пойафзални ечиб бемалол
 Тортинмасдан ҳушёр, сергак кездилар,
 Худди уйнинг эгаси мисол.
 Кейин роса дилкашлик қилиб,
 Давом этди хушчақчақ гурунг.
 Дўстлик қучоғида яйраб, очилиб
 Юз чойнак чой ичибмиз, кўринг.
 Машҳур ошпазимиз қаддин кўтарди,
 Хўплади-да у бир қултум чой,
 Севган қўшиғини айтди дуторда,
 Тинглагандек эди кўкда ой:
 Ёр юрган кўчаларни
 Супурай сочим билан.
 Чанги чиқса сув сепай
 Кўзимдаги ёшим билан...

1934 й.

Юсуф ПОМАНСУР таржимаси.

Ярослав СМЕЛЯКОВ

Ғўза шонаси

Яширмоқнинг эмас хонаси:
Сафаримиз қариган дамда
Офтобга ўч ғўза шонасин
Олиб қайтдим аёз ўлкамга.

Пахтазорда раис йўлдошим
Буни туҳфа қилгани маҳал
Кўкка етди қувончдан бошим,
Кўнгил шунга экан-да маҳтал.

Қуёшнинг у яшил фарзанди
Столимда чўзганида бўй,—
Гўё олам кулиб уйғонди,
Гўё кирди уйимизга тўй.

— Булбул куйи, гуллар атридан
Афзалроқдир,— дейман,— бу шона:

Сафсата-ю, билармонликдан
Сўзларимда йўқдир нишона.

Мени ҳамон бўстонларимда
Нафис гуллар этар маҳлиё.
Пўлат асрин суронларида
Ғунчаларни топтадимми ё?

Лекин нозик ғўза бутогин
Безатади бир ўзга хислат:
Обод этар умримиз боғин,
Ҳам деҳқондай қилар у хизмат.

Осиёнинг азиз туҳфаси
Уй тўрида қулф уриб турар,
Тинч меҳнатнинг илиқ нафасин
Қишин-ёзин уфуриб турар.

Хусниддин ШАРИПОВ таржимаси.

Евг. ЕВТУШЕНКО

Самарқанд бозори

Самарқандда бозор бор,
Ажойиботга тўлуғ.
Элни чорлар овозлар,
Гоҳ жарангли,

Шарбат тўла гоҳ бўғиқ.

Қовунларнинг кўкраги

Кўр, номи кўп,
босволди,

кўкчани,
Тоғ-тоғ бўлмиш уюлиб.

Ажиб хушбўй гаралар
Шифобахш кўкатлардан.
Эртага

боғ яралар
Бундаги кўчатлардан.

Офтобда толень каби
Тақиб нурдан маржонлар,
Қорин силаб ётади
Бу ерда бақлажонлар.
Мен

бу атлас бўстонга
Боқаман,
эй Марғилон!

Гўёки Ҳиндистонга
Келиб қолган Магеллан!

Бу ерга мўл-мўл ёғду
Тўккан

сахий офтобдир.
Бу ерда гул

ва кулгу
Ҳар нарсадан серобдир.

Эркин ВОҲИДОВ таржимаси.





Салом, дўстларим!

Сизга удмурт ёзувчиси Семён Шихарев мурожаат қилмоқда. Мен Улуғ Ватан уруши даврида уч ярим йил ҳарбий хизматда бўлдим. Фронгда юрган чоғларимда турли миллат вакиллари билан танишдим. Улар менинг фронт ҳақидаги очерк ва ҳикояларимнинг севимли қаҳрамонлари бўлиб қолдилар. Айниқса ўзбек йигитларининг фашист газандаларга қарши қаҳрамонона курашлари бир умр эсимдан чиқмайди.

Сизга тақдим этилган «Мина» ҳикоясининг сюжети бадиий уйдирма самараси эмас. Дарҳақиқат, миналаштирилган гўдакнинг ҳаётини сақлаб қолган Карим — ўзбек йигити эди. Афсуски, унинг фамилияси ёдимда йўқ, фамилияси қийинроқ бўлгани учун командирлар ҳам уни «ўртоқ Карим» деб чақирардилар. У Тошкентнинг ўзидан эмас, Тошкент атрофидан эди. Каримнинг ўзи халос этган гўдакни оиласига олиб кетмоқчи бўлгани ҳам ҳақиқат. Бироқ бунинг илоки бўлмади, чунки даҳшатли жанг кунлари эди.

Мана шунинг ўзиёқ Каримнинг ватанпарваргина эмас, ажойиб инсонпарвар, халоскор жангчи эканини исбот қилади. Биз билан ёнма-ён туриб жанг қилган бошқа ўзбек солдатлари: Турсунматов, Эшназаров ва Рафиқовлар ҳам ана шундай фидокор жангчилар эди.

«Мина» ҳикояси удмурт китобхоналарига манзур бўлди. Улар, Каримжон Минани Тошкентга олиб кетдимиз, дея сўраб жуда кўп хат ёздилар.

Энди, Каримжондай мард йигитларни тарбиялаган халқ бу ҳикояни ўқиса экан, деган орзум бор. Ўзбек дўстларимиз билсинки, биз удмуртлар уларнинг қўрқмас, шижоатли фарзандларидан беҳад мамнунмиз.

Эҳтиром билан: Семён Тарасович ШИХАРЕВ.

Қуролдош ўртоқларимга бағишлайман.

Автор.

1943 йил...

Вязьма шаҳри озод этилгандан сўнг ҳужум вақтинча тўхтади-ю, лекин маккор душман ҳар бир ўт очиш истеҳкомига тиш-тирноғи билан ёпишиб олди. Кеча ва кундуз шиддатли канонада тинмасди. Бизнинг қисмлар душман бошига миңг тонналаб ажал уруғини ёғдираддилар.

Бир куни кечаси ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Тонг отарда ўн километр масофага чўзилган олдинги линия қаршисида аланга ёлқини кўринди. Ғарб уфқи аланга ичида ёнгандек, осмон ҳам бу аланга тап-

тидан қип-қизариб кетган. Шу пайтда енгил шабада эсиб, ҳавода тутун ҳиди бурқсади. Маълум бўлдики, немислар чекинмоқда. Улар чекиниш олдида қишлоқларга ўт қўйишади. Танкчилар ва пиёда қисмлар дарҳол ҳужумга ўтишди. Биз яна ғарбга қараб илгарилардик.

Қичик бир дарёдан кечиб ўтгач, рота командири старший лейтенант Ершов бизга топшириқ берди:

— Фашистлар ёндирган қишлоққа бориб, у ерда нима қолгани аниқланилсин, йўллар минадан тозалансин!

Биз уч солдат: Қарим, Остап Бабенко ва мен йўлга тушдик. Йўлимизда чакалакзор. Ҳали ғира-шира қоронғи, лекин минут сайин осмон оқариб борар эди. Чакалакзор тугаб, пичанзорга чиқдик. Бирдан мина қўйилган майдонга йўлиқдик. Сапёрларсиз бу ердан на бирор машина, на бирор танк, на бир жондор ўта оларди. Душман миналарни қанча зўр бериб яширмасин, биз уларни бари бир топиб зарарсизлантирамиз.

Қарим қизил лак билан бўялган, юмалоқ булкадек минани қўлида ўйнатиб туриб:

— Эҳ, буларни партизанлар қўлига берса борми, улар душманнынг «Тигр» ва «Пантера»ларига бошлаб пистирма қўйишарди,— дейди.

— Улар бунақа нарсаларни бизсиз ҳам билишади,— деб гапга қўшилди хазонлар ичидан худди шунинг сингари мина топиб олган Бабенко.

Майдонни минадан тозалаб, илгари қараб кетдик. Ярим километр юргач, таажжуб манзарага дуч келдик: тепалик орқасида дентиздан кўтарилган тумандай қоп-қора, рутубатли тутун кўтарилмоқда эди. Негадир жуда пастга тушиб, бутун далани қоплаб олган булутлар тутунни босиб келиб, нам ерга қапиштирмоқда. Совуқ шамол тутунни Смоленск далаларига таратмоқда. Ҳамма ёқда тутун ва куюнди ҳиди бурқсайди. Яна бир мина майдонини тозалаб, қишлоққа яқин бордик.

...Қишлоқ. Унинг фақат номи қолган. Кеча қишлоқ эди, ҳозир кул-тепа...

Баъзи жойларда олов ютоқиб, қизил тили билан чала ёнган ёғочларни яларди. Ёнғин жойида нураган ва баъзан тасодифан тик қолган мўрилар кўринарди.

Биринчи тирик махлуқни учратдик. Катта сариқ мушук миёвлаганча биз томон югуриб келди да, ўт ва тутундан кўрқиб орқага қайтди. Бояқиш қаёққа боришини билмасди.

Бабенко оғир хўрсинди:

— Бечора, уйини қидираётганга ўхшайди...

Кул ва кўмирлар устидан юриб иккинчи томонга ўтдик. Бу ер кўча бўлса керак. Ҳар жой-ҳар жойда отиб ўлдирилган тўққиз кишининг жасади ётарди. Булардан учтаси чол, иккитаси кампир, қолганлари болалар. Мана бу қария ички кўйлақда, яланг оёқ. Ориқ қўллари билан кўкрагини ушлаб юз тубан тушган. Унга яқин жойда етти-саккиз ёшлар чамасидаги, кўк майкали, йиртиқ, кул ранг иштонли бола ёнбоши билан ётибди. Боланинг оғзи ва бурнидан оққан қон жигардек қотиб қолган. Унинг ёнида озиб-тўзиган кампирнинг мурдаси. Кампир шу боланинг бувиси бўлса керак.

— Қонхўрлар! Ахир буларда нима гуноҳ! Наҳотки менинг гўзал юртим шундай жаҳаннамга айланса!— деб, ҳўнграб юборишдан ўзини зўрға тутди Бабенко.

Бу мудҳиш манзара қаршисида этларимиз жимирлаб, юракларимизнинг уриши сусайгандек туюларди. Фашист газандалар қўлида ҳалок бўлган бу бегуноҳлар ҳурматига каскаларимизни олиб, бош эгдик. Кўз ёши юзларимизни куйдиргандек бўлди.

Бу култетадан ўтгач, чала ёнган қайин дарахтларининг бугоқларига осилган мурдаларни кўрдик. Ерда ҳам чала ёнган ўликлар... Уларни кўриб яна юракларимиз эзиларди.

Кўчанинг нариги бошида биргина уй ёнмай қолибди. Шу уйга яқинлашиб, тўхтадик.

— Карим,— дедим шеригимга,— сен нима деб ўйлайсан, фашистлар бу уйни атайлаб миналаштириб қўймаганмикан?

— Эҳтимол...

— Уйни миналаштириб қўйган бўлишлари мумкин. Эшик очилиши билан... Эҳ, арқон бўлганида эшикнинг қабзасига боғлаб узоқдан тортардик.

Бабенко елкасини қисди.

— Бирор жойдан сим топилмасмикан?— деб Карим атрофни қарай бошлади.

Биз шундай хаёл суриб турганда, кутилмаганда эшик очилиб, уйдан мукчайган кампир чиқиб кела бошлади. У оёқларини зўрға судраб босарди. Кампир бизга яқинлашиб, титроқ овоз билан гапирди:

— Болаларим, болаларим, мен янглишмадимми, сизлар ўзимизникиларсиз-ку-а?

Шўрлик кампир қайси биримизни бағрига босишини билмасди. У қаршимизда чўккалаб ўтираркан, уввос тортиб йиғларди. Биз кампирни оҳиста турғизиб қўйдик. У ҳамон йиғларди. Кампирнинг титраб-қақшаб айтган гаплари ҳали-ҳали қулоғим остида янграйди:

— Лаънати фашистлар ўғлимни отиб ўлдиришди. Келиним билан икки қизимни бундан икки ҳафта олдин олиб кетишган эди. Келиним билан кичкина неварамни ҳам олиб кетишди. Гўдаккинани ётадаёқ ўлдиришганмиш. Кеча оқшомда одамларни уйларидадан ҳайдаб чиқа бошлашди. Кўчага олиб чиқиб, суриштирмай ота бошладилар. Ярим кечада қишлоққа ўт қўйишди. Уйларида яширинганлар ёниб ҳалок бўлди. Қишлоғимизда бир юз саксон хонадон бор эди. Шўрлик қишлоғим, шўрлик-кина ҳамқишлоқларим...

Кампирнинг сўзлари юрак-бағримизни эзди. Унинг фиғону нолалари бизга Ватан ноласидай туюларди. Бу нола душмандан интиқом олиш истагини кучайтирарди.

...Биз, сойликни кесиб ўтган тўғри сўқмоқ билан катта йўлга чиқиб олмоқчи бўлдик. Турли-туман ўт-ўланлар ўсган дала бўйлаб бормоқдамиз. Ботқоқдан юриш жуда қийин. Шамол кучайиб, тонгги туман тарқалди. Жанг майдонидаги тўп овозини боса тушиб, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда миналар портларди. Осмонга кўтарилган қоп-қора дуддангина уларнинг портлаган жойларини тахминлаш мумкин эди. Эҳтимолки, портлаш дайдиб юрган ҳайвонлар ёхуд қушлар миналарга дуч келганида юз бераётгандир.

Майда ёмғир томчилай бошлади. Ёмғир ва шамолдан қалтирардик. Карим ўн қадам олдинда. У қўлида мина изловчи асбоб ушлаб, ёнини шамолга қилиб бормоқда. Четдан қараганда, у кўр одамга ўхшайди: ҳасса билан ерни синаб-сийпаб қадам босарди.

Сойликдаги чакалаклар орасида ҳар ер-ҳар ерда қор оқариб кўриларди. Карим тепаликда бирдан тўхтади. Унг қўлини қулоғига тутиб диққат билан ниманидир тинглади.

— Боланинг овози... йиғлаяпти!..— деди у пичирлаб.

Учаламиз қулоқ солдик. Гўдак овози эмас, шамолнинг гувиллагани, ёмғир томчилагани эшитилди. Биз жон қулоғи билан тинглардик. Ниҳоят шамолнинг шиддати пасайиб, гўдак йиғиси эшитилди: «Инға, инға!..»

Яна жимлик чўкди.

— Бу овоз қаердан келяпти?— қошини чимириб сўради Бабенко.

— Сойликдан!..

Карим ўйлаб-нетиб турмай, сойликка қараб чопди.

— Тўхта!— Бабенко йўлбарсдай сакраб, тўрт қадам босмай Каримнинг елкасидан тутди.— Эсингни едингми! Душманнынг маккорлигини унутдингми?

— Нима, минадан ҳалок бўлмоқчимисан?— кескин гапирдим мен ҳам.

Карим ўз айбини ҳис этарди. У бизга ёлворгандай қараркан, тундай қора кўзларига жиққа ёш тўлганини кўрдик. Охири чидолмай, алам билан гапирди:

— У ерда маъсум бир гўдак ўлим чангалида ётибди. Биз бу ерда бемалол томоша қилиб турамизми?.. Йўқ, уни қутқазиб керак! Сизлар шу ерда туратуриглар... Мен ҳозир...

Энди Каримни раъйдан қайтаришга журъат қилолмадик. Фақат орқасидан:

— Эҳтиёт бўл, Карим, шошилма!— деб қолдик.

Карим сойликдаги чакалаклар орасида кўздан ғойиб бўлди. У ерда нима бўлаётганини билмаймиз. Ҳар эҳтимолга қарши автоматларни ўқлаб тайёр турибмиз. Сўқмоқдан аста ўнг тарафдаги тепаликка чиқиб, Карим кетган томонга қарадик. Бу ердан ҳамма нарса кафтдагидек кўринарди. Қараб туриб кўзларимизга ишонмадик. Сўқмоқда, лойда яланғоч бола эмаклар, нарироқда бир аёл чўзилиб ётар эди. Карим чўккалаб мина қидирувчи асбоби билан ҳар қадам ерни текшириб, атрофига диққат билан назар солар, болага қадам-бақадам яқинлашиб борар эди. Мана у энгашди. Лойда ётган миналарнинг капсюлини ажратиб олмоқда. У бир қадам юриб яна энгашди, бу ҳол учинчи-тўртинчи марта такрорланди... У ғоят эҳтиёткорлик билан борар, гўё энг хавфли йиртқич ҳайвон комидан бир жондорни қутқазиб олишга шайлангандек эди. Чақалоқ эмаклар туришга ҳаракат қилар, аммо мажоли етмай, яна кўкраги билан лойга йиқилар, чинқириб йиғлар эди...

Каримга ва бола шўрликка раҳмимиз келиб юрагимиз ачишарди, нима қилишимизни билмай ич-этимизни ердик. Бабенко икковимиз чурқ этмай бир-биримизга қараб олдик. Фақат ўлимга маҳкум одамларгина ҳукм ижроси олдида бир-бирларига шундай қарашлари мумкин. Бу минутларда биз ҳам ўзимизни ўлим кутган маҳкумлар вазиятида сездик! Ахир ажал билан ўйнашиб бўлмайди-ку! Борди-ю, Карим беҳосдан эҳтиётсизлик қилиб қўйса, янглишиб қолса-чи?.. Ахир минёр фақат бир марта янглишади!..

Карим боланинг ёнига бориб унинг белига боғланган арқонни ечди, арқоннинг иккинчи учи бир қозиққа боғланган эди. Сўнгра лойга буланган гўдакни кўтариб, ғоят эҳтиёткорлик билан орқасига қараб қайта бошлади. Биз энгил хўрсиниб олдик. Юрагимиз анча тинчиди. Баландликдан аста тушиб, Каримни қарши олдик.

Боланинг лой ва ҳўл кўйлагини йиртиб, ечиб ташладик. Чақалоқнинг уюшган эти кўкиш тусга кирган, муздек. Бошқа чора тополмай, уни шу ердаёқ қор сувида ювинтирдик. Шундан сўнг уни солдат кўйлагига ўраб-чирмадик. Карим камарини ечиб болани кўйнига жойлади-да, шинели билан яна ўраб камарини боғлади. У чап кўли билан болани кўкрагига босиб, ўнг кўлига автоматини олди. Мана шу ҳолда тепаликка чиқдик. Шу пайт юрагида тўлқинланган қаҳру ғазабини ўз она тилида тўка солди. Кўзларидан ғазаб учкунлари сачрар, автоматини силкитганча, ғарбга қараб, ўтли овоз билан хитоб қилар эди. Биз, удмурт ва украин ўзбек тилини билмасак ҳам, Каримнинг сўзларини

жуда яхши тушунардик, ҳолатнинг ўзи бизга таржимонлик қиларди — у фашизмни лаънатламоқда эди.

Дарҳол бу хавфли жойни учовлашиб текшира бошладик. Бола телефон кабели билан қоziққа боғлаб қўйилган экан. У уч квадрат метрлик майдончада эмаклаб юрган. Лойда жажжи панжаларининг изи тушиб қолган. Унинг минага яқинлашишига ярим метрлик телефон кабели йўл қўймаган.

Боланинг ўлиб ётган онасига назар солдик. У сўқмоқда осмонга қараб кўндаланг ётибди. Онанинг малла сочлари тўзиб, қон ва лойга буланган эди.

Аёл болани олиб қочган бўлса керак, орқасидан отилган ўқ пешонасини ўпириб кетибди. Енгинасида йўл-йўл адёлча, чап томондаги соч толими лойга қоришган, ўнг қўли гўё жигарпорасини бағрига босгандек кўкрагига қадалган. Афтидан, фашистлар онани ўлдиргач, болани миналаштирилган майдонга тирик тузоқ қилиб қолдирганлар. Ҳаётидан ва ҳаёти каби азиз фарзандидан жудо бўлиб, чакалакзор орасидаги сўқмоқда чалқанча ётган бу онанинг ҳолати ҳеч вақт ёдимиздан чиқмайди. Унинг даҳшатдан қотиб қолган катта мовий кўзлари ҳозир ҳам бизга қараб ёрдам сўраётгандек.

Шўрлик она! Биз бу аламли манзарани сира унутмаймиз. Бу одамхўрлар қаёқдан келган бўлса, ўша ерга қувиб борамиз. Сен ва сен каби оналар, мана бу маъсум гўдаклар учун қасос оламиз! Қонга қон! Жонга жон!..

Бу — бизнинг таҳқирланган оналик ва фашистлар поймол этган болалик ҳурматига солдатларча қасамимиз эди. Душманга қарши нафрат ва қасос истагини ҳар биримиз ўз она тилимизда айтган бўлсак ҳам, бу сўзлар бир хил қатъият билан жарангларди.

Команда пунктига кеч қайтдик. Ким доклад қилиши кераклигини йўлда олдиндан келишиб олдик. Карим: «Рус тилида яхши гапиролмайман» деб шикоят қилди. Бабенко группанинг бошлиғи бўлса ҳам, гапирганда ҳаяжондан тили тутиларди. «Бу аҳволда менинг бирор оғиз гапиршим мумкин эмас»,— деди у. Демак, мен доклад қилишим керак.

Блиндаж эшиги олдида бизни соқчи тўхтатди:

— Пропускаларингиз?

— Мана бизнинг пропускамиз... Сенга нима бўлди, ўз одамларингни танимайсанми?— газаб билан соқчига қаради Карим гўдакни кўрсатиб.

— Мен шунчаки тегишдим,— деди соқчи ва шу онда илова қилди.— Комбат шу ерда, кенгаш ўтказяпти... Старший лейтенант сизлардан жуда ташвишланаётган эди, нега ҳаяллаб қолдинглар?

— Менга қара, Михайлов, биз ҳар бир кишига доклад қилиб ўтирмаймиз. тушундингми?— газабланди Бабенко.

Соқчи блиндажга кириб, бир зумда қайтиб чиқди ва эшикка ишора қилди:

— Қиринглар!

Блиндажда лўппи юзли, барваста, батальон командири Маркович, штаб бошлиғи, пакана, озгин Егоров ва бошқа бир неча офицерлар алланима ҳақида кенгашиб ўтирардилар. Уларнинг олдидаги наридан-бери ишланган қайин столда топографик харита ёзиғлиқ эди.

— Уртоқ подполковник!— столга яқинлашиб мурожаат қилдим мен.— Старший лейтенант Ершовга доклад қилиш учун ружсат берсангиз.

— Марҳамат.

— Уртоқ старший лейтенант,— Ершовга қараб мурожаат қилдим.— Тошшириқ бажарилди. Қишлоққа етгунча йўлда иккита миналаштирилган майдонга дуч келдик, ҳаммасини зарарсиз ҳолга келтирдик, йўл очиқ. Қишлоқ ёндирилган, бир юз саксон иморатдан фақат бир уй омон қолган, аҳолидан фақат бир кампиргина тирик. Ишга яроқли аҳолини гитлерчилар ҳайдаб кетганлар. Қолганлари ўлдирилган. Қишлоқнинг бир чеккасида бугдой янчадиган сарой қолибди, бу ерда немислар танк ва автомашиналарни ремонт қилганлар. Шу саройда етти танк, уч автомашина ва ремонт асбоблари бор. Машина ва танклар бузилган. Йўлда, сойликдан ўтадиган сўқмоқдан мана шу гўдакни топдик!— бир қадам орқага қайтиб, Карим томонга ишора қилдим.

Карим автоматни Бабенкога бериб, қўйнидан оқ кўйлакка ўралган чақалоқни олди. Командирлар ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Блиндажга сукунат чўкди. Фақат боланинг хириллаб нафас олишигина эшитиларди. Бир оздан сўнг мен докладни давом эттирдим:

— Бу чақалоқ қозиққа боғлаб қўйилган. Етти қадам нарида онасининг ўлиги ётибди. Улар миналаштирилган экан.

— Миналаштирилган?— кўзларини катта очиб сўради подполковник.

— Худди шундай, ўртоқ подполковник,— докладнинг охирини Карим давом эттирди.— Бола ўн тўрт минанинг ўртасида, ҳалокат ёқасида эди. Мен уни ўлим чангалидан аранг қутқардим... Тошкентда меннинг ҳам шундай ўғилчам бор... Балки буни ҳам...— Каримнинг овози қалтираб, ерга қаради ва шинелининг энги билан кўз ёшларини артди.

Бу аҳволни кўриб ҳамма ерга қаради. Фақат подполковниккина бир вазиятда хаёл суриб, чақалоқдан кўз узмасди. У кўз ёшини тийиб туршига хўп ҳаракат қилди. Лекин эпломлади, кумуш томчилар юзларидан оқиб тушганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Бўлди, оғайнилар, масала равшан...— деди у бир оз хомушликдан сўнг бўғиқ овоз билан.

«Оғайнилар!». Биз, солдатлар, қисм командирининг бу сўзида қанча маъно, қанча қардошлик ҳисси борлигини жуда яхши англариқ. Унинг сўзлари бизнинг юрагимиздан чуқур жой олди. Ҳа, биз командиримизнинг аҳволини жуда яхши билардиқ. Подполковникнинг аҳволи энгил эмас эди. Ахир унинг оиласи —икки ўсмир ўғли ва хотини уруш бошлангандан бери Белоруссияда. У оиласининг тақдири ҳақида ҳеч нарса билмайди. Эҳтимол улар ҳам... эҳтимол... шунинг учун ҳозирги чақалоқ тақдири уни қаттиқ ҳаяжонга солган эди.

Болани столдаги топографик харита устига ётқизишди. Шунда старший лейтенант Ершовнинг тоқати тоқ бўлиб:

— Газандалар!— деди фарёд этгандай.

Подполковник яланғоч болани қўлига олиб, оталик меҳри билан бағрига босди.

— Жажжи қизим, она қизим! Сенинг номинг ҳам йўқ, қаердансан, кимнинг жигарпорасисан, билмаймиз. Майли, олтин қизим, ҳали ўсасан, катта бўласан. Оппоқ қизим, ширин қизим...

Карим ўзини туюлмай, гапни бўлди:

— Уртоқ подполковник! Бу қизга мен аллақачон ном ўйлаб қўйганман. Биз ўзбекларда «Амина» деган ном бор. Мен бу қизчага Амина сўзига оҳангдош бўлсин, шунингдек ўз тарихини эслатиб турсин, деган ниёт билан Мина деб от қўймоқчиман.

— Мина? Нега Нина эмас, нега Валя ёки Надя эмас?

— У миналар орасида эди. Унга яқинлашиш ғоят хатарли эди. Агарда... агар портлаш юз берган тақдирда...— Карим савол назари билан подполковникка қаради.

— Мина... Мина... ҳа, шундай десак тўғри бўлади. Мен розиман. Сиз-чи, ўртоқ майор, сиз нима дейсиз?

— Мен ҳам розиман. Майли бу қизча ўссин, унсин, номи эса душманларга даҳшат сочсин!— деб жавоб берди штаб бошлиғи кўзойнагини артиб.

— Шундай, бугундан бошлаб сенинг номинг Мина, она қизим. Унутма, Ми-на!— Подполковник охири сўзни таъкидлаб, чўзиб айтди.

Минани санитария бўлимига олиб келдилар. Бу ерда унга қандайдир ванна қилишди, қон қуйишди ва ҳар тўрт соатда укол қилиб туришди. Қизчанинг саломатлиги учун қисмининг бир кекса аёл варачи айниқса кўп ғамжўрлик қилди. Унинг айтишича, болада икки тарафлама зотилжам касали бошланган. Даволаш даврида Мина тўрт кечакундуз кўз очмай ётди. Медицина ҳамширалари бу орада қизчанинг ёнидан жилмадилар. Солдатлар орасидаги гап-сўзнинг бош мавзун Мина бўлиб қолди, кўп жангчилар оилаларига ёзган хатларида Минанинг тақдирини ҳикоя қилардилар.

Санитария бўлимига тез-тез ва ҳаммадан кўпроқ Карим келиб турарди. Бир кун унинг тоқати тоқ бўлиб кетди:

— Ўртоқ доктор! Наҳотки бу гўдакни даволаб бўлмаса, наҳотки у...— Каримнинг кўзларида ёш кўринди.

Врач Каримга далда берди:

— Қайғирманг, бола тез кунда тузалади, иситмаси пасая бошлади. Ҳадемай кўзини очади.

Шўрлик Карим жонини қўйгани жой тополмасди. Бу ҳолдан таажубланган врач бир кун ундан сўради:

— Сен нега бунчалик ташвиш қиласан?

— Ташвиш қилмай бўладими, доктор? Мен уни Азроилнинг қўлидан юлиб олдим. Энди у менинг қизим. Уни уйимга олиб кетаман. Буни Тошкентга ёзиб юбордим. Уйдагилар кутиб туришибди.

— Тошкентга дейсизми? Қандай олиб кетасиз?

— Отпускаи сўрайман, «Йўқ» дейишмаса керак. Рухсат беришлари билан қизчани олиб Тошкентга жўнайман. Уйда хотиним, тўрт яшар ўғлим, икки яшар қизчам бор. Оиламиз тўлади...

— Уруш қизиб турган вақтда сизга ким рухсат беради? Ўзингиз ўйлаб кўринг, эҳтимол бошқа жойларда ҳам бундай Миналар сизнинг ёрдамингизга муҳтождир. Эшитаяписизми, замбараклар гумбурляпти...

Олтинчи суткага бориб, кичкина Минанинг лабларида табассум кўринди. Бутун батальон учун бу мислсиз қувонч эди. Шу кундан бошлаб солдатларга болани қўлга олиб, оталарча эркалатишга рухсат берилди. Мина икки ҳафта бизнинг қисмда бўлди. Бу орада уни қўлига олмаган, кўз ёши тўкиб эркалатмаган бирор солдат қолмаган бўлса керак. Жангчиларнинг ҳар бири унга ўз отасидек меҳрибон эди.

...Уруш учинчи йилга қадам қўйган, унинг охири ҳали кўринмас эди. Солдатлар оилаларини, меҳрибон ота-оналарини, ака-укаларини, опа-сингилларини, ўғил-қизларини соғинган эдилар. Оила ҳаётини қўмсаб зориққан қалб бу маъсум гўдакни кўриш, уни эркалатишдан зўр ҳаловат топарди... Ҳа, солдат қалби шунга ташна эди!..

Ун бешинчи куни Минани мамлакат ичкарасига жўнатадиган бўлдилар. Кулча юзли қизча биринчи қадам босишга уринарди. Мана у шафқат ҳамшираси қўлида. Ҳамшира уни қўлига олиб, қисмдаги солдатларга охириги марта кўрсатиб юрарди. Мина солдатларнинг эркала-

тиб айтган хайр-хўш сўзларини эшитиб гувранар, қийқириб талпинар эди. Гўё ўзича: «Халос этганингиз учун раҳмат, мен кичкина Минани унутманглар, ғалаба билан қайтинглар!» дегандек бўларди...

Солдатлар бунга жавобан:

— Олтин қиз, оппоқ қиз, ўсгин, унгин, катта, ақлли қиз бўл!— деб хайрлашардилар.

Бир оздан кейин қизил крест тамғали машина йўлга тушди. Биз учаламиз ҳам машинадан кўзимизни узолмас, юрагимизда қизчага бахт-саодат тилар эдик. Мен шу сўзларни баралла айтишга уриндим. лекин бўлмади. Нимадир томоғимга тиқилар, «хайр» деёлмай, ҳўнграб юборгим келарди... Карим ҳам, Бабенко ҳам бирор оғиз сўз айтишолмади. Каримнинг хоҳиши бошқа эди. У Мина билан Тошкентга қайтиш орзусида эди. На чораки, Тошкентга ҳам, менинг юртим Удмуртияга ҳам борадиган йўл Берлин орқали ўтар эди.

Т. ЖАЛОЛОВ таржимаси.





Толиб ЙУЛДОШ

Маърифат булоғи

(Тошкент Давлат университетига)

Йигирма йил кетга кетди муддат, чамаси,
Курсдошларим кўз олдимга келди ҳаммаси...
Уша бино, ўша ўзим ўқиган хона,
Ешлигимни эсга олдим, шеърим баҳона,
Сен бир дарё экан билсам, бағринг тўла дур,
Ҳар заррангда мавжуд экан олам-олам нур.
Улуғ Ленин барпо этган азим қоясан,
Сен маърифат кони — олтин пиллапоясан.
Саховатли бағринг сенинг шунчалар кенгдир.
Йигит умринг минг йилларга мазмунан тенгдир.
Утган ёшлик менга такрор боққан туюлди,
Меҳринг ўти юрагимни ёққан туюлди.

Ёшлик ўйлари

Ёшинг қирқдан ошди, дейдилар,
Қирқдан?— дейман, ажабо, бунча?
Қирқ гулидан ҳали бир гули
Очилмаган ўйларим гунча..
Сочим оқин пеш қилиб кўплар
Қулишарлар, кўнгил қаримас.
Чиндан шундай, қорли чўққилар
Бағридан ҳеч баҳор аримас.

Қариликни ўйлама дединг,
Ўйлаб қолдим бирон гап бордай.
Юз-кўзимни қоплаб ажинлар
Гўё сочим оқарди қордай.
Бир нафасга кечирдим бошдан
Қариликнинг қандай эканин.
Шунда билдим, ёшлик — томирлар
Бўйлаб чопган қондай эканин.

Шеъримдек қалбимга яқинсиз, дўстлар,
Бир дамга сизлардан кўнгил узмайман.
Сиз билан биргаман эрта-кеч, мудом.
Ёлғизман демайман, кўнгил бузмайман.
Яккалик менга ёт кўзёшисимон,
Шодликдан қалбимда чақнайди баҳор.
Дўстликни ким қанча севса, у шунча
Ҳаётда қаримай яшар бахтиёр.



Очерк*

Уч марта «дафн қилинган» одам

Уни Аҳмад ога дейдилар. Мирза теракдай новча ва нозик, чувакюз, тор пешона, ўрдак кўз, маллақош бир одам. Ҳамиша лаблари чўччайган, мудом нимадандир норози, ўзидан-ўзи пичирлаб юради. Бир ўзининг ихтиёрида учта пайвандлаш агрегати, ленин учаласи ҳам стеллажда эрталабдан бери бўғзида шолғом кўндаланг қолган буқадек ғинг демай туришибди. Шу вайдан Аҳмад ога баттар тажанг. Бир туп чақир-тиканак шамолда коптондек юмаланиб келиб унинг оёғи тагида ўралашади. Уни жаҳл билан топтаб, ғазаб тўзонида гоҳ у агрегат, гоҳ бу агрегат олдида пайдо бўлади. Бригада аъзолари ҳам агрегатлар атрофида парвона. Агрегат ишламаса, бригадада иш йўқ-да.

Бу ҳодиса кечқурун штабда жиддий мунозара ва шовқинга сабаб бўлди. Прораб Минвали Рамазонов бош механик Вахрушчевдан автопаркдаги дизелнинг динамигини Аҳмад ога агрегатига беришни талаб қилди.

— Эгасини кутиб турган тупла-тузук машинани мусодара қилолмайман, — деди Павел Сергеевич. — Унинг битта ўзига учта агрегат бериб қўйганман. Марҳамат қилиб, ишлатинглар ўшаларни.

— Ишламайди!

— Учтасидан биттасиям ишламай-дими? Қўлингизни мазутга булганг, тезроқ ишлайди!

Рамазонов ўрнидан сапчиб туриб, енгларини шимарганича Вахрушчевнинг рўпарасига келди:

— Ғалати одамсан, Павел Сергеевич!

...Бу ердагилар орасида Павел Сергеевич бош механик бўлиб туғилмагану

унинг кўз очиб кўргани машина деса бўлади. Ҳаёт йўлини у трактор рулидан бошлади. Уруш йиллари эса фашистларни қийратган танкистлардан эди. Фронтида уни уч марта «дафн қилишди». Биринчиси — Кубанда — Тимурюк шаҳри остонасида. Гитлерчилар Севестильникова станицасида мустаҳкамланиб олишган эди. 1943 йил 30 март куни эрталаб ҳар бирининг устига 8 тадан десантчилар ўтқазилган ўн тўрт машинадан иборат танк дивизиони душман устига ҳамла қилди. Дивизион душмanning биринчи мудофаа линиясини ёриб ўтди, иккинчи эшелонга етганда Вахрушчев командирлик қилаётган танк сафдан чиқди. Қўйма ғўла снаряд бронни ҳам, башня ўқчиси Петяни ҳам қоқ бўлиб ўтганди. Танк ёнабошлади. Павел Сергеевич билан механик-ҳайдовчи дарҳол танк пулемётини ечиб олиб қўйишдан ерга тушишди. Улар ер бағирлаб бир неча қадам нари боргач, танк портлаб осмонга совурилди. Дивизион бир неча танкни жанг майдонида қолдириб орқага чекинди, Павел Сергеевичлар душман қуршовида қолди. Уларни пайқаб қолишди. Аридай вазиллаб учаётган ўқ ёмғири остида гоҳ эмаклаб, гоҳ тикка югуриб отишганича, ўзларини ботқоқли кўлга уришди, гир атрофни қуршаган қаллиң қамишзор немисларнинг дўлдай ёғдираётган ўқи остида ўроқ билан ўрилгандай қулаб қолди. Бу ерда механик-ҳайдовчи ҳам ҳалок бўлди. Павел Сергеевич кечаси ўзимизникига ўтиб оламан, деб кун ботишини кутди. Аммо душман ўзининг олдинги позициясини шу қадар кучайтириб, ҳушёрлик билан қўриқлаётган эдики, Павел Сергеевич

* Охири, Боши журналнинг 5-сониди.

ўтолмай, яна ўзининг қамиш қўргонига қайтди. Иккинчи кеча ҳам шундай бўлди. Учинчи кун эрталаб биз томондан артиллерия канонадаси бошланди, сўнг-ра авиация, танклар, улар ортидан пиёда қўшинларимиз ҳужумга ўтиб, душманни тум-тарақай қилиб қувиб кеттиди.

— Павлик! Тирикмисан?!— Дивизион командири уни қучоғини кенг очиб бағрига босди.— Биз бўлсак сени... қаҳрамонларча ҳалок бўлди, деб оиланга хабар ҳам қилдик...

Павел Сергеевични иккинчи карра Львов-Брод қўршовада, учинчи сафар эса Одер бўйида «дафи қилишди». Лекин ҳар гал қабрдан бош кўтариб келаверди у. Чунки бу азаматнинг куч ва шижоат барқ уриб турган алп вужудига «қора бағрим торлик қилади», деб ундан ер ҳам чўчиди чоғи.

Келиб-келиб энди, бугун, унга Рамазонов мушт ўқталапти. Бундай пайтда зўр одамлар совуққон ва беларво бўлади; Павел Сергеевич ҳам унинг хуружини парвойига келтирмай бемалол жилмайиб ўтираверди. Бу ғалати тўқнашув нузатиб турганларга эриш туюлди шекилли, қовоғи намдан-нам очиладиган Новиковдан тортиб ҳамма кулиб юборишди.

Рамазонов аввалги шаштидан қайтиб:

— Буни кўр, қўлми ёки дудланган қолбаса? Агар мазутдан жирканадиган бўлсам, қўлларим шунақа бўлармиди?— деди,— эртага стеллажга бориб, машинани сен юргиз, мен пайванд қиламан, вассалом!— Рамазонов жойига ўтирди.

Дарҳақиқат, улар эртасига стеллажга ҳаммадан олдин боришди. Павел Сергеевич ечинди-ю, ишга киришиб кетди. Анча урингач пускачни ёқди, лекин дизель бирпас ёниб тургач, яна ўчиб жим бўлди. Уч марта такрорлаганда ҳам шундай бўлаверди. Демак, ишқал бошқа жойида.

Аҳмад оға бир чеккада илжайиб турарди.

Павел Сергеевич папирос тутатди-да, беморни кўздан кечираётган врач сингари машина қисмларини бирма-бир пийнаслаб қараб чиқди. Ҳа, мана гап қаерда!

Дизелнинг помпаси бузилган, яъни сув радиатордан помпага эмас, помпадан радиаторга урадиган бўлган экан. Павел Сергеевич дизелни ёқиб юбориб, агрегатни ҳаракатга келтиргач, пўстинини елкасига ташлаб, иариги машиналар томон кетди.

Рамазонов кеча кечқурун Павел Сергеевичга мушт ўқталган бўлса, бугун кечқурун унинг маслаҳатини олгани келди.

— Фотеевни эслайсанми? Ажойиб мутахассис. Ленин ўтакетган шайтон. Агар машинанинг бирор калтисроқ жойи бузилсаю, уни билмаслигини пайқаб қолса борми, бир кунлик ишни ўн кунга чўзарди. Аҳмад оға ҳам худди шундай: бир ялакат мағиз,— дея хикоя қилди Павел Сергеевич.— Жарқоқда ишлаб турган пайтимизда Фотеев дизелни бузилди, деб олдимга келди. Бузилган бўлса тузатгин, дедим. Атрофида нақ бир ҳафта ивирсиб юрди-ю, лекин дизелни тузатгани йўқ. Сўнгра Кострулни эргаштириб бордим, шу дизелни уч кунда юргизиб берасанми?— дедим.

— Ақлдан оздингизми, Павел Сергеевич,— деди Коструль.— Уч соатлик ишга уч кун нима керак?— ўша дизелни у уч соатдамас, икки соатда юргизворди...

Шу ерда уларнинг суҳбатини мен буздим. Нега десангиз, бу ерга келганимдан бери «Коструль» номини тез-тез эшитяпман. Аввало, одатдаги коструль деб парво қилмадим. Кейинроқ билсам, гап одам тўғрисида... Суҳбатни бўлиш одобдан бўлмаса ҳам, Павел Сергеевичдан,— Коструль қанақа одам?— деб сўрашга мажбур бўлдим.

— Унинг фамилияси асли Черняев...

Черняев ажойиб шофер, Волга билан Амударё ўртасида усиз битган йирик қурилиш йўқ эмиш. Лекин унинг бир салбий томони бормиш: ичишни яхши кўраркан. Бир кун жазирама офтобда трассага пиво келтириб сота бошлашибди. Навбат кутиб туришга Черняевнинг тоқати етмабди-ю, новча ва бақувват эмасми, оломонни оралаб бориб, ҳамманинг боши устидан сотувчига коструль узатиб:

— Ҳой, шуни тўлдирвор!— дебди.

Шу-шу номи «Коструль» бўлиб қолибди. Кейинчалик ичкилик сабаб, унинг қўлидан автомашинани олишибди, Павел Сергеевич уни ўзига дизелист қилиб олибди. Лекин қаттиқ огоҳлантирибди. Ҳозир Коструль оғзига ичимлик олмайдиган, ҳар бир ишнинг ўтини чиқарадиган бўлибди.

— Агар йўлини топсанг, Аҳмад оға ҳам тузалиб кетади,— деб Рамазоновга ўқтирди Павел Сергеевич.

— Павел Сергеевич, Коструль билан Фотеевни Анджондан чақириб олсан нима бўлади? Бари бир яхши машинистларга муҳтожмиз.

Павел Сергеевич Перемякка савол назари билан қаради.

— Марҳамат, телеграмма ёз, қўл қўйиб бераман,— деди Перемяк.

Ўз ўрнини топган йигитлар

Центровкачилар бригадиря Юрий Федорович Репин биркам ўттиз йиллик умрида ҳеч қачон ўз бошидан шу кунлардаги каби серташвиш ва безовта паллани кечирмаган эди. Бир кўзи қўлидаги ишда бўлса, иккинчи кўзи агрегатдан чархга, чархдан остонага югургани югурган; дизель тутамаяптими, чокни тўғри олишяптими, йигитлар юзига ниқоб тутиб ишлашяптими, бугун план қанча бўларкин?

Гап шундаки, бригада ишга янги қабул қилинганлардан атиги уч кун илгари тузилди. Биринчи кун ўттиз ўрнига учта, иккинчи кун иш еттига, кеча йигирма учта уланма беришди. Центровка — монтажнинг биринчи босқичи, пайвандлаш — иккинчи босқичи; улар центровкачилар операциясидан кейингина ишни ўзига олишяпти. Винобарин, бригада уч кундан буён пайвандчиларни маҳтал қилиб турибди. Бугина эмас, такеллажчиларга ҳам, погелокчиларга ҳам, бугун қурилишга касри уради. Пайвандчиларнинг «пири» Байроқ Минахмедов бугун «қорманглар-ов, йигитлар!» деб келиб ҳам кетди. Унинг бу дегани «Қачонгача бизга тормоз бўласанлар?» дегани-да! Хуллас, Юрий Федорович бригадир бўлди-ю, уйқусида ҳаловат, юриш-туришида тароват қолмади.

— Юрий Федорович, меннинг ишимни бир кўриб юборинг. Чокни ҳеч текис чиқаролмаппман, — деди Ёқуббой илтимос қилиб.

— Автосварка муштуғи билан пайванд нуқтаси ўртасидаги масофа доимо бир хил бўлсин. Вақт эътибори билан ҳам муштуғини бир меърада ҳаракатлантириш керак, — деди-да, Репин Ёқуббойнинг ўрнига келиб, ўзи ишлаб кўрсатди. — Мана, кўрдингми?

У ўз жойига қайтиб келаётиб «Йигитлар дуруст, ишласа бўлади» деб дилдан ўтказди. Бир вақтлар Юранинг ўзи ҳам шулардай эди-да. Ҳар қанча тиришиб-тирмашса ҳам иши унмасди, брак бўларди. Ана, Васка, Геннадий, Ёқуббой Болтаев ҳаёт кўрасида товланган йигитлар.

Ёқуббой Юрийдан атиги икки ёш кичик. У аллақачон Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтди. Қўлида тайинли касби бўлмаганидан Ҳазорасп райпосининг «Шорловуқ» кристандаги магазинда қоровул бўлиб ишлади. Кечалари магазин эшигида занг босган ов милтиғини бағрига босиб мудраб тонг отқизарди-ю, кундузлари ўзини қўйгани жой топмай дайдиб юрарди. Ўша атрофда яшовчи Машариф бобо Ёқуббойни ҳар кўрганида: «Магазин омонми?» деб сўраб қўярди. Кейинроқ фаҳмласа Ёқуббойга пичинг қилар экан чол.

— Сумбатингга қарасам, тоғни талқон қиладиган йигитсан! — дебди у бир куни. — Аммо қилиб юрган ишинг... Сени қара-я! Ўзингни ўзинг алдаб юрибсан. Виронта йигитбол ишнинг бошини тутсанг бўлмайди!

Ўшанда Ёқуббой ер ёрилса кириб кетгудек бўлди. Ўзига келиб, ўйлаб қараса, навқирон умри беҳуда ўтаяпти. Нима қилиш керак?

Унинг армияда бирга хизмат қилган ўртоғи Рўзибой Шержонов Газлида разведна-қидирув экспедициясида ишлар, Ёқуббой билан хат ёзишиб турарди. Рўзибой ўз хатларида ер остидан битмас-туганмас газ кони топишгани, у ерда катта қурилиш ишлари бошланганлиги ҳақида тўлиб-топиб ҳикоя қиларди. «Дўстим, — деганди у бир хатида. — қадим замонлардан буён элимиз бағридан Аму дарё ҳаёт бағишлаб оқиб келасган бўлса, энди Хоразм синасидан иккинчи ҳаётбахш дарё — газ дарёси ўтади, уйимизнинг ўчоғидан тортиб Урал заводларигача унинг ҳароратидан баҳраманд бўлади». Рўзибой ўз ишидан жуда мамнун эди.

Ёқуббой дўстига ўша томонларга борсам, менга ҳам биронта иш топила-ринми? — деган мазмунда хат ёзди ва хатига қувончли жавоб олди. У занг босган ов милтиғини топшириб, Газлига, ўртоғи олдига келди. Уни экспедицияга оддий ишчи қилиб қабул этишди, лекин сал вақт ўтмай пармаловчилар тайёрлаш курсига юборишди. Курсни битказиб келгач ёрдами пармаловчи этиб тайинлашди. Мастер Борис Михайлович Михайлов унга пармалаш установа-сининг дастагини ишониб топширган кундаги илк шодлиғини Ёқуббой умр-бод эсдан чиқармади. Шундай қилиб, ҳунар эгаси, ҳунар бўлганда ҳам ноёб ҳунар эгаси бўлиб қолди ва одамлар сингари бошини баланд кўтариб юрадиган бўлди.

Газлига, Ёқуббой келган пайтда 1500 метр чуқурликда еттинчи қудуқни пармалаб, оғзини шувағач, экспедиция Устюрт массивига кўчди. Малла ранг қум тепалар, гиштсимон, яланғоч, тақир. На саратонда соя берадиган бир туп дарахт, на қаҳратон қиш изгиринларини тўсадиган пана жой бор бу Устюртда!

Ёқуббойлар сменасида татар йигит Наримон Аджекмеров, латиш Антон Попутес, туркман Марат Султонов, рус Николай Сергеевлар ишлайди. Бир куни смена мастери Ясен Юрдamidзе ғалати бир таклиф айтиб қолди:

— Келинглр, ишчилар таъминот бўлимига кўз тутиб ўтирмасдан ўзимизни ўзимиз витамин билан таъмин қилаялик!..

Тақирдан ярим гектарча майдонни

артезиан сувига роса қондириб, помидор, сабзи, пияз, қовун, тарвуз экишди. Ташаббусдан бошқалар ҳам руҳланди. Ҳар установакка ёнида қафтдай яшил майдонча пайдо бўлди — булар қадим асрлардан буён қақроқ Устюрт сийнасида ўсган табаррук мевалар эди. Ёқуббой кишлоқ боласи эмасми, томорқанинг бош деҳқони бўлди.

Теранқудуқда 2500 метрлик биринчи қудуқнинг оғзини шуваб, 3000 метрлик иккинчи қудуқдан проба олиш яқинлашиб қолганда Ёқуббой уйдан онаси бетоб ётганлиги тўғрисида ташвишли хат олди.

Онасининг бетоблиги Ёқуббойни кишлоқда тутиб қолди. Дулдўлотлаганда уни монтажчиликка қабул қилишди. Ишни яна шогирдликдан бошлашга тўғри келди. Майли, машаққат тортса яна бир ҳунар эгаси бўлади. Йигитга етмиш ҳунар оз дейишган-ку, ахир!

...Эрталабдан «Бугун план қанча бўларкан?» деб ташвишланиб юрган Репин кечқурун йигитларнинг елкасига қоқди:

— Баракалла! Иш деган бундай бўпти!

Бугун бригада ўттиз ўрнига ўттиз иккита уланма берганди. Эртасига, индинга, кейинги кунларда олтмиштадан беришди!

Ёқуббойга разряд беришди. Энди у мутахассис слесарь-монтажчи! Шанба кuni кечқурун вагон-уйда зиёфат столи атрофига тўпланишди. Стол теварагига Юрий Федорович бошлиқ бригада аъзоларидан ташқари яна икки киши — улардан бири бир мингчилар стеллажидида «Ёшулли» воини олган Олим Қурбонов, иккинчиси дарёнинг ўнг соҳилидаги пармаловчилардан келган Маҳмуд Давлатов — Ёқуббойнинг ҳамқишлоқлари ўтирарди. Маҳмуд ўртоғининг зиёфатига аллақердан қовун кўтариб келганди.

Биринчи қадахни Юрий Федорович айтди. Иккинчи сўз Олим Қурбоновга — Ёқуббойнинг иккинчи устасига берилди:

— Ёқуббой бу касбни ўргангунча хийли машаққат тортди. Лекин кишида истак, интилиш бўлса, у уддалаёлмайдиган иш, енгмайдиغان қийинчилик йўқ экан. Келинг, бу қадахни машаққатларни енгувчилар соғлигига ичамиз!

Олим Қурбоновнинг «Ёшулли» унвонини олганининг ўзи бир дoston. Қурилишга иш сўраб келганда уни биринчи участка бошлиғи Башировга рўпара қилишди. Баширов унинг сур попоғидан тортиб, хром этигигача разм солгач:

— Илгарни ким бўлиб ишлагансиз? — деб сўради.

— Қолхозларо аэропортда начальник бўлиб ишлаганман.

— Бизда мунақа касб йўқ.

— Бошқа иш беринг!

— Сиздақа ёшулликларни кўп кўрганмиз. Бир кунни ишлашди-да, иккинчи кун «ишингиз бизга тўғри келмади» деб жўнаб қолишди.

Қурбонов мен ундайлардан эмасман, деса ҳам, ҳар қанча ялинса ҳам Баширов хўл демади. Лекин Қурбонов қайтиб кетмай, гоҳ стеллажларда, гоҳ автопаркда, гоҳ причалда, гоҳ ошхонада ўралашиб юраверди. Бир кунни мингчилар стеллажидида ишларни томоша қилиб турганида биттаси қадимги паҳлавонлар дубулғасидек ниқобини юзидан кўтариб:

— Бу ерда нима қилиб турибсиз, ёшулли? — деди.

— Ишга кирмоқчиман.

Ҳалиги «дубулғадор» Қурбоновнинг паҳлавонона қадди-қоматини Баширов сингари бир нарра кўздан кечирди:

— Мен билан мураш тушасизми? — деди. — Йиқитсангиз ишга оламиз.

— Тушаман.

«Дубулғадор» ҳам паҳлавон йигит эди. Баравар кучга эга бўлган рақиб Қурбоновни хийла силкилади. Ниҳоят, Қурбонов уни елкасига кўтариб ерга урди.

— Бу ҳисоб эмас, — деди у ўрнидан туриб, — классик кураш қиламиз!

Бу гал кураш анча чўзилди. Лекин, бари бир, Қурбонов «дубулғадор» паҳлавоннинг курагини ерга михлади.

— Менинг отим Валентин, — деди енгилган «дубулғадор» Қурбоновнинг қўлини қисиб. — Дўст тутинамиз!

Ҳа, Валентин Қурбоновнинг ёшлигидан оғир атлетика билан шугулланишидан, тўй ва байрамларда Хоразмнинг паҳлавонлари билан кураш тушиб юрганлигидан беҳабар эди-да!

— Шу одамни мента дастноҳ қилиб беринглар!

Валентин прораб Степан Ивановичдан қаттиқ талаб қилиб туриб олди. Валентин монтажчилар орасида атоқли эмасми, унинг талабини рад қилишмади.

Қурбонов тез орада тўртинчи разрядли монтажчи бўлиб етишди. Валентинни эса биринчи разрядли оғир атлетикачи қилиб етиштирди. Шу тариқа ўз-ара ҳамкорлик икки паҳлавон ўртасида дўстлик негизини яратди. Октябрь байрамида Қурбоновни мотоцикл билан мукофотлашди.

— Табриклиман! — Баширов биринчи бор ўшанда қўл берди унга. — Лекин, ёшулли, бизнинг сўзимиздан ҳафа бўлмайсиз-да энди. Янглишган эканман! — Очиқ ҳавода тантанали йигилишга тўпланганларнинг ҳаммаси кулворди. Ўшандан буён Қурбоновни ҳамма «Ёшулли» дейди.

Қувончли воқеалар нишонланадиган маросимларга яқин кишилар тақлиф қилинади, албатта. Зиёфатдаги иккинчи меҳмон — Маҳмуд Давлатовнинг Ёқуббойга ҳамқишлоқлигидан ташқари яна бир яқинлиги бор — у ҳам собиқ савдо-

ходими эди. У Ҳазораспада завмаг, кейинроқ экспедитор бўлиб ишлади. Лекин ҳаммасидан воз кечдию, қуриштига келди. Касб ўрганди. Пармаловчи. Унинг «УБШ-2» маркали автомат агрегати трассадаги зарбдор агрегатлардан бири ҳисобланади.

Бу одамлар тақдирининг бирлиги уларни янада бир-бирига яқин қилиб қўйганди.

• • •

Дулдулотлагандан Уч ўчоқ тепаси этакларигача трасса бўйлаб айланар эканман, ногоҳ кўз ўнгимда ёшлик хотиралари гавдаланди. Полвон каналдан бошлаб, оёғи бир неча қишлоқлар оша Бежганик кўлига бориб туташадиган Маъсуд ариғи бизнинг уй олдидан ўтарди. Ёз бўйи лойқа сув оқиши натижасида ариқнинг ўзанига лой чўкиб, илк қузданоқ сув кесилиб қоларди. Шунда минглаб киши қиш бўйи ариқ тозалаб чиқарди. 1947 йилда Чоржўй — Қўнғирот темир йўл дамбаси қурилишида эса юз минглаб киши ишлади. Бухоро — Урал магистрал қурилиши участкасида киши атиги беш юз киши уддалаяпти! Мўъжиза эмасми бу!

Ҳар қайсиси ўз феъл-атвори, қадди-қиефасига эга бўлган бу беш юз кишининг умумий сиймосини белгиловчи бир ўхшашлик бор. Бу ҳозирги замон техника билимдонлиги, ёшлик, навқи-

ронликдир. Иван Корнеевич сингари нодир «оқсоқоллар»ни мустасно қилганда, коммунизм иншоотини қурувчилар асосан ёшлардан иборат. Мана, улардан бири — ҳали юзига устара тегмаган йигитча — Геннадий Чичигин. У уруш йиллари ота-онасидан ажраб Тошкентга келиб қолган ва болалар уйида тарбияланган.

Геннадий саккизинчи синфни тўққизинчи болалар уйида биттазиб, ишга чиқди. Чиланзор қурилишида биринчи маон олган куни яна ота-онасини эслади. Лекин бу ерда қурувчилар уни яқкалаб қўйишмади, ҳар ним ўз ҳунарини ўргатди. У Чиланзорда ништ қуювчиликдан тортиб шувоқчи, наққош, бетончи, телефонлаштириш бўйича монтажчиликка қадар бинокорлик касбини ўрганди-да, қурилиш техникумига ўқишга кирди. Лекин икки йил ўқигач, нима учундир, буни ўзи ҳам билмайди, ўқишни ташлаб, монтаж бошқармасига ишга кирди. Ундан Бухоро — Урал газ қурилишига келди. Бу ерда слесарь-пайвандчилик касбини ўрганиб олди. Ҳар бир касбини эгаллаш осон бўлмаганидек бу ҳунарни ўрганишнинг ҳам ўзи бўлмади. Бригада топшириқни уддалаблмаган кунларда Юрий Федорович, прораб ва бошқалар олдида озмунча хижолат тортидими! Мана энди ишлар жойида. Бухоро газини Уралга етаклаб боради-ю, кўнгли тўлиб, кейин чала қолган ўқишини давом қилдиради Геннадий..

Катта унвонли киши

Прораб Минвали Рамазонов «Штаб-квартира»га кириб келганида Перемяк стаканга анор сиқаётган эди.

— Қачон қарасам, кавшаганинг-кавшашган,— деди Рамазонов кулимсираб,— лекин бари бир, овчи тозидек, эт қўймайсан, Ипполитич.

Анорни бақувват қўлларида иштиёқ билан «шов-шов» сиқиб, Перемяк ҳам кулимсиради:

— Анор шарбати ичсанг семирсан, дейишди.

Владимир Ипполитович бошқа емишларни ҳам анордан кам кўрмайди. Ошхона билан магазин эшиги унга ҳаминча очиқ, қолаверса плашчининг иккала чўнтаги ҳам битта буфетдан кам эмас: пистачкадан тортиб, пишлоққача, тузланган балиқдан конфектларгача, ҳаммаси бор. Стеллажларда ҳам, трассада ҳам қўли сел бўш бўлса бас, Рамазонов айтганидек, кавшагани-кавшашган. Ёш жиқатидан олганда, кузакда 39 га тўлади. Аммо қиефасидан ёшини белгилаш қийин. Пешонаси кенг ва донишмандона бўлиб кўринади. У қандайдир касалга чалиқди, кечқурун трассадан нафаси бўғизига тиқилиб қайтган кезларда «иншдан бўшаб кетмасам бўлмади қолди» деб нолийди-ю, эртасига яна трасса ва

стеллажларда гирди-капалак бўлиб юраверади. Йўқ, машаққатли ҳаёт тўлиқлари унинг эҳтиросли, беором қалбига яқин...

— Айтганча,— деди Рамазонов.— санаторияга кетишнинг нима бўлди, Ипполитич?

— Бе, санаторияларнинг нимаси?— Владимир Ипполитович анор шарбатини хўшлади.— Баҳ, хўп нордон экан-да.

Комплекс участкалар бошлиғи билан прораб ўртасидаги сўз пировардида, одатдагидек, яна ишга келиб тақалди:

— Ҳалиям Миша Гапченконинг чокларида говак ҳосил бўляпти.— Рамазоновнинг овозида шикоят оҳанги эшитилди.— Полавтоматни головкасиэ ишлатиб кўрсамминин деб турибман.

— Нима билан?

— Фақат муштукнинг ўзи билан.

— Қизиқ! Нимадан говак ҳосил бўлишига сира ақлим етмай қолди.— деди анча ўйлашиб тургач Перемяк.— Майли, шундай қилиб кўр.

Рамазонов чиқиб кетди.

Минвали Рамазонов ҳамма болалар каби шофер ёни учувчи бўлишни орзу қиларди. Бир пайтнинг ўзида гоҳ ёзиллаб, гоҳ бусалаб бораётган машина

шофери баъзан осмонда шўнғиб «душман» устига ташланаётган қирувчи самолёт учувчиси бўлиб қишлоқ кўчаларини бошига кўтарарди. Кейин қишлоқ клубида кино курсатадиган Наил обий ўз аппарати ва кино ленталари билан пайдо бўлди. Минвалининг ишқивоз юраги шундан таскин толиб юрди. Наил обий унга киномеханикликни ўргатди. Минвали еттинчини битказиб, шаҳодатнома олган куни, унинг қўлига киномеханиклик гувоҳномаси ҳам тутқазилиб, қўшни Бульдок районига ишга тайинланди.

Минвали ўз ишидан хурсанд эди. Атиги уч-тўрт ой илгари унинг ўзи Наил обий атрофида парвона бўлса, энди Бульдок болалари эртаю-кеч унинг атрофидан кетишмайди. Районнинг барча кино шинавандалари унга ойна бўлиб қолганди. Лекин келгуси ёзда томошабинлар орасида аллақандай нотаниш ва салобатли кишилар пайдо бўлди. Бульдокликлар уларга алоҳида ҳурмат билан қарашар, касса олдида, буфет ва залда ўз ўринларини беришарди.

— Улар ким?— деб сўради Минвали бир куни.

— Уларми? Эҳа,— дейишди Минвалининг «дасткорлари».— Катта унволи кишилар! Нефть қузури қурилишдан келишган.

Бу вақтда Бошқирдистон ерларида Тўймази — Черняковка нефть қузури қурилаётган эди. Ўз ўлкасида юз берган улуг воқеаларни эшитган Минвали «катта унволи кишилар»га ҳаваси келиб, ўшалардай бўлиш пайига тушди.

— Неча ёшдасан?— деб сўрашди ундан, қурилишга ишга кираман, деб борганида.

— Келаси йил ўн еттига кираман,— деди Минвали ўзини катта қилиб кўрсатишга уришиб.

— Ўн олтидаман, дегин,— деди Минвали мурожаат қилган бошлиқ.— бўпти, икки йилдан кейин келгин.

Орадан бир талай вақт ўтиб кетди. Мава, Минвали «Катта унволи кишилар» сафида сварка агрегатининг мото-

ристи бўлиб ишлай бошлади. Кейинроқ у ўз ишидан ажралмаган ҳолда электр пайванд мастери Василий Маевскийга шогирд тушиб, бу касбни ҳам эгаллади. Оқибатда уни мотористликдан слесарь монтажчи қилиб тайинлашди.

Ёш мутахассис гидрокидаги ижодий изланиш куртаги не-не янги қурилишларда унинг қадди-бўйи, фикр-мулоҳазалари билан бирга ўсиб, камолотга етди. Минвали йнгирма ёшга кирганида йнгирма йилдан буён шу касбнинг номини еб нелаётган донгдор мастерлар қаторида тилга олинадиган, ҳамма уни Минвали Абубакирич дейдиган бўлди. Ставрополь — Москва газ қузури қурилишида эса энг масъулиятли участкага: Дон дарёси устида қуриладиган осма кўприк монтажчилари бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Кўприк қурилиши охирига етганда унинг ҳаётида хатарли ҳодиса юз берди. Ногоҳон сварка агрегатининг генератори ишламай қолди. Минвали вақтни қизғаниб, дизелни тўхтатмай, генераторни тузата бошлади. Қўли бирдан совутувчи вентилятор остига тушса бўладими, Минвали бу ёққа, вентилятор эса ёлмағиздай у ёққа тортарли. Таваккал: осма кўприк устидан ўзини дарёга отди Минвали!

Минвалининг билак суяклари синди. Уни дарҳол «Тез ёрдам»га ўлқазиб Семилукига жўнатишди. Бу ерда доридармон қилиши, кейин Минвали ҳаракатсиз қўлни бўйнига осиб, Воронежга жўнади. Воронежлик кекса врач Минвалининг қўлини бир ярим ой деганда аслига келтирди.

Яна қанча қурилишлар Минвалининг моҳир қўлларини кутаётганди! Шкафова — Магнитогорск — Саратов, Мичуринск — Брянск, Жарқоқ — Бухоро, Самарқанд — Тошкент нефть-газ йўлларида электрод билан ўз помини абадий ёзиб қолдирди бу моҳир қўллар! Ҳа, Минвали Абубакирич Бухоро газидан Чимкентда машъал ёқиб бергач, бу ерга келди. Энди машъални Уралда ёқишга ошиқмоқда...

Чўл қоплони

Василий Радионович Дорофеевни йиллик ҳисобот ишлари юзасидан Тошкентга — бошқармага чақиршган эди. Тошкентдан бир ҳафтадан кейин қайтди. У келганда ишдан кейинги шовқин-суронли соатлар охирига етиб, «Штаб-квартира»да туновчиларгина қолганди. Бу ердагилардан ҳол-аҳвөл суриштирганида хусусан ғовак масаласи уни жиддий ташвишга солди.

Ғовак қувурларни бири-бирига пайвандлаш пайтида ҳосил бўладиган қалтис ва хатарли нуқсон. Агар бу нуқсон пайқалмаса (уни пайқаш ҳам қийин) ёки пайқаб хотима берилмаса офат де-

яверинг... Бу масала ҳаммининг бошини қотириб қўйганди. Қайси куни шу хусусда роса икки соат ўзаро тортишув кетди. Биров плакнинг иши, деди, бошқа бировлар гап кафширди, уни қуриш керак деса, яна биттаси симни тозалаш лозим, деб чиқди. Кимдир пол-автоматнинг головкасини алмаштиришни таклиф қилди. Ҳатто, Рамазонов головкасини ишлатиб ҳам кўрди, бари бир, ғовак ҳосил бўлаверди. Шунинг учун ундан Василий Радионович келганига қадар бошқалар ҳам жиддий безовта эди.

Василий Радионович эртасига бар-

вақт нонушта қилгач, стеллажга борди. Полавтомат қисмларини, кафшир ва симни кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида, наҳотки ғовак ҳосил бўлса?

— Шунисига ҳайронман, Василий Радионович,— деди мастер Миша Гашченко кифтини қисиб.— Қилмаган амалимиз қолмади.

— Қутблар тўғрими?

— Қутблар ҳам тўғри.

Василий Радионович аппаратни юргизвориб, ўзи пайвандлай бошлади. «Айиқ полвон» остида айланаётган қувур уланмасига гўё кумуш ҳалқа нийдиргандек, унинг белида силлиқ ва ялтироқ доира — биринчи чок пайдо бўлди.

— Ҳеч қандай ғовак ҳосил бўлмадику,— деди Василий Радионович чокни кўздан кечириб.

— Биринчи мартасида эмас, ҳамма бало такрорий пайвандлашда юз беряпти.

— Ҳм...— Василий Радионович иккинчи марта пайвандлагач, чокна тикилиб ҳайрон бўлиб қолди.— Ғалати воқеа!

Павел Сергеевич билан Рамазонов ҳам «воқеа» устига етиб келишди.

— Мана, сен техниканинг пирисан.— деди Василий Радионович, бош механик Вахрушчевга юзланиб.— Ғовак нимадан ҳосил бўляпти, а?

— Биринчи пайвандлашда чок тагида ҳужайра сингари бўшлиқ қолади. Уша бўшлиқдаги ҳаво такрорий пайвандлаш пайтида ташқарига ёриб чиқади. Ғовак ушандан ҳосил бўляпти.

— Чок тагида нега бўшлиқ қоляпти?

— Бир ҳафтадан бери бошимизни қотириб келаётган нарса ҳам шуда!

Василий Радионович 1943 йилда Астрахань — Саратов нефть қувури қурилишида юз берган худди шундай ҳодисани эслади. У пайтда пайвандлаш ишлари механизациялаштирилган эмас, қўл билан монтаж қилишарди. Ушанда жадалроқ пайвандламоқчи бўлса, ғовак ҳосил бўларди. Энди-чи, механизациялаштирилган. Полавтоматнинг тезкорлигини эски пайвандлаш усулига таққослаш мумкин эмас. Бинобарин, тезликни камайтириб кўрсачи?

Собиқ слесарь тезликни камайтириб, электродни кўпайтирди.

— Ишлар жойида-ю!— деди Василий Радионовичга дасткорлик қилаётган ёш мастер Гашченко чок охирига етмасданю. Ишларнинг жойидалигини Павел Сергеевич ҳам, Рамазонов ҳам кўриб туришганди. Ҳамманинг юзида табасум пайдо бўлди. Василий Радионовичнинг пешонасида тер томчилари бўртди:

— Кўл қувонманглар ҳали. Синаб кўриш керак.— Василий Радионович бутун бир уланмани ўз қўли билан пайвандлади. Чокларнинг биронтасида бу-

тун монтажчилар коллективини шунча кун безовта қилган нуқсондан асар кўринмади.

Василий Радионович қоронги тушганда трассада келди. Келди-ю, хуноби ошиб Владимир Ипполитовични уришиб берди:

— Машиналарни нега солярка билан таъмин этмайсизлар?

— Чап қирғоқдаги машиналар складнинг ўзидан таъмин қилнааяпти. Унг соҳилга иккита бензовоз биркитиб қўйганмиз.

— Уша биркитиб қўйган бензовоз нима қилаётганлигини биласизми? Нариги қирғоққа соат ўн иккида ўтишди. Ушангача қанча машина ёқилги кутиб бекор турди! Бирдангача учта шатакчи трактор Уч ўчоқ этагида бузилиб ётибди. Трассага уланма етказиб бериш масаласини олайлик.— Василий Радионович бугунги кўнгилсизликлардан ҳамон кўйиб-ёниб гапирарди.— Ким бир марта қатнааяпти, ким икки марта.

Гап ортидан гап, камчилик ортидан камчилик очилиб, занжирбанд масалалар бошланди-кетди.

— Нариги шаҳарча ошхонаси нима учун уч кундан буён қулф?

— Ошпаз кетиб қолди.— деди Новиков.

— Уша вақтдаёқ айтгандим, шаҳар ҳавосига ўрганган ошпаз Қизилқумга кўнжиши қийин, ўзимизникилардан қўййлик деб. Хўш, кино масаласи нима бўлди?

— Экрани келди, киноаппарати энди келади.

— Келиб қолар деб ўтираверар эканмиз-да?— Василий Радионовичнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Киноаппарат тўғрисида яна телеграмма юбораман,— ўзини оқлади Новиков.

Кечки овқатдан кейин юк ортувчилар бригадири Майоровни чақириб баржанинг нариги қирғоқда бир кунда камида уч марта боришини топширишди. Автопарк бошлиғи Минаев Сазоқли станциясидан қувур ташувчи шатакчи тракторларни биттадан эмас, иккита-иккитадан бир-бирига биркитиб қўядиган бўлди. Чунки баъзи тракторлар йўлда бузилиб, кечкиб келаётганди. Узаро биркитиб қўйилса, бузилган тақдирда бири-бирга ёрдам қилар, бири-бирини шатакка олиб келаверар...

Штабга Мария Андреевнани чақирди.

— Нариги шаҳарчадаги кишиларимиз икки кундан бери иссиқ овқат ейишмади,— деди унга Василий Радионович.— Ушаларга ошпазлик қилсангиз, деб илтмос қилмоқчийдим.

— Болаларнинг дадасини, иннайке-йин товуқларимни нима қиламан?— деди Мария Андреевна.

— Болаларнинг дадасини ҳам, товуқларингизни ҳам, уйингизни ҳам ўша томонга кўчираман...

Эртасига эрталаб Василий Радионович Мария Андреевнани ўзи билан олиб, нариги шаҳарчага жўнади. Магазинчидан калитни олиб, ошхонани очишди:

— Мана, Мария Андреевна, сизнинг норхонангиз. Газ печка дейсизми, электр плита дейсизми, ҳаммаси муҳайё. Сизга тегишли масаллиқлар билан битта дасткор ҳам топиб бераман.

Шу кунни Василий Радионович кишиларни ўз кўзи ўнгиди овқатлантириб, шундан кейин қайтиб кетди.

Бугун у трассада кайфи чоғ қайтиб, бир оз дам олгали жойига чўзилди-ю, нимадандир хаёл суриб кетди.

Богуруслан — Куйбишев нефть қуври қурилишига ишга киргач, икки ой ўтиб-ўтмай бирдан уруш бошланиб кетди. Волгоград остоналарида қаттиқ ҳаёт-мамот жанглари борарди — Васянинг тенгқурлари фронтга кетишди. У

ҳам ариза берди, рад қилишди. Кейинги аризалар ҳам рад қилинди. Қурилишда аризаси рад қилинганлардан бир нечаси йиғилишиб, ўзлари фронтга жўнашди. Бироқ фронтга етмасданоқ уларни орқаларига қайтаришди:

— Нега, нега ахир?.. — дейишарди улар ўзларини камситилган ҳис қилишиб.

— Сизларнинг ўрнингиз қурилишда, Ватани фронтда эмас, мамлакат ичкарасида ҳимоя қиласизлар!

Шу бўлди-ю, Василий Радионович умрини шу касбга бағишлади. Астрахань — Москва, Курдюм — Князова, Саратов — Москва, Туймази — Уфа, Ильск — Краснодарск, Уфа — Челябинск, Шкафowo — Магнитогорск, ниҳоят мамлакатдаги йирик нефть ва газ қуври қурилиши — Бухоро В. Р. Дорoffев биографиясини унутилмас хотиралар билан тўлдирди.

Уни «Чўл қоплони» дейишади. Нега бундай дейишарман? Қизиқ! — Василий Радионович ўзича кулиб қўйди.



Ҳаким НАЗИР

Баҳор мамлакатида

(Польша лавҳалари)

Қардошлик байрами

Биз Польша тупроғига кузда кириб борган бўлсак ҳам, ўзимизни кўклам фаслидагидай сездик. Илиқ-қина иқлими ва мусаффо табиатидагина эмас, бутун ҳаётида баҳор мавжи, қирчиллама йигитлардай ёшлик руҳи...

Мана тарихий Варшава — талай воқеаларни бошидан кечириб, қартайганда қайта яшарган шаҳар. Унинг қоқ белидан шўх Висла дарёси зангори тасмадай кесиб ўтади. Дарёнинг ўрта ерида Варшава сиренаси — қилич ва қалқонли сув париси шаҳарни бало-қазолардан сақлаб тургандай. Сиренадан бошлаб икки соҳилни узоқ-узоқларгача яшил ҳошиядай дарахтлар қоплаб, шаҳарга баҳор ҳуснини берибди. Шаҳар кўкат ва каптарга бой. Ҳатто пайдар-пай қад кўтараётган биноларнинг ҳавозаси бир ёқдан олиниши билан, бир ёқдан дераза, балконларда гуллар, каптарлар пайдо бўлади. «Варшавани гулларга безаймиз» шиори ҳар қадамда ғайрат билан амалга ошириляпти.

Шуларни кўриб, сиз, шаҳар ҳеч қандай уруш кўрмаган, халқи умр-бод қуришни-ю, гул экишни билган, дейсиз. Лекин сайр этганингиз саяин, бу шаҳар бошига инсон бола-

си кўрмаган ва эшитмаган фалокатлар тушганини, бугунги озод ҳаёт озмунча қурбон билан қўлга кирмаганини сезасиз.

Обод, гўзал шаҳарнинг айрим қисмларида вайроналарнинг қоп-қора дуд босган деворлари шумшайиб, уруш даҳшатини эслатиб турибди. Деворларда қора лавҳалар — фашист қотилларнинг неча ўн минглаб бегуноҳ одамларни шу ерларда ёндириб юборганлари ёзилган...

Уруш тугаганда шаҳар манзараси шунақа эди. Одатда бир катта бинони бунёдга келтириш учун қанча маблағ ва йиллар керак бўлади. Гитлер амри билан харобазорга айланиб, ярим миллионча аҳолиси қирилган улкан пойтахтнинг бунчалик тез фурсатда қаддини тиклаб, аввалгидан ҳам яшнаб кетгани мўъжиза!

— Бу мўъжиза дўстлар, қардош мамлакатлар мадади туфайли юз берди, — дейишди варшаваликлар.

Шаҳар ўртасида катта майдонни эгаллаб ўттиз икки қаватли оқ бино кўкка юксалган. Кунига ўттиз мингга яқин одам кириб чиқадиган, театр, кино санъатининг марказий ўчоғи ҳисобланган ва кўплаб тари-

хий маросимларга гувоҳ бўлган бу улкан бино пойтахтнинг ҳусни ва фахри.

— Бу Фан ва маданият саройини бизга Совет ҳукумати ҳадя қилган,— дейишади мамнуният билан варшаваликлар.

Икки мамлакат дўстлигининг бу каби символлари Польшада кўп.

Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон маданияти кунлари биз буни яққол кўрдик. Бу кунлар совет ва поляк халқларининг чинакам қардошлик байрамига айланди.

Поляклар билан учрашувларимизда «Пшиазнь», «Покуй» деган сўзларни кўп эшитдик. Бу — «дўстлик» ва «тинчлик» деган маъноларни билдиради. Улар бизни ҳар ерда очиқ чеҳра билан: «Марҳамат қилинг, қадрдон дўстлар!» деб қарши олишарди.

Бу сўзлар бежиз айтилмади. Поляклар билан мамлакатимиз халқларининг қадрдонлик илдишлари хийла чуқур. Бу дўстлик иплари оғир синовларда чийралган. Улуғ шоир Адам Мицкевичнинг Пушкин билан ижодий ҳамкорлигида, Феликс Дзержинскийнинг рус революционерлари билан сафдошлигида синалган. Айниқса иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли оловларини ўчиришда, полякларни фашист қўзғунлар чангалидан қутқаришда кўпмиллатли совет кишилари кўрсатган жасоратдан дўстлар беҳад миннатдор.

...Фан ва маданият саройида бошланган маданият кунлари ўн кун давомида Польшанинг шаҳар ва қишлоқларида, корхона ва муассасалари, ўқув юртлари ва маданият уйлари, клублари ва кино залларида давом этди. Ўзбекистондан борган маданият арбобларимизнинг суҳбатларига, артистларимизнинг концертларига қизиқиш зўр бўлди.

«Ўзбекфильм» студияси яратган «Синчалак», «Ҳамза», «Зангори олов кишилари» ва бошқа фильмлар намойиш этилганда залларга одам сифмасди. Варшавада Ўзбекистон тасвирий санъат виставкаси, Краков ва бошқа йирик шаҳар-

лардаги маданият уйларида ўзбек житоблари виставкаси ташкил этилган эди. Бу ерларда томошабинларнинг кети узилмасди. Клубларнинг эшигида, залларда, магазин ойналарида қўйилган «Бугунги Ўзбекистон» фото витриналарини одамлар ўраб олишарди. Эфирда қозоқ ва тожик куйлари, ўзбек яллалари янграганда, радио карнайлари остида халқ уймалашиб қоларди. Польша газета ва журналлари ҳам бу маданият кунларини кенг ёритиб турди.

Ҳамроҳим композитор Икром Акбаров билан бизнинг вазифамиз ўзбек адабиёти ва музыкаси ҳақида лекция, суҳбатлар ўтказиш эди. Биз «Волга» машинасида Польшанинг шимолидан жанубига қадар ям-яшил ўрмонзорлар, зилол сувли кўллар, дарёлар ёқалаб ўтган кафтдай текис йўллардан ўнга яқин шаҳарга бордик. Ҳамма ерда бизни яқин биродарлардай кутиб олишди. Боришимиз билан суҳбат бошланиб кетарди. Биз, тингловчилар толиқмасин деган андиша билан суҳбатни қисқартиришга ҳаракат қилсак, мезбонлар чўзишга интилишарди. Биринчи октябрь якшанба кuni биз шимолдаги Кошалин области марказида бўлдик. Дам олиш кuni бўлишига қарамай, уч ерда учрашув бўлиб, буларга юзлаб кишилар тўпланди. Тўпланган эркак-аёллар ва ёшларни ўзбек адабиёти ва музыкасининг кўп асрлик тарихига доир ҳамма маълумот қизиқтирарди. Классик поэзиямизнинг ҳозирги шоирларимиз ижодига таъсиридан тортиб Ҳамза ва Садриддин Айнийнинг ўзбек совет адабиётини яратишдаги хизматлари ва адабиётимиздаги замонавийлик масаласига, халқ музыкасидан фойдаланишдан тортиб сўнгги вақтларда яратилган операларимизгача... Суҳбатларимиз ўзбек музыкасидан пластинкада намуналар эшиттириш, фильмлар кўрсатиш билан тугарди.

Поляк дўстларимизни санъат ва адабиётимизгина қизиқтириб қолмади, улар республикамиз саноатининг тараққиёти, «оқ олтин» етиштиришдаги ютуқларимиз, Турсуной

Охунова каби азамат хотия-қизларимизнинг коммунизм қуришдаги фидокорликлари ва бошқа янгиларни кўпроқ билиб олишга интилишди.

Уз навбатида поляк қардошлар

ҳам янги, осойишта турмуш қуришдаги ютуқ ва тажрибаларини бизга саҳийлик билан кўрсатишди.

Мана, социализм баҳори кун сайин куртак ёзиб, гуркираётган ўлка ҳаётидан айрим лавҳалар...

Шопен юраги

Экскурсовод аёл бизни Лазенка паркига олиб борди. Қадимий боғ-кўл. Варшаванинг энг сўлим истирожатгоҳи. Боғнинг ўрта еридан юракка яқин музика садоси янграб туради. Айтишларича, ёзин-қишин бу ердан одам ва музика аримас экан. Етмиш гектар майдонни эгаллаб ётган улкан паркда ҳамиша баҳор: ҳар чинорларки, кўк билан ўпишгудай, мажнунтоллар сувга салом бериб ётибди. Пальма, арғувон, олча, клён, терак, арчалар йил бўйи кўм-кўк. Дарахтзор ва кўллар паррандаю-чаррандининг макони.

Экскурсовод боғнинг чеккароғига жойлашган қаср олдидаги суворий ҳайкалини кўрсатиб, бу поляк миллий қаҳрамонларидан Иосиф Понятовский, деб тушунтиради. Иосифнинг амакиси — бундан икки юз йил бурун шу паркни қурдирган қирол Понятовский санъат ишқибози бўлган экан. Табиий кўлнинг ўртасига ғарб ва шарқ архитектурасининг омуктасидан иборат ажиб сарой ва театр қурдирган, қабул маросимлари ва базмларни шу ерда ўтказган. Ҳозир бу антиқа томошахона халқнинг кўнгил очар жойига айланган.

Айниқса боғнинг марказидаги катта чорси ҳовуз гавжум эди. Ҳовуз тўрида буюк бир зотнинг ҳайкали. Таниш. Бутун сиймосидан нур ёрилган, кўзларида зўр бир умид, интилиш ва илҳом порлаб турибди. Ҳайкал теграси гулзор. Ҳаво очиқ. Скамейкаларда кекса эркак-аёллар ўйга чўмиб, ёш-яланглар чақчақлашиб ўтиришибди. Ҳамманинг диққати ҳайкал остига қатор терилиб олган музикачиларда. Биров скрипкани кифтига қисиб, биров роялда куйлар ижро этмоқда. Томошабин кўпайиб боради. Куй-

лар чапак билан алмашиниб туради. Бу садолар, зангор кўл сувини жиллатиб эсаётган шабадада боғнинг ҳар ёғига — дарахтзорлар, хиёбонларга таралади.

Биз бу томоша маросимининг боиси нимада эканига тушунолмаётурардик.

— Бу Шопен соати, — деб тушунтира кетди экскурсовод аёл. — Шопен мухлислари Шопен ҳайкали остида тўпланиб музикали эслаш ўтказадилар, ёш музикачилар ўз ижодларидан устозга гўё имтиҳон берадилар. Ҳар якшанба шу соатда... Қачон, ким одат қилган буни дейсизми? Халқнинг ўзи, ҳайкал қурилгандан бошлаб...

— Ҳайкал қачон қурилган?

— Бу ҳайкал 1926 йилда... Биринчи ҳайкал эса 1897 йилда қурилган, Фридерик Шопен ўлгандан сўнг роса қирқ беш йил ўтгач. Ушанда ҳам рус бастакори Милий Алексеевич Балакирев ташаббуси билан. Гап шундаки, Шопенни халқ қанчалик севмасин, ҳукмдорлар шунчалик кўролмасдилар. Бу улуғ композитор поляк халқининг орзу-армонларини куйлаган, халқ ҳаёти ва курашларини ижодида акс эттирган эди. Полякнинг чин фарзандига руснинг чин фарзанди ихлос қўйди, унинг қоронғи замонда Европага ёруғлик нурини сочган асарларини ўрганиб, халқ орасига ёйди, бу билан кифояланмай унинг хотирасини абадийлаш устида қайғирди. Ҳукмдорлар солган говни енгиб, Шопенга ҳайкал қуриш ҳаракатини бошлади ва амалга оширди.

Паркдаги янги ҳайкалнинг тақдири оғир бўлди. Герман фашистлари ҳукмронлик қилган йилларда вайрон бўлди. (Фашистлар Нико-

лай Коперник, Адам Мицкевич каби улуғ одамларнинг ҳайкалини ҳам буздилар. Ҳатто халқ архитектурасининг гўзал намуналари бўлиб қолган Варшавадаги ўнларча черков бинолари ҳам теп-текис бўлди. Фақат черков биноларининг пошшахоми ҳисобланган улкан Святой Ян омон қолди. (Чунки, бу фашистларга отхона хизматини ўтади...)

Фашистлар Шопен ҳайкалинигина эмас, халқ дилига чуқур жо бўлган Шопен асарларини ҳам йўқотмоқ истадилар. Аммо бу зўрлик ва хўрлик узоққа бормади. Озодлик кунлари желиши билан поляк халқи ўз буюк ўғлининг хотирасини қайтадан тиклашга киришди. Ҳайкалнинг автори Вацлав Шмановский анча аввал вафот этган бўлса-да, унинг эски эскиз ва расмларига қараб ҳайкални асли ҳолига келтиришди...

Польшада Шопен номи билан нимаики боғланган бўлса бари азиз.

Мана, Варшаванинг серқатнов кўчасидаги кўркам бинолардан бири. Утган-кетган бир кирмай ўтолмайди. Кишиларни мафтун этган нарса бинонинг классик ўймакорлик наҳқлари, ғоят бой безакларигина деб ўйланган. Бинода бир бронза гумбаз борки, бунда яширинган юрак зўр магнит бўлиб кишилар қалбини ўзига тортиб туради... Чиндан ҳам бу қабрда Шопеннинг юраги ётади. Шопен Польшада туғилиб ўсган бўлса-да, умрининг охириги йилларини чет элда ўтказган ва Парижда вафот этган. Унинг ўз васиятига кўра, юрагини ватанига келтириб дафн этишган...

Биз шаҳар сайридан қайтаётганимизда кеч кириб қолган, оромбахш куйлар хонадонларнинг форточкалари оша, мағрур янграр эди. Бу куйлар орасида Шопеннинг дилрабо сонаталаридан тортиб латиф «Подмосковные вечера»гача янграр, гоҳо бу куйлар қўшилишиб, икки дўст халқнинг юраклари бирибирига қовушгандай туюларди..

Ўлиб тирилган шаҳар

Серҳаракат ва сершовқин Варшавадан сўнг Болтиқ денгизи қирғоғига қилган сафаримиз кўп оромбахш бўлди.

Колобжег. Кошалин областининг ўрмонлар ва кўллар ичидаги шаҳри. Чиройли, кафтдай текис кўчалари, аксари ёғочдан қурилган уйлари яп-янги. Ҳавоси мусаффо ва майин. Унгу сўлни қуршаган ям-яшил арчалар, қарағайлар, момиқдай оқ тўшли қайинларда хилма-хил қушлар, малла тус олмахонлар шохдан-шоҳга сакраб ўйнамоқда. Шулар сабаблими, кўзимизга бу шаҳарча жуда ёш кўриниб кетди.

Аммо тахминимиз бошқача бўлиб чиқди. Аслида бу жуда қадимий шаҳар экан. Шаҳар ижроия комитетининг раиси Антони Бадовский биз билан бирга шаҳар айланар экан, деди:

— Колобжегининг ёши Варшавага тенг келади. Олтмиш учинчи

йилда минг йиллигини байрам қиламиз. Кекса шаҳарнинг кўзингизга бу қадар ёш кўриниши бежиз эмас. Уруш вақтида энг қаттиқ вайрон бўлган шаҳарлардан бири эди.

Мезбон бизни денгиз қирғоғидаги маёқ томон бошлаб, бир боққа олиб кирди. Ғоят шинам, қалин яшил чечаклар ўсган боғ. Дарвозаси тепасида: «Дўстлик боғи» деган сўзларга кўзимиз тушди.

Маёқ остидаги баланд ерга чиқамиз, бунда салобат ва улуғворлик касб этган ўнларча қабр бор. Баҳоргидай қарқара гулларга кўмилиб ётган қабрлар устида узун мрамар тошлар ўрнатилғиқ. Тошлардаги ёзувларда эса, поляк хам рус жангчиларининг номларини аралаш ўқиймиз. Гўё фахрий қоровулдай қабрлар тепасида сокин юксалган улкан маёқнинг бир ёғига поляк, бир ёғига совет герби нақшланган, икки тилда йярик

бўртма ҳарфлар билан шу сўзлар ёзилган:

«Советлар Иттифоқи ва демократик Польша озодлиги ҳам мустақиллиги учун фашистлар Германияси билан курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий хотира...»

— Фашист қузғунларнинг сўнги галаси қирқ бешинчи йил март ойи худди шу ерда денгизга улоқтириб ташланган эди,— деб ҳикоя қилади Антоний Бадовский.

Кимдир ундан, бу хотира сўзларининг маёқ тепасига ёзилиши сабабини сўраган эди, у:

— Чунки бу сўзларни тунда ҳам маёқ нури узоқларгача ёритиб туради,— деб жавоб берди ва яна шаҳар таърифига кўчди.— Мана ўн олти йил бўлди, уруш жароҳатларини битириб, шаҳаримизни янгидан тиклаш йўлида кўп меҳнат қиляпмиз. Уни ҳозир курорт-санаторийлар шаҳрига айлантиряпмиз. Сўнги йилларда икки минг янги турар жой, бир минг уч юз ўринлик санаторий қурилди. Яқин йил-

ларда санаторийларимиз тўққиз минг кишига хизмат қилади. Дунёдаги энг роҳатижон шифохоналардан бири шу ерда қурилиб, йил бўйи ишлайдиган иссиқ сувли ҳовузи-ю, иссиқ пляжигача бўлади...

Биз шаҳарчанинг ҳавозаларга тўлган қурилиш участкасининг кўринарли ерида узун алвонга ёзилган: «Бир минг мактаб учун!» деган шиорни учратдик. Буни бизга шундай деб тушунтиришди:

— Польша ҳукумати 1961—1965 йилларга мўлжалланган беш йиллик халқ хўжалиги планида бир мингта янги типдаги мактаб қуришни ҳам кўзда тутган. Шулардан биттаси бизнинг шаҳарда қурилади. Бу мактаб, болаларга билим билан бир қаторда ҳунар ўргатиш учун қулай қилиб қурилади, болаларимиз яйраб қолишади.

Урушда энг кўп алғов-далғов бўлган шаҳар, ҳозир энг тинч-осойишта шаҳар бўлиб қолибди. Шунинг учун аҳоли Колобжегни ўлиб тирилган шаҳар, деб аташи бежиз эмас экан...

Афсонага айланган қиз

... Қизгинанинг оти ҳам, зоти ҳам номаълум. Аммо йигирма йилча бўлдики, одамларнинг тилидан тушмайди. Доим сиймоси кўз олдимизда сўнмас юлдуздай порлаб туради. Мен ҳар гал шу йўлдан ўтганимда ҳаяжонга тушаман...

Шимолдан жанубга қилинган сафардаги ҳамроҳимиз Ирина бир энтикиб олди-да, «Волга»нинг ойнасини очиб юборди. Гурр этиб соф ҳаво кирди. Димоғни чоғ этувчи ўрмон шовиллаши, қушлар сайраши эшитилди. Теварак манзараси бениҳоя сўлим эди: кафтдай текис, лекин ўрмон ва кўллар ёқалаб илон изи бўлиб кетган йўллар, тепада дарахт шохлари эгилишиб ишком ҳосил қилибди. Унларча чақиримга чўзилган бу туташ ишкомлар йўлни ёзда офтоб тигидан, қишда ёмғир-қордан сақлаб туради. Гоҳ ўнг, гоҳ чапдаги кўллар ёқалаб хиёбонлар кетган. Бу хиё-

бонлар ўрмон ичидаги қишлоқлар ва шифохоналарга олиб боради.

Ирина, жасур қиз ҳикоясини узиб, бу жойларнинг таърифини қилди. Мамлакатнинг ғарби-шимолидаги бу жойлар азбаройи ўз табиатининг шинамлиги, бойлиги-га кўра «Польша швейцарияси» деб ном олган. Мана шундай яхши шифобахш жойларнинг ҳузурини илгариги вақтда келгинди фашистларгина кўрган.

Ирина «Волга»ни тўхтатиб, ўнг томондаги баланд тепаликка ишора қилди: тепаликдаги арчазор ичидан қуёш шуъласида жимир-жимир қилиб нақшдор, сержилва кўк бино кўринди.

— Қалай, чиройлими?

— Бўлмаса-чи!

— Илгари энг хунук... йўқ, энг шармандали жой шу эди!— дейди Ирина.

Унинг англишча, бу махсус

қаср бир вақтлар гитлерчиларнинг ишратхонаси («ҳарами») бўлган экан. Польша тупроғигагина эмас, бутун ер юзига «олий ирқ» наслини ҳоким қилишдек ёвуз, аммо таги пуч ният билан маст бўлган фашист корчалонлар «ҳарам»да не-не номаъқулчиликларни қилмаганлар, ўз ҳайвоний нафслари йўлида поляк халқининг не-не пок қизларини жувонмарг қилмаганлар!

— Кунлардан бир кун,— деб ҳикоясини давом эттиради Ирина,— ота-онасидан, элидан жудо қилинган шундай тутқин қизлардан бири ўзини ифлос «ҳарам»да кўради. Кўради-ю, даҳшатга тушади. Ҳақоратланишга йўл қўймайди. Қочиб кетиш учун қулай пайт кутади. Аммо ҳамма ёқ тақа-тақ, энди у ўзини йўқ қилиш пайига тушади. Қасрнинг икки томони кўл: бирида хилма-хил балиқлар сузишиб юради, бирида тимсоҳлар оғзини каппа-каппа очиб ўлжа кўзлайди. Булар «ҳарам» эгалари — одам қиё-

фасидаги ваҳшийлар учун кўнгил очар эрмак-томоша... Қиз қасрнинг иккинчи қаватида деразадан кўзлари жовдираб пастга аланглайди, шу кўллардан ўзига нажот кутади. Ниҳоят тун киради. Атрофни қуршаган ўрмон, кўлларнинг шовиллаши кучайиб, қиз қулоғига аллақандай бир сеҳрли кор-баддан хабар бергандай бўлади. Қиз жонидан умидини узади-да, вақт ғаниматда ўзини даразадан кўлга отади... Кўл қаттиқ чайқалиб, дарахтларда уйқуга кираётган қушлар уйғониб кетади. Тайёр ўлжага эга бўлган тимсоҳлар яйрашиб қолади. Шунда навқирон қиз қалбидан силқиб чиққан фарёдни ўрмон шалоласи қайларгадир олиб кетади...

Аммо қиз фожиаси тун қўйнида яшириниб қолмайди, ўз юртида қақшаб қолган севгани, ота-онасига ва элига ёйилади. Халқ тезда гитлерчилардан ўз жонажон фарзандининг хунини олади. Жасур қиз тилларда дoston бўлиб қолади...

Ўнчик дўстлар

Бу ёқимтой, кўк кўз боланинг оти Ян, аммо эркалаб Янек дейишаркан. Ерга урса кўкка сапчийдиган даражада шўх бўлиб, баъзан ўқитувчиларни безовта қилса-ямки, бари бир яхши кўришади. Чунки у ўқишдагина эмас, жамоат ишларида ҳам доим илғор, харцежи¹ ташкилотининг активларидан. Уни шундай деб мақташади:

— Янек қатнашмаса ҳаваскорлар тўғарагининг концерти қизимайди.

— Мактаб ҳунармандлик кабинетида Янек келмагунча иш юришмайди.

— Ўрмонга қўзиқорин терганими, қуён овлаганими борсалар Янек разведка бошлиғи.

Унинг меҳнатсеварлигини айтмайсиэми! Бобоси Владислав қишлоқ хўжалик кооперативида иш-

лайди. Унга Янек чаққон дастёр. Кўз келиб далада қанд лавлаги, картошка йиғими бошланди дегунча, Янек ўқишдан бўш вақтида далага чиқади, дам олиш куни бўлса ўртоқларини ҳам олиб боради. У от қўшилган картошка йиғиш машинаси кетидан тушади. Машина парраги ердан картошкаларни бодроқдай сочиб чиқараркан, Янек икки қулоқли корзинкасига картошкаларни чаққон-чаққон тўлдира боради. Кейин кўплашиб картошкаларни тўрт филдиракли аравага босишади. Янек чавандоздай аравага минади-ю, физиллатиб ҳайдаб кетади. Семиз, чопқир от Янекнинг жони-тани. Уни салт миниб тунлари ўрмонда совитиши, кўлда чўмилтириши, гоҳо эса бошқа ўртоқлари билан пойга қилишини кўрсангиз!..

Янекни мактабда машҳур қилган нарса буларгина эмас, яна бўлак сабаб бор. Бу унинг бобосига Самарқанддан келган хат...

¹ Польшада болалар ташкилоти шундай аталади.

Шошманг, бу воқеани бир чеккадан ҳикоя қилай.

Польшанинг бошқа шаҳар ва қишлоқларидаги каби, Шчециндаги мактабда ҳам янги тўгарак очилди. Бу «Кичик дўстлар» деб номланди. «Кичик дўстлар»нинг вазифаси Совет Иттифоқи ҳаётини ўрганиш, совет пионерлари билан маҳкам алоқа боғлаш эди. Тўгаракка қизиқиш кучайиб кетди. Юқори синфларгина эмас, қуйи синфлардан ҳам кўп бола бунга уюшди. Болалар газета ва журналларни титкилаб, Совет мамлакатига тегишли нимаики гап чиқса барини қирқиб олиша бошлади, фото суратлар-ку талаш бўлиб кетди. Шундан кейин мактаб директори: «Газета-журналлар йиртилмасин, улардан керакли материаллар кўчириб олинсин» деб буйруқ беришга мажбур бўлди.

— Поляк тилида босилганларини-ку кўчириб олишимиз мумкин. Рус тилида босилганларини-чи?

— Рус тилини яхшироқ, тезроқ ўрганиш керак!

Шундай қилиб, тўгаракнинг вазифаси анча кенгайиб кетди: рус тили дарсларига болалар алоҳида аҳамият берадиган, илморлар қолоқларга кўмаклашадиган, дарсдан ташқари машғулотлар ҳам уюштирадиган бўлишди. Рус тилига бағишлаб махсус йиғинлар ўтказилди — бунда русча савол-жавоблар қилишди, русча шеърлар ўқилди, рус қўшиқлари куйланди...

Польшада Ўрта Осиё республикаларининг маданият кунлари бўлади, деган хабар тарқалар экан, «Кичик дўстлар»да янги бир ташаббус турилди: «Мен Совет Ўзбекистони ҳақида нималар биламан?» деган темада конкурс ўтказишга қарор қилишди. Бу «теша тегмаган» таклиф аввал кимдан чиққан бўлса бўлсин, унга биринчи қўшилган бизнинг Янек бўлди. Ахир мактабдагилар ичида Ўзбекистонни яхши биладиган шу эди-да.

У ёғини сўрасангиз, Янекнинг бобоси Ўзбекистонда бўлган. Вақтинчалик меҳмон қатори эмас, роса уч

йил Самарқандда турган. Уруш вақти, Польша ўт ичида эди, хонавайрон бўлган аҳолидан бир қанчаси Ўзбекистонда бошпана топган эди. Шу жумладан Владислав бобо. У, Самарқандда қандай яшагани ва ишлагани, орттирган ёр-дўстлари ҳақида бир-икки марта Янекка ҳикоя қилиб берган эди. Янек бу ҳикояни жон деб тинглаган, бироқ яна қайталаб сўрашга юраги бетламай юрарди. Чунки Ўзбекистондан гап очилганда бобоси ҳаяжонга тушиб, кўзи жиққа ёшга тўларди. Уни кўриб Янекнинг ҳам юраги эзиларди.

Янек эндиликда бу тўғрида сўз очишга мажбур бўлиб қолди. Ҳамма ишда олдинда юрган, Ўзбекистонни билишда ҳам биринчи бўлиб ўртоқларини қойил қилмоқчи эди-да.

Кўпни кўрган, пешонасини қатқат ажин босган Владислав бобо оқ соқолини дағал бармоқлари билан тараб, хўрсинди-да, набирасига деди:

— Ўзбекистонни, самарқандлик оғайниларни ҳар қанча эсласам оз. Улар жонимизга ора кирган, бўлмаса ҳолимиз ҳароб эди. Ҳозирги бахтли кунларни кўрармидим-йўқми...

Янек бу сафар бобосини узоқ гапга солди. Бобосининг хотираларини бир бошдан дафтарига ёзиб борди. Бундан ташқари, бобосининг темир қутисида самарқандлик дўстларидан келган хатлар, сурат ва значоклар сақланарди. Буларни ҳам олди кўярда-қўймай.

Ана энди кўрибсизки, Янекдан кўра материалга бой, билагон бола йўқ. Конкурсда ҳам биринчиликни олди. Янекнинг Ўзбекистон ҳақида, худди у ерга бориб келган кишидай, аниқ-таниқ қилиб гапириши ҳамманинг ҳавасини келтирган эди. Янек унақа қизғанчиқ болалардан эмас, қўлидаги маълумотлар билан қизиққанларни истаганларича таништиради, эшитган-билганларини ўртоқлашади. Ҳатто «Самарқанд» значогини навбати билан тақиб юришга ҳам берди. Янек ано-

Йимас-да, бу сахийлиги эвазига ўртоқларини бир кун далага олиб бориб хўп ишлатди.

... Чиндан, кичик поляк граждандарларида республикамиз ҳаётига қизиқиш зўрлигини биз ўз кўзимиз билан кўрдик. Янги қурилган дангиллама, чиройли мактабларда улар билан учрашдик. Республикамиздаги янгиликлардан айтиб берганимизда, улар жуда хурсанд бўлишди. Ўзбек болаларининг ўқишлари, пионер ишлари, дўстликлари ва катталар ишига ёрдамлари ҳақида кўпроқ нарса билмоқчи бўлиб, биз-

ни саволларга кўмиб ташлашди. Биз уларга:

— Ўзбек болалари билан хат ёзишиб турсангиз, бир-бирингиздан кўп нарса ўрганиб олардингиз,— деб маслаҳат берган эдик. Улар мамнун бўлишиб:

— Ҳозирча бизнинг садомларимизни элтинг, кетидан хатимив ҳам бориб қолади,— дейишди.

Польшалик кичик дўстларнинг хатлари қайси бир омади желган мактаб болаларимизга келиб тегди экан!..

Ўтда тобланган куйлар

Бидгош бахтли шаҳар, дейишади.

Бунинг сабаби, қишин-ёзин ҳайқириб оқаётган Брда дарёсининг гўзал қирғоқларида жойлашгани, табиати ва архитектурасининг оригиналликдами, турли ҳунармандчилик корхоналари ва туз конларига бой, ғалла ва чорваси маҳсулдор вилоятнинг маркази эканлигидами, ёнги жаҳонга машҳур олим Коперникнинг ватани бўлганлигиданми?

— Аввало бунинг сабаби урушда кам жароҳатлангани,— деб тушунтиришди бизга. Кам жароҳатлангани қанча, десак, ярмидан озроғи, дейишди. Шунинг учун ҳам бу бахтли шаҳар қаддини ботроқ ростлаб олибди. Шаҳарнинг чор атрофидан яққол кўринадиган Овозлик чўққиси аталмиш кўкаламзор тепаликдаги Ўртоқлар мазори ҳам бошқа шаҳарлардагидан кичикроқ экан..

Бидгошни, бидгошликларни таниган нарсалардан бири унинг санъати десак янглишмаймиз. Ҳақиқатан мамлакатнинг энг машҳур филармонияси шу ерда.

Бизни филармония билан таништирадилар. Ҳозирги замон театр бинокорлигининг ғоят нафис, гўзал намунаси. 900 ўринли катта зал. 250 ўринли кичик зал, бежирим зангори мебеллар. Деворлари асл ёғочдан шу қадар дўндириб ишланбди ва кўринмайдиган қилиб радиолаштирилибдики, кенг залнинг

олди-кетига овоз бир хилда тингланади. Архитектураси, акустика ва ҳавоси бир-бирига шундай маҳорат билан уйғунлаштирилганки, катта хор ва 90 кишилик симфоник оркестр концерт берганда ажойиб бир поэзия асари сингари кишида яхлит, ёрқин таассурот қолдиради. Бундан тўрт йилча бурун очилган филармония тезда шўҳрат топган. Филармонияга узоқ-узоқ жойлардан санъат ишқибозлари келиб туришади. Чет эллардан (Болгария, Швейцария, Япония, Совет Иттифоқидан) ҳам атоқли дирижёрлар ўз оркестрлари билан келиб концерт беришади.

Композитор дўстим Икром Акбаров филармониянинг яратилиш тарихига қизиқиб кетди.

— Филармониямиз жамоатнинг ташаббуси ва кучи билан бунёдга келди,— деди филармония директори Анджей Швальбе. Бу қисқа жавоб суҳбатдошини қаноатлантирмаганини сезиб, у қўшиб қўйди.— Тарихи анча узоқ..

...Қирғин йиллари. Очарчилик. Гитлерчилар этигининг нағали ҳамма ёқни топтаган, ўлим шарпаси эрта-кеч из қувган, кишилар юрак дардини куйда тугул, сўзда бир-бировига ифодалашни хатарли бўлган ўша даҳшатли кунлар... Ҳа, босқинчилар бегуноҳ поляк халқини фақат бошпаданан, нондангина эмас, балки она тилидан, юрак созидан ҳам маҳрум қилиб қўймоқчи бўлди. Қис-

ман эришди ҳам бунга. Золим дастидан уйларда, кўчаларда ва аҳён-аҳён ўтадиган йиғинлар-у, бот-бот учрайдиган таъзияларда ҳам миллий куй янграмайдиган бўлиб қолди. Поляк халқи азалдан севган, қони ва жонига сингиб кетган қалб куйларини унутмади-ю, вақтинча ичига ютди. Қўшиқни қўмсаганлар хилватгоҳларда, уйларнинг қоронғи ертўлаларида йиғилишадиган бўлди. Ана шу йўсинда уруш йиллари яширин хор, музыка тўгараклари вужудга келди. Бу тўгараклар миллий санъат дурдоналарини эҳтиёт билан асраб, не-не хавф-хатарлардан омон олиб ўтдилар. Ватан кўкида Озодлик машъали балқиди, ўтда тобланган куйлар ҳам ёруғликка чиқиб, эркин янграй бошлади.

— Уша яширин тўгараклардан кейинчалик йирик шаҳар труппаси майдонга келди, бу труппа тараққий қила бориб филармонияга замин бўлди. Филармония биносининг проектини тузишга архитекторлар ўз ихтиёрлари билан киришдилар, проектга ва бино қуришга сарфланган маблағнинг бир қисмини аҳоли йиғиб берди. Ана шунинг учун ҳам халқ фахр билан «Бизнинг филармония» дейди.

— Кечирасиз, сизнинг асли касбингиз нима?— деди Икромжон, бошда чала қолган саволга қайтиб.

Анджей Швальбе сал ийманиб тургандан сўнг:

— Юрист,— деди.

— Биз қатори музикант ҳам,— деди ёнидаги дирижёр йигит.

Мяълум бўлишича, Швальбе илгари бир идорада хизмат қилиб юриб, шаҳардаги музыка труппасига ҳам қатнашган. Филармония қу-

риш ташаббусини бошлаган активлардан бири бўлган. Қурилишга маблағ тўплаш ва одамлар жалб этишда жонбозлик кўрсатгандан кейин, кўпчиликнинг тавсияси билан директор қилиб кўтарилган. Швальбе фақат юрист ва музикачи эмас, инженерликка ҳам қобилияти бор экан. Қурилиш вақтида эрта-кеч бинокорлар ёнида бўлгани, қурилиш материаллари танлашда шахсан аралашгани, ҳар бир ишнинг пишиқ-пухта чиқишини назорат қилиб, усталарнинг ҳам жиғига теканини шериклари кулиб эслашади.

Биз Анджей Швальбедан, ҳозир ҳам музика чалиб турасизми, деб сўрадик.

— Аввало вақт йўқ. Ундан кейин, бунақа катта профессионал оркестрда чалиб халққа манзур қилиш учун алоҳида талаит керак,— дейди у камтарона. Кейин бизга филармония репертуарининг тематикаси ва характерини таништирди:— Сўнгги вақтда филармониямиз репертуари янги ҳаёт мотивларини акс эттирувчи мазмундор куйлар билан бойиб бормоқда. Янги программада қардош социалистик мамлакатларнинг музыка намуналари ҳам ўрин олган. Маданият кунларида бўлса Урта Осиё халқлари куйларига қизиқиш ортди. Репертуаримизга ўзбек куйларидан ҳам киритсак кўп яхши иш бўларди, шунга ёрдам берсангиз,— деб Икром Акбаровдан илтимос қилиб қолди.

Илгари уруш ва жудолик аламларидан нола қилган Бидгош санъаткорлари энди тинч, озод ҳаёт нашталарини, дўстлик, қардошлик тароналарини куйламоқдалар...

Ҳ а й к а л

Мен, қўлсиз ҳайкалтарош Михални жанубдаги Закопане тоғ райони-га борганимизда учратдим...

Йирик курортлар жойлашган ва қишда бутун жаҳон чанги спорт мусобақалари ўтказиладиган бу ажойиб Татра тоғлари пиллапоядай юксала бориб, Карпатга туташиб ке-

тади. Куз ойлари бу ерларнинг иқлими жуда жондон бўлиб, мўл-кўл қуёш ва кўкламгидай шабадаси танга ором беради.

Бизда икки хил таассурот аралашиб кетди, тоғларни сидирга қоплаб ётган арча, қарағайлар, пастибаланд бўлиб маржондай тизилган

чиroyли нақшдор ёғоч уйлар Евро-пага хос манзарани эслатиб турса, ёнбағирлардаги гиламдай майсаларда дингиллашган оқ ва малла ранг думли қўй-қўзичоқларнинг бағбуғи, харсанг тошлар орасидан сойга оқиб тушаётган ирмоқларнинг жилдир-жилдири, чўққилар ўртасидаги лиммо-лим кўллари, олмазор ва олчазорларнинг сероблиги ўз қуёшли ўлкамиз табиатини эсга тушириб юборади.

Хулласи, Польша саёҳатида кўрганимиз гўзал жойларнинг энг сараси шу ер десак бўлади. Эски шоирлардан бири Татра тоғларини «Польша тожининг жигаси» деб таърифлаган экан, янглишмабди...

Бизни тоғ орасидаги Поронино қишлоқчасига олиб бориб, улуғ Ленин яшаган уйни ва Ленин музейини кўрсатдилар. 1913—1914 йилларда Ленин Краково шаҳрида туриб, ёз ойларини бу қишлоқчада ўтказган, кўримсизгина ёғоч уйда квартирант бўлган. Уша вақтлар Владимир Ильич билан қўшни бўлган тоғлик қариялар, Лениннинг камтарлиги, кишиларга меҳрибонлиги ва оддий деҳқонлар билан дўстона алоқада бўлганини муҳаббат билан эслайдилар. Лениннинг яхшиликларига қишлоқдагилар ҳам яхшилик билан жавоб берганлар. Жаҳон уруши бошланганда Ленин ёлғон чақув билан қамоққа тушиб қолади. Шунда бу ердагилар уни қамоқдан қутқариш учун қаттиқ курашадилар ва қутқарадилар. Айниқса, шу қишлоқлик машҳур шоир Ян Каспарович бу ишда катта жонбозлик кўрсатади. Ян Каспаровичнинг Ленин билан ўша йиллар бошланган дўстлиги умрининг охиригача давом этади. Ўз васиятига кўра, Каспаровичнинг қабри ҳам худди Ленин билан бирга юрган ерига — муқаддас зиёратгоҳга қўйилган...

Биз зиёратгоҳдан чиқиб келмоқда эдик. Бугун яқшанба бўлгани учун, тоғликлар ҳам ўз одатларича байрам либосларида тоғ бағрига ёйилишмоқда. Эрталабданоқ сайрга чиққан ёшлар гармонь чалиб, қўшиқ

айтиб юришибди. Чаккасига гул таққан шўх йигитлар олабайроқ кўйлаклик қизларни рақсга тортишмоқда. Оппоқ қўй юнгидан тўқилган, олдига парча-парча кашта тикилган узун шимлик кишилар ёш-ялангнинг ўйинини томоша қилишмоқда. Кўпларининг кўлларидаси дастаси гажак кунгирадор ҳасса, лабларидаси жимжима муштук, япасқи шляпаларининг ҳошиясига эса уқпар қадаринг.

Ана шу басавлат кишилардан бири — хушмўйлов кекса оқсоқланиб келиб биз билан қадрдонча саломлашди ва «Михал» деб чап қўлини узатди. Йўл-йўлакай ўзини танитди: у асли шаҳарлик бўлиб, бу қишлоққа кейин келиб қолган, ўймакор уста экан. Уруш вақти Ўрта Осиёда бўлиб, поляк ҳарбий қисмида хизмат қилган. Қисм билан фронтга кетиб, фашистларга қарши жангларда қатнашган. Сўнг яраланиб, «жаҳаннам»га тушган. «Жаҳаннам» деб Польша жанубида фашистлар очган Освинцим концентрацион лагерини айтаётган экан. Уруш йиллари тўрт миллионча одамнинг ёстиғини қуритган Освинцимда куни кеча кўриб келганимиз совуқ манзаралар кўз олдимиздан ўтди: гир атрофи қават-қават тикансим билан ўралган ва қотилликнинг даҳшатли изларини эслатиб турган қоронғи қамоқхоналар, молхонага ўхшаш зах бараклар, газхоналар, крематорийлар... Бу «жаҳаннам»дан Михал каби майиб-мажруҳ бўлса-да, бир амаллаб тирик чиққанлар камдан-кам...

Михал не-не азобларни кўриб қайтганда ўз шаҳарчасини танимай қолибди. Чунки фашистлар бу ишчилар шаҳарчасига ўт қўйган. Ярим хароба кулбалар ичидан Михал ўз уйини аранг топади. Шаҳарча аҳолисидан жуда оз киши, шу қатори Михал оиласи омон қолибди. Буларни қирилишдан совет солдатлари сақлаб қолибди.

— Мен ўз уйим, оиламни ҳалокатдан сақлаган солдатлар ким эканини билишга қизиқдим, кўп суриштирдим, — дейди Михал. — Ни-

ҳоят газеталардан уларнинг номи-ни, сўнг суратларини топдим. Булардан биттасининг номи таниш, портрет кўзимга иссиқроқ кўринди: хитой башара, ёноқлари чиққан, қийиқ қора кўзли, қайрилма қош йигит. Ҳйлаб-Ҳйлаб, кейин эсладим — Урта Осиё шаҳарларидан бирида кўрганман. Юрагим алланечук бўлиб кетди. Эҳ, одам тақдири! Қачондир фалакнинг гардиши айланиб узоқ элларга бориб, бировнинг нон-тузини татийман, вақти-ки келиб у ҳам менинг юртимга келади, менинг она тупроғимни, болачақамни ваҳшийлар чангалидан қутқаради, деб ҳеч Ҳйлаганмидима!.. Ҳозир унинг Ҳзи қайдайкин? Ҳаётмикин ё бошқаларнинг ҳаёти Ҳйлида қурбон бўлдимикин?..

— Бу шарқлик халоскор дўстим худди қон-қардошдай қалбимга чуқур Ҳрнашиб қолди. Юрсам-турсам кўз олдимда, ҳатто тушларимга кирадиган бўлди. Портретини энг қимматли нарсадай кўкрагимда сақладим, Ҳзимни унинг олдида бурчли

деб билдим. Қани энди эски ҳунаримни ишга солиб, унинг ҳайкалини ишласам дейман... Ҳа, касбим ёғочга вақш Ҳйиш эди-ю, унча-мунча ҳайкалга ҳам қўлим келарди. Энди-чи... Кошки қўлим бутун бўлса!.. Бутун юмуш чап қўлга юкланиб қолган эди. Киши болаликдан одатланган машғулотини қўмсайвераркан. Аста-секин куйманиб чап қўлни Ҳргата бошладим. Суратига қараб, дўстимнинг ҳайкалини тарашлашга тушдим... Бу тоғлик қишлоқда, агар зеҳн солган бўлсангиз, ёғоч Ҳймакорлиги кенг тарқалган. Ҳунарманд шерикларим кўп. Қийналсам ёрдам беришади. Дўстимнинг азиз сиймосини санъатда гавдалантира олсам, Ҳзимни бахтли ҳисоблардим. Қолган бутун умримни шунга сарф қилишга тайёрман!..

— Эй, озод элнинг жафокаш, меҳнатсевар кишиси, вафодор, инсоний дўстлик шаъни учун чекаётган ижодий машаққатингизда янги қувват ва ривож тилаймиз!..





Усмон ҚУЛДОШ

Учқундан аланга

Табиатда шундай қонун бор:
Учқунлардан ёнар аланга.
Зарраларнинг буюк бирлиги
Қуёш бўлиб порлар оламга.

Ирмоқлардан ўрганса бўлур
Шовқин солган дарёлар сирин.
Океанлар улуғлигида
Олам-олам қатра яширин.

Еримизнинг она бағрида
Қанча тоғлар, дарёлар мавжуд.
Кўкни ўпган буюк тоғлар ҳам
Қум зарраси билан бир вужуд.

Бирлашганлар ўзади, зотан,
Ажралганлар бўлғуси ҳалок.
Иттифоқнинг умридир боқий,
Нурдек равшан коллектив идрок.

Инсон ақлидан устун куч бўлмас!

Фазони забт этиш даври бошланди,
Уқинмай бўлурми бунга мадҳия!
Инсонки, фазода Ерни айланиб,
Айтилган жойинга яна қайтди-я!

Кеча-ку шу эди энг қайсар орзу,
Ҳеч тутқич бермасди, нурдек югуриб.
Бугун у қармоққа тушган балиқдек
Ҳарсиллаб ётибди, думини уриб!

Ҳой, сизлар, орзулар, кўп мағрур бўлманг,
Сизлардай гўзалдир ҳақиқат боғи.
Минг чопинг, югуринг, юз жилва қилманг
Бир кунни ушлайди ақл қармоғи!

Ёз

Табиатнинг ажиб фасли — ёз,
Қуёш ёнар, осмон беғубор.
Саратоним, сен бунчалар соз,
Меҳнат билан яна сервиқор!

Бутун водий гўё дош қозон,
Пазанда халқ тобини билар.
Нима пишиб, нима қайнар-у,
Нимаси гўр, нима етилар.

Ишкомларда узум қош қоқар,
Олма кулар — юзида пардоз.
Шафтолихон қаймоқдек ёқар,
Нақ чойнакдек бўлибди пиёз!

Алвон тўнин кийиниб қовун,
Банд узибди шарбатга тўлиб,

Андижон.

Ҳў, тарвузни қаранг — қўзивой.
Ағанабди гумбаздай бўлиб.

Барчасини санайберсаж-чи,
Беҳисобдир ёзнинг неъматини.
Пахтазорга ўтиб қолибмиз,
Яшнар халқнинг асил меҳнатини:

«Шонли гўзам, гўзал келинчак,
Қуёвга гул тутиб турибсиз!
Бўйнингизда кўсак-тақинчоқ,
Билдим, олтин ютиб турибсиз!»

Майли, бўлсин тўйингиз кузда,
Мен ҳам ҳозир ишлов берайин.
Ваъдам қатъий, шубҳам йўқ сизда,
Кузда мўл-кўл олтин терайин!»



Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА

Байроқ қилиб кўтар нафратинг

«Англиялик аёл Ада Каммингс
саққизинчи фарзандини квартира
учун сотмоқчи».

(Газета хабарларидан).

Учқунланди олов кўзимда,
Вужудимни ёндирди қаҳр.
Изтиробга тушдим бир зумда,
Дил ўртанмай турарми ахир?

Ким воз кечиб ўз фарзандидан,
Дея олур: бўл мендан ёйроқ?!

Ким воз кечиб жигарбандидан
Ўзи солар қалбига фироқ?!

Йўқ, мумкинмас бу,
Ахир, она
Кўради-ку ўзин фарзандда.
Шу юпанчи, юрак парчаси
Ҳаётдан ширин, арзанда.

Кўзларимга ишонмай ўзим,
Газетага тикилдим яна.
«Сотмоқчи бу аёл ўз қизин,
Керак экан унга бошпана».

Тикилдим суратдан сўрдим,
«Қани сенинг оналик меҳринг?»
Ва муштипар юзида кўрдим
Ажин — алам, уқубат муҳрин.

Ана саккиз қоқсуяк тана,
Ботиқ кўзлар нон деб жовдирар.
Алам, ситам — тўлқин, пўртана,
Унда қолиб, она довдирар.

Дейди гўё суратдан она:
«Сўнгги чора... қанча иложим.
Мажбурдирман... бағрим қон,
пора...
Езолмайман, қисқа қулочим»...

Йўқ, йўқ, она! Сотма фарзандинг,
Ўзни ўтга отишлар етар!
Сафга қўшил,
Алам, нафратинг
Байроқ қилиб, мардона кўтар!

Кўнгил ипи

Кўнгил ипи нозик, дейдилар,
Узиш осон, уламоқ мушкул.
Дил томон йўл топай десанг гар
Яхши сўзлар кўйига тушгил.

* * *

Кунгабоқар қуёшга ошиқ,
У ҳам этар кўз нурин тортиқ.

Кўнар бўлса болари гулга,
Бол тутар гул бағрига тортиб.
Сой бош қўйса тол оёвига,
Эгилади қошига тол ҳам.
Шоир ёнса шеър ишқида,
Илҳом бўлар қалбига малҳам.

Ўлкамнинг бир лавҳаси

Боққанмисиз баҳор тонгида
Теракларнинг ҳуснига бир бор?
Мендай узоқ туриб тагида,
Атаб уни келинчак — дилдор,
Боққанмисиз баҳор тонгида?

Бўлганмисиз жилвасидан маст,
Ҳар баргида ёнаркан қуёш.
Қаршингизда битмас-туганмас —
Эҳтиром-ла эгар экан бош,
Бўлганмисиз ишвасидан маст?

Мунча ширин япроқлар базми,
Шитирлашлар эмасми хониш?
Уйнашади шўх чертиб созини,
Ҳар муқомда олмос товланиш.
Мунча ширин япроқлар базми.

О, шунчалар оромбахш; гўзал,
Ўлкамдаги биргина лавҳа.
Кўринг бутун борлиқ — куй, ғазал,
Ҳаммасига шодлик сарлавҳа,
О, қанчалар оромбахш, гўзал...

Тошкент.



Мақсим КАРИМОВ

Куйлаганим сен!

Диёрим,
 Ошиқман табассумингга!
 Ҳуснингга маҳлиё хаёлчан бу кўз.
 Қайноқ нафасингга,
 Қуёш меҳрингга —
 Туну кун излайман бир муносиб сўз...
 Яна тонгни кутдим
 Уйқусиз.
 Бедор...
 Яна танлаганим,
 Уйлаганим — сен!
 Гарчи қўшиқ бўлдинг такрор ва такрор —
 Жонажон Ватаним,
 Куйлаганим — сен...

Томчилар

Баҳор қуёшига тан бергач ёмғир,
 Шаффоф ҳуснингизга тикилдим қониб,
 Мўлтираб турибсиз япроқ кафтида
 Биллурдек товланиб,
 Чўғ бўлиб ёниб...
 Томчилар,
 Қандай сир сингибди сизга?
 Минг ранг товланасиз, гўёки маржон.
 Ёқутми акс этган юзларингизда?..
 Нозли жилвангизга табиат ҳайрон.
 Биламан,
 Ҳаётбахш ҳарорат билан —
 Митти қалбингизга қўнибди қуёш.
 Сиз кўзгу бўлибсиз
 У заррин нурдан —
 Сизга бахш этибди қучоқ ва қучоқ...
 Қошқи, шеърларим ҳам жажжи қалбига —
 Бир қуёш сиғдирса,

Бўлолса кўзгу!..
 Кошки шеърларим ҳам худди сиз каби
 Нур билан чақнаса —
 Яшардим мангу!

* * *

Кўйлаги ўрикнинг гулидек оқ, қиз,
 Нечун юрагимга кирдинг сўроқсиз?..
 Нечун қош остидан термилиб бир зум —
 Ҳадя этиб ўтдинг қизгин табассум?
 Нурдай кириб келдинг орзум, ўйимга,
 Дурдай кириб келдинг шеърим, куйимга.
 Кўйлаги ўрикнинг гулидек оқ, қиз,
 Нечун юрагимга кирдинг сўроқсиз?..
 Бухоро.



Ҳабиб САЪДУЛЛАЕВ

Тонгда

I

Тун қора пардасин кўтарган палла-
 Ҳарир либосини ёпинганда тонг,
 Мойли жомакорин кийган ишчилар
 Дарёдай оқишар заводга томон.
 Шулар тўлқинида бир қатра каби,
 Мени ҳам қаршилар завод кучоғи.
 Ҳа, шунда иш жойим, нону насибам,
 Шунда менинг учун илҳом булоғи.
 Темир-терсақларнинг шовқин-сурони
 Ҳофиз қўшиғидай қулоққа яқин.
 Бунда ишлаб тозган бир парча ноним —
 Онам сути каби ҳалол-пок ҳаққим.
 Бойлик истамайман, шуҳрат керакмас,
 Ватаним—бойлигим, шуҳратим—халқим,
 Шулар меҳри билан оламан нафас,
 Шулар меҳри билан қайноқдир қалбим.

Шу меҳр чорлайди ҳар тонг заводга,
 Эл-юртим хизматин бажармоқ аҳдим.
 Шу меҳр ўргатган эркин ижодга,
 Шу меҳр борлигим,
 шу меҳр — бахтим.

II

Ҳар кун курраида отар экан тонг
 Кўнглимда туғилар ажойиб туйғу.
 Мен завқ-ла шопман заводим томон,
 Аммо, иш тополмай сарсонлар бор-ку.
 Мамлақати қарам, эллари мазлум,
 Меҳнати қадрсиз бечоралар бор.
 Қуллик занжирига этилиб маҳкум,
 Кўз ёши юл бўлган дилпоралар бор.
 Уларни ҳар тонгда қаршилар жафо,
 Қаршилар минг ситам, қаршилар очлик.
 Бахт уларга ўзин кўрмагай раво,
 Ҳар кун ҳамроҳлари бўлар муҳтожлик.
 Куррада бир маҳал отар экан тонг,
 Қуёш сочар экан нурин баробар,
 Истардим: шу нурин эмгандай жаҳон,
 Бахту эрк нурин ҳам тенг эмса эллар!

Шунинг ўзи бас!

Гитлерчи қузғунлар халқим бахтига—
 Чангал солганида бешикда эдим.
 Тўймадим отанинг муҳаббатига,
 Таниб улгурмадим, ҳаттоки: у ким?

Отажон, бахтимни сақламоқ учун
 Оталар қатори қилиб кўкс қалқон,
 Ёвдан олиб, маъсум гўдаклар ўчин —
 Жангларда мардона Сиз берибсиз жон.

Қардошлар, қўшнилари йигит ёшимни
 Сизга ўхшатишар — бу катта шараф.
 Партиям улғайтди силаб бошимни,
 Мен ҳар бир юмушда элимга ҳамсаф.

Тирик ёдгорингиз — бир ўғлингизман,
 Ҳаётда ўрнингиз босмоқлик орзум.
 Юртга садоқатни ўрганиб Сиздан,
 Ишчи бўла олдим касбидан мамнун.

Коммунизм қурмоқ мақсади бўлган —
 Миллионлар сафида кичик ўрним бор.
 Эганимда, шу — Сиздан мерос жомакор —
 Дил завққа, билагим қувватга тўлган.

Жаҳонга кетмасин майли, шуҳратим,
 Асло дабдабани қилмайман ҳавас.
 Агар манзур бўлса элга хизматим —
 «Отасининг ўғли» — деб қўйишса бас!

Сизга, пахтакор!

Гўдакликда онам мени
 ўраб юрган йўргак ҳам,
 Йигитликда кийганларим:
 чопон, дўппи, кўйлак ҳам,
 Пардай юмшоқ ёстигиму,
 иссиққина тўшак ҳам,
 Бари оппоқ паҳтангиздан,
 қалби оппоқ пахтакор!

Қуёш бўлсам, йўлингизга
 нур дасталар тутардим,
 Дарё бўлсам, толмаслигим
 Сизга ҳадя этардим,
 Ел бўлсайдим, саратонда
 салқинлатиб ўтардим.
 Само бўлсам, юлдузларни
 Сизга айлардим нисор.

Тинмай қилган меҳнатингиз
 самарасин берганда,
 Ғўзаларда «ғуж-ғуж» олтин
 жилоланиб турганда,
 Белни боғлаб, мен шаҳардан
 ҳашар учун келганда,
 Тонгда Сиз-ла ишга тушсам,
 қилмайинми ифтихор?!

Чал, дуторингни!

Бутунги даврада ҳаммамиз ишчи.
 Қайноқ юракларда мартень ўти бор.
 Ифода қилмоқ-чун қалблар севинчин,
 Ҳамкасбим, қўлингга тутгансан дутор.
 Куйга сол, биродар, дилда борингни,
 Чал, дуторингни!

Оддий пўлаткорсан меҳнатда пишган,
 Пўлатдай тобланган қўлларинг қадоқ,
 Ишқинг меҳнат ила санъатга тушган,
 Куйла, куйларингга дўстларинг муштоқ.
 Хоҳ, «Ором», хоҳ «Баёт», «Тановар»ингни,
 Чал, дуторингни!

Куйинг омухталаб юракда, қонда,
 Энг ширин дамларнинг завқини уйғот!
 Дуторинг овози кетсин жаҳонга,
 Ундан таниб олсин бутун коинот —
 Коммунизм юрти — гул диёрингни,
 Чал, дуторингни!

Тошкент.



Анвар ИСРОИЛОВ

В а т а н

Қучоғингни гулга кўмганда кўклам,
Нафис кулганинга келинчак мисол.
Толе ва севинчдан кўзларимда нам —
Сенинг меҳринг билан туриб қолгум лол.

Шунда мен айланиб улкан қучоққа
Сени чин юракдан қучгим келади.
Чечак, лолаларда кулган қучоққа —
Боқиб, парвонадек учгим келади.

Афсуски, қучмоққа қодир эмасман,
Сизар қучоғимга бир даста холос.
Йўқ, асло бунинг-чун афсус демасман,
Сенинг қучоғингда бир гуллим рост.

Чиндан бағрингдаман ўзим аслида,
Ардоқлаб, қудрат бахш этасан, диёр.
Бироқ ҳар йил кўклам, наврўз фаслида
Фарзандлик меҳри-ла сени қучгим бор!

Аллангни тинглаб...

Онамга

Гоҳо гўдаклигим тушиб ёдингга,
Бошим тепасида алла айтасан.
Меҳрингга, оналик эътиқодингга
Қониб гўдакликка гўё қайтаман.

— Ухла, тинчингни ол, азизим болам,—
Дейсан, пешонамни силар қўлларинг.
Қўлларки, кафтида улғайган олам,
Унган истиқболнинг сўлмас гуллари.

Севаман, қувончдан кўзинг порласа,
Кулиб ёнгинамда алла айтсанг шод.
Аммо улуғ ишлар бизни чорласа,
Мардлик, жасоратга ундаса ҳаёт —

Бахтиёр кўзларга уйқу қўнарми,
Тан ором олишга бўларми рози?
Қалбларда чақнаган ғайрат сўнарми?
Дамларни ўлчаса олтин тарози?

Гарчи асрларнинг муаммосини
Кунлар мобайнида ечиб ақлимиз,
Арзи-самоларга ўтказса ҳукмин,
Хотиржам ётишга қандай ҳақлимиз?..

Ҳамон мафтуниман гўзал аллангнинг,
Ҳамон у қалбимга яқин, жонажон.
Фақат алланг билан порлоқ эртанинг
Зафар, шони учун уйғот, онажон!

Лола

Кишиларга элтмоқ учун, ёриб
ер тагин,
Нурга олиб чиқди ол кулгисини.
Бу тонг ёлғиз ўзи билар: эртага
Чаманнинг кулгуга кўмилгусини.

Шу умид қизиллик қўшар рангига,
Олов вужудидан ёлқин қўр томар,
Майин тебранади ел оҳангига,
Шу эзгу ўй билан ширин ўртанар.

Яна чаманларда лола бозори,
Ҳуснини оширди гўзал ўлкамнинг.
Сўлим далаларнинг шу лолазори
Ишқини эслатди ошиқ кўкламнинг.

Ерни севар эмиш кўклам азалдан,
Изҳор этмоқ учун буни оламга —
Замин сийнасига шу лола-лаълдан
Ҳар баҳор ёқармиш қирмиз аланга.

.....
Яна чаманларда лола бозори..

* * *

Кузак япроқларга зарҳал югуртиб,
Олтинларга кўмди борлиқ боғини.
Сўнгги яшилликни кўзимга суртиб,
Уйчан кузатаман гул титроғини.

Ҳазон тўкса ҳамки шамоллар изғиб,
Юракда яшариш, гўзаллик кучи:
Куз уйқуга чўмар қиш бўйи мизғиб,
Зумрад кўклам бўлиб уйғонмоқ учун.

Тошкент.



Асад ФОЗИЛОВ
(Солдат, Украина ССР.)

Коммунистик партияга

Юрагимда илҳомим
Дарёдек тошиб келиб,
Халқ қалби билан қалбим,
Бирга туташиб келиб,
Шодликдан завқим жўшиб,
Куйимга куйлар қўшиб
Сидкидилдан куйласам,
Илҳом берган ўзингсан!

Қалбдан ёзган илк шеърим
Дўстларимни этса шод,
Тўккан маржондек терим
Юртимни қилса обод,
Бахтиёрман, партиям,
Постингдо турай мағрур,
Сенга ёшлик шадҳиям,
Сен туфайли кўзда нур,
Сенга дилдан ташаккур!

„Отбой!“ дединг...

Ярим кеча туриб ётоқдан,
Шеър ёзишга олгандим қоғоз.
«Отбой» дединг менга шу чоқда,
Тилимга сўз келмади бехос.

О, билсайдинг, қадрдон дўстим,
Юракдаги орзу ўйимни.
Балки қилиб аста табассум,
Тинглар эдинг шеърим, куйимни.

Орзум шуки, халқим ишига
Ҳисса қўшсам кечаю-кундуз.
Шу ўй тортиб ўз оғушига,
Мўқо бермас, қалбда қўзғаб ҳис.

Шунинг учун уйқудан, майли,
Кечдим халқим меҳри туфайли.



Эгам РАЖАБ

Соҳилда

Соҳилдаман,
 Соғинтирган ҳуснингга, Аму,
 Меҳр тўла кўзлар билан тўймай боқаман.
 Қудратини кўз-кўз қилган тўлқинлар билан
 Гўё бирга мавжланаман, қайнаб оқаман.
 Нега бунча севимлисан,
 Қадрдон дарё?
 Лирик куйдай ёқимлидир мавжинг шовқини.
 Борлиқдаги гўзалликни шимирдингми, ё
 Қучоғингга олганмисан ёшлик шавқини?
 Биласанми, она Аму,
 Сендан йироқда
 Қанча йиллар, яшаб ўқиб қайтганларимни?
 Биласанми,
 Соҳилингни соғинган чоқда
 Сенга атаб шўх қўшиқлар айтганлигимни?
 Мана бугун қайтиб келдим,
 касбим — инженер!
 Соҳилингда азим ГЭСлар яратмоқчиман.
 Қувватга бой асов нордек тўлқинларингни,
 Қишлоқларга машъал қилиб таратмоқчиман.
 Қирғоқдаман,
 қулоғимга келтирар аста,
 Эрка еллар тўлқинларинг қувноқ ялласин.
 Куйларингни эшитаман
 мен шу нафасда,
 Гўё
 фарзанд тинглагандек она алласин.

Қалб гавҳари

О, муҳаббат!	Сен — дилларнинг олов тўлқини,
О, гўзал дoston,	Сен — шоирга туганмас илҳом.
Ўғушингга олдинг дилимни.	Сен — ҳижронсан, сен — завқли
Юрагимга бўлдингу меҳмон	висол,
Бўстон этдинг йигитлигимни.	Сен — умрнинг гули-сафсари!
Сен — ҳаётнинг кўрки, мазмуни,	Умрим бўйи юрагимда қол,
Сен — инсонга мўътабар инъом.	Эй, қалбимнинг тоза гавҳари.

Ўтинчим

Ҳазил қилар менга севиклим,
Баъзан чиқсак ёнма-ён боққа.
— Чидолмайсан бир минут, бир
зум,
Кетар бўлсам сендан йироққа.
Дейман,
— эркам, буюрса Ватан:
Хоразм.

Тоғлардан ўт, денгизлардан ош!
Ҳижронингда қоврилса ҳам тан,
Барчасига берарман бардош,
Маҳрум этиб гул висолингдан,
Майли, ҳижрон оловида ёқ.
Фақат, дилдор, ўтинчим сендан,
Кўнглинг мендан бўлмасин йироқ.



Жамол КАМОЛОВ

Зарафшон

Тоғлардан келади ажойиб шов-шув,
Олтин водийларнинг юрагига қон,
Миллион юлдузларга она бўлган сув,
Миллион қўшиқларга ота — ғазалхон.

Шарбати оқади бол лабларидан,
Қуёш ўлкасига шунча жонқуяр.
Самарқанд боғларин қўймай бағридан,
Бухоро кўксига бошини қўяр.

Сатҳида ҳамиша нурланар офтоб,
Ажратиб бўлмайди кун билан тунни.
Қайноқ воҳаларга ташлайди хитоб:
Қаёққа сиғдирай шунча тўлқинни!

Қалбимни қаёққа, сиғдирай дейди,
Бағрини очади хазина тупроқ.
Само ранг тўлқинлар кўкка сапчийди,
Юлдуз каби ёнар бошида чироқ.

Менга сабоқ бўлар қўшиқ бобида
Сенга сирдош бўлган ҳар гўзал фурсат.
Гуркираб дейсанки, куйингни бошла,
Агар дарё бўлсанг, кучингни кўрсат.

Токи тошқин экан сирдошинг қалби,
 Гапингга кирмасдан иложим қанча?
 Бахтлидир, гар шоир Зарафшон каби
 Тўлиб-тошиб оқса кета-кетганча...

Даралардан келар ажойиб шов-шув,
 Олтин водийларнинг жисми учун жон.
 Миллион юлдузларга она бўлган сув,
 Миллион қўшиқларга ота — ғазалхон.

Қор қуйилар

Қор қуйилар...

қор қуйилар...

қор қуйилар...

Йўлларимга

гавҳар билан

зар қуйилар...

Юзларимдан оққан кумуш томчилар —
 Кўзларимнинг ёш шабнами эмасдир.
 Юрагим бир булбул бўлиб қуй чалар,
 Гарчи ҳали куклам дами эмасдир,
 Гарчи фасл гул ҳамдами эмасдир...
 Қор қуйилар...

қор қуйилар...

қор қуйилар...

Ҳовуч-ҳовуч

дур қуйилар..

зар қуйилар...

Бухоро.

Ҳамида ҚАРИМОВА

Сиёб

Шўх ва беғам болалигим ўртоғи,
 Салом, Сиёб, салом, қадрдон дарё.
 Яшил бахмал кийган сўлим қирғоғинг,
 Тўлқинларинг тарамидан нур-зиё.
 Бугун келдим мен соғиниб қошингга,
 Соҳилингда қувнаб юрганим ёдда.

Хумор бўлдим оқиб шарқирашингга,
 Сенда илк бор зулфим ўрганим ёдда.
 Тўлқинларинг билан баҳслашганман кўп,
 Дугонамдай ҳазил қилиб, мени гоҳ



Узоқларга кетар эдинг оқизиб,
 Қучоғингда доим кўнглим эди чоғ.
 Болалитим сен аллалаб қўйнинггда,
 Етказганинг учун мени камолга,
 Бугун ҳаёт тўлқинида мардона
 Қулоч кериб бормоқдаман мен олга!

* * *

Кўзларинг маъно тўла,
 Умид ёндираш шуъла.
 Юракда қўзғар тўфон,
 Дилга солар ғулгула.
 Кўзларинг маъно тўла,
 Хайронман ўз-ўзимга.
 Дил бўйсунмас сўзимга,

Минут сайин боқишни
 Истаб қолдим кўзинга.
 Хайронман ўз-ўзимга.
 Дилда азоб ва баҳор,
 Туйғулар қалбни ёқар,
 Тўшунмайман, не учун
 Севинчдан маст, бахтиёр —
 Дилда азоб ва баҳор...

Сукунат

Пок, мусаффо кўл ойинаси,
 Нурга тўла салқин сийнаси.
 Кечки қора кўйлагида тун,
 Гўзал қиздай этади мафтун.
 Ел таратар ҳар ёнга хушбўй,
 Боғ бағрида турар кўркам уй.

Кеча жимжит, роҳатда тупроқ,
 «Тўп» этади пишиб тушган нок.
 Қучоғида севиб, эркалаб,
 Ёигит қўяр қиз лабига лаб.
 Бахт кўзгуси каби беғубор
 Кўл юзида шулар акси бор...

Дугонамга

Ўзинг айт-чи, жоним дугонам,
 Шафақданми ёноғинг ранги?
 Хушовозинг тўлдирди хонам,
 Тиниқ биллур товшинг жаранги.
 Гулга қиёс қилсам майлими
 Нозиклигинг, дилбар ҳуснингни?

Тонгдай гўзал десам майлими
 У ҳаётбахш табассумингни?
 Пахтамиздай қалбинг мусаффо,
 Қайси бўстон ичра битгансан?
 Поклик, ҳусн, нафосатни ё
 Табиатга сен бахш этгансан?

Совуқлик ҳақида

Музни тешиб дарёга тушиш чўчитмас мени,
 Қаҳратон, изғирин қиш чўчитмас мени.
 Кўз очтирмай бўрон қилса ҳам хуруж,
 Чўлда қолиб баҳорни кутиш чўчитмас мени.
 Бел бўйи қор, сув кечиб, дала, боғлар, қирлардан
 Юриб пойи пиёда ўтиш чўчитмас мени.
 Қўл теккизсанг этингни узиб олгудай совуқ —
 Қора темирни қўлда тутиш — чўчитмас мени.
 Юрагим ўти билан барини енгажакман,

Керак бўлса, қор, музда ётиш чўчитмас мени.
Аммо дилни ранжитиб қишдай

музлатадиган

Бир совуқ сўз эшитиш

жуда чўчитар мени.

* * *

Ой нури тўжилган боғларнинг
Сайрини севаман жонимдан,
Меҳнатда танлаган ёрим ҳам
Шод одим ташлайди ёнимда.
Юраминг севинчга кўмилиб,
Маст этар юртимиз кечаси.
Бунчалар гўзалсан, ширинсан,
Меҳнату муҳаббат кўчаси!

Самарқанд.

Абдулла ОРИПОВ

Қўл

Йигит жучга тўлди, етилди
Билакларин тўлдирди мушкул.
Чамасида билак кучининг
Қаршисида осон ҳар мушкул.

У истаса, метин тошларни
Совуради тупроқ, кул каби.
Аммо ёрнинг сочида у қўл
Сийпаланар майин гул каби.



Дарбант дарёси

Яшил тўлқинларинг айқирса чунон
Ғазаб тангрисининг худди ўзисан.
Гоҳо сен ширин бир оромга макон.
Гоҳо қайнаб тошган булоқ кўзисан.

Юракда сен ижод ҳиссини чертдинг,
Тўлқинлар гулдири, гирдоб ҳавоси.
Хотирамга ажиб ўйлар киритдинг,
Эй илҳом дарёси, илҳом дарёси...

Арчазорлар кўркин дилга кўчирдим
Сенинг хушҳаволи соҳилларингда.
Чўпон, бахшиларнинг базмида бўлдим,
Тўймадим ҳикоя, нақлларидан...

Яшил чиройингни соғинганимда,
Тўйиб кўрмоқ учун қайтарман яна.
Соғинган қалбимни тўлқинларингда
Аллалатмоқ учун қайтарман яна,
Эй Дарбант дарёси, илҳом дарёси...

Қашқадарё.



Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Денгиз бўйида

Денгиз соф осмонни севади жуда,
Қуёшни кўрганда мавж урар шодон.
Ой чиқса, жилмайиб, бўлиб осуда,
Кумуш нурларидан тақади маржон.

Уфқда кўринса қора булутлар,
Денгиз жўш уради асов, беқарор.
Тўлқинлар бир-бирин қувлашиб ўтар,
Баланд-баланд сапчир яна шиддаткор.

Мана бўрон тинди, Ҳансирар денгиз,
Ҳориган жангчидай мағрур чайқалар.
Оппоқ кўпикларда ўтмиш жангдан из...
Сувга тўшин уриб учар чайкалар.

Денгизга маҳлиё, қирғоқда кездим,
Унинг қудратида халқ кучин сездим.

Тўлқинлар шўхлиги

(Ҳазил)

Теплоход боради тўлқинни ёриб,
Ортда қолар кўпчиб кумуш кўпиклар.
Кумуш сочли қиз-ла ёнма-ён туриб,
Томоша қилардик. Олдда уфқлар.
Майин денгиз ели сочларни силар,
Қаёққа қараманг, гўзаллик беҳад.
Лекин кўнгил қурғур бир нарса тилар:
«Севаман» дегин деб, қистарди фақат.
Аммо тилга келмас бирор калима,
Бу сўзни айтишга юрак бермас дов.
Қиз эса кутарди... Айтмай ҳеч нима
Ғалимни денгизга бурардим дарров.
Шу пайт кемамизга урилди тўлқин,
Чунонам чайқатди, йиқила ёздим.

«Оҳ!» деб юборди қиз, чўчибми, қўрқиб...
 «Қўрқманг, жонгинам...» деб бағримга босдим.
 Денгиз ўз ҳазилин бошлади чоғи,
 Баҳайбат тўлқинлар чопар пишқириб.
 Кемамиз — гўёки ёнғоқ пўчоғи...
 Мунча ҳам оромбахш севги қучоғи...
 ... Йиқилиб кетмасак бўлди, ишқилиб.

Денгиздаги чироқлар

Қуёш ботди, йиғиштириб заррин шафақ сочини,
 Тун пардасин юзга тортди аста яқин-йироқлар.
 Тўлқин майин ўпиб ўтар тик қирғоқнинг тошини,
 Денгиз ичра узоқларда милтиллайди чироқлар.

Дарға учун йўл кўрсатар гўё қутб юлдузидай,
 Учар-ёнар худди очиб-юмган каби кўзини.
 Тоғлардаги шўх, ҳазилкаш, гўзал гуржи қизидай
 Имо қилиб чорлар мени, лек тутқизмас ўзини.

Хаёлимни мафтун этди, шу чироқнинг шуъласи,
 Уша томон учсам дейман, сузсам дейман бетиним.
 Қирғоқ бўйлаб янграб кетар шўх қизлар ашуласи,
 Худди чироқ куйлагандай, эшитаман уни жим.

Узоқ кездим, уза олмай шу чироқдан кўзимни,
 Уша чироқ то тонггача сира ўчмай порлади.
 Уша чироқ ўзим билан сўзлаштирди ўзимни,
 Гўё мени уфқларга, зўр ишларга чорлади.

Тошкент.

Омон МУХТОРОВ

Олов чирсиллайди

Чирсиллайди олов гулханда,
 Чақмоқ бўлиб учар учқуни.
 Ловуллайди бир оташ танда—
 Гўё шу ўт ёндирди уни.

Шуъла сочар юзларга олов,
 Даврамизда ёришади тун.
 Ўт олдида

чўккалаб биров

Тинчимасдан ташлайди ўтин.
 Навбат билан куйланар ғазал,



Навбат билан ўқилади шеър,
 Шунда гир-гир айланади гал,
 Шунда ҳар ким билганини дер...
 Чирсиллайди олов гулханда,
 Машъаладек тинмасдан ёнар.
 Дўстлик ҳисси гуркираб танда,
 Гулхандаги ўтда товланар.

Чирчиқ

Чирчиқ бўйларида кўрдим ўзимни,
 Хушҳаво соҳилда узоқ турдим лол.
 Оппоқ кўпикларга тикдим кўзимни,
 Мени қаёқларга элтмади хаёл!
 Рости, бу дарёни севаман жондан,
 Мангу бўлмоқчиман дарёга сирдош.
 Чирчиқ соҳилига илк келган ондан
 Менга азиз бўлди шу қумлоқ, шу тош.
 Шеърлар шивирладим боқиб қумлоққа,
 Шу тошда ўтириб куйладим ғазал.
 Хаёлан қўшилиб

оқдим йироққа —
 Дарё қулоч отиб оққан ҳар маҳал...
 Бугун кетмоқликка бўлди иштиёқ,
 Дарёни соғинсам яна қайтарман.
 Соғинсам,

дарёнинг номини узоқ —
 Қайноқ шеърларимга
 қўшиб айтарман!

Гул ҳақида

Қанча-қанча шоир гулга бағишлаб,
 Гулдан ҳам гўзалроқ шеърлар яратди.
 Ёзмасдим...

тонг чоғи кўнглимни хушлаб,
 Илҳомни ўзига гуллар қаратди.
 Мени куйла, деди ўша жилвагар,
 Мурод-мақсадимга куйдан етарман.
 Шеърингга латофат бермасам агар,
 Мангуга очилмай сўлиб кетарман.
 Майли, сўлма, дедим, очилгил қийғоч,
 Қаламим қоғозда силжиди аста.
 Янги шеър ёзмасдан бормиди илож,
 Кўксимга бош қўйса янги гулдаста!

Бухоро.



Румин адабиётининг классиги

*И. Л. Караджаленинг туғилган кунига 110 йил тўлиши
муносабати билан*

Румин адабиётидаги танқидий реализмнинг энг кўзга кўринган вакиллари билан бири Ион Лука Караджале ўлмас ҳажвий ва драматик асарлари билан ўз жамиятидаги ноҳақлик, порахўрлик сингари иллатларни ҳеч аямай фош қилиб ташлаган. Шу сабабли ҳам уни реакция таъқиб остига олади, хор-зорликда кун кечиришга маҳкум этади, ўз ватанида мусофирдай яшашга мажбур қилади.

Ўша замоннинг тескарчи ҳокимлари буюк санъаткорга зулм ва тааддини шунчалик ошириб юборадиларки, оқибатда улугъ ёзувчи ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади ва ғурбатда, 1912 йили, Берлинда вафот этади.

1874 йилдан бошлаб Караджале юмористик журналларда ўз асарлари билан қатнаша бошлайди. 1879 йили Бухарест миллий театрида унинг биринчи комедияси «Хатарли тун» саҳнага қўйилади. Кейинчалик Караджале «Жаноб Леонидэ реакция рўпарасида» (1879 йилда саҳнага қўйилган), «Йўқолган мактуб» (1884 йилда саҳнага қўйилган, 1951 йили рус тилига таржима қилинган) комедияларини, «Босқия» драмаси ва бошқа асарларини яратади. Караджале бир қатор новеллалар, памфлетлар, фельетонлар, публицистик мақолалар, пародиялар, юмористик ҳикоялар («Онлар» ҳикоялар цикли, «Янги очерклар» тўплами — 1910 йил) ёзади. «1907 йилнинг бахоридан кузигача» китобчасида Караджале 1907 йилда бўлган деҳқонлар қўзғолонига қатнашган кишиларни ҳукумат томонидан таъқиб қилнишига қарши норозилик билдиради.

Караджале Руминиядаги монархия режимининг ириб-чириганлигини, унинг сохталикларини ҳеч аямай фош қилади, буржуа парламентаризмнинг икки юзламачилигини очиб ташлайди ва сатира қамчиси билан савалайди.

Караджаленинг «Йўқолган мактуб» комедияси унинг энг яхши асарларидан ҳисобланади. Комедия Совет Иттифоқи театрлари саҳналарида ҳам кўрсатилган. Бу асарда драматург буржуазия сайлов системасидаги «эркинлик»нинг асл моҳиятини очиб кўрсатади.

Ўзининг новелла ва ҳикояларида («Биринчи мукофот», «Баккалавр», «Гое жаноблари...» ва ҳоказолар) Караджале «Йўқолган мактуб» комедиясида олдинга сурган ғояни янада кучайтиради, буржуа усул-идорасининг, суд, матбуотининг қалбаки ишларини янада яққолроқ фош қилади.

Караджале ижодиётида оддий кишиларнинг турмушини аке эттирадиган, мазлумларнинг орзу-армонларини, ғам-қайғуларини ифода қиладиган асарлар асосий ўринни эгаллайди.

Караджале яратган бадий асарлар ҳаққўйлиги, ўша давр одамларини, уларнинг ўзаро муносабатлари ва орзу-армонларини бадий кўрсатганлиги, реакция қутурганлигига қарамай, мавжуд ижтимоий тузумни ҳаёқ қамчиси билан аямай савалаганлиги туфайли улар ўлмас асарлар бўлиб қолган.

Караджале ўз халқи, унинг бахтли келажаги учун қилган хизмати билан жаҳон адабиёти классиклари сафидан муносиб ўрин эгаллайди. Румин халқи узининг улугъ фарзандини, оташин халқпарвар ўғлининг хотирасини зўр ҳурмат билан эслайди.

Руминия халқ республикаси энг яхши драма асарлари учун Караджале номида мукофот таъсис этган. Ҳозир Бухарест миллий театри румин халқининг бу улугъ фарзанди номи билан юритилади.

Заифлик занжири

Хикоя

Бошқа ҳар бир шахсда бўлгани каби менда ҳам заифлик бор. Менинг заифлигим фусункор танишим Мари Попеску хонимнинг ҳар бир хоҳишини лом-мим демай бажо келтиришимда кўринади. Унинг амри-фармонларини бажон-дил бажаришимга сабаб шуки, у киши «ҳа» деса, ўзимни томдан ташлашга ҳозирлигимни билгани ҳолда, буни сунистеъмол қилмайди. Бу гал ҳам гап аҳамиятсиз бир нарса устида:

«Ҳурматли дўстим!

Эшитишимча лотин тили муаллими Костика Ионеску билан сизнинг орангиздан қил ўтмас эмиш. Борди-ю, ундан бирор нарса сўрагундай бўлсангиз йўқ демаслигини ҳам биламан. Агар уни Н*** гимназиясининг IV синф ўқувчиси Митика Жоржескуга етти¹ баҳо қўйиб беришга кўндирсангиз, менинг энг оғир мушуқулимни ҳал этган бўлардингиз. Шундай баҳо олмаган тақдирда, менинг яқин қариндошим яна бир йил синфда қолади, бу ҳол унинг оиласига катта зарба бўлганидек, менинг ҳам дилимни сиёҳ қилади. Шунини ҳам эсда тутингки, бола ажойиб оиланинг фарзанди.

Энг яхши истакларимни йўллаб, сизнинг самимий дўстингиз бўлиб қоламан. Мари Попеску».

О, зебо санам! Фармон беришга тенгинг йўқ! Охири бахайр бўлсин. Ионеску ҳам одам, унинг ҳам бошқалар сингари заиф томони бор: мен билан дўстлигини жуда қадрлайди, бинобарин, мендан ҳеч нарса ни дариг тутмайди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, извошга тушиб лотин тили муаллими Костика Ионескунинг уйига жўнадим.

— Костика, азизим, сенга илтимос билан келдим... Сенинг дўстлигингга қаттиқ ишонганим учун, гап мени қизиқтирган масала устида борганда «йўқ» демасан деб ўйлайман, хуллас...

— Хуллас,— деди Костика,— тушунарли... Умуман олганда, бу қадар узоқ муқаддиманинг ҳожати йўқ эди. Сен бирор иш ёқмас ўқувчи ҳақида илтимос қилмоқчисан.

— Азизим Костика, мен кўзда тутган бола иш ёқмас эмас, бунинг устига ажойиб оиладан, менинг қариндошим.

— Мен ҳам тасаввур қиляпман, бирорта дангаса, каллаварам бўлса керак.

— Ундай эмас, азизим. У жуда тиришқоқ бола... Сўзимни ерда қолдирма, ишонаманки, менинг илтимосимни рад этмайсан. Биласанми, айниқса гап шундай бир масала устида...

— Бўлди-бўлди! Бунингсиз ҳам сени қандай яхши кўришимни биласан-ку! Шундоқ бўлгач, сийқаси чиққан гапларнинг нима ҳожати бор? Қани айт-чи, бу бахтсиз болага қандай баҳо қўйишимни истайсан?

— Етти, азизим, етти.

— Борди-ю, у махлуқ ҳеч нарса билмаса-чи?

— Билмаса билмас. Ахир, у ҳеч нарса билмай имтиҳон бераётганларнинг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмаску!.. Шунини эсингда тут, дўстим, агар бола яна синфда қолса, бу унинг оиласига қаттиқ зарба бўлади, менинг эса, дилим сиёҳ бўлади.

¹ У вақтда Руминияда ўқувчиларга ўн баллик система билан баҳо қўйиларди.

— О, дўстликнинг қайтариб бўлмас илтимослари!— хитоб этди Костика.— Сен буни қандай ўрнига келтириб айтяпсан. Бўпти, сен айтганча бўлсин. У ялқовингга етти баҳо қўйганим бўлсин.

— Раҳмат, Костика. Менга жуда зўр хизмат кўрсатган бўласан.

— Унинг оти нима?

Чўнтакларимдан Мари Попескунинг мактубини қидираман — ҳеч жойда йўқ!

— Бир минут!— дейман.— Ҳозир!

Чопиб кўчага чиқаман, сакраб извошга миниб уйга жўнайман... Уйда хат қидириб эсим кетди, ер ютдими билмайман, ҳеч жойда йўқ! Шу заҳоти Мари Попескунинг уйига бордим:

— Зебо санам!— дейман,— иш битди! Муаллимни лозим бўлган баҳони қўйишга кўндирдим. Энди гап қариндошингизнинг фамилиясини аниқлашда қолди. Йигитчанинг фамилияси нима?

— Менинг хатимда ёзилган эди-ку!..

— Тўғри, аммо сизнинг хатингиз уйдаги қоғозлар ичида йўқолибди. Иш эса жуда яхши кўраман ва ундан ҳеч нарсани аямайман. Шу хоним сиз билан менинг алоқамни билиб, шунингдек, сизнинг муаллим Ионеску билан яқинлигингизни ҳисобга олиб, сизга шу илтимос билан мурожаат қилишимни сўраган эди.

— Ростини айтсам, эслолмайман,— деди менинг фусункор суҳбатдошим.— Гап шундаки, менинг Преотеску номли ажойиб дугонам бор.

Мен уни жуда яхши кўраман ва ундан ҳеч нарсани аямайман. Шу хоним сиз билан менинг алоқамни билиб, шунингдек, сизнинг муаллим Ионеску билан яқинлигингизни ҳисобга олиб, сизга шу илтимос билан мурожаат қилишимни сўраган эди.

— Энди қандай қиламиз?— сўрайман.

— Преотеску хонимнинг уйига бориб, унинг ҳалиги менга тавсия қилган боласининг номини сўранг.

— Қўлларингизни ўпишга рухсат беринг,— дейман ва Преотеску хоним томон йўл оламан.

— Преотеску хоним, мен сизни безовта қилмоқчиман. Сиз дугонам Мари Попескудан гимназист боланинг ўқитувчиси, менинг дўстим Костика Ионескуга айтиб, баҳосини тузатишимни сўраган экансиз.

— Ҳа, ҳа!

— Худо хайрингизни берсин. Исми нима ўша боланинг?

— Мари сизга ёзмаганмиди?

— Ёзган эди, лекин бу хатни йўқотиб қўйибман. Попеску хоним ҳам боланинг номини унутиб қўйтани учун сизнинг ҳузурингизга юбордилар.

— Мен... тўғриси янги айтганда, мен ҳам билмайман. Унинг номини бир қоғозга ёзиб олган эдим. Марининг уйда қолдирибман. Ҳечқиси йўқ, буни биз Диаконеску хонимдан билиб олишимиз мумкин. У шу ерда туради.

— Нима қилсак экан?— дейман.

— Бир оз сабр қилинг, мен ҳозир Диаконескуга одам юбораман.

Хайрият, уни ҳам кўп кутишга тўғри келмади. Диаконеску хоним пайдо бўлади. Бахтга қарши ўша ландовур ҳақида биз қанча билсак бу хоним ҳам шунча биларкан. Боланинг номи ёзилган қоғозни ўзининг дугонаси Преотескуга берган экан.

— Нима қилсак экан?

— Икономеску хонимнинг уйига боринг.

Икономеску хонимнинг олдига бораман.. У ердан Сакелареску хонимнинг олдига.. У ердан Пискупеску хонимнинг олдига.. Худога шукур, тагини топдим.. Гимназист Пискупеску хонимнинг синглиси Даскалеску хонимнинг ўғли Митика Даскалеску экан.

— Азизим Костика, бир одамгарчилик қилиб юбор. Буни рад эт-маслигингни биламан. Бир-биримизга содиқлигимизга шубҳа йўқ...

— Бўлди, биродар ҳадеб чайнала берма...

— Унга етти қўй, азизим, етти.

— Кимга?

— Митика Даскалескуга.

— Митика Даскалескуга? Шошма, мен бунақа ўқувчини эслол-май турибман.

— Наҳотки!

— Пастки синфларда ҳеч қандай Митика Даскалеску йўқ. Сен янглишибсан: у юқори синфда ўқийди.

Бу гал тўғри Пискупеску хоним ҳузурига жўнадим.

— Пискупеску хоним, сизнинг жиянингиз қайси синфда ўқийди?

— VI синфда.

— А, бундай денг, жуда соз,— дейман.

Яна Ионескунинг олдига югураман.

— Митика Даскалеску VI синфда ўқиркан.

— Ундай бўлса, у менда эмас, Жоржескуда ўқийди... Сен Жоржеску билан ошнамисан?

— Йўқ. Сен-чи? Сен уни танийсанми? Ҳамкасбсизлар-ку!

— Албатта танийман. У билан жуда дўстмиз, гапимни ерда қол-дирмайди.

— Ундай бўлса, бир одамгарчилик қил, мен сизларнинг дўстли-гингизга ишонсам бўлади.

— Сенинг извошинг борми? Жоржескунинг олдига тезроқ борай-лик.

— Кетдик.

Мана Жоржескунинг уйига келдик... Мен извошда, Ионескуни ку-тиб ўтирибман... Бир неча дақиқа ўтади. Ниҳоят у чиқиб келади.

— Ишинг ўнгидан келди. Биз ўз вақтида келибмиз. Агар чорақ соат кечикканимизда ҳамма иш барбод бўларди. У соат иккида мак-табга бориб, баҳоларни дафтарга кўчирмоқчи экан. Ландовурингнинг баҳоси уч экан.

— Энди-чи?

— Етти...

«Мана, бир неча дақиқа ҳаяллаб қолсанг оқибати қандай хунук бўлиши мумкин экан: йигитчанинг шўри қуришга сал қолди! Митика Даскалеску синфдан ўтолмай қоларди! Ҳолбуки уни онаси мадам Даскалеску яхши кўради, уни эса мадам Пискупеску яхши кўради, уни эса мадам Сакелареску яхши кўради, уни эса мадам Икономеску яхши кўради, уни эса мадам Диаконеску яхши кўради, уни эса мадам Преотеску яхши кўради, уни эса лобар мадмуазель Попеску яхши ҳур-мат қилади, уни эса камина иззат-ҳурмат қиламан, каминани эса...».

1901 йил.

Т. ЖАЛОЛЗОДА таржимаси.





Умарали НОРМАТОВ

Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар

Кейинги пайтларда марказий матбуотда, адабий йиғинларда совет адабиёти ва санъатининг гуманистик характери тўғрисида кўп гапириладиган бўлиб қолди. КПСС XXII съездида сўзланган адабиёт ва санъатга доир нутқларда ҳам бу масала кенг ўрин олди.

Бу тасодифий эмас. Адабиётимиз тараққиётининг ҳозирги этапида шундай бир хусусият кўзга ташланмоқда: бадиий ижодда одамлар орасидаги, жамият билан шахс, коллектив билан индивид орасидаги муносабатлар масаласига, шахснинг коллективдаги ўрни ва роли масаласига, шахс тақдири, эрки, ҳуқуқи ва бахти-саодати масаласига эътибор ошди. Инсонга ишонч, ҳурмат ва муҳаббат мотивлари кучайди, инсонни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш проблемасига алоҳида аҳамият бериладиган бўлди; дўстлик, ўртоқлик ва биродарлик темасига кўп марта мурожаат этилди, олижанобликни улғуловчи, замондошларимизнинг маънавий-ахлоқий гўзаллигини очиб берувчи кўп асарлар яратилди. Инсон шахсига, инсониятга қарши қаратилган ҳар қандай жинойий хатти-ҳаракат жуда ҳам кескин суратда фош этиб борилди — бир сўз билан айтганда социалистик реализм адабиётининг гуманистик характери чуқурлашди.

Адабиёт ривожигаги бу хусусият партия XX съезидан кейин ижтимоий ҳаётда юз берган процесслар билан бевосита боғлиқдир. Шахсга сиғиниш йилларида одамларга бефарқ муносабат, ходимларга ишончсизлик анча кенг тарқалган, социалистик қонунчиликни қўпол равишда бузиш, шахс эркини чеклаш ҳоллари юз берган эди. Уша йиллари ҳокимиятни сунистеъмол қилган бир гуруҳ раҳбарларнинг айби билан

кўплаб бегуноҳ, ҳалол кишилар репрессияга учради, «ҳеч қандай айби бўлмаган мингларча кишилар ҳалок бўлди, ҳар бир кишининг тақдири эса — бутун бир тарихдир» (Н. С. Хрушчев). Партия шахсга сиғинишнинг энг мудҳиш оқибати бўлган бундай антигуманистик хатти-ҳаракатларни кескин қоралади ва келгусида бундай ҳолларга асло йўл қўймаслик чораларини белгилади.

Партиянинг XXII съездда қабул қилинган Устав ва Программаси инсон ҳақида ғамхўрликнинг мисли кўрилмаган, тенгсиз ҳужжатидир. КПСС ўзининг янги Уставида «Коммунистик партия, ишчилар синфи партияси эндиликда бутун совет халқининг партияси бўлиб қолди», деб эълон қилди. КПСС ўзининг янги Программасида инсон шахсининг гармоник тараққиётини таъмин этадиган, инсоният учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат барқарор қиладиган коммунистик жамият қуришнинг конкрет йўлини чизиб берди. Ҳаҳон жамоатчилиги ҳақли равишда бу янги Программага энг гуманистик Программа деб баҳо бермоқда. Программага бошдан-оёқ ягона бир мақсад — «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган мақсад олға сурилган. Унда коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси бор, кодексда коллективизм ва гуманизмнинг олий принциплари «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун», «Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар» деган олтин сўзлар ёзиб қўйилган...

Партия ва ҳукумат олиб борган ана шу ишлар ва булар туфайли ҳаётда юз берган яхши вазият ижодий ходимларни илҳомлантирди, уларга янги тема, янги тоғлар берди, адабиёт ва санъатда инсон.

сўзи янада мағрурроқ жаранглайдиган бўлиб қолди, инсон темасига, унинг тақдири, бахт-саодати масаласига эътибор кучайди. Инсонга муҳаббат мотивлари билан тўлиб-тошган «Инсон тақдири», «Инсон қоши сув эмас», «Инсон», «Солдат ҳақида қисса», «Мусаффо осмон», «Йўлда жанг» каби асарлар пайдо бўлди.

Бундай ҳодисани ўзбек адабиётида ҳам кўриш мумкин. Бизда кейинги тўрт-беш йил ичида яратилган эътиборга лойиқ асарларнинг деярли ҳаммаси аввало шўхусуияти билан, чуқур гуманистик ғояларнинг илгари сурилганлиги билан ажралиб туради. «Синчалар»да инсон учун, унинг яхши фазилатлари учун курашдек муҳим проблема кўтарилган. «Уч илди»да кишига бефарқ муносабатда бўлишнинг ёмон оқибатлари фош қилинган. «Туғилиш»да гуманизм идеяси яна ҳам кенгроқ планда ифода этилган. Раҳмонқулов ва коллектив, Луқмонча ва Садбар, Луқмонча ва дўстлари, Жуман ва Адолат, Жуман ва Жаббор, Жуман ва Бек муносабатлари асосида инсонга эътибор ва ҳурмат, инсон учун кураш ғояси, дўстлик, ўртоқлик ва биродарлик ғояси ётади. «Узоқни кўзлаган қиз» қиссасида қишлоқ аёлларининг оғирини енгил қилиш масаласи кўйилади. «Кашмир қўшиғи»да гуманистик мотив қўшиқдай жаранглаб туради. «Мирзо Улуғбек»да буюк олимнинг гуманистик фалсафаси зўр маҳорат билан кўрсатилади. «Сен етим эмассан» сценарийсида совет кишиларидаги шафқат ва муҳаббат улуғланади, «Россия» ва «Икки қоя» поэмаларининг автори қоядай мустаҳкам дўстликни мадҳ этади. «Қитъалар уйроқ» китобида шоир жаҳоннинг эрксевар фарзандлари фаолиятига хайрихоҳлик билдиради, эрк, тинчлик ва инсоний душманларини кескин қоралайди. Шоира Зулфия каттагина шеърый китобида «Юрагимга яқин кишилар» деб ном берди. Бу номда зўр гуманистик туйғу муҳассамлашган. Ғ. Ғулом, Уйғун, Шайхзода, Шухрат, Миртемир, М. Бобоев поэзиясида инсон мадҳияси марназий ўринини эгаллайди... Яна бир неча авторлар ва уларнинг асарлари номини келтириш мумкин. Бу асарларнинг ҳар бири гуманизм идеясининг қай тарихда ифода этилганлиги жиҳатидан махсус текширишга арзийди. Биз бу ўринда уларни таҳлил этмоқчи эмасмиз, бу ишни жамоатчилик ихтиёрига қолдирамиз-да, фақат бир жанрда — ҳозирги давр ўзбек ҳикоячилигида гуманизм ғояларининг ифодаланишини кўриб ўтамиз.

Гуманизм ғоялари олға сурилган ҳикояларни, шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиб кўрайлик: 1. Олижаноблик ҳақидаги ҳикоялар. 2. Инсонга ишонч ва уни қайта тарбиялаш масалаларига бағишланган ҳикоялар. 3. Уруш қурбонлари

тўғрисидаги ҳикоялар. 4. Халқаро темадаги ҳикоялар.

I

Олижаноблик гуманизмнинг олий кўринишларидан биридир. Н. С. Хрущев «Коммунизм кишини олижаноб қилади», — деб ҳақ гапни айтди. Дарҳақиқат «Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар» деган олий принцип амалга ошган бизнинг жамиятимизда юксак олижаноблик намуналари тўлиб-тошиб ётибди. Инсонга ҳурмат ва муҳаббат, ўз бахтидан, ҳузур-ҳаловатидан кечиб бўлса ҳам ўзига бахт ҳада этиш бизнинг кунларимизда оддий ҳодисалар қаторига кириб қолди. Шу оддий, лекин юксак ҳодиса адабиётда, хусусан ҳикоячиликда кенг кўламда ўз ифодасини топаётир.

Гапни А. Қаҳҳорнинг «Минг бир жон» ҳикоясидан бошлашга тўғри келади. Бу ҳикояда совет гуманизмининг ҳаётбахш кучи катта маҳорат билан кўрсатиб берилган. Ҳикоя қаҳрамони Мастура Алиева ўн йилдан бери оғир дард чекади. Ҳикоячи дейди: «Мастуранинг баралла кўрдик... Кўз ўнгимизда хаста эмас, ўлик, ҳақиқий ўлик, сап-сариқ тери-ю, суякдан иборат бўлган мурда ичига богиб кетган кўзларини катта очиб ётар эди... Тобутда ётган ўликнинг қўлими, оёғини бирон сабаб орқасида бехосдан қимирлаб кетса киши қай аҳволда тушади? Унинг ўлим пардаси қоплаган юзида чақнаб турган кўзларини кўрган киши худди шу аҳволда тушар эди». Ваъзи бировлар уни соб бўлган, уч кунлиги борми, йўқми дейишади...

Мастура ана шундай оғир вазиятга тушиб қолган. Бундай қараганда унинг бу дарддан қутулиб кетишига сира ҳам ақл бовар қилмайди. Китобхон унинг ўзи ҳам ҳаётдан қўл силтаб қўя қолган бўлса керак деб ўйлайди. Лекин аҳвол бошқача бўлиб чиқади. Шу оғир вазият тасвиридани кейин ёзувчи китобхонни секин-аста Мастурага яқинроқ олиб келади, бу аёлнинг ажойиб табиати билан таништиришга ўтади. Бора-бора унинг шу оғир вазиятга тамоман зид бўлган кўтаринки кайфияти, гўзал маънавий дунёси маълум бўла бошлайди. У шу аҳволда ётса ҳам ҳеч қачон ўлим кутмайди. Унинг ҳаётга бўлган муҳаббати ғоят зўр. Шу зўр муҳаббат унда зўр ирода туғдирган.

Мастура образи кўп жиҳатдан И. С. Тургеневнинг «Чўп-устихон» ҳикоясидаги Лукерьяни эслатади. Лукерья ажойиб табиатли қиз. У фалокат туфайли оғир дардга йўлиқиб қолган. Кўриниши даҳшатли мурдани эслатади. Кишилар уни «чўп-устихон» дейишади; шу аҳволда у ҳеч кимга ҳасрат ҳам қилмайди, шикоят ҳам; бировдан ҳеч нарса сўрамайди, лекин ҳаммадан миннатдор. Олти йилдан бери оғир дардга сабр-тоқат билан бардош бериб келади, ҳаётдан ўзича лаззатланади, ҳаётни севади, ундан сира ҳам кўнгил узгиси келмайди... Мас-

туранинг кўпгина сифатлари Лукерьяни- кига ўхшаб кетади, лекин аслида Мас- тура Лукерьядан кескин фарқ қилади. Бир қарашда бу фарқни фахрлаб олиш қийин. Чунончи, Лукерья билан Мастура дучор бўлган бахтсизлик айнан бир хил. Уларнинг бардоши бир хил. Хар иккови ҳам ҳаётга муҳаббат билан қарайди. Бироқ бу икки аёлдаги бардош ва му- ҳаббатнинг моҳияти, характери бошқа- бошқа. Лукерья ўз дарди ҳақида ўйлар экан, буни худонинг амри деб билади. «Худо пешонамга шу дардни ёзибди- ми — демак мен унинг севган бандаси эканман. Бандасига тақдирга тан бериш амр қилинган», — дейди у. Шунинг учун ҳам у дардга бардош беради-ю, дард билан олишмайди, ўтган кунига шукр қилиб ҳаётдан имкон борича лаз- затланади, ҳаёт учун курашмайди. Унинг бардоши ҳам, ҳаётга муҳаббати ҳам анча пассив. Зотан, XIX асрнинг биринчи ярмидаги рус шароитида бун- дан ортиқ бўлиш ҳам қийин эди. У даврда фақир бир аёл бундан ортиқ ни- ма ҳам қила олар эди?! Мастура Совет даврининг фарзанди. Унинг камолоти, савияси, ҳаёт ҳақидаги фикр-ўйи, шар- оити бошқача. У дард билан тинимсиз олишади, ҳаёт учун актив курашади.

Табиий бир савол туғилади: Мастура- ни бунчалик дадил қилган нарса нима? У бунчалик ирода, куч-қувватни қаер- дан олган? Кўпчилик ўртоқлар «Минг бир жон» ҳикоясини тақлил этганда Мастуранинг иродаси, бардоши ҳақида батафсил гапирдилар-у бу ирода, бу бардошни туғдирган фактор ҳақида ҳеч нарса демайдилар ёки бу ҳақда жуда кам гапирдилар. Қолбуки ҳикояда бу фактор жуда ёрқин тасвир этилган. Ав- тор талқинчи, Мастурани бунчалик да- дил қилган нарса уни ўраб олган му- ҳит, одамларнинг олижаноблиги, унга бўлган меҳри ва гамжўрлигидир: врачлар уни эринмай даволайди, одамлар ҳол- аҳвол сўраб далда бериб туришади. Эри Акромжоннинг унга бўлган муносабати чинакам олижаноблиқнинг порлоқ на- мунаси. У ўн йил Мастуранинг касалини боқади, яна касалхонага ҳам бирга ке- лади. Бу олижаноб ийгит «Мастуранинг бир минутлик ороми учун ўнг кўзини ўйиб беришига ҳам тайёр». Агар Мас- туранинг бардоши, зўр иродаси уни «минг бир жон» деб аташ учун асос бўлган бўл- са, бу ийгитнинг ўз рафиқасига бўлган муносабатидаги бардош ва иродасини кўриб туриб уни ҳам «минг бир жон» деб юборинг келади. Персонажлардан бири: бу ийгитнинг ҳам рафторидан, ийгитлик умри минг битга-ю, шундан биттагинасини Мастурага қурбон қиля- ти, — деб ҳақ гални айтади. Мастура- нинг бахти ана шунда.

С. Аҳмаднинг «Кўклам чечаклари» ҳикоясидаги эр билан хотин орасидаги муносабат тасвири кишини ҳаяжонга солади. Агар «Минг бир жон»да олижа-

ноб эрнинг хаста хотинга бўлган садо- қати тасвир этилса, «Кўклам чечакла- ри»да олижаноб хотиннинг хаста эрга бўлган садоқати кўрсатилади.

Меҳрихоннинг эри — «уруш қурбони, умрбод тўшакка қадалган майиб». Меҳ- рихон «етти йилдирки тўшакка ётиб қолган эри атрофида парвона. У ишда ҳам, уйда ҳам эри ҳақида ўйлайди. Би- рон ноқўя гап айтиб қўймадиммикан, мендан хижолат бўлмаётганмикан, деб ташнишланади». Езувчи Меҳрихоннинг эрига бўлган самимий садоқатини лирик шоир каби тасвир этади. Асарни нас- рий дoston деб аташ мумкин. Унда ки- тобхонга сўзлаб бериш учун арзийдиган воқеалар ҳам йўқ. Келтирилган эпизод- лар эса шунчаки қаҳрамонлар ҳолати билан ўқувчини таништириш, лирик че- кинишлар қилиш, композицион бутун- ликни таъминлаш учунгина асарга ки- ритилган. Автор асосан характерлар ҳолатини кўрсатиш ва бу ҳолат туфайли туғилган лирик кайфиятни тасвирлаш йўлидан боради.

Ҳикоядаги асосий нарса эр ва аёл орасидаги муносабатдир. Езувчи эр билан аёл орасидаги садоқат тарихини ҳикоя қилиб ўтирмайди. Фақат биргина эпизодни келтириш билан чекланади. Бу эпизод шундай:

«Бир кун эри шундай узоқ жимлик- дан кейин Меҳрижа маънос термилиб айтган эди:

— Мени инвалидлар уйига обориб бера қолсангиз, мунчалик қийналмас эдингиз. Сизга жуда жавр бўлиб кетди- ку.

Шунда унинг овози титраб ичидан кучли бир хўрсиниш чиққан эди».

Шундай оғир бир вазиятда Меҳри- нима дейиши мумкин? Эрининг айтган- идай қилиб жаврдан қутулиб қўя қол- синми?! Меҳри бундай қилолмайди. Ёки кўксига уриб севги ва садоқат ҳақида ваъз айтсинми?! Йўқ, бунисини ҳам қил- майди. Автор Меҳри қалбини кўрсатиш учун қисқа, лекин ғоят самимий ҳам табиий тасвир беради: «Меҳрихон ўшан- да ўқсиниб-ўқсиниб йиғлаган, унинг соч- ларини силаб, кўзларидан, лабларидан ўпиб оувтган эди». Ҳа, Меҳри йиғлаш- га ҳақли. Умрбод хаста эрни деб ёш умрини хаёон этиш нақадар даҳшатли! Умуман ҳикояда вазият ғоят кескин. Характерлар ҳолати бутун даҳшати, жиддийлиги билан берилади. Меҳри ана шу даҳшатларга бардош бера оладиган олижаноб аёл сифатида кўрсатилади. Китобхон унинг бардошига, садоқатига, гўзал қалбига қойил қолади.

Бизда ёмон йўлга кириб кетган эр- дан юз ўғириб, уни ташлаб кетадиган аёл ҳақида ҳикоя қилувчи анчагина асарлар бор. Сўнгги йилларда бу хил- даги ҳикоялар учун қолип ҳам пайдо бўлди: эр ёмон, у оилани, хотинни хўр- лайди, хотин эса исёнкор, эрнинг қи- ликларига тоқат қилолмайди, ушдан

шартга ажралади-қўяди. Ёзувчи аёлнинг ҳақ эканлигини оқлашга тиришади, аёл шундай қилиб тўғри йўл тутди, деган фикрни ўқувчи онгига сингдиришга интилади.

Ҳикоячилигимизда бунинг тескараси, аслида эса худди шунинг ўзи бўлган бошқа бир схематик қолип ҳам бор: ёмон эр яхши хотинни хўрлайди-да, ташлаб кетади. Хотин жим турмайди, ўқиб, ишлаб обрў қозонади, мартабага эришади... Эр эса ё ўз бахтини толиб кетади — ёзувчи бунга майли деб қўя қолади, ё бахтсиз бўлиб сарсонликда қолади — ёзувчи бундай эрдан қулади. Ҳар икки ҳолда ҳам охири эр қандайдир сабаб ва илтижо билан хотин олдига кетади...

Кўпгина ҳикоянависларимизда шу қолипларга тушадиган бир-икки ҳикоя учрайди.

Бундай ҳол С. Аҳмад ижодида ҳам кўрина бошлаган эди. Авторнинг «Муллажон», «Бегона», «Баҳор сувлари» ҳикояларида шунинг изи бор. Ёзувчи «Хотин» ҳикояси билан бу схемага бир қадар зарба берди.

Бу ҳикояда ҳам эр билан хотин бир-бирдан ажрашган, «исёнкор» хотин «ёмон эр»ни ташлаб кетган. Лекин ёзувчи бу ерда хотинни оқлаш йўлини тутмайди.

Жўрабек билан Мунисхон бир-бирга кўнгиб қўйиб оила қуришган, беш йил бирга умр кечиршган. Оилада кўнгилисиз вазият пайдо бўлади. Жўрабек нобоб оғайнилар таъсирига тушиб, нобоб йўлларга кириб кетади. Шунда Мунисхон ўзини четга олади, суд орқали Жўрабек билан орани очиб қилади. Хотин ташлаб кетган, Жўрабек гангиб қолади. Гуноҳи тобора чуқурлашади. Охири у ҳақда газетада фельетон чиқади. Хотин ўз қилмишига бир жиҳатдан мамнун бўлса, бошқа томондан — хафа. У Жўрабекни ҳамон севади. Фақат унинг нотўғри хатти-ҳаракатини қоралайди. Зиддиятни ҳал этиш учун икки йўл бор. Бири Жўрабекни нотўғри хатти-ҳаракатдан тийиш, унга таъсир кўрсатиш, уни тарбиялаш. Бу қийин ва мураккаб йўл. Искинчиси осонгина йўл — ажралиш. Мунисхон дастлаб осон йўлни танлайди. Унинг айби шунда. Эри ҳақида фельетон чиққандан кейин хотин осон йўл танлаб қанчалик катта хато қилганлигини англайди. Буни ёзувчи хотиннинг ички монологи орқали чуқур далиллаб беради.

«Унинг шу аҳволга тушиб қолишига мен айбдорман,— дейди хотин.— Нега уни ташлаб келдим, нега охиригача олишмадим? Нега уни шу йўлдан қайтаролмадим? Нега унинг бемаъни улфатларини қувмадим...», «...Уни шу аҳволда ташлаб кетмаганимда бундай бўлмасди. Қурашишим, бутун борлигим билан қурашишим, уни шу йўлга бошлаган ҳар қандай кучдан зўр келишим

керак эди. Нега шундай қилмадим? Нега уни енгмадим? Нега ўзимни қурашдан четга тортидим? Энг яқин кишимни ҳалокат етказишга ташлаб, ўзимни олиб қочдим...».

Ўз айбига ифтор бўлиб айтилган бу юрак сўзларида ҳозирги давр олдий ўзбек аёлининг камолоти яққол кўриниб турибди. Бугунги ўзбек аёли ёмон эрга қарши протест билдирувчи, ўз тақдирини ўзи ҳал этувчи шахс даражасигагина кўтарилиб қолмаган. У ёмон эрни тарбиялай олиш даражасига ҳам бориб етган! Гарчи ҳикояда аёл шундай қилмаган бўлса ҳам, шу ишни қилишга қобил. Буни у ўзининг оилавий бурчи деб тушунади.

Ҳикоядаги энг муҳим момент хотиннинг гуманизми, олижаноблиги масаласидир. Жўрабек, расмий жиҳатдан, хотинга бегона. Жўрабекнинг тақдири энди уни ташвишга солмаслиги ҳам мумкин. Агар хотин ўрнида бошқа бирор худбин, пасткаш аёл бўлганда Жўрабекнинг оғир аҳволдан қувонган бўлар эди. Бу хотин учун ундай кайфият ёт. Жўрабек ҳақидаги фельетонни ўқигач, қаттиқ ачинади. Унинг «ҳеч кими йўқ, етим бола» эканини эслаш аёлни жиддий ташвишга солиб қўяди. Шундай оғир вазиятда у бегона эр ёнига боришга, уни суяшга қарор қилади. Бу қанчалик оғир бўлмасин, хотин шундай қилишга ўзида куч, жасорат топади.

Олижаноблик тасвири фақат эр-хотин орасидаги садоқатдангина иборат эмас, ҳикоячилигимизда олижанобликнинг тасвир доираси бора-бора кенгайиб бораётир, кишилар орасидаги олижанобликдан иборат хилма-хил муносабатлар қаламга олинаётир. Мирмуҳсиннинг «Кўзаларинг» асарига оддий врач хаста қизнинг кўзини очиб учун не-не машаққатлар чекади; шу ёзувчининг «Олижаноблик» ҳикоясида нотаниш йигит ўзини музга отиб, фарқ бўлаётган қизчанинг ҳаётини қутқариб қолади; С. Абдуқаҳҳорнинг «Фазилат» ҳикоясида йўловчи қиз нотаниш бетоб аёлга катта ҳиммат кўрсатади.

Кишиларимизнинг олижаноблигини, маънавий фазилати ва жасоратини кўрсатиб берувчи бу хилдаги ҳикояларнинг кўпроқ бўлиши яхши, албатта. Лекин бу соҳадаги бир момент кишини афсуслантириб қўяди. Бу хил ҳикояларнинг баъдий савияси анча паст. Улар орасида ҳар тарафлама етук, мукамал асарни топиш қийин. Ҳатто кўринишда дурустдек туюлган ҳикоялар ҳам жиддий нуқсонлардан холи эмас.

Олижаноблик баҳсида ёзилган ҳикояларга хос энг муҳим камчилик шундан иборатки, авторлар асар учун гоят ҳаяжонли ҳаётий материал танлайдилару танланган материални ҳаяжонли қилиб бериш йўллари ҳақида, материалнинг эстетик моҳиятини очиб ҳақида унчалик кўп бош қотирмайдилар. Ҳикояларга

тасвир учун олинган материалга қараб-ни баҳо бериладиган бўлса, ишлар жойида; материал қай тариқа ишланганлиги масаласига келганда аҳвол кўн-гилдагидек эмас.

С. Аҳмаднинг «Ойдин кечалар»и қапчалик бой, сербсезак тилда ёзилган! Ундаги материал ҳам ҳаяжонли. Шундай бўлишига қарамай, бу асар, нима учундир, китобхонни кутилган даражада ҳаяжонга сола олмайди. Бунинг сабаби шундай: ёзувчи кўзи очилган йигитнинг саргузаштини, кайфиятларини, миннатдорчилик туйғуларини батафсил тасвир этади-ю, ҳикоядаги асосий нарсани — йигит кўзига нур берган олимнинг олижаноблигини жуда юзани қайд этади, у тасвир этилмайди, у ҳақда шунчаки ахборот бериб ўтилади, холос. Газета хабаридай оддийгина информация масаланинг эстетик моҳиятини очиб беролмайди, ахборот кетигаги қисқагина лирик чекинш ҳам фактга бадий жон кирита олмайди.

«Кўзларинг» билан «Олижаноблик» даги воқеа жозибадор, лекин тасвир сира ҳам китобхонни тўлқинлатира олмайди; қаҳрамонларнинг кўрсатган жасорати, юксак олижаноблиги жуда қуруқ баён этилади, бу баёнда илҳом ҳам, эҳтирос ҳам йўқ. «Фазилат» ҳикоясида ҳам олижаноб қизнинг қалби жуда хира кўринади.

Бу хил камчиликдан келиб чиқади-ган иккинчи бир камчилик ҳам бор. Кўпчилик авторлар олижаноблик масаласига енгил қарайдилар. Уларнинг қаҳрамонлари бамисоли автомат одам — вазият туғилгани — бўлди, ўйлаб-нетиб ўтирмай жонбозлик кўрсатаверадилар; қаҳрамон қалбидagi гўзал хислат қандай туғилди, қаҳрамон қандай қилиб ўша даражага кўтарилган, нималар уни шундай қилишга ундади, қандай ўй-хаёллар унга халақит берди ва у бунга қандай қилиб енгди — булар билан авторларнинг иши йўқ. Ахир олижаноблик ўз-ўзидан туғилиб қолмайди-ку! Бунинг учун қалб, жасорат керак. Ҳикоянавис-ларнинг энг муҳим ва энг қийин соҳа-дан, яъни олижанобликнинг туғилишини кўрсатишдан четланадилар, бунинг ўрнига, осонгина йўл тутиб, юз берган олижаноблик ҳақида ахборот бериб қўя қоладилар. Санъат асари учун қаҳрамон-лик ҳақидаги ахборот эмас, балки ўша қаҳрамонлиkning туғилиш процессини очиб муҳим...

Кейинги пайтларга келиб ҳикоячили-гимизда худди ана шу нуқсонлардан қу-тулиш томон баъзи ингилишлар қилин-ди. Бу жиҳатдан Л. Маҳмудовнинг «Вафо», Ф. Мусажаоновнинг «Қалб садо-си» ҳикоялари характерли. Ижобий да-дилларни ёшлар ижодида кўриш киши-ни хурсанд қилади.

«Вафо» ҳикоясида шундай бир воқеа тасвир этилган:

Зумрад яқин бир йилдан буён янги

совхозда врач бўлиб ишлайди. Қиз ша-ҳарда ўқиб юрган кезлари бир йигитга кўнгли қўйган, йигит ҳам қизга муҳаб-бат изҳор қилган... Ҳар иккови қарийб икки йилдан бери кўришмаган эди — қиз чўлда, йигит олис бир тоғда геолог бўлиб қидирув иши олиб борган... Қиз йигитдан шошилишча телеграмма олади, йигит зарур иш билан шаҳарга кетаёт-ганида поезд чўлда беш-ўн минут тўх-таб ўтинини айтиб, қиздан станцияга чиқиб туришини ўтиниб сўрайди. Қиз учрашув дақиқаларини орзиқиб кутади, саратоннинг олов селида яёв йўлга чиқади. Қиз станцияга яқинлашиб қо-лади. Унинг ширин хаёллари энди рўёб-га чиқай деб турганда бирдан вазият ўзгариб кетади. Орқадан машинада бир чол етиб келади, набираси бетоб бўлиб қолганини айтади, қиздан мадад кутади. Қиз қийин аҳволда қолади. Қаҳрамонни шу мураккаб вазиятдан чиқариш учун автор нима қилсин? Қизни шахсий ман-фаатдан дарҳол воз нечтириб ижтимоий бурчни оқлаш учун отлантириб қўя қол-синми? Кўпинча бизда ижобий қаҳра-монлар шундай қилишади! Йўқ, автор ундай йўл тутмайди, автор қаҳрамонга жонли одам сифатида қарайди. Зумрад ҳам бошқа ижобий қаҳрамонлар синга-ри олижаноблик қилади, ўзининг ширин хаёллари, висол лаззатидан воз кечиб чолнинг илтижоларини бажо келтиришга қарор қилади. Лекин қизнинг шундай қарорга келиши осонликча ҳал этил-майди. Автор қизнинг ўша пайтдаги дра-матик ҳолатини жуда жонли тасвир эта-ди. Мана ўша тасвир:

«Қиз сурат олдираётган одамдай йўл ўртасида қаққайиб туриб қолди: хийла-дан сўнг секин четга ўтди. Одимлади. У одимлар, бироқ ташлаган қадами янги касалдан турган кишиникига ўхшаб, истаган жойига тушмасди. Қиз кўнгли-нинг аллақаерига соя ташлаб, гаш қила-ётган ўй-фикрларни қувишга ҳаракат қилар ва, ҳадемай қайтиб келаман-ку, дея зўр бериб ўз-ўзига тасалли берар-ди. Аммо кўнглини тинчитгани сари бўшашиб, алланечук бўлиб борарди. Қизга, чўл йўлига интизорлик билан боққан йигитнинг дам ташвишдан гам чўккан, дам қалбида жўш урган ҳис-ҳаяжондан қулимсираган кўзлари кўри-ниб кетди. Қиз тетикланди. Яна жадал-лади, қадамини тезлатди. Кўнгли ёриш-гандай бўлди. Аллақаерда чўл бағрини тилаётган экскаваторнинг тириллаши орасида йигитнинг майин товуши жон-лангандай бўлди: юраги ҳаприқди. Ви-роқ... Тик этса нажот билан эшикка тер-милиб ётган бола ва мункиллаб кетаёт-ган чол... Қизнинг вужуди музлаб кетди, тўхтади. Орқасига қаради. Шофер бола машинага суаниб, дам ҳассасини арагт судраб келаётган чолга ачиниб, дам қиз-га нафратланиб қараб турарди. Қизнинг юраги орқасига тортиб кетди. Қадам босгани мадори қолмади. Юрагининг энг

II

чуқур еридан кўтарилиб келган фаредни аранг босди, жиққа ёшга тўлган кўзлари билан станция томон бир қаради-ю, орқага қайтди... Чолнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, қиз кузовга чиқди...

«Қалб садоси» ҳикоясида мана бундай воқеа келтирилади: Врач Зикиржон севиқли хотини Ҳабиба билан фарзандсизлик масаласида ажралишиб кетган. Бироқ у ҳамон Ҳабибани севади. Ҳабиба эса бошқа бир киши — Эгам билан турмуш қилиб кетган... Эгам қаттиқ бетоб бўлиб Зикиржоннинг қўлига тушиб қолади. Уч олиш учун қулай пайт келади. Уч олиб қолиш керакми ёки олижаноблик кўрсатиш керакми? Бу виждон синовиди «жоҳиллик, яширин ўч олишдек жirkanч ҳис эмас, балки инсонийлик, бурч, ҳалолликдек соф туйғу» ғалаба қилади, Зикиржон «шахсий рақибининг ҳаётини сақлаб қолади.

Худди шу тема, ҳатто шу сюжетда бизда аввал ҳам бир неча ҳикоялар битилган. Гарчи ҳикоя «ишланган тема»да ёзилган бўлса ҳам, ёш автор унга янгилик кирита олган; аввалги ҳикоялардан фарқи ўлароқ бу ҳикояда олижанобликнинг «шахсий адоват»дан ҳолиб келиши силлиқлик билан эмас, кескин интеллектуал руҳий тўқнашувлар тарзида юз беради.

Ҳикоя умуман дуруст ёзилган бўлсада, бир масалада автор билан келишиб бўлмади. Асарда таънидланишича, Зикиржон «фан кишиси». У «ўз иши, ўз ихтиролари, ўз фикри, ўз олий мақсадлари билан» яшайди. Унинг оилавий «икир-чикирлар»га ҳуми йўқ. Оилада фарзанд йўқлиги уни ташвишлантормайди, «ўзига қолса бефарзанд ўтиб кетишга ҳам тайёр», фарзандни фақат хотинига «овунчоқ тарихида» кўради. Автор ёзади: «Зикиржон оламга янги бир ҳаёт бахш этмади, аммо юзлаб одамларнинг ҳаётини қайтариб берди, сақлаб қолди. Унинг донғи бутун мамлакатга машҳур бўлди — давоси йўқ ҳисобланган ижтима касалга даво топди, ҳозир ҳам изланишда, қидиришда ҳаётининг мақсади ҳам шунда эди». Хуллас у ижтимоий ҳаётда ҳамма учун намуна-ю, оилада, шахсий ҳаётда бошқалардан тубан; у «севиқли» хотинини хотин ўрнида кўрмайди, уни хўрлайди, ташлаб кетишга мажбур этади... Автор эса буларга майли дейди, унинг бу жиҳатини қоралагиси келмайди, Зикиржон ижтимоий ҳаётда яхшимми, шунинг ўзи бас дейди.

Совет кишиси учун ижтимоий ҳаётда намуна бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, давримизнинг ахлоқ кодекси совет кишисидан «шахсий ҳаётда ҳалол бўлишни, «оилада бир-бирини ҳурмат қилиш ва болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш»ни ҳам талаб этади; бизнинг кунларимизда ҳам ижтимоий, ҳам шахсий ҳаётдаги бурчини яхши англаган кишигина чинакам мақтовга сазовор.

Қардош халқлар адабиётида бўлганидек, бизнинг адабиётимизда ҳам, хусусан ҳикоячилигимизда «шубҳали» деб аталган, йўлдан адашган кишиларга муносабат масаласи кўтариланти, шахсга сиғиниш йилларида кенг ёйилган ҳодимларга бефарқ муносабатда бўлишнинг ёмон оқибатлари фож қилинапти, шахсга сиғиниш тугатилгандан кейин вужудга келган ўзаро ишонч вазиятининг илиқ шабадалари тараннум этиляпти. С. Аҳмаднинг «Ишонч», Х. Назирнинг «Қуруқ ёғоч ҳам эгилади», С. Зуннуновнинг «Қайтиш», У. Умарбековнинг «Юлдузлар» ҳикоялари ва бошқа кўлгина асарлар ана шундай проблемаларга бағишланган.

«Ишонч» ҳикоясидаги Фотима шахсга сиғиниш давридаги мудҳиш воқеаларнинг қурбони бўлганлардан. Фотиманинг эри Исмоилжон колхознинг парткоми эди. Фотима институтни битираман деб турганда уруш бошланиб қолиб, Исмоилжон фронтга кетади. Бу ёқдан эр фронтга кетади, у ёқдан хотин диплом олиб келади — иккови кўришолмай қолишади. Фотима колхозга бош бухгалтер бўлади. Партияга ўтади. Яхши ишлайди. Сал ўтмай район молня бўлимига мудир бўлиб кўтарилади. Шу орада, Исмоилжон немисга асир тушиб кетганмиш деган гап тарқалади. Уша пайтдаги «махмадоналар» Фотимага эрингдан чиқасан деб туриб олишади. Фотима эрига ишонарди, уни севарди, шунинг учун ҳам у Исмоилжондан кечмайди. «Махмадоналар» билганини қилишади. Фотимани партиядан ўчиришади, ишдан олишади, олий маълумоти билан сарсон қилиб қўйишади. Бироқ у сира солимайди, ҳақиқатнинг барқарор бўлишига қаттиқ ишонади. Йиллар ўтиб ҳақ ўз йўлига қарор топади...

Бу воқеаларни айтиб берган чол бир вақтлар катта айб қилиб қўйган. Фотиманинг шу кўйларга тушувига, бир чеккаси, у ҳам сабабчи. Чол аёлнинг партиядан ўчирилишини талаб қилган, унинг юзига қараб туриб «Сен хоиннинг хотинсан» деган. Болалигидан бери билладиган, ўзи гоҳ опичиб, гоҳ етаклаб катта қилган одамга ана шундай мунобатда бўлган. Энди у ўз қилмишидан минг марта пушаймон, «ер ёрилса ерга нириб кетишга» ҳам тайёр. «... ўшанда ўзимдан кўрққанман, гап тегиши, мени ҳам ушаларга қўшиб бадном қилишлари мумкин деб ўйладим. Мунга қаранг, ўшанда ўзимни ўйлабман-у, бир бегуноҳнинг жувонмарг бўлиб кетаётганлигини ўйлаб ҳам кўрмабман» дейди у.

«Қуруқ ёғоч ҳам эгилади» ҳикоясининг қаҳрамони Бўрибой Арслонов ҳам ўзаро ишончсизлик, бепарволик каби ярамас иллатлар қурбони. Бу одам бундан бир неча йил бурун қалбаки ишлар

қилиб қамалган. Кейин афв-умумийга илғиниб гуноҳи кечирилган, аммо ушандан бери жамоат ишига аралашмайди, ҳеч ким бу одам билан дурустроқ гаплашмайди, унга ишонинмайди, кўплар ундан умидини узиб қўйган, уни «чиқинди» одамлар қаторига қўшиб қўйишган. Бундай муносабат Бўрибойни яхшилик томон етакламас эди албатта. Шунанга, қўпол муомала туфайли Бўрибойдаги салбий хусусиятлар бора-бора авжига чиқаверади, у колхоз учун «бел оғритиш»дан бош тортиб «текин маишат» йўлига кириб кетади. Кейинчалик маълум бўлишича, Бўрибой айрим кишилар назарида «қуруқ ёғоч» бўлса-да, эгилишга мойил экан, фақат яхши муомалага муҳтож экан, холос. Асар охирида Бўрибойнинг яхши хислатлари ҳақида гап боради, унинг тузалиб ҳаётга қайтганлиги таъкидланади. Бу эса ўзаро ишонч, илғиқ муносабатнинг самараси қилиб кўрсатилади.

Қолган ҳикоялар бевосита шахсга сиғиниш оқибатларини кўрсатишга бағишланган бўлмаса-да, уларда одамлар орасидаги ўзаро ишонч алоқалари мустақамланган янги даврнинг руҳи баралла сезилиб туради.

С. Зуннунова «Ҳайтиш» ҳикоясида ҳаётда учраб қоладиган айрим пастнаш кимсаларни, одамга ишончини йўқотган, унга паст назар билан қарайдиган тақаббур кишиларни қоралайди, ишонч туйғусини, юксак фазилатга эга бўлган шахсларни шарафлайди. Адибанинг ўз қаҳрамонига муносабати яққол кўринади. Қаҳрамон хато қилиб пастнаш кимсалар таъсирига тушиб қолганда ёзувчининг унга юракдан ачинаётганлиги, қаҳрамон иноқ коллективга қайтиб, катта йўлга чиқиб олганда эса бундан чексиз қувонаётганлиги баралла сезилиб туради.

Ҳикоя қаҳрамони Зайнаб бир йил бурун заводда ишлар эди. Заводдаги эркин меҳнат, эркин ҳаётнинг қадрига етмай, осон кун кечириб, кўпроқ пул топиш ниятида кишилар эшигига кетади. «Қалби муҳаббатга, ўзи кучга тўлган навқирон бир пайтида ҳамма нарсадан: инсонлик гуруридан, аҳил коллективнинг меҳру муҳаббатидан кечиб, тубанликка, ўздан мутлақо юқори бўлмаган бир аёлнинг кетидан корзинка кўтариб юриш, меҳмонга кетаётганда пальтосини кийдириб, қайтганида калишини ювиб қўйиш учун» кетади. Бу билан у қанчаллик катта хато қилиб қўйганини билмайди. Фақат бир йилдан кейингина хатосини англаб етади. «Бир йиллик умрини сувга оқизиб» қайтади, заводга, ўз дугоналари ёнига келади.

Ҳикояда Зайнабнинг ўз айбини англаб егиши ҳам, дугоналари олдига қайтиши ҳам ишонч туйғуси орқали далилланади. Зайнабнинг «хўжайка» уйдан кетганига сабаб шуки, бу оилада унга ишонч йўқ. Зайнабни қайтадан коллек-

тивга тортган куч шуки, бу ерда ўзаро дўстона ишонч бор. Бу нарса асарда жуда ёрқин кўрсатилган, айниқса бир момент гоат яхши чиққан. Мана у: воқеа Зайнаб «бекаси»нинг уйдан қайтгандан кейин қизлар ётоқхонасида бўляпти. «Муҳаббат уйқу босган нўзларини ишқаб эснадди. Билагидаги олтин соатини бепарвогина ечиб стол устига қўйди.

Қандай қилиб соатини чиқазаетганини, бепарволик билан уни стол устига қўяётганини Зайнаб зимдан кузатиб тураркан, ич-ичидан келган кучли хўрсиниш энтиктирди. «Хўжайка»си тақинчоқларини уйда ҳеч қачон очиб қолдирармиди? Уйдаги жамини шкафларнинг калитини бир шода қилиб сумтасида олиб юрмасмиди?! У Зайнабга ишонмасди. У ҳар гал кўчадан келганида мураббо идишларининг қошқоғини ҳам очиб кўрмасмиди?! Стол устида конфет қоғозини кўриб қолса атайлаб: «Ҳой, Зайнаб, конфет еганинда, қоғозини ерга ташлама-да» деб танбеҳ бермасмиди?! Уйда бирон нарса йўқолса, то топилмагунча Зайнаб ўғридан баттар бўлиб юрмасмиди?! Муҳаббатнинг шу тоғда олтин соатини бепарво стол устига қўйиши Зайнабга, хотиржам бўл, ўртоқ, сенга ишонами» деяётгандек туюлди. Хузур қилиб нафас олди. «Ишонч, ишонч!» дея пичирлади Зайнабнинг лаблари...

Еш ёзувчи У. Умарбековнинг «Юлдузлар» ҳикоясида ҳам инсонга ишонч, ишонч туйғусининг таъсир кучи ўзига хос бир тарзда кўрсатиб берилди.

Бу ҳикоя ҳақида ўз вақтида илғиқ гаплар айтилган эди. Шундан кейин ёш авторнинг матбуотда шу темада яна бир асари пайдо бўлди. «Шер» деб аталган бу ҳикоя «Юлдузлар»га қараганда анча заиф чиққан, аввалги ҳикоянинг бошқачароқ пландаги қайтариғи бўлиб қолган. Бу ерда ҳам жиноят йўлига кириб кетган ёш йигитнинг одамлар меҳрибонлиги ва ишончи орқасида қайта тугилиши воқеаси ҳикоя қилинади. Гўё ҳикоя шу воқеани айтиб бериш учунгина ёзилгандек туюлади. Унда характер ҳам йўқ, психологик анализ ҳам йўқ, психологик анализ учун автор қўлида дурустроқ янги материал ҳам йўқ.

III

Гуманизм мотивлари хусусан жанг ва унинг оқибатлари таъсирга бағишланган ҳикояларда зўр эътирос билан ифода этилмоқда. Бу ҳикоялар бундан аввалроқ шу темада ёзилган асарлардан кескин фарқ қилади. Шахсга сиғиниш кучайган йиллари жанг ҳақида ёзилган жуда кўп асарларда совет кишинининг уруш давридаги қаҳрамонликлари таъсирланар эди-ю, уруш туфайли унинг бошига тушган кулфатлар етарли даражада кўрсатилмас эди, авторлар буни кўрсатишга, чамаси, ҳадисирар эдилар.

Бу хил асарларнинг қаҳрамонлари жангдан тантана билан қайтадилар, ҳеч нарса кўрмагандек ишга отиладилар, улар уруш қулфатларини назар-писанд қилмайдилар, ҳатто уруш қолдирган жароҳатларни бошқаларга кўрсатишни ор деб биладилар. Ҳозирги вақтда яратилаётган асарларда манзара бошқача. Уларда уруш даҳшатлари бутун кескинлиги билан кўрсатиб берилаетир. Бу соҳада М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикояси катта аҳамиятга эга бўлди. Улуғ адиб бу ҳикояси билан жанг темасига ёндошишда янги бир саҳифа очди. Бу асарда «совет кишисига бўлган чексиз меҳру муҳаббат, унинг уруш йилларида чеккан азоб-қубатлари учун куйиш, ирода ва бардоши, олижаноб қалби учун фахр туйғулари Шолоховнинг кўкрагидан кўшиқдай отилиб чиқади». (А. Қаҳҳор). Бизда жанг темасида ёзилган энг яхши ҳикоялар «Инсон тақдири»га оҳандош.

Жанг оқибатлари тасвири ҳаммадан кўпроқ ҳикоянавис С. Аҳмаднинг қизиқ-гирмоқда. Сўнгги йиллар ичида у бу темада ўндан ортиқ ҳикоя ёзди. «Хазина», «Мангулик қиссаси», «Сурат», «Тоғларда», «Тўлқинлар», «Турналар» ва «Онажонлар» ана шундай ҳикоялардан. Уруш кишилар бошига нақадар кўп фалокатлар келтирганлигини таъкидлаш, инсонга муҳаббат, инсон ҳаёти ва бахти учун қайғириш, унинг уруш тўфайли торган қулфатларига ачиниш, урушнинг фош этиш, урушга қарши уруш очишга, тинчлик учун курашга даъват этиш — бу ҳикояларнинг бош идеяси ана шундан иборат.

Ҳикояларнинг қаҳрамонлари уруш жафосини бевосита ёки билвосита татиб кўрган кишилар; уруш жафоси ҳозирги тинчлик кузларида ҳам уларга осойишталик бермайди, қаҳрамонлардан бири жангда ҳалок бўлган жигарбақдинни кўмсайди, бири бедарак кетган ўғлининг йўлига кўз тутди, яна бири уруш қолдирган танидаги жароҳатдан азоб чекади.

Бу ерда тилга олинган ҳикояларнинг ҳаммасини таҳлил этиш имконига эга эмасмиз. Аҳамиятига кўра, уч ҳикоя — «Тўлқинлар», «Турналар» ва «Онажонлар» таҳлили билан чекланамиз.

«Турналар» билан «Онажонлар»ни қаяжонланмасдан ўқий олмайсиз киши. Ҳар икки ҳикояга хос бир умумий хусусият бор — уларда уруш жафосини торган қариялар тақдири тасвир этилган. Бу икки ҳикоя гўё бир-бирини тўлдирди, агар биринчисида жафокаш, меҳрибон ва метин иродали ота образи берилган бўлса, иккинчисида шу хилдаги ота образи яратилади.

«Турналар»даги Собир ота уруш тўфайли икки ўғлидан жудо бўлган, катта ўғлини душман бомбаси тилка-пора қилган, кичигини эса денгиз ўз қаърига тортиб кетган. Ота дунёда фарзанд кўр-

магандек яна сўққа бош бўлиб қолган. Чол шу воқеаларни сўзлар экан, ўксиб-ўксиб йиғлайди. Чол бошига тушган мусибатлар жуда оғир, бироқ у шу мусибатларни енгишга қодир. «... Сабру бардош деган нарса бўлмаса одам боласини ғам еб қўяди. Мана, яшаб юрибман. Йиқилиб қоларминанман деган эдим, икки азаматимдан жудо бўлиб ҳам йиқилмадим-а!» дейди у. Ундаги ҳаётга бўлган умид ва муҳаббат ғам-аламдан устунлик қилади. Унинг қалби инсон боласига, фақат инсон боласига эмас, ҳатто жониворларга меҳру шафқат ҳисси билан тўла. Чол жанг вақтида ота-онасиз қолган Андришани тарбиясига олади, ортмоқлаб катта қилади, Андришанинг ўғлига набирам деб меҳр қўяди; чол экиб, ўстирган апанаслар тилни ёради, чолга дуч келиб қолган йўловчи йигит унинг меҳру ҳимматидан кўнгил узиб кетишга ботинолмай қолади; яраланиб сафдан ажралиб қолган турна чолнинг кўлида шифо топиб яна ўз қарвонига қўшилади.

«Онажонлар»даги кампирнинг мусибатлари чолликдан қолишмайди. Кампирнинг биттаю битта ўғли фронтга кетган. «Жувиллаб қолган катта ҳовлида бир ўзи яшайди. Кечқурунлари эшиги олдидаги сулада ҳассасини ерга тираб ўғлининг йўлига кўз тутиб ўтиради. Қоронги тушгандагина кириб, алла-паллагача ухламай, тиқ этса эшикка қараб ётади». Диққати ошиб дили қоронги бўлиб кетган кезларда челақни шафтолига тўлдириб, ёш ишчилар ётоғига келади, ёшларни койиб-койиб таптини ёзиб кетади. Ҳикоячи — шофер йигит дейди: «Орамизда оналик меҳрига тўймаган етим болалар ҳам бор эди. Улар кампир келганда атрофида гирди-капалак бўлишарди. Топган-тутганларини олдига тўжиб солишарди. Шундай бўлса ҳам у койишдан тинчмасди. Ҳадеб бизни уришаверарди». Кампир қизларни ҳам койиб туради: «Қиз бола деган ўзига қараб туради. Уйимга келинг, қатиқ ивтиб қўйганман, бош-мошларингни ювиб оласанлар. Ўсмам ҳам отқулоқ бўлиб ётибди...»

Кампирнинг бу хил хатти-ҳаракатлари шунчаки тилга олинган эмас, бу маълум маънони ифода этади. Уруш жафоси, ҳикрон асаби кампирни ана шундай тажанг, азоби қилиб қўйган. Бироқ унинг койишларида ғараз йўқ, у нуридийдасини соғинганидан шундай қилади. Йигит ва қизларни ўзига яқин олиб шундай муомалада бўлади, уларга оналик меҳри билан боқади.

Ёзувчи она қалбидаги изтиробларни, унинг бошига тушган қулфатларни ёрқинроқ кўрсатиш учун ғоят ўткир драматик лавҳалар топади. Мана шулардан бир нечаси:

Кампир балиқ гўшти емас экан. Бунинг сирин кейин маълум бўлади. Исло-

ҳот йиллари кампирнинг эрини босмачилар дарёга чўктириб юборишган. Кампир уни балиқлар еган бўлса керак деган андишага боради...

Кампирнинг ўғли яқинда бораман деб хат ёзади. Кампир ўғлини соппа-соғ кўришни орзу қилади. Шу орада ўғилдан яна хат келади. Унда ўғилнинг бир оёғи кесиб ташланганлиги айtilган эди. Кампир ҳушидан кетиб йиқилади...

Кампир фарзандининг йўлига кўз тута-тута охири оламдан ўтади. Унинг тобути мазорга олиб кетилаётганда ўтил келиб қолади...

Гарчи ҳикоя кампирнинг ўлими билан тугаса-да, у кишида умидсизлик туғдирмайди. Ёзувчи ҳикоя финалида китобхон хаёлини ана шу оғир вазиятдан жуда усталлик билан олиб чиқади, жозибадор лирик чекиниш орқали китобхон қалбида кампир учун — меҳрибон ва олижаноб аёл учун фахр туйғуси уйғотади. Аммо бу ўринда бир гапни айтиб ўтмай илож йўқ. Гарчи финал гоёат жозибадор ва ўришни чиққан бўлса-да, у «Турналар» даги финалга ўхшаб қолган.

«Тўлқинлар»даги жанг йилларига бориб тақаладиган воқеа шундай:

«Йигитлар фронтда жон олиб жон бераётган оғир кунлар эди. Дала ишлари аёлларга қолиб кетган, ҳаммаси таянж, ҳаммаси асабий эди. Уларнинг интизор кўзлари фронт йўлида, қўллари меҳнатда, фронтни зориқтирмаслик, душманни тезроқ яқсон қилиши учун тинчсиз ишлар эдилар». Усарбойнинг хотини Жўраҳон ҳам шундайлардан. У колхозга раислик қилади. Қўли ипда-ю хаёли фронтда. Етти ойдирик, Усарбойдан хат-хабар йўқ. Бу нарса айниқса уни ташвишга солади. Шу орада кутилмаган фалокат юз беради. Тондан сел тушиб колхоз қўйларини оқиша бошлайди. Шунда Жўраҳон ўзи каби аёлларга, қарияларга бош бўлиб, сел билан олишувга киришади, қўйларни ҳалокатдан қутқара бошлайди. Ана шу олингувда у селга ғарқ бўлиб ном-нишонсиз йўқолади.

Бир қарашда Жўраҳон ҳалокатининг урушга алоқаси йўқдек, ҳамма айб табиат стихиясида экандек бўлиб туюлади. Ҳодисага чуқурроқ ёндошилгандан кейин бош айбдор уруш эканлиги ойдинлашади. Чунки уруш бўлмаганда йигитлар фронтга кетмаган, тинч икодий меҳнат билан шугулланган бўлар эди; сел билан олишувдек оғир ипга аёллар, қари-қаранглар эмас, аввало йигитлар қўл урган бўлар эди. Жўраҳон воқеасининг гувоҳи бўлган персонаж чолнинг айбни урушга олиб бориб тақашни асосли.

С. Аҳмад ҳикояларида воқеа кўпинча ҳикоячи қаҳрамон тилидан айтирилади. Юқоридеги уч ҳикояда ҳам ёзувчи шу приёمنى қўллаган. Биринчи ҳикояда воқеани йўловчи йигит сўзласа, иккинчисиде шофер йигит, учинчисиде

мухбир йигит айтиб беради. Бу приём ёзувчига лирик чекинишлар қилиш, қаҳрамонларни баҳолаш, ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш учун яатта имконият туғдиради. Ҳикоячи қаҳрамон гўё авторнинг асардаги вакили каби иш кўради. У ёзувчининг позициясини ифодалайди. Асар персонажларининг оғир ҳолати билан танишганда ҳикоячи қаҳрамон чуқур ташвишга тушади, уларни шу кўйларга солган урушни қарғайди, фош этади, персонажларнинг букилмас иродаси, бардоши, ажойиб гўзал қалбини кўриб бундан фахрланади.

IV

Ҳикоячилигимизда гуманизм ғояларининг ифода доираси анча кенг. Гуманизм мотивлари ифодасини фақат ўз ҳаётимиз ҳақидаги ҳикоялардагина эмас, чет эл кишилари ҳаётидан олиб ёзилган ҳикояларда ҳам кўриш мумкин.

Характерли жойи шундаки, ҳозирги вақтда чет эл темасида ёйлаётган асарларнинг аксарияти империализм зулмидан жафо чеккан ва бу зулмга қарши бош кўтарган ёки империализмни енгиб миллий мустақилликка эришган халқлар ҳаётига бағишланган. Уларда империализм кескин фош этилади, империалистларнинг ўзга халқлар бошига солган жабру жафолари, ўзгалар юртида қилган йиртқиқчиликлари, ғайри инсоний хатти-ҳаракатлари нафрат билан тасвир этилади; авторлар мазлумлар ҳолига ачинадилар, уларни руҳан ҳикоя қиладилар, уларнинг озошлик йўлидаги курашларига хайрихоҳлик билдирадилар — бошқачароқ қилиб айтганда, уларда совет кишининг нуқтаи назари, гуманист санъаткорнинг нафрат ва муҳаббатга тўла қалби яққол кўриниб туради. Бундай хусусият Мирмуҳсиннинг «Арабистон ҳақида ҳикоялар»ида ҳам бор. Ҳ. Ғулломнинг «Куба ҳақида ҳикоялар»ида ҳам бор. Бу хусусият айниқса А. Мухторнинг халқаро темадаги ҳикояларида яққолроқ намоён бўлмоқда.

«Арабистон ҳақида ҳикоялар» китобхонларга маъқул бўлиб, жамоатчилик уларни икобий баҳолади.

«Куба ҳақида ҳикоялар» мароқли сафарнинг яхши самарасидир. Китобга кирган асарлар жўшқин публицистик руҳ билан сурғорилган. Ёзувчи бор ҳақиқатни — ўзи эшитган, кўрган ва билган нарсаларни ёзади, қаламга олинган ҳамма ҳодисаларга ўз муносабатини баён этади, уларни эҳтирос билан тасвир қилади. Асарларда публицистик элемент шунчалик мўлки, бу ҳол уларни ҳикоя жанридан кўра публицистикага яқинлаштириб қўяди. Америка империалистлари ва уларнинг Кубадаги сотқин малайлари ҳақида гап кетганда автор ғазаб ва нафратга тўлиб-тошади, «эрк ва саодат учун курашда енган, енгаётган, енга оладиган, бу йўлда мислсиз

жасурлик ва шижоат кўрсатаётган Куба халқи ва унинг фарзандлари ҳақида» сўз борганда авторнинг қалби самимият ва фахр туйғулари билан жўш уради.

А. Мухтор жаҳон бўйлаб қилган саёҳати таассуротлари асосида бир талай асарлар ёзди. Ёзувчи оддий мақола, бадий лавҳа, хогира характеридаги асарлардан секин-аста ҳикоя жанри томон ўта бошлади ва «Қаноти синган орзу», «Эҳ катталар», «Менинг ватаним борми?», «Рог элифант», «Даҳшатли махлуқ», «Бобо-набира» сингари ўткир ҳикоялар яратди. Бу ҳикояларнинг ҳар бири империализм устидан чиқарилган айбномадир, жафокаш халққа меҳр-муҳаббат ҳисси билан тўлиб-тошган қўшиқлардир.

«Даҳшатли махлуқ» ҳикоясидаги воқеани олиб қаранг, асар қаҳрамони Абу-Диб саргузаштини ўқиб ларзага тушасан киши. Унинг саргузашти фожиаларга тўла, империалистлар уни шу фожиаларга дучор этган. Аввало унинг дунёга келишининг ўзи бир фожа. У ўзи ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Бизни бу ерда «дурагайлар» деб аташди. Онамиз одатда қора танли ерликлардан бўлади, отамиз эса «оқ». Биз уларни танимаймиз, бизнинг туғилишимиз — тасодиф, тирик қолишимиз бўлса, мўъжиза. Бизни «қоралар» ҳам ўз қаторига қўлмайди, «оқ»лар ҳам «Дурагай» дегандан ҳам қаттиқроқ ҳақорат йўқ». Матрифат тарқатиш ниқоби остида Париждан Африкага келган миссионер Деладье ана шундай ташландиқ болаларни йиғиб тарбиялайди, тарбиялаганда ҳам бошқачасига тарбиялайди, уларнинг оёқ-қўлларини синдириб хаста майиблар тайёрлайди. бу майиблар бир оз соғайгач шаҳар кўчаларида тиланчилик қилишади, тиланчилик орқали тўпланган пуллар миссионернинг кармонига келиб тушади, шу йўл билан у бойиб катта давлат орттирган. Абу-Диб Деладьенинг «Тубанлик фабрикаси»га кириб чиққанлардан. Унинг юзидаги ҳазинлик, яширин кулфат, ҳасрат нишонаси, оёғининг чўлоқлиги ҳам шундан. Китобхон Абу-Диб ҳикоясини эшитгандан кейин, миссионернинг кирдикорлари билан танишгандан кейин бу одам ҳақиқатан ҳам даҳшатли махлуқ эканлигига ишонч ҳосил қилади.

«Бобо-набира» ҳикоясида автор ўқувчи хаёлини «Минг оролнинг гўзал маликаси» бўлган Явага элтади. Келгиндилар кекса донгдор рассом Субантовни ўз юртининг гўзал манзараларини суратга солгани учун қамашган, ҳақорат қи-

лишган, чизган расмларини поймол этишган, ўғирлаб кетишган. Озодликдан сўнг у юртига қайтади, «касал, териси суягига ёпишиб, дармонсиз, икки кўзи кўр» ҳолда қайтади. Рассом учун бундан ҳам ортиқроқ кулфат, бундан ҳам ортиқроқ фожа бўлиши мумкинми?! Китобхон ана шу фожиали ҳодисалар тасвирини ўқиганда, тасвир худди ўша ерга етганда, ҳаяжондан ўзини қўярга жой тополмай қолади...

Совет сайёҳининг ана шу жафокаш санъаткор билан учрашуви тасвир этилган драматик лавҳа нақадар некин ва жозибador! Рассомнинг Банг-банг исми кичик набираси бор. Набира бобонинг хаста кўнглини кўтариш, уни ҳаётга қайтариш ниятида уни алдаган — расмларнинг поймол этилганлигини, ўғирлаб кетилганлигини бобога айтмаган, бобо галереясини иложки борича тиклаган, йўқ расмлар ўрнига қуруқ қоғозлар қўйган. «Бу шафқатсиз алдов» бобога умид ва ҳаёт бахш этган, бобо ҳар кун «расмлар»ни текшириб туради, бамбук гули билан чангини қоқиб қўяди, ҳар бирининг ўрни, нумерини ёд билади, рангларини кўриб тургандай баъзан бошини қийшайтириб, баъзан жилмайиб ёруққа солиб томоша қилади... Хаста рассом совет сайёҳи билан учрашганидан беҳад мамнун, у расмлари ҳақида кўпдан бери санъатни тушунадиган, билармон одам билан гаплашмаган эди, мана энди у шундай одам билан учрашиш шарафига муяссар. Рассом ўз галереясини зўр ифтихор билан сайёҳга кўрсатади, расмлари ҳақида катта санъаткорга хос қайноқ қалб билан тўлиб-тошиб гапириб беради. Бобо бечора ифтихор билан мадҳ этаётган, тушунтираётган манзаралар тасвири келгиндилар томонидан йўқ қилинганлигини, қўлидаги «расмлар»нинг кўпи қуруқ қоғоз эканини, ҳатто гўзал тасвирларга асос бўлган манзараларнинг ўзи ҳам куйдириб хазон қилинганлигини билмайди...

Қолган ҳикоялар ҳам ана шундай фош этувчилик хусусиятига эга. Уларда ҳам ёзувчининг империалистларга нафрати, маълумларга ҳурмат ва муҳаббатига баралла сезилиб туради.

Юқоридаги таҳлил ва мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, умумсовет адабиётида бўлгани каби, бизнинг адабиётимизда ҳам, хусусан унинг жанговар соҳаси бўлмиш ҳикоячиликда, гуманизм ғояларининг ифода доираси мана шу тарихга тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда.



Таржимашуносликка муносиб ҳисса

Улуғ рус классик ва совет адабиётининг ажойиб намуналарини, шунингдек СССРдаги қардош халқлар адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш иши авж олиб бораётган ҳозирги пайтда бадиий таржиманинг муҳим проблемаларини илмий асосда ишлаб чиқиш фоят катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бадиий таржима масалаларига бўлган эътиборнинг кундан-кун ошиб бораётганлиги табиий бир ҳолдир.

Ғайбулла Саломовнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриётида яқинда босилиб чиққан «Мақол ва идиомалар таржимаси» асари бадиий таржима проблемаларидан бирига бағишланганлиги билан диққатга сазовор. Бу асарда, авторнинг уз ибораси билан айтганда, «тилнинг қаймоғи, мўъжизаси» деб аталиши мумкин бўлган мақоллар, маталлар, фразеологизмларни таржима қилиш принциплари ҳақида фикр юритилади, шунингдек таржимонларимизнинг бу соҳада эришган ютуқлари ва йўл қўйган хатолари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Маълумки, мақол ва маталларни, фразеологизмларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш масаласида икки хил нуқтаи назар мавжуд. Биринчи нуқтаи назарга кўра, мақол, матал ва идиомаларни бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз, айнан таржима қилиш мумкин эмас. Мақол ва маталлар ифодаладиган маънони бериш учун бошқа тилдан уларнинг муқобилларини топиб ишлатиш керак. Мақол, матал ва идиомалар сўзма-сўз таржима қилинса, ғализлик, сунъийлик ҳосил бўлади ва оригиналдаги маъносини ифодаламайди. Масалан, Х. Дониёров ва С. Мирзаевларнинг «Ойдин ҳикояларининг таржимаси ҳақида баъзи мулоҳазалар» деган мақоласида кўрсатилишича, таржимон Н. Ивашев «кампирнинг қўлтиғидан тарвузи тушиб кетди» жумласидаги фразеологик бирикмени «старушка так расстроилась, словно вдруг уронила хороший арбуз» деб таржима қилган ва натижада кўчма маънодаги образли ибора ўзининг нафосатини ҳам, таъсир кучини ҳам йўқотган. Бундай мисоллар фразеологизмларни, мақол ва маталларни ҳақиқатан ҳам сўзма-сўз таржима қилиш кулгили натижаларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб туради.

Аmmo иккинчи хил нуқтаи назарга кўра, мақол, матал ва идиомаларни бошқа тилда бериш учун фақат эквивалент излаш йўлидан эмас,

балки таржима қилиш йўлидан ҳам бориш керак. Ахир, рус тилидаги «волков бояться — в лес не ходить» деган мақол ифодалайдиган маънони ўзбек тилидаги «чумчуқдан қўрққан тариқ экмас» деган мақол англатади-ку! Рус тилидан таржима қилинаётган асарда шу мақол учраса, уни «бўридан қўрққан ўрмонга бормас» деб таржима қилиш керакми, ёки юқорида келтирилган ўзбекча эквивалентидан фойдаланиш керакми? Хўш, юқоридаги нуқтаи назарлардан қайси бири тўғри? Файбулла Саломовнинг китоби ана шу масала билан боғлиқ бўлган қатор саволларга жавоб излаб, жуда кўп турли-туман манбаларга муурожаат қилиш, ўйлаш, мулоҳаза юритиш, фактларга ижодий ёндошиш ва илмий хулосалар чиқаришга интилиш асосида юзага келган.

Автор бир тилдаги фразеологик ибораларни иккинчи бир тилда бериш учун қандайдир ягона «темир қонун»га ёпишиб қолиш мутлақо мумкин эмаслигини жуда кўп ишончли далиллар орқали кўрсатиб бера олган. Масалан, «волков бояться — в лес не ходить» деган русча мақолни ўзбек тилига «чумчуқдан қўрққан тариқ экмас» мақоли шаклида таржима қилиш мумкин эмас. Чунки бундай таржима русча мақолнинг миллий колоритини йўқотиб юборади. Шунинг учун ҳам бу мақолни «бўридан қўрққан ўрмонга кирмас» деб таржима қилиш ўринли бўлади,— дейди у. Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романида келтирилган «қазисан, қартасан, охир аслингга тортасан» деган мақол рус тилига «сколько волка не корми, он всё в лес глядит» деб таржима қилинганига эътироз билдирмайди, балки уни маъқуллайди. Чунки юқоридаги мақол умумий тушунчалар белгисидир, унда ўзбек халқининг табиий шароити ва миллий хусусияти билан боғлиқ бўлган аниқ белгилар бўртиб кўринмайди. Шунинг учун ҳам бу мақолни рус тилига таржима этишда эквивалент излаш йўлидан бориш оригиналнинг қимматига ҳеч қандай путур етказмайди. Масалала ана шундай конкрет ва ижодий ёндошиш асосида Ф. Саломов мақол, матал ва идиомаларни бир тилдан бошқа тилга сўзма-сўз таржима этиш бемаъниликка олиб келишини яққол кўрсатиш билан бирга, уларни мутлақо сўзма-сўз таржима этиб бўлмайди, деган бирёқлама қарашларни ҳам рад этади. Айрим ҳолларда уларни бошқа тилда айнан оригиналдагидек қилиб бериш ҳам мумкин ва лозимлигини исботлайди.

Автор асарни аниқ таржима қилишни, ҳарфма-ҳарф таржима маъносида эмас, балки ижодий маънода; эркин таржимани оригинални таржимон ўзи истаганича ўзгартиравериши маъносида эмас, уни тилнинг мавжуд имкониятларидан максимал фойдаланган ҳолда, асл нусханинг қули бўлиб қолмай, ижодий таржима қилиш маъносида тушунади.

Китобдаги диққатга сазовор томонлардан бири шундаки, автор русча фразеологик ибораларнинг ўзбекча таржимасини кўрсатар экан, уларнинг бошқа ажнабий, айниқса қардош тиллардаги таржима вариантларини ҳам бир-бири билан чоғиштириб кўрсатади. Шундай қилиб, муайян иборанинг қайси тилдаги таржима варианты маъқул эканлигини аниқлайди. Бу бизнинг баъзи таржимонларимиз учун яхши ибратдир. Чунки кўпинча таржимонлар ўзларининг қардош ҳамжасабалари билан алоқа боғламасдан, ажралган ҳолда иш кўрадилар. Натижада ана шундай таржималарда жуда кўп ноаниқликлар ва хатолар юз беради.

Маълумки, мақол, матал ва идиомалар бадий асарнинг лексик қатламида катта ўрин тутувчи, унинг ғоявий мазмуни ва эмоционал қувватини чуқурлаштирувчи тил ҳодисаларидан саналади. Фразеологик иборалар асарда халқчиллик ва миллий колоритни юзага келтирувчи муҳим воситалардандир. Шунинг учун Ф. Саломов ўз китобида мақол ва идиоматик ибораларнинг шакл ва мазмун диалектикаси, фоне-

тик либоси ва унинг таржима вариантдаги хусусиятлари, бундай ибораларнинг келиб чиқиши, улар таркибидаги товуш ва сўзларнинг тартиби, шаклдош мақол ва идиомалар масаласини ёритишга катта эътибор берган. Бу эса, лингвистик нуқтан назардан ҳам, мақол ва идиомаларнинг бадиий хусусиятларини таржиманда сақлаб қолиш принципларини аниқлаш жиҳатидан ҳам катта қимматга эга. Бизда мавжуд икки тилли луғатлардан топиб бўлмайдиган кўпгина мақол, матал ва идиомаларнинг ўзбекча эквивалентларини бу китобдан топиш мумкин. Шунинг учун ундаги кўпгина фразеологик иборалар талқинидан келажакда икки тилли изоҳли луғатларда фойдаланса бўлади.

«Мақол ва идиомалар таржимаси» китобининг енгил, оммабон услубда, эмоционал-бадиий тил билан ёзилганлиги учун китобхон уни зерикмасдан иштиёқ билан ўқиб чиқади.

Ғ. Саломов китобда қатор нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Автор фақат ўзбек тилидаги мақол, матал ва идиоматик ибораларгина эмас, балки ажнабий, рус ва қардош тиллардаги баъзи ибораларнинг ҳам келиб чиқиш тарихи, этимологик томонларини кенг ёритишга уринади, баъзи ўринларда масаланинг ана шу томонига ортиқча қизиқиб кетиб, фразеологик ибораларни таржима қилиш принциплари ҳақида етарли маълумотлар бермайди, умумлаштирувчи хулосалар чиқармайди. Масалан, «Қудамнинг қудаси», «Емоннинг яхшиси бўлгунча...», «Жўжа товуқ очади», «Сув ўрнига қатиқ «ичирдилар» бобларида авторнинг нима демоқчи, қандай илмий хулосаларга келмоқчи бўлганлиги қоронғи бўлиб қолган.

Сўнгра, Ғ. Саломов мақол, матал ва идиомаларни ўзбек тилига таржима этиш масаласида мустақил ва ижодий йўл тутиб, китобхон учун мақбул жуда кўп таржима вариантларини тақдим этади. Бу — яхши. Лекин автор тақдим этган вариантларнинг ҳаммасини ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Масалан, «из мухи делать слона» идиомасининг «пашшадан фил ясаш» эквиваленти билан бирга «тигдай нарса ни туядай қилиб кўрсатиш» деган муқобил варианты ҳам бор. Автор шу идиоманинг илгари таржима қилинган иккита вариантини инкор этиб, ўз вариантини тақдим этадики, бу вариантнинг олдингилардан афзаллиги нимада эканлиги билинмайди. «Баъзи «икир-чикирлар» ҳақида» бобда «хоть на голове-то густо, но в голове пусто» мақоли «бошининг сочи қалин бўлса ҳам миёси пуч» тарзида таржима қилинган. Бу фонетик жиҳатдан ҳам, мантиқ жиҳатидан ҳам русча мақолнинг ўрнини босолмайди. «Мухи самой грош цена, а муки от неё много» фразеологик ибораси ўзбек тилига «пашшанинг пашшадай жони бору азоби сари зиёда» (126-бет) тарзида таржима қилинишини ҳам муваффақиятли деб бўлмайди.

Ғ. Саломов китобининг композицион структураси, умуман китобхон эътиборини ўзига жалб қила олади. Автор асарни ўқишни енгиллаштириш, ўқувчини қизиқтириш мақсадида сарлавҳаларни мақол ва идиоматик ибораларнинг ўзидан берган: «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», «Иш устасидан кўрқар», «Галнинг пўст калласи», «Нодон дондан ақли аҳмоқ яхши» ва ҳоказолар. Уларнинг тартиблаштирилишида ҳам маълум изчиллик, ўзаро боғланиш бор. Бу, шубҳасиз, асарнинг қизиқарли ва оригинал бўлиб чиқишида катта роль ўйнаган. Аммо сарлавҳаларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, бўлимларнинг майдалаштириб юборилганлиги маълум даражада композицион тарқоқликка ҳам олиб келган. Алоҳида-алоҳида сарлавҳалар остида берилган мақолларнинг таҳлилидан келиб чиқадиган хулосалар бир хил бўлгани ҳолда улар бир сарлавҳа остига бирлаштирилмайди. Бу эса, автор хулосаларининг ҳам турли қисмлар бўйича парчаланиб кетишига сабаб

бўлган. Бизнингча, «арифметик» мақол ва идиомалардаги «элаққа борган хотиннинг...» боби алоҳида сарлавҳада берилмаса ҳам бўларди, ёки «Осип ва Юсуф ҳамда Волков ва Бўриевлар ҳақида» боби билан «Кичини ажаблантирадиган оддий ҳодисалар» бобини қўшиш мумкин эди ва ҳоказолар.

Асар фақат таржимонлар ва таржимашунослар учунгина эмас, балки кенг китобхонларга шўлжалланган экан, мақол, матал ва идиомаларнинг маъмуни ва шаклини, таркибини таҳлил қилишдан ташқари уларнинг илмий аниқ таърифлари, бир-биридан фарқланувчи белгиларини ҳам ёритиб ўтилса, ўқувчи учун анча қулайликлар туғилган бўларди.

Ниҳоят авторнинг баъзан эътиборсизлиги натижасида китобда содир бўлган стилистик нуқсонларни ҳам эслатиб ўтмай бўлмайди. Автор «Таржимада «аниқ» сўзини тўғри тушуниш керак» бобида таржиманинг чинакам ижодий иш эканлигини муттасил уқтиргани ҳолда, «Таржимон ўз ёнидан текстга биронта ҳам сўз қўшишга, ундаги биронта ҳам сўзни олиб ташлашга, ёхуд уни ўзгартишга ҳадди йўқ» (41-бет) деган жумлаларни ҳам желтирадими, натижада фикрий қарама-қаршилиқ, чалкашлиқ келиб чиқади.

«Демак, образли асоси киши номларидан иборат бирикмаларни — мақол, матал ва идиомаларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш йўлларида бири — сўзма-сўз таржима қилиш усули билан таржима қилиб бўлмайди» каби жумлалар, шубҳасиз, таҳрир талаб жумлалардир.

Лекин бундай нуқсонлар анча юқори илмий савияда ёзилган бу китобнинг қимматини йўқотмайди. Ғ. Саломовнинг асарида қизиқарли ва бой фактлар мисолида мақол, матал ва идиомаларнинг табиати жуда яхши таҳлил қилиб берилган, уларни бошқа тилга таржима қилишнинг нозик усуллари умумлаштирилган. «Мақол ва идиомалар таржимаси» китобини ёш олимнинг таржимашунослигимизга қўшган муносиб ҳиссаси сифатида баҳоламоқ лозим.

Н. ШУКУРОВ, Р. ОРЗИБЕКОВ.

Йиллар ва одамлар

Истеъдодли ёш ёзувчи Улмас Умарбековнинг қалами ҳикоядан ҳикояга ўсиб, чархланиб бормоқда. У ўз асарларида шу куннинг муҳим, илғор тенденцияларини, одамларимизнинг онги ва муносабатида шаклланаётган янги, коммунистик белгиларни кўрсатишга кўпроқ диққат қилмоқда.

Улмаснинг аввалги баъзи ҳикояларида материалдан юқорига кўтарилиш, тасвирда изчиллик ва сиқиклик етишмас эди. У «Бобоёнроқ» китобида кичик ва оддий факт асосида катта гапни айтишга, ҳаётимиздаги ва одамлар онгидаги янги тенденцияларни акс эттиришга, муҳим ҳаётий ҳақиқатни очиб беришга эришади, давр ва маконни кенгроқ олишга, инсон тақдирини тўлароқ ва чуқурроқ кўрсатишга интилади. Улмас бу янги китобида йиллар ва одамлар тақдири ҳақида фикр юритади: даврни ҳам, одамларни ҳам ўтмиши, ҳозир ва келажги билан кўрсатишга интилади.

Бу фазилятни тўпламдаги ҳозирги замон темасидаги янги ҳикоялар учун эълон қилинган конкурсда мукофотга сазовор бўлган «Бо-

боёнғоқ» ҳикоясида ҳам, ёки «Меҳр» ва «Ҳайкал» сингари шингил ҳикояларда ҳам кўриш мумкин.

Автор «Бобоёнғоқ» ҳикояси учун воқелигимиздаги уй-жой қурилиши, халқимизнинг маданий-маиший аҳволининг яхшиланиши воқеасини асос қилиб олади.

Ғулмоқодир отанинг хотини ҳам илғор аёл бўлган, ўзи билан «ён-маён от чопиб босмачилар билан олишган». Уғли эса немис-фашистларга қарши жангда ҳалок бўлган. Ғулмоқодир ота ҳаёти ва оиласидаги воқеалар унинг бутун онги, фикрлаши, дунёқараши, юриш-туришида катта ўзгариш ясайди, унда ажойиб илғор совет кишисига ҳос фазилатлар туғдирадидики, булар унинг халқ, она-Ватан манфаати туғрисида қайғириши ва жон куйдиришида, меҳнат қилишда, оддий инсон тақдири ҳақида ўйлашида яққол намоён бўлади. У кишининг кўзи олдида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтган, катта тажриба эгаси, кеча, бугун ва эрта билан яшовчи, эл-юрт ичида иззат-ҳурматли, хушчақчақ ва мулоҳазали одам сифатида гадаланади. Лекин шундай илғор ва букилмас одам ўз уйининг бузилиши ва ундан катта йўл ўтишини эшитганда чуқур қайғуга ботади, ўзини қаерга қўйишни билмай қолади, томоғидан овқат ўтмайди: уйининг ўртасидаги бобоёнғоқ кесилиши керак. Ғулмоқодир отани ўзи туғилиб ўсган жойи ҳам, ота-боболарининг изи қолган уйларининг бузилиши ҳам, ёки уй рўпарасидаги олма, гилос, ўрик ва шафтолиларнинг кесилиши ҳам заррача қайғиртмайди. Йўқ, уни фақат шу бир туп ёнғоқ қийнайдики, чолнинг руҳий дунёсидаги бу чуқур кечирмаларни автор яхши ифодалаб беради ва ҳикояни чуқур психологик асар қилишга эришади.

Бобоёнғоқнинг ўз тарихи бор, унинг ўтмиши инсон тақдири билан боғланган: Ғулмоқодир ота Али қўрбошининг одамларини қувиб кетаётганда йўлда эндигина ниш урган ёнғоқ кўчатини «қўлида худди бир қимматбахо буюмдай маҳкам қисиб олиб», қонга бўялиб ўлиб ётган бир чолни кўради, маълум бўлишича, у ҳамқишлоғи Саидазим деҳқон экан, босмачилар ўлдириб кетибди. Ғулмоқодир шу кўчатни ўз уйига экади ва унинг уруғидан колхозда ёнғоқзор ҳосил қилади. Ғулмоқодир Саидазим орзусини амалга оширади, уйдаги кекса ёнғоқда ўша Саидазимни кўради, ҳатто у билан суҳбатлашади. Ота жамоатчиликнинг манфаатини ўйлаб, уни кесмоқчи бўлади. Гарчанд у бизга айтмаса ҳам, юрагида гўё бобоёнғоқ эмас, Саидазим ҳалок бўлаётгандек бўлади. Ғулмоқодир уни кесиш учун жуда кўп уринади, аммо бари бир уддасидан чиқа олмайди, кўзи қиймайди ва охири аррани отиб юбориб, янги уйга кўчиб кетади. Йўл қурувчиларнинг ўзлари кесиб олар, деб юрагига таскин беради. Бир ҳафтадан кейин келса, бобоёнғоқ кўчанинг ёнида турибди, кесилмабди...

Улмас Ғулмоқодир ота орқали давримиз учун типик қария образини ярата олган. Ҳикояда Ғулмоқодир отагина эмас, унинг невараси Мамадали, раис Абдужалил, қишлоқ Советининг раиси ҳам жонли чиққан. Асар интонацияси, қаҳрамонларнинг руҳий аҳволи воқеанинг ҳолатига қараб ўзгариб туради. Ёзувчи, ўрнига қараб, автор нутқини қаҳрамонларга, улар характериға қараб ўзгартириб боради.

Улмас тўпламдаги «Меҳр» ва «Ҳайкал» деган ҳикояларида ҳам оддий, кичик факт асосида муҳим ҳаётий ҳақиқатни очиб беришга эришади. Улар жуда сиқик, аммо фикрга бой. Кишини ўйлатувчи, унинг юрагига жизиллаб тегувчи ва ўз атрофимизда яшаётган одамларимизнинг бой маънавий гўзаллигини кўрсатиб берувчи бу асарлар авторнинг ютуғидир. Уларда поэтик фикр, чуқур лиризм, кўтаринки ва самимий руҳ бор. Улмас «Меҳр» ҳикоясида кичик бир ҳаётий деталь топади-да, шу асосда ажойиб поэтик хулоса чиқаради. Асарда

ҳикоячи билан чолдан бошқа ҳеч ким йўқ. У чолнинг исми ҳам, қиёфаси ҳам номаълум, ҳатто ҳикоячи ҳамда чол бир-бири билан муносабатга кирмайди, ҳам, бирор оғиз суҳбатлашмайдилар ҳам. Ҳикоячи саҳарда боғни сайр қилиб юрса, қоровул чол сада тагида қуш боласининг овозини тинглаб турган бўлади, чол чўқкалаб пол тагини қидириб бир қушнинг боласини топиб олади, уни эркалайди, оғздан сув беради ва сададаги уясига қўйиб, ўз иши томон кетади. Ҳикоячи бу воқеадан қаттиқ таъсирланади, бу воқеа унга даҳшатли уруш йилларини, тупроққа қоришиб ўлиб «ётган аёлнинг кўкрагини таталаб, чинқириб йиғлаётган бола»ни эслатади, ўзининг ўша даврдаги аҳволини, гўдаклик йилларини ўйлайди. Шунда бирдан унинг хаёлига мана бундай фикр келади: «Балки мени ўша офатдан қутқариб олган, ном берган одам шу чолдир? Фақат у кезлар халоскорим шинелда эди». Бу жуда тўғри ҳаётий ҳулоса бўлиб, авторнинг ўз қаҳрамонига ном қўймаслигини ҳам оқлайди. Демак, ёзувчи бу ерда ўша йигитни озод қилган одам ҳақиқатан ҳам шу чол деган фикрни эмас, балки у жангчи мана шу чолга ўхшаган бирорта совет кишисидир, бизнинг одамларимиз худди шу чолдай меҳрибон, ғамхўр, чин инсон деган ғояни олға суради. Кўринишидан оддий, кичик воқеа ёзувчи учун совет кишиларининг олижаноблиқ, инсонпарварлик фазилатини ючиб беришга имкон туғдирган.

«Ҳайкал» ҳикояси ҳам «Меҳр» ҳикояси каби кичик, мустақил, пишиқ асар. Лекин у ҳам мазмуни, ғоявий йўналиши ва шакли билан юқоридаги ҳикоянинг давомига ўхшайди. Гўё ҳалиги «Меҳр» ҳикоясидаги йигит ўша яхшилик қилган одамга ўзининг миннатдорчилигини билдираётгандай, унинг олдидаги ўзининг чин инсоний бурчини бажараётгандай туюлади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳикоячи йигит Қримга дам олгани боради, йўлда машинада кетаётганда Айиқ тоғнинг чўққисиди, «тақ-туқ» овоз эшитилади. Шофердан сўрайди. Унинг айтишича, Улуғ Ватан уруши йиллари фашистлар Қримга бостириб кирганда ўша ҳайкал йўнаётган боланинг ота-онаси, опасини ваҳшийларча ўлдирган экан, ўзини «бир солдатнинг ўлиги тагидан топишган» экан. У жангчи қорачадан келган бўлиб, ўзбекми, тожик ёки туркманми эканлиги ҳам номаълум бўлган. Ҳайкалтарош бўлиб етишган ўша етим йигит ана шу номаълум солдатга — халоскорига ҳайкал ўрнатаётган экан. Автор бу ҳикояда ҳам кичик томчида йиллар ва одамлар тақдирини, чин инсонлардаги доимий ва ўлмас фазилатларини, ҳаётнинг абадий оқимини акс эттиришга интилади.

Юқоридаги фактлар шундан далolat берадики, ўлмас кичик ҳикоя санъатини эгаллашда жиддий ютуққа эришаётир. Кичик ҳикоя ҳам ёзувчидан кичик, оддий нарсада даврнинг, ҳаёт қонуниятларининг ва тараққиёт тенденцияларининг ички, фалсафий моҳиятини умумлаштириб, очиқ беришни талаб қилади. Агарда топилган деталь, воқеа тилиқ ҳаётий бўлмаса, у ёзувчига тўғри, ҳаққоний ҳулоса чиқаришга, илғор ғояни ифодалашга монелик қилади. Ўлмас «Гуллар» деган кичик ҳикоясида шундай муваффақиятсизликка учраган. Унда автор мажтаб ўқувчиси бўлган бир қизчанинг кўчада одамларга гул улашиб юришини кўргач, шунга ўхшаш бошқа бир воқеани, яъни урушнинг дастлабки йиллари Оқилахон опа деган ўқитувчи ҳар куни синфга кириб ўқувчиларнинг ҳар бирининг ёнига ўтириб, «Ямоқ-ямоқ қўлқопи билан қўлларини силаб иситиши, кейин монпасье улашиши» воқеасини эслайди. Воқеа бундай: ҳикоячи ҳар куни ишга бораётганда ва қайтаётганда «қизиқ бир воқеанинг» гувоҳи бўлади. Бир қиз «мана гул! Кимга гул! Кеп қолинг!» дейди. Бундан, «қандай ота-она шундай тўқинчилик пайтида фарзандига гул соттиради? Бечора қиз» деб ҳай-

рон қолади ҳикоячи. Қизчадан, «олиб-сотарликдан бошқа ишинг йўқми?»— деб сўраганда, у мактабда ўзлари ўстирган гулларни одамларга текинга улашаётганлигини айтади. Ҳикоячи кечирим сўраб, йўлида давом этади. Ёзувчининг нияти аслида пулга сотишни қоралаш эмас, балки ўқишидан кейин ўзлари етиштирган гуллар билан одамларни баҳраманд қилувчи қиз воситасида Оқилахон опанинг фазилатини очиш ва бу фазилатнинг ёш авлодда ҳам давом этишини кўрсатиш эди. Афсуски, бу яхши ғоя ўтқинчи ва аҳамиятсиз факт соясида қолиб кетган. Сўнгра, ҳикоянинг қимматини пасайтирган бошқа сабаб ҳам бор. «Меҳр» ҳикоясида қўлланган приём-қолип бунда айнан такрорланган: унда қуш боласини ўз инига қўйган чол ва уруш даврида гўдакнинг ҳимоя қилиниши, бунда гул улашаётган қиз ва уруш йилларида Оқилахон опанинг болаларга монпасье улашиши тасвирланган. Бу ҳол Улмаснинг ҳаётни янада чуқурроқ ўрганиши, ундаги ҳар томонлама муҳим, илғор нарсаларни топа билиши ва уларни акс эттиришда тинмай янги-янги йўллар, приёмлар, воситалар қидириши кераклигини кўрсатади. Шу нарса қувончлики, Улмас Умарбеков баҳодир, тарихга бўй йилларимиз ва серфазилат одамларимизни, улардаги ягона, умумий хусусиятларни, воқелигимиздаги илғор тенденцияларни тобора чуқур ва ўзига хос равишда акс эттиришга интилмоқда.

С. МАМАЖОНОВ.

Ирмоқлар

Қиш бўйи қават-қават бўлиб тўнғиган музлар баҳор келганда эриб, жилғалардан пастга қараб йўл олади. Қуёш ҳароратини эмган бу биллур томчилар тоғ бағридаги тошлар билан олишиб-тортишиб ўзларига муносиб жой топиш учун тинмай ҳаракат қиладилар. Ниҳоят бу қатралар ирмоқларга бирлашади. ирмоқлар эса дарёлар билан бирикиб, сўлим водийларга шошилади.

Шоир Мирмуҳсин ўзининг яқинда нашр қилган шеърлар китобчасини «Ирмоқлар» деб атаганида, ундаги асарлар каттакон адабиётимиз дарёсига ҳисса бўлар, деган яхши ниятни назарда тутган.

Тўпламга кирган шеърларнинг тематикаси ранг-баранг. Уларда инсон улуғланади; фаровон ҳаёт омили — меҳнат куйланади; юраклардан-юракларга томир отган дўстлик ва қардошлик мотивлари мадҳ этилади; буюк Ленин ва Коммунистлар партияси шаънига олқиш сўзлари айтилади. Шоир инсон онги ва тафаккурини улуғлар экан, бу соҳада совет халқи эришган буюк муваффақиятларни фахрланиб тилга олади. Ракета ва Йўлдош кемаларимизнинг космосда парвозини кўриб ғурурланади. «Осмон каби чексиздир инсоннинг тафаккури» шеърини совет кишининг мағрур, қувноқ кайфияти акс эттирилган:

Бу — менинг ватандошим олимлар ихтироси

Бу — фаннинг юксалиши, бу — зўр илмий мўъжиза,

Қолоқлик, жаҳолатнинг тамоман инқирози,

Юлдузлар оламида инсон юлдузи сузар...

Шеърда совет фани яратган мўъжиза туфайли қалбларимизда жўш урган шодлик туйғулари, ғурур ҳислари умумлаштирилади. Бир-

гина «Инсон юлдузи» иборасининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб туради. Шоир илм-фан билан чироқ ёққан халқ фарзандининг меҳнатини улуғлаб, шундай дейди:

Фалакда учаверсин сайёрамиз ҳамма вақт,
Бу — камол, бу — тинчликдир, бу — фандаги буюк шон.
Илм-фаннинг ривожини инсоният учун бахт,
Фан билан чироқ ёққан завол топмас ҳеч қачон.

В. И. Ленинга бағишланган шеърларида шоир доҳийни порлаган ҳаётбахш қуёшга ўхшатади. Бу қуёшнинг нурлари тунни қувиб, қоронғиликни нур билан чулғайди, халқнинг онги ва қалбини ёритади, унинг катта ва кенг ҳаёт йўлига нур сочиб туради, деб куйлайди.

«Аппассионата» шеърда Мирмуҳсин В. И. Лениннинг гўзалликка бўлган ғоят чуқур инсоний муҳаббатини, Бетховеннинг «Аппассионата» сини тинглаганида унда пайдо бўлган юксак ҳис-туйғуни ифодалашга интилади:

Берилиб тингларди... у буюк юрак
Балки тўлқин отар мисоли денгиз.
Балки жонланарди қанчалаб тилак,
Балки бурлакларнинг охи солар из.
Балки эшитилар зулмдан нола,
Балки пайдо бўлар чақмоқ, инқилоб.
Балки юрагида оқар шалола,
Балки булут йиртиб тушар офтоб.

Дўстлик мотивларини тараннум этган асарлари орасида «Қонқардошлик» шеъри айниқса характерлидир. Бу шеър ўзининг халқ руҳига яқинлиги, бой бадий тасвир воситалари ва ғоявийлиги билан ажралиб туради.

Тоғдан оққан ирмоқлар
Қўшилиб дарё бўлур.
Қўл беришса ўртоқлар
Бир бўлиб дунё бўлур...

Мирмуҳсин шеърларида фикрни содда ва конкрет ифода қилишга интилади ва ҳар бир ишлатган поэтик деталда давримиз ҳақиқатини, ҳаёт гўзаллигини ифодалашга уринади, халқ тили бойликларидан: ма-тал, мақол ва афоризмлардан фойдаланади. Бу жиҳатдан «Заҳматкаш», «Энг ёш тоғ», «Она», «Ростгўйлик», «Йўқотиш», «Соҳибкор», «Севиб» ва «Ўзбекистон» шеърлари диққатга сазовор. Бу шеърларни ўқир экансиз, табиатнинг қувноқ ва сержилва ранглари, ошиқнинг севгилисига бўлган қайноқ меҳри, меҳнат аҳлининг образи кўз олдингизда жонланиб туради.

Шоир ишлатган, асарнинг руҳига сингдириб юборган «Мард қуёш-ни кўрар, номард лойни», «Тонгда турмаганнинг оқшоми бўлмас», «Бирни биров, кўпни меҳнат берар», «Талабчанлик таълимнинг ҳусни», «Қардош тилин билмоқ қадрдонликнинг бир белгиси» сингари мақоллар шеърларига ҳаётийлик ва сайқал бахш этган.

«Коммунистлар» шеърда тақдиру ҳаётимизни ишониб топширган-нимиз, энг яқин дўстимиз, талабчан ва қаттиққўл устозимиз ва мураббийимиз, жангларда халқни ғалабага бошлаб борган, унга янги ҳаёт, фаровон турмуш берган ғамхўр Ленин партияси мадҳ қилинади.

Шуни ҳам айтиш керакки, тўпلامдан ўрин олган шеърлар орасида ҳали бадий жиҳатдан пухта бўлмаган айрим бандлар, мисралар учраб туради. «Севги хати» шеъридаги кўпгина мисралар фикримизни тасдиқлайди.

Кўп бандлар борки, уларда автор поэтик фикр, муҳим бир гап айтилмайди. Шу шеърда қуйидагидай мантиқан бир-бирига ёпишмаган, жўн мисралар бор:

Севиб қолдим сени жондан ортиқ,
Сен дўст, фақат эмассан бир гул...

Китобда учрайдиган бундай камчиликлар «Ирмоқлар»даги баъзи асарларнинг каттакон адабиётимизга равон оқиб келиб қўшилишига халақит беради, албатта. Шундай бўлса ҳам, китобдаги асарларнинг асосий кўпчилиги бизга манзур бўлди.

**Эшонқул ҲАЙДАРОВ,
Моҳира АБДУРАҲМОнова.**



Ўзғодий

ПОРТРЕТАЛАР

М. ЕЛЕНИН

Александр Удалов

1935 йили «Ўзбекистон адабиёти» журналининг биринчи сонида «Ишчи автор кабинетида» деган кичик бир мақола босилди. Биз оддий ишчидан профессионал ёзувчи даражасига кўтарилган Александр Удаловнинг номини ана ўша мақолада учратамиз.

— «Кабинетнинг аҳамияти шундан иборатки,— деб ёзилганди ўша мақолада,— у иқтидорли бир неча шоир ва прозаикни юзага чиқарди. Мана, уларнинг баъзилари: гурунч заводининг комсомол ишчиси — шоир ва прозаик Александр Удалов...».

Бу ўтган йнгирма йил ичида А. Удалов оддий ҳаваскор ёзувчидан профессионал адабиётчи бўлиб танилди. Янгиликни ҳис қилиш, уни тўғри ва тез пайқаб олиш ҳаётий материалга ёндошиш ва факт-ҳодисаларни танлашда унга асосий ўлчов бўлиб қолган. Удалов ўз асарларига мазмун ва образларни халқ ҳаётидан қидириб, адабиётга коммунизм жамиятини қураётган ўз замондошларининг қаҳрамонона меҳнатларини куйлаб кириб келди.

А. Удалов китобхонлар орасида асосан прозаик сифатида танилди. У ёзган дастлабки ҳикоя ва очерклар Урта Осиёда гражданлар уру-



ши, босмачиларга қарши кураш, биринчи колхозларнинг барпо қилинишига бағишланган.

Ёзувчи кейинроқ фронтда ва мамлакат ичкарасида совет кишилари томонидан кўрсатилган оммавий қаҳрамонликларни ўз асарларида акс эттиришга киришди. Унинг кўпгина асарлари урушдан кейинги йилларда халқларимизнинг уруш жароҳатларини даволаб, социалистик қурилишда мисли кўрилмаган

ишлар қилаётганини кўрсатишга, душман вайрон қилган шаҳар ва қишлоқларни тиклаётганларнинг ҳаётини бадий ифода қилишга бағишланган.

А. Удаловнинг урушдан кейин яратган қатор повесть, ҳикоя ва очеркларида ёрқин келажак ишонарли қилиб кўрсатилади, колхозчи деҳқонларнинг эртаги кунга ишонч билан қарашлари бадий образларда тасвирланади. Унинг энг яхши асарлари оддий совет кишининг ҳалол ва ижодий меҳнатини улуғлаши билан характерлидир.

А. Удалов ўзининг бадий маҳоратини ошириш устида тинмай ишлайди. У замондошларимиз ҳаётидан оддий бир ҳақиқатни ҳикоя қилар экан, ўз қахрамонларининг характерини ёрқин чизиб беради, уларнинг эсда қоладиган портретларини яратади, персонажларнинг хатти-ҳаракатларини мантиқ ва психологик жиҳатдан асослашга катта эътибор беради. Кузатувчанлик, қахрамонлар руҳининг диалектикасини кўрсатишга эътибор бериш, кайфиятларни ҳаққоний очиб берувчи аниқ психологик деталлар, асарда қатнашувчи шахсларнинг руҳий дунёсини ёритадиган ёрқин пейзаж лавҳалари А. Удаловнинг энг яхши асарларида яққол кўзга ташланиб туради.

А. Удалов болалар учун ҳам кўпгина асарлар яратди. Болалар ҳаёти тематикасига ёзувчининг қизиқиши тасодифий эмас, унинг биографияси бу темага мурожаат қилишни тақозо этади.

Александр Андреевич Удалов 1914 йилда Симбирск (ҳозирги Ульяновск) шаҳарида этикдўз оиласида туғилган. Унинг отаси Кайзер германиясига қарши урушда ҳалок бўлган эди. Саша йигирма биринчи, очарчилик йили Тошкентга келди. Кўп ўтмай, узоқ касалликдан сўнг онаси ҳам вафот этди. Катта шаҳарда ёлғиз қолган Александрни «Қизил Шарқ» заводининг мастери Удалов ўзига ўғил қилиб олди. Андрей Ефимович ўз замонасининг илғор кишини, Тошкентдаги

революцион воқеаларда қатнашган ишчи эди. У адабиётга жуда қизқар, баъзан шеърлар ёзар ва кичкина Сашани ҳам бу ишга қизиқтирар эди. Андрей Ефимович ишдан келгач, кечқурунлари ўғилчасига Пушкин асарларини, Тургенев, Чехов, Толстой ҳикояларини ўқиб берар эди.

Удаловларнинг бола-чақалари йўқ эди. Эр-хотин асранди ўғилга эъти мод қўйиб, уни меҳр билан тарбияладилар.

Ҳар якшанба кuni ота-бола шаҳардан ташқарига балиқ овига чиқарди. Андрей Ефимович уста балиқчи бўлиб, балиқ сероб жойларни беш бармоғидай билар, Ўзбекистоннинг ажойиб табиатига шайдо эди. Рус ва ўзбеклардан кўп дўстлари бўларди. Одамлар кекса чилангар Удаловнинг хушчақчалиги, ақллилиги ва оддий инсоний фазилатлари туфайли яхши кўришарди.

Александрнинг ёшлик таассуротлари қип-қизил лола билан қопланган чўл, серсув Сирдарё, Тошкент атрофидаги шукуҳли боғлар, тоқзорлар билан боғлиқ. У мактабда ўқиб юрар экан, бўш вақтларида боққа кириб олиб, ўзини қизиқтирган нарсалар ҳақида шеър ва ҳикоялар ёзиб, машқ қилар эди. У ўзининг «Ўқитувчи» ҳикоясини ёзган вақтида энди ўн беш ёшга кирган эди.

Углининг адабиётга бўлган ихлосини сезиб қоляб, Андрей Ефимович уни диққат билан кузатиб борди. Биринчи машқларидаги ҳаётий фактлар қашшоқлигини, автор айтмоқчи бўлган фикрнинг хиралигини оталарча, рўйирост танқид қилди. У Александрга, аввал ўқишни битир, ишла, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тот, ана шундан кейин ёзишга кириш, деб насиҳат қилар эди.

А. Удалов 1932 йилда мактабни битирди ва отасининг насиҳатини қулоғига олиб, заводга ишга кирди. Бу ерда аввал қурувчи, сўнг-ра юкчи бўлиб ишлади. Шу билан бирга, ўзининг ижодий машқларини ҳам давом эттирди.

1933 йилда Александр Удаловнинг бошига мусибат тушди — тутинган отаси тўсатдан вафот этди.

А. Удалов денгизчи бўлишни ҳавас қиларди. У бу орзусига етиш учун Красноводскка борди-ю, натижасиз, яна заводга қайтиб келди. Энди у турбиначилик ҳунарини ўрганишга киряшди.

Бу вақтларда А. Удалов денгизчилар ҳаёти темасида шеър ва ҳикоялар ёзди. («Қасоскор», «Ҳодиса» ва бошқалар). Уни романтик тарихлар, баджаҳл капитанлар, дойора денгизчилар образлари қизиқтирарди. Шу йиллар у ўзининг унча кўп бўлмаган асарларини тўплаб ёзувчилар союзига боришга журъат қилди.

Ёзувчилар союзининг консультанти унинг ёзганларини ўқиб чиқиб, шеърларини ёқтирмади, шеър ёзишни ташлашга маслаҳат берди, Удаловнинг ўзи кутмаганда «Чўпонлар» ҳикоясини маъқуллаб, бостириб чиқаришга ваъда берди.

Ёзувчилар союзида «Ишчи автор кабинети» ташкил қилинганлигини А. Удалов газетадан ўқиб билган эди. Бу ерда бир қатор ёш ёзувчилар билан танишди, дўстона ижодий муҳитда ишлай бошлади. Ижодининг камол топишида Тошкентга келган П. Павленко, М. Шагинян ва П. Скосиров сингари совет адабиётининг кўзга кўринган вакилларининг таъсири катта бўлди. «Ишчи автор кабинети»даги машғулотлар Удаловнинг билимини, тажрибасини оширди, ҳикояларининг композиция ва сюжети устида қунт билан ишлашга ўргатди.

1936 йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналининг март сониде Удаловнинг «Мардлик» ҳикояси чиқди. Бунда ёзувчи бир учувчининг ҳаётидаги жанговар эпизодни ҳикоя қилган.

Александр Удалов 1936 йилдан бошлаб республика газета ва журналларида ўз асарларини мунтазам равишда бостириб турибди. Унинг Урта Осиёда граждeнлар урушига бағишланган бир қатор ҳикоялари «Комсомолец Узбекис-

тана» газетасида («Разведкада», «Атака», «Семённинг ўлими» ва бошқалар) босилди.

Уша даврдаги асарлари ичида «Семённинг ўлими» ҳикояси анча пишиқ, воқеани таъсирли, ишонарли ҳикоя қилиб бериши билан бошқа ҳикояларидан юқори туради. Ҳикоянинг бир неча марта босилиши, тўпламларда қайта-қайта чиқиши ҳам китобхонга унинг манзур бўлганлигини кўрсатади.

Ҳикоянинг темаси — граждeнлар уруши; у оғир йилларда совет халқи кўрсатган қаҳрамонликларга бағишланган. Юнкерлар ва оқ казаклар ҳужумга ўтадилар. Ишчи отрядлардан тузилган қизиллар шаҳарнинг шимолий қисмини қаҳрамонона ҳимоя қилиб, сон жиҳатидан кўп бўлган душман ҳужумини қайтарадилар. Бу асарда бир неча кишининг: отряд командири Лукьянов ва унинг иккита ёш фарзанди Володя ва Аня, ниҳоятда ботир ва соф кўнгил жангчи Семённинг тақдири кўрсатилади.

Ҳикоянинг бошланишида келтирилган пейзаж ўқувчини ўша серташвиш давр муҳитига олиб кириб кетади, унда маълум бир кайфият туғдиради. «Кўчаларда чироқлар ёнмайди, — деб ёзади А. Удалов, — ойни қора булутлар қуршаб олган. Кеча сокин, тим қоронғи. Уюму юм қор. Ер бир оз музлаган.

Аллақайси станцияда паровоз чинқирди. Бу тунда унинг овози узоқдан ташвишли эшитиларди. Ҳар бир дақиқада тревога бўлиши мумкин».

Уйқудан уйғонган Семён ва Лукьянов болалар билан шошилинч хайрлашиб, штабга жўнайдилар. Жанг бошланади. Оқлар командирнинг болалари қолган районни ҳам ишғол қиладилар. Лукьянов ўз болаларининг очлигидан ташвишланади, аммо бундай мушкул бир пайтда отрядни ташлаб кетишга ҳам ҳаққи йўқ. Шу пайт Семён қўлтиғига нон қистириб олиб, командирнинг уйи томон жўнайди. Ҳар дақиқа ўлим таҳдид қилиб туришига қарамай, юнкер

ва оқ казаклар ишғол қилган кўча бўйлаб олдинга юради. Аммо у энди остонага қадам қўйганида душман ўқиға дуч келади.

«... Эшик ланг очилиб кетди ва улар (болалар) ўзларига таниш одамнинг шамдай оппоқ юзини кўрдилар.

— Сёма амаки! Сёма амаки!— деб ирғишлай бошладилар.

Семён уларга қараб жилмайиб қўйди, лекин бирдан боши ён томонга шилқ этиб тушди. У эшикнинг кесакисини ушлаб қолди. Кейин остонадан ҳатлаб ўтди-да, гандираклаб, кўкраги билан ерга гурс этиб қулаб тушди. Унинг қўлтиғидан қора булка нон тушиб, четга учиб кетди.

Болалар гоҳ тужурка ичида қалтираётган жасадга, гоҳ нонга қараб, бир лаҳза эсанкираб қолишди. Сўнгра, бақриб юборишди, чинқириб йиғлашди...

Эшикдан изғирин ёпирилиб кирди, болалар қўрққанлариданми, совуқданми, дағ-дағ титрашарди».

Ҳикоя Совет ҳокимиятини ҳимоя қилувчиларнинг кундалик қаҳрамонона ҳаёти, оддий кишиларнинг маънавий фазилатларини, революцион гуманизмни кўрсатади. Унинг ғояси ана шу.

1937 йилда А. Удаловнинг биринчи ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Шу китобидан учта ҳикоясини маслаҳат ва ижодий ёрдам сўраб Михаил Александрович Шолоховга юборади. Бир оз фурсат ўтгач жавоб келади.

«Сизнинг бу нарсаларингиз ҳали гўрроқ,— деб ёзди Михаил Шолохов,— аммо маҳорат ёзувчиларнинг ҳеч қайсисига осмондан тушмаган. Тиришқоқлик билан ўрганиш, камолга етабориш лозим. Танишларингизнинг бошингизни айлантирадиган яхши маслаҳатларини камроқ тингланг... Яхшини ёмондан мустақил равишда ажрата билишга одатланиш керак. Ана ўшанда бир нарсa чиқади...».

Буюк совет ёзувчисининг хати А. Удаловнинг ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Журналда ишлаб

юрган кезларида у республиканинг кўп жойларида бўлди, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳаёт билан чуқур танишди, повестлар ёзди, ҳикоя, лавҳа ва йўл хотиралари газеталарда босилиб турди.

Удалов ўзининг маълумотини, адабий билимини ошириш учун қўнғ билан иш кўрди. Кўп нарсa ўқиди, Ўзбекистон ёзувчилар союзидаги адабий ҳаётга фаол қатнашди. У ҳар бир асарни ўқиганда унинг ҳар жумла қурилишига, сўзларнинг ишлатилишига ниҳоятда диққат қилди. Образларни, характерларни, ҳолатларни ёритишда, бадиий асар тилини ишлашда классик ёзувчилардан ўрнак олди. 1940 йилда Тошкентга келган Мариэтта Шагиня Удаловнинг адабиёт соҳасида қилган хизматига алоҳида эътибор берган эди¹.

А. Удаловнинг 1940 йили «Ўзбекистон тонги» альманахида босилган «Марина» повести унинг ёзувчилик маҳоратини эгаллашда, ижодий юксалишида бир қадам олдинга силжиш бўлди.

А. Удалов ўз асарининг асосий қаҳрамони қилиб кулак Наумовнинг қизи Маринани олади ва унинг тақдирини кузатади, коллективга келиб қўшилиб, қишлоқ хўжалик артелининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб олган деҳқон қизи характерининг шаклланишидаги ҳар хил этапларни кўрсатади.

Улуг Октябрь социалистик революцияси деҳқон қишлоғини асрлар давомидаги ғафлат уйқусидан уйғотиб юборди, асрлар давомида ҳукм суриб келган қолоқ анъаналарни парчалаб ташлади, шиддатли синфий курашда қатнашувчи болаларни эскилик қолдиқларига маҳкам ёпишиб олган оталарга қарши чиқишга мажбур қилди. Бундай курашлар фақат граждaнлар уруши йиллари учун хос бўлган эмас, балки кулакларга қарши кураш, биринчи колхозларни барпо қилиш йилларида ҳам давом этган.

¹ «Литературная газета»нинг 1940 йил 9-сонига қаралсин.

Турмушни революцион асосда қайта қуриш натижасида оиладаги зиддият ҳодисалари бирмунча совет ёзувчиларининг диққатини жалб қилган эди. (В. Лациснинг «Янги соҳил сари», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романлари, М. Шолоховнинг баъзи ҳикояларини бунга мисол қилиб кўрсатса бўлади). Лекин А. Удалов бу темани Ўзбекистон адабиётида биринчи бўлиб кўтариб чиққан эди.

Повестни ўқир эканмиз, Марина билан, унинг қизалоқ чоғида, Урта Осиёдаги рус қишлоқларидан бирида танишамиз. Ёзувчи у ўсиб тарбияланаётган шароитни ҳаққоний тасвирлайди. Маринанинг отаси Павел Егорович Наумов образини китобхоннинг эсида қоладиган қилиб яратади. Наумов иштирок этган атиги бир неча эпизоднинг ўзиде (ёмғирли кунларнинг бирида лойга ботиб қолган от юкни балчиқдан тортиб чиқаролмагани учун жонворни шафқатсиз калтаклаш, отанинг ўз қизига тажовуз қилишига уриниши) қулоқларнинг чинакам афт-башарасини очиб ташлаш учун, уларнинг қабиҳлигини, разиллигини кўрсатиш учун кифоя.

Марина билан отаси ўртасидаги кескин муносабат, Урта Осиёда колхоз тузумининг барпо қилиниши ва мустақкамланиши фонидида қиз онгининг ривожланиши асарнинг сюжетини ташкил қилади.

Марина отасининг жоҳиллиги, бе-раҳмлиги, қурумсоқлиги туфайли уни илгаритдан ёмон кўрар эди. Унга оиласидаги чиркин тартиб, молпарастлик ёқмасди. Марина борган сари мана шу оила муҳитидан қутулиш учун ўзида кучли майл сеза бошлайди. Бу майл бошда стихияли бўлса, кейинроқ унинг онгига сингиб, ниҳоят, уйини ташлаб чиқиб кетишга олиб боради. У шаҳарда ишга кирилади. Беш йил ўтгач, ўзи туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб келади, колхозга қабул қилишларини сўраб ариза беради. Маринани унча яхши билмайдиган баъзи ҳамқишлоқлари унга шубҳа билан қарайдилар, кулак Наумов-

нинг қизи колхозга зарар етказиш учун қайтиб келган, деб ўйлайдилар. Бундай муносабат қизга руҳий азоб беради. Шу пайтда кулак қилиниб, бутун мулкидан айрилган Павел Наумов ҳам қайтиб келган бўлади. У қишлоқда колхоз тузилишига интилаётганлардан ўч олиш ниятида ҳар хил режалар тузади. Марина отасининг шум ниятга билиб қолиб, у билан очиқ курашга отланади. Отаси олдида тортиниш, ундан қўрқиш сингари туйғуларнинг ўрнига отасига нисбатан газаб-нафрат пайдо бўлади. Бу нафрат синфий душманга қарши ўтли нафрат эди.

Табиийки, повестда бошқа сюжет линиялари ҳам бор. Александр Удалов Мариналарнинг қишлоғига адашиб кириб келган етим бола Максим ва унинг кейинчалик колхоз раисига муовин бўлиб қолиши ҳақида қизиқ воқеани ҳикоя қилиб беради. Марина билан Максим ўртасидаги дўстликнинг йилдан-йилга оташин муҳаббатга айланиб бориши повестдаги қизиқ жойлардан биридир.

Повестнинг биринчи саҳифаларида Маринага ҳақиқий йўлни топишда ёрдамлашган Тўлаган билан танишамиз. Тўлаган ташкилотчи бўлиб ўсади, колхозчилар уни ўзларига раис қилиб сайлаб оладилар.

Марина, Максим ва Тўлаганларнинг бир-бирларига муносабати севиб тасвир қилинган, ёзувчи бу муносабатларни ёшлар психологиясини яхши билган ҳолда ишонарли қилиб кўрсата олган. Ҳар учала образ ҳам авторнинг муваффақиятидир.

Повест материалли пухта ўрганганлиги, авторнинг турмушни яхши билиши қишлоқда яшовчи одамларни уларнинг бутун урф-одатлари билан кўрсатишда, портрет ва лавҳаларни чизишдаги халқчилликда, персонажларнинг тилида, авторнинг чекинлишида ва деталларда яққол кўриниб туради. Асардаги чиройли манзаралар (кеч куз манзараси, момақалдиروқ тас-

вири, Кўк сув соҳили ва бошқа картиналар) китобхонни ўзига мафтун қилади.

Аммо, «Марина» повестини камчиликлардан бутунлай холи деб ҳам бўлмайди. Унинг экспозицияси бирмунча чўзиб юборилган, баъзан қўйилган масалалар сунъий равишда мураккаблаштирилган, колхознинг пули йўқолиши, Маринадан домонгир бўлишга оид ситуациялар етарли асослаб берилмаган. Удалов «ҳикояда ҳикоя» приёмини суистеъмол қилади, қаҳрамон бошда кўзга ташланади-да, ҳаракат қила бошлайди, ана шундан кейин эса «кетига қайтиб» биографияси билан бизни таништиради.

Улуғ Ватан уруши, бошқа бир қатор ёзувчилар каби, Александр Удалов ижодиёти учун ҳам катта мактаб бўлди. Буюк курашнинг биринчи кунидан бошлаб у ўзининг қаламини жонажон Ватанни ҳимоя қилишга, душманни тор-мор қилиш ишига сафарбар қилди. Унинг 1941 йилда ёзган «Петька Бубенец», «Ўткинчи», «Таня» ва бошқа ҳикоялари (булар «Улуғ Ватан урушида болалар» циклига кирди) коммунизм ишига садоқат, фашизм устидан қозониладиган ғалабага ишонч ва совет ватанпарварлиги ғоялари билан суғорилган.

1943 йилнинг бошларида Александр Удалов фронтга кетади. Совет жангчиси номли дивизион газетада инструктор бўлиб ишлаб, совет жангчи ва офицерларининг қаҳрамонлиги, фидокорлиги ҳақида ҳикоя ва очерклар яратиб, газетада бостирди. Унинг бу пайтда ёзган асарлари ичида мерганлар ҳақидаги очерклар ва «Қасос» ҳамда «Болалар» ҳикоялари диққатни жалб қилади.

«Қасос» ҳикоясидаги воқеалар «Семённинг ўлими»даги воқеаларни эслатади. Бунда ҳам ҳикоянинг марказида иккита бола: чаққон, абжир йигитча Сенька ва унинг синглиси Ася берилади.

Аммо А. Удаловнинг гражданлар уруши тўғрисидаги ҳикоясида болалар воқеа ва ҳодисаларнинг пас-

сив кузатувчилари қилиб берилган эди. Бу ҳикоясида эса, улар воқеа ва ҳодисаларда бевосита иштирок этадилар — улар оғир ярадор қизил аскарни меҳрибонлик билан тарбият қилишади, ҳаётлари хавф остида қолишига қарамай, унга озиқ-овқат топишади. Ҳикоянинг сўнгида гитлерчи солдатларнинг таҳқирлашига ортиқ чидай олмаган Сенька (фашист аскарлари улардан нон тилаган болани ўйинга тушишга мажбур қилган эдилар) уларга граната ташлайди. Партизанларнинг қўққисдан қилган ҳужумлари болани ўлимдан сақлаб қолади.

Фашист армиясининг энг оддий инсоний хислатлардан ҳам маҳрум, бутунлай ҳайвонлашиб, одамхўр бўлиб кетган вакиллари (Ганс, Крамер ва бошқалар) ўқувчида битмас-туганмас қаҳр-ғазаб уйғотади. Душман самолётларининг тинч аҳолини бекордан-бекорга бомбардимон қилиши, мол ҳайдаб кетаётган болаларни ҳаводан ўққа тутиши («Болалар» ҳикояси) уларга нисбатан китобхоннинг чексиз нафратини қўзғайди.

Мана шундай бомбардимон натижасида Яшанинг ҳалок бўлиши асарга ҳеч қандай пессимистик руҳ бермайди, аксинча, ҳикоя урушнинг қийин йилларида совет болаларининг Ватанни ҳимоя қилишларини куйлаб, китобхонда ифтихор туйғусини уйғотади.

1946 йил Совет Армияси сафидан келган А. Удалов Тошкентда «Звезда Востока» журнаliga ишга кирди. Мана шу журнал саҳифасида (1948 йил) унинг янги повести босилади. «Жоним билан» деган бу повестда автор тинч ижодий меҳнатга қайтиб келган ғолиб жангчи ҳақида ҳикоя қилади. Повесть тарихий воқеа асосида ёзилган. Кузатувлар, турмуш тажрибалари, баён қилинаётган воқеалар, қаҳрамонларнинг характерлари билан яхши ошна бўлганлиги, ёзувчилик маҳорати жонли тасвир, оммабоп шакл, янги приёмлар топишга ёрдам беради.

Повестининг ғояси М. Горькийнинг асарга эпиграф қилиб олинган қуйидаги ажойиб сўзлари билан ифодаланган: «Инсонни ҳурмат қилиш лозим! Унга ачинмаслик, ачиниш билан уни ерга урмаслик керак». Бу ғоя кўзи ожиз бўлиб қолган ёш офицер Юрий Волошин тақдири мисолида бадий ифода этилади: Москвадаги госпиталда узоқ ётган Юрий ҳамшира Лиданинг кузатувида Тошкентга қайтади. У хавотир олади: дўстлари, ўртоқлари, урушнинг бошиданоқ алоқаси узилиб қолган севгилиси Светлана уни қандай кутиб олар экан? Бироқ унинг хавотирлари бекор бўлиб чиқади. Дўстлари, армияга чақирилгунча ишлаган завод раҳбарлари Волошинни тантана билан кутиб оладилар, унинг ёнида парвона бўладилар, ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун кўмаклашадилар. Юрий ўз бахтини топади.

Юрий Волошин образида Удалов ҳар қандай тўсиқлардан қўрқмайдиган, меҳнатсевар, севикли Ватани яшнатиган йўлида жонини ҳам аямайдиган, мард курашчи, олижаноб янги совет кишиси образини яратишга уринади. Коллектив билан, халқ билан зич алоқа қилиш жангчига қийинчиликларга қарши курашда куч бағишлайди; касалликни енгишга ишончини мустаҳкамлайди. Юрий Волошин — профессор Максим Максимович, медицина ҳамшираси Лида Уржумцева, кекса пенсионер хотин Вера Николаевна, завод хизматчилари Барат Ниёзов, Жуманиёз Содиқов ва Светлана Кирюшина сингари ажойиб одамлар орасида яшайди.

Бу муҳит унинг ҳаётга бўлган илгариги интилишини қайта уйғотади, улуғ ишлар қилиб заҳмат чекаётган, буюк ўзгаришлар ясаётган совет кишилари сафига қайтаради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Юрий Волошин ҳаётидаги айрим ҳолатлар энгил тасвирланган, унинг урушдан кейинги ҳаётида оғирликни енгиши, тўсиқлардан ўтиши осон содир бўлади.

Александр Удалов «Жоним би-

лан» повестидан сўнг Улуғ Ватан уруши темасига яна қайтди, ўзининг эски кузатувлари, материаллари асосида «Урмон» деган бирикчи повесть ёзди. Бунда ҳам ёзувчи Совет Ватани учун олиб борилган буюк курашда болаларнинг иштироки ҳақида ҳикоя қилади.

Повестнинг воқеаси гитлерчилар оккупация қилиб олган Смоленскдаги Уруга қишлоғида содир бўлади. Ун икки ёшлик Алёшка Синицин фашист қабрига «Итга ит ўлими!» деб ёзиб кетади. Комендант қишлоқ аҳолисини тўплайди ва ҳаммани қувғин қиламан деб дағ-даға солади, болани топиб беришларини талаб қилади. Кафилга олинган олти кишини отиб ҳам ташлайди, лекин ғазоби қайнаган халқ қоровулларни қириб ташлаб партизанларнинг олдига кетади. Шундан сўнг фашистларга кун бўлмай қолади. Гитлерчилар бу қишлоқни ташлаб кетишга мажбур бўладилар.

Бу повестда ёзувчи маҳоратининг ўсанлигини таъкидлаш зарур. Автор воқеани образли қилиб сиқик ифодаларда баён қилади, фашист босқинчиларнинг қўрқоқлиги, маккорлигини усталик билан ифода этади. Повестда душманга қарши ғазаб-нафрат туйғулари яққол акс этиб туради.

Александр Удалов «Звезда Востока» журналида ишлаб юрган кезларида республика бўйлаб кўп сафар қилди, коммунизм қураётган қаҳрамон халқнинг ижодий меҳнатини ўрганди, кўпгина очерклар ёзади. Бу очерклари алоҳида тўплам бўлиб чиқди.

«Белоруссиялик қиз» очеркида ёзувчи уруш вақтида Ўзбекистонга кўчиб келиб қолган Татьяна Уманецнинг колхозчи Мамажон Жўраев уйида қандай қилиб янги оила қурганлигини ҳикоя қилади. Тўпламдаги очеркларни ватанпарварлик, пролетар интернационалиزم, халқлар дўстлиги, озод, бахтли меҳнатни мадҳ этиш мақсади бири-бирига боғлаб туради.

1950 йилда Александр Удалов

«Замондошларим» деган янги китоб нашр қилди. Бу китобга повесть, ҳикоя ва баъзи очерклари киритилган.

1951 йилда А. Удаловнинг «Ёз кунларининг бирида» повести босилиб чиқди. Бунда автор бир колхоз қишлоғи, унинг ажойиб одамлари, Совет ҳокимияти йилларида етишган қишлоқ интеллигенцияси ҳақида ҳикоя қилади.

1952 йил Александр Удалов республика бўйлаб узоқ саёҳатга чиқди. Чоржўйдан то Тахиатошгача Амударё бўйлаб сузди, сўнгра, машинада Қорақумни кесиб ўтди. Уч ойга чўзилган бу саёҳат натижасида ёзувчи янги таассуротлар, материаллар тўплайди, янги танишлар орттиради. У Тошкентга қайтиб келиб, чўлни забт этаётган мард кишилар, геологлар, гидротехниклар, қурувчилар, сувчилар ҳақида бир қатор очерк ва ҳикоялар ёзди.

А. Удалов 1955 йили ўзининг «Биринчи қор» повестини бостирди. Бу лирик асар биринчи севги, қаҳрамонона меҳнат, совет кишисининг юксак маънавий фазилатини кўрсатишга бағишланади.

...Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида колхозчи қиз Гулшан Собирова қўшни колхоз бригадири Юнус Арслонов билан танишади. Бу ёшлар бир-бирлари билан жуда иноқлашиб, кейинчалик севишиб қолишади. Улар Ўзбекистонга қайтиб келгач, хат ёзиб туришга ваъдалашиб, хайрлашишади. Лекин қизнинг севги ҳислари билан тўла хатларига йигитдан ҳар замонда бир жавоб келади. Гулшан севиклисидан хавотир олиб, унинг олдига боради. Борса, Юнус Соли бедонабоз таъсирига тушиб қолиб, ҳушига келса ишлаб, ҳушига келмаса ишламай юрган экан. Ҳатто у пахтаси тоза териб олинмаган ерни ҳайдаб юборибди. Колхознинг умумий мажлиси чақирилиб, колхозчилар Юнуснинг кирдикорларини қаттиқ танқид қилишади, бригадирликдан олиб ташлашади. Бунинг устига Гулшан етиб келади. Юнуснинг баҳоналарига қулоқ солмай, биринчи

муҳаббатининг ҳақоратланганлигига чиданмай, бошини олиб бошқа томонларга кетмоқчи бўлади.

Бу повесть темасининг янгилиги ва шу теманинг янгича ҳал қилиниши жиҳатидан диққатга лойиқ. Сюжети жуда тез ўсиб боради. Воқеалар Гулшан Юнуснинг колхозига келгандан сўнг айниқса қизнинг тус олади. (Экспозиция қизнинг йўлдаги хотираларида берилади). Бу ерда ёзувчи ўзининг бошқа асарларида кенг қўлланган манзара лавҳаларига ўрин беролмаган. Асарнинг бош қаҳрамони Гулшаннинг ишларини психологик жиҳатдан асослаш ҳам жуда қисқа.

«Биринчи қор» повести кўпгина муҳим масалалар устида китобхонни ўйлатиб қўяди. Унда одамларнинг коммунистик тарбияси ҳақида муҳим масала кўтарилган. Автор Гулшан Собирова, колхоз раиси Қилич Бектемиров, Душан амаки, Соли бедонабоз образлари устида қунт билан ишлаганлиги учун повесть муваффақиятли чиққан.

Александр Андреевич Удалов кейинги йилларда ҳам Ўрта Осиё тематикасини чуқур ва изчил ишлашда давом этиб, қатор асарлар яратди. Бу ўринда унинг «Дунёни кашф этувчилар» («Костя Спиридоновнинг ҳаёти ва саргузаштлари») повестини кўрсатиб ўтиш керак.

Ёзувчининг болалар тематикасига янгиликдан мурожаат этиши тасодифий эмас, албатта. Юқорида кўриб ўтганимиздай, у болалар ҳақида ва болалар учун қатор асарлар ёзган, уларнинг психологиясини, интилиши ва одатларини диққат билан ўрганган.

Янги асарда ёзувчи 1952 йили Амударё бўйлаб қилган саёҳати пайтида тўплаган материалларини асос қилиб олган. Повесть қаҳрамонларидан Петя Плужников ва Костя Спиридонов ўзлари учун бутунлай янги дунёга дуч келиб қолиб, унга жуда ҳам қизиқиш қоладилар, воқелигимиз билан танишиш, жонажон ўлкани ўрганиш процессида иштирок этиб, маънавий жиҳатдан бойийдилар. Жонажон дўст

Костя ҳам Петя бизнинг кўз ўнгимизда ўсаборди, Костянинг ишчанлик, мустақиллик ва Петянинг билимга қизиқиш, табиатни ўрганиш ҳаваслари, характерлари шаклланади.

А. Удалов ўз қаҳрамонларининг эндигина бошланиб келаётган ҳаёт йўлларини енгиллаштирмайди. Уларнинг мураккаб ҳаёт йўлларини ишонарли қилиб ҳикоя қилади.

Костя Спиридонов урушда ота-онасидан жудо бўлиб, бир баджаҳл, нокас аёлнинг қўлида тарбияланади. У шндас, одамовироқ ва салга жаҳли чиқадиган бўлиб ўсади. Бундай аҳволга тушиб қолган болаларни ёмон йўлга бошлаш жуда осон, бироқ уни меҳрибон, шафқатли, чинакам совет кишилари (Петянинг ота-онаси, вожатий — Ойқиз, милиция бўлими хизматчиси Александра Борисовна ва капитан Аҳмедов) таъсирида у чинакам инсон, жамия-

тимиз учун фойда келтирадиган киши бўлиб етишади.

«Дунёни кашф этувчилар» повести китобхонни ўлкамизнинг ажойиб табиати билан таништирибгина қолмайди, балки бу ўлкани севиб қолишга мажбур этади. У одамларни яшашга, ёш граждандарнинг маънавий дунёсига ҳушёрлик билан муносабатда бўлишга ўргатади.

А. Удалов ҳозирги кунда Ўзбекистон ва унинг ажойиб меҳнаткаш халқи ҳақида очерк ва ҳикоялар, коммунистик меҳнат бригадалари ҳақида сценарий ва роман яратиш устида иш олиб бормоқда.

А. Удалов асарларида серқуёш Ўзбекистонни севиш, меҳнатсевар ўзбек халқига улуғ ҳурмат яққол сезилиб туради. У яратган образлар жонли ва табиийлиги билан китобхон хотирасида сақланиб қолади.





«ХУРМАТЛИ УРТОҚ МУҲАРРИР!

Журналингиз саҳифаларида ўзимнинг Фаргона ҳақида ёзган шеърларимни ўқиб беҳад қувондим. Бу шеърлар қалбимнинг бир парчасидай ўзимга азиз, чунки гўзал водингиз ва унинг ажойиб кишилари оташин муҳаббатдай юрагимга ўрнашиб қолган.

Поляк шеъри ўзбек китобхонига маъқул бўлса гоят бахтиёрман. Мен ҳам

Журналимизнинг ўқувчиси, врач ва ёзувчи Ҳаким Зоҳидий Садриддин Айнийнинг ҳеч қаерда эълон қилинмаган қўйидаги хатини редакциямизга топширдим. Бу ҳужжат улур адибнинг ўзбек адабиётига самимий ғамхўрлигини ифодалаш жиҳатидан китобхонларимиз эътиборига сазовордир.

«Уртоқ Ҳаким ЗОҲИДИЙ!

23 октябрда нашр бўлган 210-сонли «Қизил Ўзбекистон» газетасида сизнинг «Тортиқ» номли бир очеркингизни ўқидим. Бундан бурун ҳам (ёз кунларида бўлса керак) медицина мавзусига оид бир ҳикоячангизни ўқиб эдим. Шундаёқ сизда ҳикоячилик таланти борлигини сезган эдим. Аммо у ҳикоянгиз тақлидий бир нарса эди (чунки ўшанга ўхшаш ҳикоялар ўзбек ва тожик матбуотида бир неча марта чиққан эди), лекин ҳар ҳолда, талант борлигини исбот қилишга етарли эди. Чунки талантсиз киши тақлид йўли билан ҳам бир ишни қила олмайди. Лекин «Тортиқ» оригинал, шунинг ила баробар, совет воқелигини акс эттирган реал бир парчадир. Таҳрир жиҳатдан ҳам унча камчилиги йўқ, мавзу яхшигина ечилган, иштирокчилар тўла тасвирланган. Фақат монтаж ва техника жиҳатидан бир оз камчилиги бор; менинг фикримча, уч юлдуз остидаги материални энг охирга кўчириш,

ўзбек ғазалларини поляк шеърхонларига етказиш учун кўлимдан келганча ҳаранат қилаётирман. Ажойиб шоир Ғафур Гуломнинг бир неча шеърини, Алишер Навоий лирикасини таржима қилдим. Ишим давом этмоқда.

Ташақкур ила
В. СЛОБОДНИК.

Варшава».

энг охирдаги бир бўлак материални унинг ўрнига ўтказиш, тортиқни ифодалайдиган жумлаларни биринчи юлдуз остидан қирқиб олиб, бошқача таҳрир қилиб, охирига қистириш муносиброқ ва ўқувчи учун қизиқарлироқ бўлур эди.

Бу мактубдан асосий мақсад сизнинг талантингизни мақташ, ёинки ҳикоянгиз тўғрисида маслаҳат бериш эмас, балки сиз орқали ўзбек совет адабиётига бир фикр айтиш эди. Маълумки, Жюль Верн ўзининг хаёлий — фанний ҳикоя ва романлари билан ғарб адабиётига катта хизмат қилди, ҳатто унинг баъзи хаёллари ҳақиқат бўлиб чиқди. Сиз ўзбек совет адабиётида медицина фанини бадий ҳикоялар орқали акс эттиришингиз ва ҳатто янги кашфиётлар йўлида хаёлий фикрлар юргизиб, янги ҳақиқатларнинг вужудга келишига йўл очишингиз мумкин. Бунинг учун ўз касбингиз бўлган медицина ишига яна ҳам жиддийроқ машғул бўлишингиз, бу фан мутахассисларининг фикр ва маслаҳатларини диққат билан эшитишингиз, бу мавзуда ёзган ҳикояларингиз агар муваффақиятсиз чиқса, маънос бўлмаслик, агар муваффақиятли чиқса мағрурланмаслик, ҳар икки ҳолда ҳам ўқувчилар ва ўртоқларнинг маслаҳатларига ва танқидий фикрларига камтарлик билан қулоқ солишингиз керак.

Бу мактубнинг асосий мақсади мана шу хусусларни сизга маълум қилиш ва сизнинг бадий талантингизни шу йўл билан ишга солишдир. Агар ҳозирча «Тортиқ» каби кичкина очерклар ва ҳикоялар ёзаверсангиз, келажакда шу

мавзуда катта романлар вужудга келтиришингиз мумкин. Ўртоқлик саломи билан:

С. АЙНИ.

Самарқанд, 1949 йил, 25 октябрь».

* * *

ТИЛАКЛАР

«Шарқ юлдузи» журналининг 1961 йил 1 ва 2-сонларида филология фанлари кандидати Олим Усмовнинг «Зулмат ичра нур» сарлавҳали мақоласи босилди. Мақолада тўрақўрғонлик Исҳоқхонтўра (шоир Ибрат)нинг илмий, адабий фаолияти, маърифатпарварлиги, унинг рус ва ўзбек халқлари орасидаги дўстлик, ҳамжиҳатликни ривожлантириш соҳасидаги жонбозлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилган эди.

Бу мақола ўқувчиларимизга жуда манзур бўлиб, улар шу муносабат билан ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзиб юбормоқдалар.

Сурхондарё область, Китоб районидаги 25-мактаб ўқитувчилари Мелиқулов ва Ҳалимов ўртоқлар Исҳоқхон — Ибрат фаолиятининг прогрессив аҳамиятини таъкидлаб: «Исҳоқхоннинг айрим асарларини нашр қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди» деб ёздилар.

Наманган шаҳар музейининг илмий ходими Т. Бойхонбоев, «Наманган ҳақиқати» газетасининг ишчи мухбири А. Шарафиддинов, Наманган шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм кечки ёшлар университетининг тингловчиси З. Ёқубов ўртоқлар: «Наманган шаҳар музейида Ибрат ҳаётини ва ижодий фаолиятини кўрсатувчи алоҳида бўлим очилса жуда ҳам яхши бўлар эди» деб хоҳиш билдирганлар.

Сурхондарё область, Китоб районидаги 25-мактаб ўқитувчиларидан Н. Рўзиев, Н. Каримов, Э. Қаломов ва Овлоназаров ўртоқлар: «Исҳоқхоннинг «Олти тил лугати» ва «Фарғона тарихи» китоблари нашр қилиниб, биз китобхон-

ларга етказишни сўраймиз» деб илтимос қилганлар.

Тўрақўрғон район 3-сон мактабнинг тарих ўқитувчиси Г. Ғофуров бундай деб ёзди:

«Ўн беш йил Тўрақўрғонда яшаб истеъдодли шоир, сайёҳ, маърифатпарвар ва олим Исҳоқхонтўра (Ибрат) ҳақида жуда кўп хотираларни эшитган эдим. Бизнинг мактабда ўлкани ўрганиш тўғараги бор. Ҳозир бу тўғарак «Ибрат номидаги ўлкани ўрганиш тўғараги» деб аталади. Тўғарак аъзолари билан Ибрат яшаган жойларга, унинг ҳовлисига экскурсияга бордик. Олим Усмов мақоласида зикр қилинган кўп фактларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Халқ Ибрат яшаган жойни «Гулбоғ» деб атаган. У ерга нима ниёт билан келганимизни билган колхозчилар, айниқса Исҳоқхонтўрани шахсан билган қариялар бизни зўр эҳтиром билан қарши олдилар. Унинг ўйларини, боғларини, унинг қўли теккан нарсаларни кўрсатдилар. Замондошлари билан суҳбат қилганда, биз уларнинг кўзларида севинч ёшларини кўрдик. Халқ бу тарихий ёдгорликларни қайта тиклашни сабрсизлик билан кутмоқда».

РЕДАКЦИЯДАН:

Кўпгина хатларнинг авторлари Исҳоқхонтўра каби тарихий тараққиётимизда прогрессив роль ўйнаган сиймоларнинг фаолияти билан таништириб боришимизни сўраганлар. Редакция ўқувчиларининг бу истакларини ҳисобга олиб, бундан сўнг ҳам шу хилдаги материалларни ёритиб боради.

* * *

ЧИН САДОҚАТ ҚИССАСИ

Журналимизнинг бултурги февраль сони чиқиши билан мамлакатимизнинг турли бурчакларидан редакцияга, ўзининг тўнғич асарини эндигина эълон қила бошлаган янги авторимиз Вали Ғафуров номига кўплаб хатлар кела бошлади. Ишчилар, ўқитувчилар, олимлар, студентлар, вахтакорлар, врачлар, солдатлар — деярли ҳамма касбдаги китобхонлар «Вафодор» романини зўр ҳаяжон билан мутолаа қилганларини тўлиб-тошиб ёздилар. Қардош Тожикистонда

ҳарбий хизмат адо этаётган Хошимжон Маматқулов, Адҳамжон Қодиров ўртоқлар ёзувчи В. Ғафуровга шундай деб мурожаат қиладилар: «Муҳтарам Вали ака! Асарингиз чинакам ҳаётининг романидир. Она-Ватанга содиқ оддий совет қишлоқларига хос ажойиб ҳаётингизнинг ўзи ёш авлодга ҳар тарафлама ибратлидир. Сиз ёшларимизнинг ҳаммашалик йўлдоши ва ажралмас дўсти Николай Островскийдек икки марта катта қаҳрамонлик кўрсатдингиз. Ватанимиз бошига

огир кунлар тушганда олов ва қон кечиб халқ озодлиги ва бахтини ҳимоя қилишда жонингизни аямадингиз — бу бир қаҳрамонлигингиз. Дунёга келган кундан оқ сизни шайдо ва махлиё қилган, боқиб-боқиб тўймаганингиз шу ёруғ оламни умрбод кўришдан маҳрум бўлганингизда ҳам тушқунликка тушмадингиз: китоб ёздингиз! Китоб! — Бу иккинчи қаҳрамонлигингиздир. Раҳмат Сизга!»

Яна бир хатда эса шундай дейилади: «Қадрли Валижон ака! Мен ҳозир йигирма ёшдаман. Сиз бу ёшда икки кўзингиздан ажраб қолгансиз. Ана шу вақтда икки кўзингизни миллионлаб мен каби совет ёшларининг ҳаётини сақлаб қолиш учун фидо қилгансиз. Бу чинакам қаҳрамонлик.

Асарингиз қаҳрамони Рустам Шокировни севган ёри Муҳаббат армияга кузатар экан шахло кўзларини йигитдан узгиси келмайди. Унинг ёниб турган кўзларини бундан кейин шу ҳолда кўрولмайдигандай тикилиб туради. Ҳақиқатан ҳам икки ёр кўришганда қиз кузатар чоғи чақнаб турган кўзларга энди абадий қоронғилик чўккан эди. Аммо Рустамжоннинг Ватан ва халқ муҳаббати билан гурс-гурс уриб турган юрагини жон қуроғи билан тинглаб турган қиз ўз ёрини аввалгидан ҳам кучлироқ севади. Биз ҳам, Валижон ака, Рустамжон ҳаётини саҳифама-саҳифа ўқиб, уни Муҳаббат каби борган сари қаттиқ севиб қолавердик ва уни ҳаётимизда ажралмас йўлдош қилиб олдик. Хабаровск шаҳри, 175-1 ҳарбий қисм, солдат К. Эргашев».

Тошкентдаги медицина институтининг нерв касаллар клиникасининг ассистенти ўртоқ А. Муҳаррамова ҳам «Вафодор» авторига илиқ ва самимий гаплар айтади: «Хурматли Ғафуров! Сизнинг жозибали романингиз тўғрисидаги биринчи хабарни «Литературная газета»дан ўқидим ва тезлик билан «Шарқ юлдузи»нинг асарингиз босилган ҳамма сонларини йигиб олиб мутолаага киришдим ва мана ҳозир сўнги саҳифадан бош кўтардим. Журнални ёпгим келмайди».

«Бир ёш китобхон қатори, қолаверса ўглингиз қатори чин юракдан Сизга раҳмат дейман «Вафодор» китобингиз учун!» — деб Вали Ғафуровга мурожаат қилган Андижон область, Янги-кўрғон район Заркент қишлоқ советига қарашли Некрасов номидаги ўрта мактабнинг рус тили ўқитувчиси Оташ Холмиразев ўз хатининг давомида романдаги баъзи образларни таҳлил қилиб, асарда дўстлик ва садоқат темаси ёрқин акс этганлигини айтади. Хат автори Рустамжон, Муҳаббат, Фозил Светлана каби ижобий қаҳрамонларнинг ҳаёти ва кураши ёш авлодга энг яхши ибрат ва ўрнак бўлишини алоҳида таъкидлайди. Китобхон Оташ Холмиразевнинг бу фикрларини унинг ҳам-

шаҳари Абдуллажон Тўлақов ёзган биргина хатдаги фактнинг ўзиёқ тасдиқлайди. Мана ўша хат: «Ҳозирги кунимизда ҳам олий ўқув юртини тамомлаб, ишга тайинланган жойга бормаи, баъзи қийинчиликлардан қўрқиб, ўзини енгил ишга ураётган баъзи бир ёшлар камдан-кам бўлса-да, учраб туради. Мен «Вафодор»ни ўқигач шундай ёшларнинг ҳолига ачиндим. Чунки улар жамиятда қўлдан келганча хизмат қилишдек олижаноб ишдан ўзларини ўзлари маҳрум қилиб қўядилар. Мен ўзим институтни битирдим. Олган билимимни ёшларга бериш учун қишлоққа ўқитувчи бўлиб кетаёлман. Кўз ўнгимда сеvimли китобларимдан бири «Вафодор» романининг бош қаҳрамони Рустамжон гадаланиб туради, менга мадад беради». Самарқанд область, Самарқанд район, Сочоқ қишлоқ советига қарашли 26-ўн бир йиллик мактаб муаллимлари Э. Раҳматов, С. Тўраев, Шарқий Қозоғистон область, Сайрам район, Киров колхозидagi медицина ходими М. Раҳмонова, шу райондаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси И. Тўлаганов ва бошқа кўплаб китобхонлар В. Ғафуров асарига юксак баҳо берадилар, хасталигига қарамай автор бу асарни яратиб натта жасорат кўрсатганини айтиш билан бирга, романининг бадий содда ва гўзал тил билан ёзилганини, асар композицияси ихчам ва усталик билан қурилганлигини сўзлайдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, В. Ғафуровнинг чин садоқат қиссаси минглаб адабиёт ҳаваскорларига илҳом ва гайрат бағишлади. Вали Ғафуровга эргашиб астойдил ижод қилишга бел боғлан ҳаваскорлардан бири самарқандлик Ашроф Иброҳимовдир.

У «Вафодор» авторига шундай миннатдорчилик билдиради: «Ёшлигимдан адабиётга ҳавасим бўлса-да, кўзим ожизлиги сабабли ижодий иш билан жиддийроқ шугулланолмай юрардим. Сизнинг асарингизни ўқиб бениҳоя илҳомландим, ўзимда беихтиёр куч сездим, худди сиз сингари кўзи ожизлар учун чиқарилган махсус китобларни мутолаа қилишни ўргандим, итна билан шеър ёзиб машқ қила бошладим. Шундан бўён Тошкентда татар тилида чиқарилган «Ленин байроғи» газетасида бир қанча шеърларим босилди. Ҳозир янги шеър ва ҳикоялар устида ишламоқдам. Сизга юрак-юрагимдан ташаккур айтаман».

Яқинда башариятнинг бирдамлик байрами 1 Май муносабати билан Вали Ғафуровга Павел Корчагин ватанидан — Шелетовна шаҳридан табрик хати келди. Н. Островский музейи ходимлари «Пўлат қандай тоблани» китобидан илҳомланиб «Вафодор» асарини ёзган ўзбек адабини байрам билан қутлайдилар.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

Ўзбек шеърляти антологияси. Беш томлик. I. Том. Халқ шеърлий ижоди. 312 бет. Баҳоси 82 т. II том. Классик шеърлят. 458 бет. Баҳоси 86 т. III том.

Классик шеърлят. 440 бет. Баҳоси 79 т. IV том. Совет шеърляти. 508 бет. Баҳоси 1 с. 16 т. V том. Совет шеърляти. 528 бет. Баҳоси 1 с. 08 т.

СОВЕТ ЁЗУВЧИЛАРИ АСАРЛАРИ

С Абдуқаҳдор. Бетга айтганнинг заҳри йўқ. Масаллар, пародиялар, ҳажвлар. 96 бет. Баҳоси 16 т.

С. Анорбоев. Хозяин степного колодца. Очерк. 52 бет. Баҳоси 6 т.

П. Бажов. Бургут пати. (Ҳикоялар кутубхонаси, № 7.) 32 бет. Баҳоси 4 т.

Б. Боксер. Шон-шараф йўли. Очерк. (Етти йиллик қаҳрамонлари.) 48 бет. Баҳоси 5 т.

Г. Брянцев. По тонкому льду. Повесть. 500 бет. Баҳоси 96 т.

Э. Воҳидов. Тонг нафаси, Поэма ва шеърлар. 56 бет. Баҳоси 11 т.

Б. Дамнинов. Одамдан яхши ном колсин. Очерклар. (Етти йиллик қаҳрамонлари.) 68 бет. Баҳоси 7 т.

В. Закруткин. Кунгабоқар. (Ҳикоялар кутубхонаси, № 9.) 54 бет. Баҳоси 6 т.

Ҳ. Зиёхонова. Биринчи мактуб. Ҳикоялар. 96 бет. Баҳоси 12 т.

С. Зуннунова. Қанот. Ҳикоялар. 28 бет. Баҳоси 3 т.

Н. Зарян. Ацаван. Роман. 436 бет. Баҳоси 82 т.

О. Иброҳимов. Теран томирлар. Роман. 276 бет. Баҳоси 60 т.

А. Қодирый. Скорпион из алтаря. Роман. 252 бет. Баҳоси 54 т.

Мирмуҳсин. Қизил дурралар. Лавҳалар. (Етти йиллик қаҳрамонлари.) 32 бет. Баҳоси 4 т.

И. Муқимов. Қизилқум паҳлавони. Очерк. (Етти йиллик қаҳрамонлари.) 32 бет. Баҳоси 32 т.

Ғ. Мусина. Зулфиянинг ижодий йўли. 84 бет. Баҳоси 22 т.

Ғ. Мусрепов. Чалқар. Ҳикоялар. 116 бет. Баҳоси 19 тийин.

А. Наумов. Стихи. 44 бет. Баҳоси 24 т.

Х. Нугман. Повесть о старой любви. 144 бет. Баҳоси 39 т.

Э. Охунова. Тонгда. Шеърлар. 64 бет. Баҳоси 8 т.

А. Панов. Человек, которого она любит. Повесть. 112 бет. Баҳоси 37 т.

А. Раҳими. Баландтепинские были. Рассказы. («Янги ҳикоялар») 56 бет. Баҳоси 6 т.

И. Раҳим. Зангори кема напители. Повесть, ҳикоя ва очерклар. 144 бет. Баҳоси 39 т.

У. Рашид. Умр қўшиқлари. Шеърлар. 64 бет. Баҳоси 12 т.

Савд Аҳмад. Ойдин нечалар. Ҳикоялар. 172 бет. Баҳоси 16 т.

Савд Аҳмад. Тюльпаны на речной глади. Рассказы. 56 бет. Баҳоси 6 т.

Т. Сайдалиев. Тухфа. Шеърлар. 64 бет. Баҳоси 9 т.

Х. Салоҳ. Инкинчи имтиҳон. Поэма ва шеърлар. 88 бет. Баҳоси 19 т.

Н. Сафаров. Золотой месяц. Рассказы. 48 бет. Баҳоси 5 т.

Т. Сидиқбеков. Тоғ орасида. Роман. Ўзбек тилида. 384 бет. Баҳоси 84 т.

К. Симонов. Штрихи эпопей. Очерк. 54 бет. Баҳоси 6 т.

Ш. Тошматов. Эрк қуши. Роман. 280 бет. Баҳоси 60 т.

С. Тилля. Мамаджан ата из Папа. Очерк. 28 бет. Баҳоси 3 т.

Н. Тихонов. Танланган асарлар. 184 бет. Баҳоси 50 т.

Туроб Тўла. Оромижон. Қўшиқлар. 80 бет. Баҳоси 11 т.

А. Удалов. Рассказ офицера. 24 бет. Баҳоси 3 т.

Уйғун. Ҳаёт чақиради. Шеърлар. 92 бет. Баҳоси 18 т.

У. Умарбеков. Бобоёнғоқ. (Ҳикоялар). 24 бет. Баҳоси 3 т.

Д. Файзий. Қалбим сеники. Поэма ва шеърлар. 64 бет. Баҳоси 15 т.

Е. Ҳанмов. Садоқат. Ҳикоялар. 160 бет. Баҳоси 19 т.

Л. Шабшай. Жук. Сатира и юмор. 60 бет. Баҳоси 9 т.

Ш. Шомақсудов, С. Долгимов. Кенг уйнинг келинчаги. 224 бет. Баҳоси 46 т.

М. Шарипов. Ғайратий. (Адабий-танқидий очерк.) 132 бет. Баҳоси 34 т.

М. Шолохов. Асарлар. Саккиз томлик. 1 том. Ҳикоялар 424 бет. Баҳоси

87 т. 3 том. Тивч Дон. Иккинчи китоб. 460 бет. Баҳоси 89 т.

Шукрулло. Икки қоя. Поэма. 52 бет. Баҳоси 13 т.

О. Юхнов. Прыжок в 2001 год. Юмористические рассказы. 60 бет. Баҳоси 7 т.

О. Ёқубов. Муқаддас. Повесть. 88 бет. Баҳоси 14 т.

М. Қоратоев, А. Брагин. Қўшиқ қанотида. 95 бет. Баҳоси 17 т.

И. Қобилов. Ватанпарвар шоир. (Шоир Султон Жўра ҳақида.) 72 бет. Баҳоси 19 т.

Ғ. Фулом. Ленин ва шарқ. Шеърлар. 196 бет. Баҳоси 50 т.

Ҳ. Фулом. Куба ҳақида ҳикоялар. 68 бет. Баҳоси 7 т.

ЧЕТ ЭЛ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ

А. Аббос. Ҳиндистон фарзанди. Роман. 424 бет. Баҳоси 1 с. 40 т.

А. Ал-Баётий. Қувғиндаги сатрлар. Шеърлар. 104 бет. Баҳоси 20 т.

И. Вазов. Жўш ур. Марица. (Ҳикоялар кутубхонаси, № 3.) 36 бет. Баҳоси 5 т.

О. Гелри. Сўнги япроқ. (Ҳикоялар кутубхонаси, № 6.) 48 бет. Баҳоси 5 т.

Минг бир кеча. Араб эртанлари. Саккиз томлик IV том. (270—434 кечалар.) 472 бет. Баҳоси 1 с. 66 т.

П. Мериме. Таманго. Ҳикоя. 52 бет. Баҳоси 5 т.

Поэты Турции. Рус тилида. 136 бет. Баҳоси 34 т.

Р. Тагор. Асарлар. Саккиз томлик. Тўртинчи том, Ҳикоялар. 388 бет. Баҳоси 68 т.

Сурия ёзувчиларининг ҳикоялари. 112 бет. Баҳоси 31 т.

Файз Аҳмад Файз. Шеърлар. 120 бет. Баҳоси 19 т.

Юлиус Фучик. Ўрта Осиё ҳақида. 320 бет. Баҳоси 1 с. 7 т.

Қалбак танга. Лотин Америкаси мамлакатлари ёзувчиларининг ҳикоялари. 388 бет. Баҳоси 68 т.

«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ

А. Абдуразоқ. Йўллар. Поэма. 28 бет. Баҳоси 5 т.

А. Алматинская. Клятва солицу. Повесть. 56 бет. Баҳоси 13 т.

Г. Борян. Ҳа ва йўқ. Шеърлар. 48 бет. Баҳоси 7 т.

Э. Вахидов. Восход. Поэма. 32 бет. Баҳоси 4 т.

Жюль Верн. Клодиус Бамбарнак. Повесть. 224 бет. Баҳоси 54 т.

А. Волков. Волшебник изумрудного города. Повесть. 112 бет. Баҳоси 47 т.

А. Гайдар. Дым в лесу. Рассказы. 32 бет. Баҳоси 6 т.

З. Днёв. Нега хўроз қичиради тонгача. Эртақ. 12 бет. Баҳоси 8 т.

Зар кокилли йигит. (Ўзбек халқ эртанлари.) 12 бет. Баҳоси 2 т.

Г. Карпенко. «Тамбу-Ламбу»ни излаб. Повесть. 60 бет. Баҳоси 12 т.

Ким Дев Ше. Радостное письмо. Рассказы. 32 бет. Баҳоси 6 т.

Л. Лагин. Чол ибн Хаттоб. Эртақ-повесть. 336 бет. Баҳоси 72 т.

Г. Матвеев. Ўн етти ёшли қизлар. Повесть. 624 бет. Баҳоси 1 с. 16 т.

С Маршак. Почта. Шеърлар. 20 бет. Баҳоси 12 т.

П. Мўмин. Газ полвон эртақ айтар. Шеърлар. 32 бет. Баҳоси 6 т.

Ҳ. Назаров. Карим Девонани излаб. Повесть. 184 бет. Баҳоси 45 т.

Н. Носов. Билмасвой қуёш шаҳрида. Эртақ роман. 296 бет. Баҳоси 81 т.

Нукуслик бола. Қорақалпоқ шоирларининг шеърлари. 65 бет. Баҳоси 9 т.

Нурбек. Бирга ишлаймиз. Шеърлар. 16 бет. Баҳоси 3 т.

З. Рыбак. Обязательный поцелуй. Сатира и юмор. 80 бет. Баҳоси 14 т.

Сайёр. Бошсиз ҳайкал. Поэма. 40 бет. Баҳоси 4 т.

С. Смирнов. Крепость на границе. Очерк. 96 бет. Баҳоси 31 т.

Л. Толстой. Уч айиқ. Эртақ 16 бет. Баҳоси 2 т.

Ш. Шомухамедов. Ойнаи жаҳон. Ўзбек тилида. 100 бет. Баҳоси 32 т.

Шухрат. Мангулик. Балладалар. шеърлар. 100 бет. Баҳоси 10 т.

С. Қўқонбеков. Жўхори полвон. Шеърлар. 12 бет. Баҳоси 11 т.

Ш. Фуломов. Ёрқин уфқлар. Повесть. 60 бет. Баҳоси 34 т.

МУНДАРИЖА

	Бет.		Бет.
Шукрулло. Тинчлик момақалди-ро- ги. Шеър	3	Мақсим Каримов. Шеърлар	108
Жуманиёз Жабборов. Она ва бола. Шеър	3	Ҳабиб Саъдуллаев. Шеърлар	109
✓ Абдулла Қаҳҳор. Тобутдан товуш. Пьеса	4	Анвар Исроилов. Шеърлар	112
✓ Ойбек. Болалик. Повесть	32	Асад Фозилов. Шеърлар	114
М. Шолохов. Очилган қўриқ. Роман	56	Эгам Ражаб. Шеърлар	115
ҚАРДОШЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА		Жамол Камолов. Шеърлар	116
Владимир Луговой. Фарҳод кеча- си. Шеър	73	Ҳамида Каримова. Шеърлар	117
Виктор Гусев. Фарғона ошпази. Шеър	74	Абдулла Орипов. Шеърлар	119
Ярослав Смеляков. Ғўза шонаси. Шеър	76	Мухтор Худойқулов. Шеърлар	120
Евг. Евтушенко. Самарқанд бозори. Шеър	76	Омон Мухторов. Шеърлар	122
Семён Шихарев. Мина. Ҳиноя	77	Румин адабиётининг классиги	123
Толиб Йўлдош. Шеърлар	85	Ион Лука Караджале. Заифлик занжири. Ҳиноя	124
Раҳим Бекниёз. Замондошларим. Очерк	86	БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ	
ПУБЛИЦИСТИКА		Умарали Норматов. Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар	127
Ҳаким Назир. Баҳор мамлакатади	94	ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ	
ЯНГИ НОМЛАР		Н. Шукuroв, Р. Орзибеков. Таржи- машуносликка муносиб ҳисса	137
Усмон Қўлдош. Шеърлар	105	С. Мамажонов. Йиллар ва одамлар	140
Гулячехра Нуриллаева. Шеърлар	106	Э. Ҳайдаров, М. Абдураҳмонова. Ирмоқлар	143
		ИЖОДИЙ ПОРТРЕТЛАР	
		М. Еленин. Александр Удалов	146
		Редакция почтасидан	155
		Янги китоблар	158

Масъул муҳаррир: Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ҳаким НАЗИР, МИРМУҲСИН,
Назир САФАРОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, ШУҲРАТ (масъул секретарь).

Техник редактор Ғ. И. Илёсов.

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“ № 6

Орган Союза писателей Узбекистана

Объединенное издательство «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока»
и «Ўзбекистони Сурх»
Ташкент — 1962.

«Шарқ юлдузи» редакциясининг адреси:
Тошкент, 1 Май кўчаси, уй № 20. Телефон № 25663.

Теришга берилди 22/V 1962 й. Босишга рухсат этилди 16/VI 1962 й. Ҳозир
формати 70×108¹/₁₆. Физ листи 10. Шартли босма листи 13,7. Наҳрийёт ҳисоб
листи 14,2. Тиражи 20860. P01609. Нашр № Г-2372. Заказ №1010.
Баҳоси 50 тийин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган
нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент — 1962 йил.